2026 йил 2 февралрда
Бошқарув баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартнома

(2026 йил 2 февралдан кучга киради)

Тошкент 2026

МУНДАРИЖА:

1.	**УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**	**3-4**
2.	**АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР**	**4-11**
3.	**ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**	**11-15**
4.	**ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**	**15-24**
5.	**ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**	**24-26**
6.	**МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ**	**26-32**
7.	**МАХФИЙЛИК**	**32-33**
8.	**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР**	**33-34**
9.	**УНИВЕРСАЛ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**	**34**
10.	**ФОРС-МАЖОР**	**34-35**
11.	**ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**	**35**
12.	**БАНКНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**	**35**
	ИЛОВАЛАР № 1 - 15:	
№1	«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича универсал шартномага қўшилиш тўғрисида Омавий Оферта	**36-37**
№2	Талаб қилиб олингунча депозитларни очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий Шартлари	**38-43**
№3	Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий Шартлари	**44-58**
№4	Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг Умумий Шартлари	**59-78**
№5	«Овердрафт» маҳсулотининг Умумий Шартлари	**79-88**
№6	«Микрозайм» маҳсулотининг Умумий Шартлари	**89-102**
№7	«ANOR NASIYA» муддатли тўлов картаси маҳсулотининг Умумий Шартлари	**103-117**
№8	«ANOR BANK» АЖДА жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича универсал шартномага қўшилиш ҳақида ариза-сўровнома	**118-119**
№9	Шахсий маълумотларни олиш ва қайта ишлашга розилик	**120-125**
№10	Жисмоний шахслар учун халқаро тўлов тизимларининг банк карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг умумий шартлари	**126-140**
№11	«Автокредит» маҳсулотининг Умумий Шартлари	**141-156**
№12	«Ўз-ўзини банд қилган шахслар учун» маҳсулотининг Умумий Шартлари	**157-169**
№13	«Кредит карта» маҳсулотининг Умумий Шартлари	**170-183**
№14	«AnorEx» маҳсулотининг Умумий Шартлари	**184-189**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Универсал шартнома ва унга бўлган Иловаларга мувофиқ «ANOR BANK» АЖда (кейинчалик «Банк») жисмоний шахсларга масофавий мажмуавий банк хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

Универсал шартномага қўшилиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358, 360, 367, 369 ва 370-моддаларига мувофиқ қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

а) Универсал шартнома доирасида Банк томонидан кўрсатиладиган барча банк хизматларига тақдим этиш учун, Мижозни Банк ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ идентификация қилиш учун зарур бўлган Ариза-Сўровномани (8-Илова) Мижоз томонидан имзолаб; ва/ёки

б) «ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага қўшилиш ҳақидаги Оммавий офертани қабул қилиб (1-Илова), акцептланган Оммавий оферта доирасида рақамли идентификациядан ўтган мижозлар учун Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Универсал шартнома бўйича банк чакана хизматларининг чекланган спектри кўрсатилади;

в) «ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага қўшилиш ҳақидаги Оммавий офертани қабул қилиб (1-Илова), акцептланган Оммавий оферта доирасида идентификация қилинмаган Мижозлар учун Универсал шартнома бўйича банк чакана хизматларининг чекланган спектри кўрсатилади.

Банк Мижоз томонидан Банкка тақдим этилган маълумотларга асосан, агар қонунчилик билан бошқа қоида кўзда тутилмаган бўлса, Мижозга хизматларни тақдим қилиш ҳақида қарорни қабул қилади. Бунда, Банк Мижоздан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Тузиб бўлинган Универсал шартнома доирасида алоҳида Шартномалар тузиш учун Мижоз Банкка расмийлаштирилган, жумладан, Аутентификацион маълумотларни, Кириш кодларини қўллаш билан ва/ёки мазкур Шартлар билан белгиланган тартибда Оддий электрон имзо билан имзоланган Аризани тақдим этади.

Мижоз томонидан Аризани расмийлаштиришда ва/ёки Оддий электрон имзо билан имзоланган Аризанинг Банкка тақдим қилинишида Аутентификацион маълумотларнинг, Кириш кодларининг киритилиши (Банкка хабар қилиниши) Аризада тавсифланган ва Умумий шартларга мувофиқ келувчи шартларда Банк ва Мижоз ўртасида Шартномани тузилганлигини англатади.

1.2. www.anorbank.uz расмий сайтида Мижозлар Банкнинг амалдаги Тарифлари ва Универсал шартнома билан танишишлари мумкин.

1.3. Универсал шартнома оммавий шартнома ҳисобланишини, банк хизматлари ва бир марталик хизматларнинг қиймати барча Мижозлар учун бир хил ўрнатилишини (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан Мижозларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзлар тақдим этилишига йўл қўйиладиган ҳолатлардан ташқари) инобатга олган ҳолда ва шартномага ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар, шу жумладан уларга Иловаларга, Иловалар сони ва таркиби, ҳамда банк маҳсулотларини ва Банк Тарифларини тақдим этиш ҳақидаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 1-бандига мувофиқ фақатгина Банк ташаббуси билан қилиниши мумкин.

1.4.Томонлар Банк Универсал шартномага, жумладан Универсал шартномага иловаларга, Банк маҳсулотлари ва Банк Тарифларини тақдим этиш тўғрисидаги Шартномаларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги меъёрларига ва/ёки Тўлов тизимининг қоидаларига ва/ёки Банк томонидан янги маҳсулотларни/хизматларни ва/ёки банк маҳсулотларини тақдим этиш технологиясининг ўзгартирилиши ва/ёки Содиқлик дастури шартларига ва/ёки Банкнинг ўз ихтиёри бўйича ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ўзгартиришларни ва/ёки қўшимчаларни киритишга ҳақли эканлигига келишиб олдилар.

1.5. Банк Универсал шартнома, Универсал шартномага Иловалар, "Умумий шартлар" ва Банк Тарифларининг янги (ўзгартирилган) таҳрири ҳақида ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритилиш санасигача камида 10 (ўн) календар кун олдин Мижозга ҳар қандай қуйидаги усуллар орқали (Банкнинг танлови бўйича) хабарнома юбориш йўли билан ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритади, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар ёки янги банк маҳсулотини жорий этиш ёхуд Банкнинг номи ёки юридик/почта манзили ўзгариши билан боғлиқ хабарнома муддати камида 1 (бир) календар куни бўлган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилган ҳоллар бундан мустасно:

– масофавий хизмат кўрсатиш имконияти орқали, жумладан тегишли электрон хабарномани Мижознинг шахсий кабинетига юбориш йўли билан;

– Интернетда Банкнинг www.anorbank.uz сайтида тегишли эълонни ва янги таҳрирни (ўзгартиришларни/қўшимчаларни) жойлаштириш йўли билан.

1.6. Агар Универсал шартноманинг 1.5.-бандига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар кучга кириш санасигача Банк томонидан Мижоздан Универсал шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма ариза олинмаган бўлса, у ҳолда ушбу ҳолат киритилаётган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларга Мижознинг сўзсиз ва тўлиқ розилигини билдиради. Бунда Универсал шартномани ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ҳақидаги келишувнинг ёзма шакли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасига мувофиқ риоя этилган ҳисобланади.

1.7. Универсал шартноманинг/Банк Тарифларининг ўзгартиришлари ва/ёки қўшимчалари ва/ёки унинг янги таҳрири кучга киргандан кейин Мижоз томонидан Амалиётлар амалга оширилиши/Ариза берилиши Мижознинг ўзгартирилган ва/ёки қўшимчалар киритилган Универсал шартномага розилигини қўшимча тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Абонент қурилмаси - Универсал шартнома доирасида ўзаро алоқалар учун маълумотлар узатиш тармоғига (Интернетга) уланувчи шахсий компьютер, планшет, смартфон ёки бошқа қурилма.

Авторизация - Амалиётни ўтказишга сўровни ўзида сақловчи амалиётлар ўтказилишини қонунийлигини тасдиқловчи, ахборот хавфсизлиги элементларини текшириш асосида Банк / Процессинг маркази томонидан тақдим этилувчи Карта ва/ёки Ҳисобрақам ёки унинг реквизитларини қўллаш билан Амалиётни ўтказишга рухсатнома.

Электрон почта манзили - Банкдан хабарномаларни ва Текшириш кодини олиш учун Ариза-Сўровномани тўлдиришда Мижоз томонидан кўрсатилган электрон почта манзили. Универсал шартнома доирасида Мижозда бир вақтнинг ўзида фақат бир электрон почта манзили бўлиши мумкин. Электрон почта манзили Мижознинг аризасига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Аутентификация - Логинни, Паролни ёки Текшириш кодини тўғри киритиш натижасида масофавий банк хизматларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқловчи текшириш жараёни. Аутентификациянинг ижобий натижаси барча ҳаракатлар шахсан Мижоз томонидан амалга оширилаётганлигини тасдиқлайди, ҳамда Логин, Пароль ёки Текшириш кодининг киритилишини қоғозли ҳужжатдаги ўз қўли билан қўйиладиган имзо билан тенг қимматли эканлигини тан олади.

Банк маҳсулоти - Мижознинг маълум эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган (масалан, Карта очиш, Депозит жойлаштириш, Кредит тақдим этиш ва ҳоказо) ва Мобил банкка фақатгина Мижознинг «ANOR BANK» АЖ томонидан эмиссия қилинган картасини қўшгандан кейин ва мобил телефоннинг рақами SMS-хабарнома рақами билан мос келганда Банк томонидан амалга ошириладиган, олдиндан белгилаб берилган характеристикала

(параметрлар) билан алоҳида банк хизмати ёки функционал тартиблаштирилган банк хизматлари ва ёрдамчи ҳаракатларнинг тўплами.

Бенефициар мулкдор - Мижоз томонидан қабул қилинаётган қарорларга бевосита ёки билвосита (учинчи шахслар орқали), жумладан Мижоз билан шартнома асосида, таъсир кўрсатиш, Мижознинг даромади катталигига таъсир қилиш мақсадида ўз ваколатларини қўллаш ҳуқуқига (имкониятига) эга бўлган, Мижоз томонидан келишувларни (жумладан, кредитларни, кафолатларни ва ҳоказоларни бериш ҳақидаги кредит хавфига эга бўлган), ҳамда молиявий амалиётларни амалга ошириш ҳақидаги қарорларни қабул қилинишига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлган жисмоний шахс. Мижоз – жисмоний шахснинг бенефициар мулкдори бўлиб ушбу шахс ҳисобланади, агар Бенефициар мулкдор бўлиб бошқа жисмоний шахс эканлигига асослар мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Картани блоклаш – картадан фойдаланган ҳолда амалиётларни бажаришни тўлиқ ёки вақтинчалик тўхтатиш бўйича чора-тадбирлар мажмуидир.

Виртуал карта - ушбу Умумий шартларга мувофиқ Банк томонидан Мижозга чиқариладиган ва Мижоз томонидан тақдим этилган лимит ҳисобидан ушбу Умумий шартларда назарда тутилган Операцияларни амалга ошириш, шунингдек Интернет тармоғида тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган жисмоний ташувчисиз тўлов картаси. Виртуал карта тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган тўлов картасининг реквизитлари тўғрисидаги маълумотларни ифодалайди. Виртуал карта токенлаштирилган тақдирда, ундан контактсиз тўловлар технологиясини қўллаб-қувватлайдиган Савдо ва хизмат кўрсатиш корхонасида товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Кўчирма - Банк томонидан шакллантириладиган, маълум бир давр мобайнида Ҳисобварақ бўйича амалга оширилган операцияларни, шу жумладан тўловлар, ўтказмаларни акс эттирувчи, карта ёки Ҳисобварақ бўйича операциялар амалга оширилганлигининг етарли далили бўлган Ҳисобварақ бўйича кўчирма.

Дам олиш кунлари - Амалдаги қонунчилик билан шанба, якшанба ва ишланмайдиган байрам кунлари

Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари, айнан эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қонунлари, қонуности ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлари ва фармонлари (фармойишлари, хатлари), ратификация қилинган халқаро шартномалар ва келишувлар.

Карта сақловчиси - Мижоз ёки бошқа жисмоний шахс, унга Мижознинг топшириғи бўйича қўшимча карта чиқарилган ва етказиб берилган.

Банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисида Шартнома (Шартнома) - Умумий шартларда келтирилган тартибда ва шартларда, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги ва электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчилигида кўзда тутилган ва келишувни тузаётган шахснинг жисмоний иштироки (шахсларнинг ўзаро иштирок этиши) билан амалга оширилувчи келишувларнинг оқибатларига ўхшаш юридик оқибатларни олиб келувчи ҳолатларда оддий ёзма шаклда келишувнинг амалга оширилиши талабларини қониқтирувчи Универсал шартнома доирасида Банк ва Мижоз ўртасида тузиладиган шартнома. Бундай шартномалар фақат ҳаракатлар қоғозда тузилган ҳужжатлар билан тасдиқланмаганлиги сабабли даъво қилиниши мумкин эмас.

Масофавий банк хизмат кўрсатиши (МБХ) - Аутентификацион маълумотларни ва/ёки Кириш кодлари ва/ёки Мижоз ва банк ўртасида тузилган шартнома, телефон орқали Банкнинг Контакт-Маркази ва/ёки Интернет тармоғида Банк сайти ва/ёки Интернет/Банк

ва/ёки Мобил Банк ва/ёки Банкнинг Мобил иловаси ва/ёки Интернет тармоғида бошқа хизмат кўрсатиш каналлари (жумладан электрон почта/чатлар) ва/ёки уяли радиотелефон алоқа каналлари бўйича маълумотларни тақдим этиш, жумладан SMS-хабарлари ва Push-хабарларни қўллаш билан Мижознинг амалиётларини амалга оширишга ва/ёки унинг аризаларига ишлов беришга топшириқларни шакллантириш ва бажариш.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (ШТҲ) - Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, 16 ёшга етмаган фуқаронинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан берилган ҳарбий хизматчиларнинг шахсини тасдиқлаш гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномалар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий гувоҳномаларидан ташқари), хорижий фуқаро паспорти (қонунчиликка мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органларидан рўйхатдан ўтишлари керак) ёки хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳномаси, ёки дипломатик паспорт ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳномаси, ID- карта (шахсни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг ваколатланган органлари томонидан берилган), янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси.

Мавжуд пул маблағлари - Ҳисобрақамда/Картада/Ҳамёнда пул маблағларининг қолдиғи, уларнинг чегарасида Мижоз Амалиётларни амалга ошириши мумкин. Мавжуд пул маблағлари Ҳисобрақамда/Картада/Ҳамёнда Мижознинг шахсий маблағларининг қолдиг суммасига ва Карта бўйича амалга оширилган Амалиётларнинг авторизация қилинган суммаларини чегириб юбориш билан овердрафтнинг ишлатилмаган лимитига тенгдир.

Қарздорлик - Универсал шартнома бўйича Мижоз томонидан Банкка тўланиши керак бўлган барча пул суммалари, жумладан, кредитнинг сўндирилмаган суммаси, қўшиб ҳисобланган, аммо тўланмаган фоизлар, жарималар ва тегишли Шартнома, Банк Тарифлари, ҳамда Амалдаги қонунчилик меъёрлари билан кўзда тутилган бошқа тўловлар.

Ариза - Универсал шартнома/банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисида Умумий шартларнинг аҳамиятли шартларини кўрсатиш билан Банк томонидан ўрнатилган ва Мижоз томонидан имзоланган шакл бўйича тузилган электрон ёки қоғоз шаклдаги ҳужжат. Ариза банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисида Универсал шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. МБХ ёрдамида узатилувчи Ариза МБХ интерфейсида амалиётни тасдиқлашнинг тегишли тугмасини босиш ёрдамида Мижоз томонидан имзоланган бўлиши керак.

Ариза-сўровнома - Банк ва Амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ Мижозни идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни, Мижознинг контакт маълумотларини кўрсатиш билан Универсал шартномага уланишга Мижознинг истагига, ҳамда Универсал шартноманинг тегишли Умумий шартлари доирасида алоҳида Шартномани (Шартномаларни) тузишга Аризага эга бўлган Банкка юборилган Мижознинг ёзма таклифи (офертаси).

Идентификация - Мижоз ҳақидаги маълумотларнинг, ушбу маълумотларнинг ҳужжатларини асл нусхаларини қўллаш ва/ёки тегишли равишда тасдиқланган нусхалари билан ҳақиқийлигини тасдиқлаш бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши ҳаракат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг маълум қонунчиликларини ўрнатиш бўйича Банк тадбирларининг мажмуи. Мижоз томонидан тақдим этилувчи ШТҲ уларнинг Банкка тақдим этилиш санасига

амалдаги бўлиши керак. Идентификациянинг ижобий натижаси бўлиб Банк томонидан эмиссия қилинган Картанинг берилиши ва/ёки Банкда Ҳисобрақамнинг очилиши ҳисобланади.

Ахборот амалиёти - Ҳисобрақамлар/Карталар/Ҳамёнлар ҳолати ва қўлланилиши, Ҳисобрақамлар/Карталар/Ҳамёнлар бўйича ўтказилган амалиётлар ҳақида Мижозни Аутентификация қилиш далили бўйича маълумотларни, ҳамда Ҳисобрақамлар/Карталар/Ҳамёнлар бўйича кўчирмаларни Мижозга Банк томонидан Масофавий банк хизмат кўрсатиш/Банкнинг Контакт-Маркази йўли билан тақдим этилиши бўйича амалиёт ва ёки бошқа амалиётлар.

Карта - пул маблағлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб инструменти ҳисобланувчи ва Махсус Карта ҳисобрақами бўйича амалиётларни амалга ошириш учун мўлжалланган Процессинг марказига тегишли бўлган ҳар қандай банк картаси. Картани қўллаш билан ҳисоб-китоблар Амалдаги қонунчилик, мазкур Универсал шартнома ва Карта тегишли бўлган Процессинг маркази қоидалари билан мувофиқликда амалга оширилади. Универсал шартноманинг матнида Карта тушунчаси остида «ANOR BANK» АЖ ёки ҳар қандай бошқа тижорат банки томонидан эмиссия қилинган Карта тушунилиши мумкин, агар бошқа қоида Универсал шартнома билан кўзда тутилмаган бўлса. Универсал шартномага Умумий шартларда "Карта" атамасининг алоҳида тушунчаси берилиши мумкин.

Мижоз - Банк билан Универсал шартномани тузган жисмоний шахс (резидент ёки норезидент).

Код сўзи - Мижознинг Банкни Контакт - Марказига мурожаат қилишида уни аутентификация қилиш учун Банк томонидан қўлланилувчи рақамли ва/ёки ҳарфли код (сўз).

Мижоз томонидан номеъёрий лексикани, ҳамда адабиёт тили меъёрларига мувофиқ келмайдиган сўзлар ва ибораларни (жумладан сўкиш сўзларини) қўллаш билан Код сўзини тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

Кириш коди - Мижозни МБХ каналлари орқали Банкка мурожаатида уни аутентификация қилиш имкониятини берувчи ПИН-код, график, рақамли ва/ёки ҳарфли кодлар.

Контакт - Марказ - Банк (ваколатланган ходим, шахснинг) иштирокида алоқанинг расмий телефон канали (Сайтда кўрсатилган мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматининг телефон рақами) орқали Мижознинг муваффақиятли аутентификациясидан кейин унга Универсал шартнома билан кўзда тутилган тартибда ва шартларда ахборот маълумотларини олиш, банк хизматларини олишга аризаларни киритиш имконини берувчи сервис.

Муросага келиш - Кириш кодларини ёки Аутентификация маълумотларнинг йўқотилиши, Кириш кодларининг ёки Аутентификация маълумотларининг йўқотилишига шубҳалар, ёки кириш кодларига ёки Аутентификация маълумотларига учинчи шахсларнинг кириши ҳақида шубҳаларнинг пайдо бўлиши.

Кредит - кредит шартнома, кредит карта шартномаси, «ANOR» муддатли тўлов карталари" маҳсулотини тақдим этиш тўғрисида шартнома, овердрафтни тақдим этиш тўғрисида шартнома ёки Банкда жисмоний шахсни сўм банк картасини очиш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома (рухсат этилган овердрафт) шартларида нақд пулсиз тартибда Мижозга Банк томонидан тақдим этилувчи пул маблағлари.

Кредит карта - амалиётларни амалга ошириш учун мўлжалланган банк тўлов картаси, улар бўйича ҳисоб-китоблар ўрнатилган лимит чегарасида Мижозга Банк томонидан тақдим этилган пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шахсий кабинет - Мобил банкдаги кабинет, унда киришни (Аутентификация далили

бўйича) Мижозга МБХга кириш тақдим этилади.

Логин - Шартнома билан ўрнатилган ҳолатларда Мижознинг Верификациясини ўтказилишига имкон берувчи Банк томонидан Мижозга тайинланувчи рақамли белгиларнинг ноёб кетма-кетлиги. Верификация амалиётини ўтишда Мижоз томонидан киритилган Логин Мижозга тайинланган ва Банкнинг ахборот базасида сақланувчи Логинга мос келиши керак. Логин фақат Мижозга тайинланади. Мижоз вакилига (жумладан, Ишонилган шахсига)/Ташувчига Логин тайинланмайди.

Мобил банк - Мижознинг номига очилган барча ҳисобрақамлар ва Банк маҳсулотлари бўйича маълумотларни олишга Аутентификация далили бўйича мобил қурилмага (мобил телефон, смартфон, планшет, компьютер ва ҳоказо) олдиндан ўрнатилган мобил илова ёки Банкнинг веб-сайти орқали Банкнинг ваколатланган ходимини иштирокисиз, Аризаларни/Аризани киритиш, жумладан Банк маҳсулотларини харид қилиш ва Бир марталик амалиётларни амалга ошириш, ҳамда банк хизматлари ва Ахборот амалиётлари ҳақида маълумот ахборотларини олиш имкониятини Мижозга тақдим этувчи МБХ сервиси.

ХТТ – Халқаро тўлов тизими - халқаро миқёсда амал қилувчи банк карталари воситасида товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва/ёки нақд пул маблағларини олиш тизими. ХТТ фаолият кўрсатиш қоидаларини белгилайди, транзакцияларга ишлов беришни таъминлайди ва тўлов тизими иштирокчилари ўртасида карталар орқали амалга оширилган операциялар бўйича клиринг ҳисоб-китобларини юритади. Ушбу Шартнома доирасида Mastercard ва Visa ХТТларидан фойдаланилади.

Мобил телефон рақами - алоқа хизматларига шартномага мувофиқ ҳаракатланувчи уяли радиотелефон алоқаси оператори томонидан Мижозга тақдим этилган ва Банкка Мижоз томонидан МБХ доирасида Банк билан ахборот ва шартномавий ўзаро ҳаракатлар учун асосий контакт рақам сифатида тақдим этилган уяли телефон рақами.

Амалиёт - Ҳисобрақамга / Ҳисобрақамдан, Ҳамёнга / Ҳамёндан ёки Картадан Картага пул маблағларини қўшиб ҳисоблаш / чегириб қолиш, нақд пул маблағларини беришни ўзи билан пул маблағларининг ҳаракатига олиб келувчи Амалдаги қонунчилик, Банк Тарифлари (зарурат бўлганида) ва Процессинг марказининг (зарурат бўлганида) қоидаларига мувофиқ ўтказилувчи ҳар қандай амалиёт.

Пароль - Мижознинг Аутентификация процедурасини сўзсиз ўтказилишига имкон берувчи, Мижозга тақдим этилган Логин билан боғлиқ бўлган рақамли ва ҳарфли белгиларнинг кетма-кетлиги. Пароль Мижоз томонидан Мобил банкда рўйхатдан мустақил утишда тарзда ўрнатилади.

3D Secure/SecureCode пароли - интернет тармоғида карта операцияларини амалга оширишда карта эгасини идентификатсиялаш учун хизмат қиладиган махфий пароль бўлиб, у тўлов карталари учун хавфсизликнинг юқори даражаси сифатида ишлатилади. 3D Secure технологияси интернет-тўловларни амалга оширишда карта эгасини фақат карта эгасига маълум бўлган қўшимча пароль ёрдамида идентификатсиялаш имконини беради.

Картани қайта чиқариш - карта эгасининг илтимосига кўра йўқолган/ўғирланган ёки илгари берилган карта ўрнига жорий ҳисобварақ бўйича янги карта беришни назарда тутувчи операция.

Пул маблағларини ўтказиш - Ҳамкорлар ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки орқали пул маблағларини, ҳамда Банкда очилган ҳисобрақамларга (ҳисобрақамлардан) ўтказмалар.

Шахсга доир маълумотлар - муайян ёки улар асосида аниқланадиган жисмоний шахсга тааллуқли маълумотлар.

ПИН-код - Банк/Процессинг маркази томонидан ҳар бир Картага тайинланадиган ёки МБХ каналлари ёрдамида мустақил тарзда Мижоз томонидан ўрнатилувчи, ва банкоматларда, терминалларда ва шунга ўхшашларда Картани қўллаш билан амалиётларни ўтказишда Мижозни идентификация қилиш учун хизмат қиладиган, ҳамда Карта ҳисобрақамида ҳисобга олинувчи пул маблағларини идора қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи, буйруқ карта Сақловчиси томонидан берилганлигини тасдиқловчи, ҳамда Картада сақланувчи маълумотларга учинчи шахсларнинг киришини чегараловчи рақамли шахсий идентификация рақами. ПИН-код махфий маълумот ҳисобланади ва сир сақланиши керак. ПИН-кодни тайинлаш усули Банк ва/ёки Процессинг маркази томонидан белгилаб берилади.

Тасдиқловчи дарча - Шартноманинг ва Банк Тарифларининг барча аҳамиятли шартлари билан ўз розилигини тасдиқловчи, ҳамда мазкур Универсал шартномага иловада таърифланган Шартноманинг Умумий шартлари билан Мижознинг тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдирувчи Мижознинг ҳаракати. Тасдиқловчи дарчани қўллаш билан амалга оширилган Мижознинг барча ҳаракатлари баҳс асоси бўлмайди ва Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган деб тан олинади ва Амалдаги қонунчиликнинг талабларига мувофиқ ўз қўли билан имзоларнинг ўхшаш қўлланилишининг Мижоз учун юридик оқибатларни юзага келтиради.

Топшириқнома - маблағларнинг олувчини Ҳисобрақамига/Картасига/Ҳамёнига Ҳисобрақамдан/Картадан/Ҳамёндан Топшириқномада ўрнатилган суммани ўтказиш ҳақида Банкка Мижознинг буйруғини кўзда тутувчи, ҳамда Банк маҳсулотларини харид қилиш ва бошқа Бир марталик амалиётларни амалга оширишга МБХ ёрдамида Банкка узатилувчи электрон ёки ёзма кўринишдаги ҳужжат. МБХ орқали узатилувчи Топшириқнома Амалиётни тасдиқлаш ва/ёки МБХнинг тегишли интерфейсида тасдиқловчи дарчада Текшириш коди (техник имконият мавжудлигида) ёрдамида Мижоз томонидан имзоланган бўлиши керак.

Етказиб берувчи - у томонидан сотилувчи товарлар (ишлар, хизматлар) ва/ёки рақамли электрон контент учун Ҳисобрақам/Карта ёрдамида электрон тўловларни техник ва юридик қабул қилинишини имконини берувчи хўжалик субъекти.

Мижознинг вакили (Вакил) - Мижознинг номидан ва унинг манфаатларида ёки унинг ҳисобидан ҳаракат қилувчи, ваколатлари фақат нотариал тасдиқланган ишончномага (ёки Амалдаги қонунчиликка мувофиқ унга тенглаштирилган) асосланган жисмоний шахс. Мижоз вакили Универсал шартноманинг шартлари бўйича Мижознинг шахсан ўзи амалга ошириш керак бўлган ҳаракатлардан ташқари Универсал шартномага мувофиқ ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

Текшириш коди - Банк томонидан генерация қилинувчи ва мобил телефон Рақамига ва/ёки Мижознинг электрон почта Манзилига SMS-хабар кўринишида Мижозга юборилувчи махсус бир марталик ўзгарувчан код. Текшириш кодини қўллаш билан амалга оширилган Мижознинг барча ҳаракатлари баҳс асоси бўлмайди ва Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган деб тан олинади ва Амалдаги қонунчиликнинг талабларига мувофиқ ўз қўли билан имзоларнинг ўхшаш қўлланилишининг Мижоз учун юридик оқибатларни юзага келтиради. Текшириш кодини киритилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ оммавий офертанинг акцепти ҳисобланади.

Процессинг маркази / Тўлов тизими – “Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ (ЯУПМ), “Milliy banklararo protsessing markazi” МЧЖ (MBPM HUMO), Mastercard халқаро тўлов тизими, Visa International ва бошқа тўлов тизимлари.

Содиқлик дастури - Банкда амал қилувчи ва Мижозни содиқлик дастурига қўшилган Ҳамкорлардан товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилинишига қизиқтирувчи ҳар қандай содиқлик дастури.

Оддий электрон имзо - электрон имзо, у Текшириш кодларини ёки бошқа воситаларни қўллаш ёрдамида Мижоз томонидан электрон имзони шакллантириш далилини тасдиқлайди. Оддий электрон имзо Мижознинг ўз қўли билан имзосини ўхшаши ҳисобланади.

Бир марталик амалиёт - Етказиб берувчиларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) сотиш учун тўлов, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан берилган кредитларни сўндириш, Картадан Картага пул маблағларини ўтказиш ва Амалдаги қонунчилик билан рухсат этилган Мижоз Идентификациясини ўтказишсиз Банк томонидан тақдим этилувчи бошқа бир марталик хизматлар.

Сарфланувчи лимит - Мижознинг аризаси, ҳамда Шартномага мувофиқ Банк томонидан ўрнатилган (Банкда бундай имконият мавжудлигида) Ҳисобрақам / Карта бўйича маблағларни қўллашга чеклов.

Мунтазам топшириқномалар (автотўлов) - топшириқномаларни ижро этиш даврийлиги билан Мижознинг тегишли аризасига биноан ўтказилувчи пул маблағларни ўтказишга топшириқномалар.

Карта реквизитлари - картада мавжуд бўлган (карта номи, рақами, амал қилиш муддати, картадаги CVV2/CVC2 коди ва бошқалар) ва/ёки унда сақланадиган, картанинг эгасига, эмитентга ва тўлов карталари тизимига тегишлилигини аниқлаш имконини берадиган маълумотлар.

Банк сайти - www.anorbank.uz манзили бўйича жойлаштирилган Интернет тармоғидаги Банкнинг расмий сайти.

Кириш воситалари - Шахсий кабинетга киришда Мижозни Аутентификация қилиш учун мўлжалланган Логин ва Пароль.

Томонлар - биргаликда зикр этилувчи Банк ва Мижоз.

Ҳисобрақам - Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган тартибда Шартномага мувофиқ Мижозга Банк томонидан очилган банк ҳисобрақами.

Универсал шартнома доирасида Мижозга Ҳисобрақамларнинг бир нечта турлари очилиши мумкин, улар Универсал шартноманинг матни бўйича зикр этилганда алоҳида бўйича қуйидагича ҳисобланади:

Махсус Карта ҳисобрақами (МКҲ, Карта ҳисобрақами) - банк картаси ёки унинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилувчи Амалиётлар бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган банк ҳисобрақами.

Муддатли омонат ҳисобрақами - муддатли омонатни ҳисобга олиш учун, ҳамда жойлаштирилган пул маблағлари суммаига қўшиб ҳисобланувчи фоизлар кўринишидаги даромадларни олиш учун мўлжалланган банк ҳисобрақами.

Талаб қилиб олингунча ҳисобрақам - жорий мақсадлар учун қўлланилувчи жисмоний шахсларнинг маблағларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган банк ҳисобрақами.

Ссуда ҳисобрақами - Банк билан тузилган кредит шартномалар, қарз (микроқарз) шартномалари, овердрафт бўйича кредит мажбуриятларни бажариш бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланилувчи банк ҳисобрақами.

Масофавий ҳисобрақам (Ҳамён) - МБХ тизими орқали бошқарилувчи жисмоний шахсларнинг банк ҳисобрақамларидаги маблағларини ҳисобга олиш учун қўлланилувчи банк ҳисобрақами.

Масофавий ҳисобварақ (Cashback учун Ҳамён) - МБХ тизими орқали бошқарилувчи жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги Cashback маблағларини ҳисобга олиш учун қўлланилувчи банк ҳисобварағи.

Банк Тарифлари - Банк томонидан Мижозга хизмат кўрсатишнинг молиявий ва бошқа

шартларини, жумладан, ставкалар, комиссиялар, жарималар, фоизлар ва шунга ўхшашларни белгилаб берувчи Банк томонидан тасдиқланган ҳужжатлар. Банк Тарифлари Банкнинг Сайтида жойлаштирилади ва Универсал шартнома ва/ёки Универсал шартноманинг Умумий шартлари доирасида тузилувчи тегишли шартномалар (Универсал шартномага Иловаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Марказий маълумотлар базаси - «Электрон хукумат» тизими бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий ахборот маълумотлар базаси.

Рақамли (масофавий) идентификация - бу жисмоний шахсларга ўз шахсини биометрик шахсий маълумотлари ёрдамида тасдиқлаб, Банкнинг молиявий хизматларини масофадан туриб олиш имконини берувчи механизмдир. Рақамли идентификациядан ўтиш тартиби ва лимитлари Банкнинг ички ҳужжатлари билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

Универсал шартнома - банк хизматларини тақдим этилишига Мижознинг уланиши орқали Мижоз ва Банк ўртасида тузилувчи шартнома, уларда Шартномаларни тузиш ва Мижозларга хизматларни тақдим этиш шартлари ва тартиблари келишилади. Мазкур Универсал шартнома ва унга Иловалар, Банк Тарифлари, ҳамда ўрнатилган тарзда тўлдирилган ва Мижоз томонидан имзоланган Ариза-Сўровнома ва/ёки Оммавий оферта, биргаликда «ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартноманинг Мижоз ва Банк ўртасида тузилган ҳисобланади.

SMS-хабарнома - Мижозга мобил алоқа ёрдамида мобил телефон Рақамига Банкдан / Процессинг марказидан барча Карталарга/Ҳисобрақамларга пул маблағларининг тушуми ва улардан сарфланиши, баланснинг ҳолати, кредит бўйича навбатдаги тўлов ҳақида эслатма, ҳамда Универсал шартномага мувофиқлик бошқа хабарларни/билдиргиларни олиш имкониятини берувчи, унга Банк / Процессинг маркази томонидан тақдим этилувчи хизмат.

POS - терминал ("POS" - инглизча "Point of sale" - савдо/хизмат кўрсатиш пункти бирикмасининг қисқартмаси) - карталар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун қўлланиладиган электрон қурилма.

SMS-хабар - Мижознинг мобил телефонидан Банкка ёки Банк томонидан мобил алоқа оператори орқали Мижознинг мобил телефонига юбориладиган матнли хабар.

IRS- АҚШ Солиқ хизмати (Ички даромадлар хизмати) - солиқларни йиғиш ва солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш билан шуғулланадиган АҚШ Федерал ҳукуматининг давлат органи.

FATCA (Foreign Account Tax Compliance Act) - чет эл ҳисобларини солиққа тортиш тўғрисидаги Америка қонуни бўлиб, унинг асосий мақсади бошқа давлатлар ҳудудида ишлаётган ва яшаётган Америка фуқароларининг солиқ тўлашдан бўйин товлашига тўсқинлик қилишдир.

3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

3.1. Банк маҳсулотларини, хизматларни Мижозга Банк томонидан тақдим этишнинг, Универсал шартномада ва унга иловаларда келтирилган МБХ ёрдамида Амалиётлар ўтказишнинг тартиби ва умумий шартлари Универсал шартноманинг предмети бўлиб ҳисобланади.

3.2. Мижоз ариза бериш (ёзма/МБХ) ва ундан кейин Универсал шартноманинг Умумий шартлари ва Тарифларга боғланиш/қўшилиш йўли билан Универсал шартнома доирасида тақдим этилувчи ҳар қандай Банк маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Тузилган Шартнома Универсал шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шартноманинг амалга кириш тартиби ва санаси тегишли Умумий шартлар (Универсал шартномага Илова) билан белгилаб берилади ва Мижоз банк хизмати/маҳсулоти бўйича тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларни қўлга киритади.

МБХ ёрдамида киритилган Аризалар Мижоз томонидан шахсан киритилган ҳисобланади, ва шахсий имзо билан имзоланган қоғоз ташувчисидаги тенг ҳуқуқли мувофиқ ҳужжатлар деб тан олинади, ва шартнома бўйича уларга Томонларнинг ўхшаш ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради.

3.3. Универсал шартнома доирасида Банк хизматларининг кўрсатилиши Амалиётни амалга ошириш санасига амал қилувчи Мижознинг Аризаси, Шартномалар ва Банк Тарифларига мувофиқ Банк томонидан амалга оширилади.

3.4. Ушбу Универсал шартномага қўшилиш орқали Мижоз Банк / Банк ҳамкорларига ушбу Универсал шартноманинг 9-иловасида келтирилган шартларга мувофиқ Мижознинг шахсий маълумотларини тўплаш ва қайта ишлашга розилик беради.

Мижоз ва Банк ўртасида тузилган Универсал шартнома, Шартномалар ва бошқа шартномалар, шунингдек, Банк томонидан бошқа шахслар билан тузилган шартномалар тузилиши муносабати билан Банк билан иш ҳақи лойиҳаси доирасида шартнома тузган Мижоз, юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор томонидан Банкка тақдим этилган Шахсий маълумотларни тўплаш, ёзиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), ажратиб олиш, фойдаланиш, узатиш (тарқатиш, тақдим этиш, кириш, шу жумладан, шахсга доир маълумотларни қайта ишлашни учинчи шахсларга топшириш), эгасизлантириш, блокировка қилиш, ўчириш, йўқ қилишни автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ва/ёки фойдаланмаган ҳолда қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга ошириш шу жумладан Мижоз вакил, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи бўлган суғурталовчилар томонидан, шунингдек Мижознинг ҳар қандай фотографик тасвирлари (шу жумладан Мижознинг розилиги билан фото-видео суратга олиш орқали олинган) қуйидаги мақсадларда:

- Банк томонидан Универсал шартномани, таъминловчи шартномаларни ва Банк билан бошқа шартномаларни тузиш имкониятини кўриб чиқиш, уларни тузиш бўйича ижобий ёки салбий қарор Банк томонидан қабул қилинган, жумладан фақат Мижознинг Шахсий маълумотларига автоматлаштирилган ишлов бериш билан;

- Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини, ҳамда банк маҳсулотларини тақдим этишга Мижознинг Аризасини кўриб чиқишда кредит салоҳиятини/тўлов қобилиятини текшириш, жумладан, уларни қиёслаш/текшириш заруратида учинчи шахсларга шахсий маълумотларни топшириш;

- Универсал шартномани бажариш ва бекор қилиш, жумладан банк амалиётларини амалга ошириш ва банк хизматларнинг барча турларини тақдим этиш, Мижоз ва Банк ўртасида тузилган таъминот шартномалари ва бошқа шартномаларни, ҳамда Банк томонидан бошқа шахслар, жумладан суғурталовчилар, улар бўйича Мижоз вакил, суғурталовчи, суғурталанган шахс ёки бенефициар ҳисобланади, билан тузилган шартномаларни бажариш, жумладан шундай шартномалар бўйича кўрсатиб ўтилган шахсларга Мижознинг Шахсий

маълумотларини узатиш, Шартномалар бўйича кредиторнинг ҳуқуқларини амалга ошириш муносабатида, жумладан учинчи шахсларга ҳуқуқлардан (талаблардан) воз кечиш йўли билан Банк билан битимларни тузиш;

- Шартномалар бўйича Қарздорликни талаб қилиб олиш (сўндириш, ундириш);

- Шахсий маълумотларни ҳимоясини амалга ошириш, сақлаш, жумладан электрон кўринишда, ва Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Мижознинг Шахсий маълумотлари ва банк сирига эга бўлган ҳужжатларни ташиш;

- Шартномаларни тузиш, бажариш ва шундай шартномалар бўйича банк томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга тааллуқли хулосаларни ва маслаҳатларни олиш, жумладан бундай хулосаларни ва маслаҳатларни олиш мақсадида Банк томонидан жалб қилинадиган аудиторларга ва бошқа учинчи шахсларга Мижознинг Шахсий маълумотларини топшириш;

- Банкнинг Мижоз билан тузган Шартномалари, бошқа ҳужжатларида кўрсатиладиган бошқа мақсадлар.

Мижоз Банкка тақдим этиладиган ҳужжатларда (Аризалар, бошқа ҳужжатларда) учинчи шахслар (турмуш ўртоғи, вакили, гаровга қўювчи, фойда олувчи ва/ёки бошқа шахслар) тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда, Банк томонидан Шартномалар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, кейинчалик Банк ва Мижоз томонидан бундай Шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш, шунингдек сақлашни амалга ошириш мақсадида Мижоз томонидан тақдим этилган шахсларнинг шахсий маълумотларини қайта ишлашни Банкка топширади. Шу билан бирга, Мижоз бундай шахсларнинг Банкка тақдим этилган шахсий маълумотларини Мижоз, Банк ва Банк ҳамкорлари томонидан қайта ишлашга (жумладан, Банкка ўтказишга) розилик олганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Мижоз ўзининг шахсий маълумотлари ва биометрик шахсий маълумотларининг ҳар қандай махсус тоифаларига ишлов беришда, агар шундай шахсий маълумотларга ишлов бериш зарурати мазкур розиликда кўрсатилган ишлов бериш мақсадида исталган вақтда вужудга келган ҳолатда, ҳуқуқни (розиликни) Банкка ва Банк Ҳамкорларига тақдим этади.

Банкка тақдим этилаётган ҳужжатларда (Аризаларда, бошқа ҳужжатларда) учинчи шахслар (турмуш ўртоқ, вакил, кафил, бенефициар ва/ёки бошқа шахслар) ҳақидаги маълумотларни кўрсатиб, Мижоз Шартномаларни тузиш ҳақида Банк томонидан қарорларни қабул қилиш, ҳамда шундай Шартномалар бўйича Банк ва Мижоз томонидан ҳуқуқларни ва мажбуриятларни келажакда амалга ошириш мақсадида кўрсатиб ўтилган шахсларга Мижоз томонидан тақдим этилган шахсий маълумотларга ишлов беришни амалга оширишни Банкка топширади. Бунда Мижоз томонидан бундай шахсларнинг Мижоз (жумладан Банкка узатиш) ва Банк ва Банк Ҳамкорлари томонидан Банкка тақдим

тилган уларнинг шахсий маълумотларига ишлов берилишига розилик олганлигини Мижоз тасдиқлайди.

3.5. Мазкур билан Мижоз Карталарни ва МБХни қўллаш шартлари ҳақида, уларни қўллаш усуллари ва жойларининг чекловлари ҳақида, уларни қўллашнинг юқори хавфи ҳолатлари, жумладан Мижознинг Ҳисобрақамида мавжуд бўлган пул маблағларидан бошқа шахсларнинг рухсатсиз фойдаланиш хавфи мавжудлиги ҳақида хабардор этилганлигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан, Мижоз Карта компрометацияси ва йўқотилишини, ҳамда Карта ёки унинг реквизитлари, ва/ёки МБХ, жумладан Сарфланиш лимитларини ўрнатиш ёрдамида пул маблағларига рухсат этилмаган киришни олдини олиш учун эҳтиёткорлик ва махфийликнинг барча зарурий чораларини кўриши, ҳамда мазкур УШ ва унга иловаларга мувофиқ Картадан фойдаланиш қоидалари / тартибига риоя қилиши шарт. Мижоз, агар МБХ ёрдамида Мижозга Банк томонидан узатилувчи Ҳисобрақам ва/ёки Карта ҳақидаги маълумот бошқа шахсларга маълум бўлиб қолса, Банк жавобгар бўлмаслигини тан олади.

3.6. Мижоз ушбу билан ўз розилигини билдиради ва Банкни МБХ ёрдамида хизматларни тақдим қилиш доирасида Электрон почтага/мобил телефон рақамига хабарларни, жумладан, Текшириш кодини, SMS-хабарнома, ҳамда 3D Secure (Verified by Visa) технологиясини қўллаш билан Интернетда амалиётларни ўтказишда верификация коди билан SMS-хабарнома хизматини улашда ва Универсал шартномани бажариш мақсадида бошқа хабарномаларни юбориш ваколатларини Банкка топширади.

3.7. Мижоз Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳуқуқларни ва мажбуриятларни Пенсия жамғармаси томонидан амалга ошириш учун Мижознинг Шахсий маълумотларини Пенсия жамғармасига ва унинг бўлинмаларига Банк томонидан узатилишига, ҳамда Пенсия жамғармасидан ва унинг бўлинмаларидан Мижоз ҳақидаги маълумотларни олишга ўз розилигини тақдим этади.

3.8. Мазкур билан Мижоз валюта-айирбошлаш амалиётларини амалга ошириш учун Банк томонидан ўрнатилувчи хорижий валюталарнинг курси ҳақидаги маълумотларни Банк сайтида ва Мобил банкда жойлаштириш Мижозни тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланиши билан розилик беради.

3.9. Мижоз Банк ўз хизмат хоналарида, Контакт-Марказга/Контакт-Марказдан қўнғироқларда ва Мижознинг ўз қурилмаларида ҳаракатларни логлашда, жумладан Универсал шартнома доирасида Амалиётларни ва бошқа ҳаракатларни ўтказишда, Мижозни қўшимча хабардор қилмасдан унинг хавфсизлигини ва унга тегишли тарзда хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида видеокузатувни, ҳамда аудио (видео) ёзувларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигига розиликни билдиради. Аудио (видео) ёзувлар Универсал шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги низоларни тартиблаштиришда ва процессуал ҳаракатларда далил сифатида қўлланилиши мумкин.

3.10. Томонлар Универсал шартномани тузиш, ўзгартириш ва бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳужжатларни расмийлаштиришда, Банкнинг ваколатланган шахсларини имзоларини факсимил амалга оширишда ва Универсал шартнома, жумладан Шартномаларга мувофиқ МБХ ёрдамида Мижозларга тақдим этилувчи ёки юборилувчи талабларни, хабарномаларни ва хабарларни, оферталарни, акцептларни имзолашда муҳр босма нусхасини қўллаш имконияти ҳақида келишиб олди.

Универсал шартномани бажариш мақсадида муҳр босмаси нусхаси остида нусха олиш воситалари ёки типография усулида муҳр босма нусхасини график амалга оширилиши

тушунилади.

Универсал шартнома ёрдамида шакллантирилган электрон ҳужжатлар, Мижозни аутентификациясининг ижобий натижаларидан кейин, қоғоз ташувчисидаги мувофиқ ҳужжатларга тенг деб тан олинади ва Банк ва Мижоз ўртасида тузилган Томонларнинг ўхшаш ҳуқуқларини юзага келтиради. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан кўзда тутилган тартибда ёзма исботларга тенг кучга эга бўлган далиллар сифатида тақдим этилиши мумкин, бунда шундай далилларга йўл қўйилиши

уларнинг электрон ҳужжат ёки уларнинг қоғоз ташувчисидаги нусхалари кўринишида тақдим этилганлиги асосида рад қилиниши мумкин эмас.

3.11. Ушбу билан Мижоз Банк томонидан Тўлов тизими қоидаларининг бажарилиши Мижозга Карта ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини тақдим этиш учун зарур эканлигини тушунишини ва бунга розилигини тасдиқлайди. Ушбу Универсал шартномага қўшилиш орқали Мижоз банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Универсал шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан Тўлов тизими қоидаларининг амал қилишини тан олади. Мижоз Шартнома тузилгунга қадар Тўлов тизимининг тегишли қоидалари билан танишганлигини ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди.

3.12. Мазкур билан Мижоз Банк томонидан Ҳамкорларнинг қоидаларини бажариш Содиқлик дастурларида иштирок этиш имкониятини Мижозга тақдим этиш учун зарур ҳисобланишини тасдиқлайди. Мазкур Универсал шартномага қўшилиб, Мижоз Содиқлик дастуридан юзага келган қонуний муносабатларга нисбатан Ҳамкорлар қоидаларининг таъсирини қўлланилишини тан олади.

3.13. Универсал шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни Мижоз томонидан учинчи шахсларга бир томонлама беришга йўл қўйилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Мижозни, Мижоз Вакилини, Бенефициар мулкдорни Идентификациясини амалга ошириш учун зарур бўлган, жумладан Мижоз томонидан тузилувчи битимларнинг ёки Мижознинг Ҳисобрақамлари бўйича амалга оширилувчи амалиётларнинг асосланганлигини ва мақсадларини тушунтирувчи маълумотларни ва ҳужжатларни сўраб олиш, қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк томонидан сўралаётган ҳужжатларни тақдим этмаслик ҳолатида эса Шартнома тузилишида, Амалиётни амалга оширилишида, ҳамда Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда бошқа хизматларни кўрсатилишида Мижозга рад этиш.

4.1.2. Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда, ҳамда бошқа ҳолатларда бир йилда камида бир марта, ва Мижознинг маълумотларида ўзгаришлар мавжудлигида икки йилда камида бир марта , ҳамда аввал олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигига ва аниқлигига шубҳалар юзага келган ҳолатларда Мижоз, Мижоз Вакиллари ва Бенефициар мулкдорлар ҳақидаги маълумотларни янгилаш мақсадида ҳужжатларни ва маълумотларни сўраб олиш.

4.1.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни

молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш ҳақидаги қонунчиликка мувофиқ маълумотларни идентификациялаш ва янгилаш ўтказилишида Банк шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, ҳамда иқтисодий маъносини тушунтирувчи, Мижоз томонидан тузилувчи битимлар асослари ва мақсадлари, ёки Мижознинг Ҳисобрақами ва/ёки Картаси бўйича амалга оширилувчи амалиётлар ҳақидаги ҳужжатларни Мижоз, унинг Вакили томонидан тақдим этилишини талаб қилиш ва уларни Мижоздан, унинг Вакилидан олиш ҳуқуқига эга.

4.1.4. Мижоз Вакилининг топшириқларини бажаришни бошлагунга қадар Банк томонидан ўрнатилган ички ҳужжатлар ва процедураларга мувофиқ Мижознинг Вакилини ваколатларини текширилишига йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш, ҳамда Мижознинг Вакилидан Аризаларни ва қарорларни бажарилишини қабул қилмаслик, агар бу Амалдаги қонунчиликка, банк ҳисобрақами (омонати) Шартномасига, Тўлов тизимлари қоидаларига зид ёки тақиқланган бўлса, ҳамда Банкнинг ички ҳужжатларига ва процедураларига зид келса.

4.1.5. Мижоз номига ҳисобварақ очиш жараёнида Мижоз ёки Вакил шахсан иштирок этмаган тақдирда, Мижозга ҳисобварақ очишни бир томонлама рад этиш, бундан Банк идентификация санасида амалда бўлган ва тасдиқланган, илгари тақдим этилган ҳужжатлар асосида Мижозни идентификация қилиш имкониятига эга бўлган ҳолатлар мустасно, шунингдек мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган ёки Банк томонидан биометрик маълумотлар асосида амалга оширилган, шунингдек Банк учинчи томон томонидан ўтказилган мижозларни лозим даражада текшириш натижаларига ишонади.

4.1.6. Тўлов реквизитларини кўрсатишда Мижоз ва/ёки учинчи шахслар томонидан йўл қўйилган хатолик аниқланиш ҳолатида ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари билан ўрнатилган ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича талабларнинг Мижоз томонидан бузилишида, Мижознинг топшириқларини бир томонлама тартибда бажармаслик.

4.1.7. Шартномани тузишдан мақсад жиноий фаолиятдан олинган даромадни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилиши амалиётларни амалга ошириш ҳисобланиши ҳақидаги шубҳалар мавжуд бўлган ҳолатда Шартномани тузишда Амалдаги қонунчилик талаблари асосида бир томонлама тартибда рад этиш.

4.1.8. Агар Банкда Амалиётни бажариш жиноий фаолиятдан олинган даромадни қонунийлаштириш (ишлатиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилиши мақсадида амалга оширилаётганлиги шубҳаси юзага келганида, Амалиётни амалга ошириш ҳақида Мижознинг топшириқларини бажаришдан Амалдаги қонунчилик талаблари асосида бир томонлама тартибда воз кечиш (жисмоний шахснинг ҳисобрақамига келиб тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича амалиётлар бундан мустасно).

4.1.9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий мамлакатнинг солиқ тўловчилари билан очилувчи ҳисобрақамларнинг мавжудлиги устидан назоратни амалга ошириш ва улар бўйича амалиётлар учун назоратни амалга ошириш мақсадида махсус битимни тузилишини кредит ташкилотларидан (молия институтларидан) қонунчилиги талаб этувчи жисмоний шахс - хорижий давлат фуқароси билан банк ҳисобрақами (омонати) шартномасини тузишдан, ҳамда Мижознинг унинг хорижий фуқаролигини ва/ёки хорижий давлат солиқларини тўлаш бўйича мажбуриятларни тасдиқловчи ёки рад этувчи ҳужжатларни тақдим этишдан воз кечиш ҳолатида бир томонлама тартибда рад этиш (тўлиқ ёки қисман).

4.1.10. Амалдаги қонунчилик билан, жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадни

қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишига қарши курашиш соҳасидаги кўзда тутилган ҳолатларда ва тартибда Мижознинг Амалиётларини бир томонлама тартибда тўхтатиш (жисмоний шахснинг ҳисобрақамига келиб тушган пул маблағларини ҳисобга ўтказиш бўйича амалиётлар бундан мустасно) ёки Мижознинг Ҳисобрақамида/Картасидаги пул маблағларини блоклаш (музлатиб қўйиш).

4.1.11. Агар Мижоз ёки унинг операцияси иқтисодий ва бошқа санкциялар таъсири доирасига тушса ёки тушиш хавфи мавжуд бўлса, Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга: операцияни ўрганиш мақсадида Мижоздан қўшимча маълумотлар сўраш, операция суммасини чеклаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки агар Мижоз томонидан амалга оширилаётган операция унинг сўровномасидаги профилга мос келмаса, хизмат кўрсатишни рад этиш ва Мижоз билан ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш. у томонидан амалга оширилаётган операцияни Мижознинг сўровномасидаги профилига киритиш, хизмат кўрсатишни рад этиш ва Мижоз билан ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш.

4.1.12. Мижоз ўз кучини йўқотган ШТҲ ўрнига янги ШТҲ тақдим этмаган тақдирда, ШТҲ нинг амал қилиш муддати тугаган куннинг эртасига Мижозни идентификатсиялашни талаб қиладиган МБХдаги операцияларга киришни бир томонлама блоклаш.

4.1.13. МБХ ёрдамида шубҳали ва/ёки гумонли Амалиётларни ўтказилиш хавфини пасайтириш мақсадида бир томонлама тартибда:

- МБХ сервисини қўллаш билан Мижоз томонидан амалга оширилган шубҳали амалиётларни аниқлаш ҳолатида ўтказилган амалиётларнинг қонунийлигини Мижоз томонидан ёзма тушунтирилиши пайтигача МБХ ёрдамида хизматларнинг Мижозга тақдим этилишини тўхтатиш ёки рад этиш;

- Мижознинг манзили бўйича, жумладан МБХ сервисларини қўллаш билан шубҳали амалиётларни ўтказиш ҳақида гумонлар мавжудлигида амалиётларнинг бевосита Мижоз томонидан амалга оширилишини ўрганиш учун уни ўрганилишини амалга ошириш;

- Шубҳали операциялар амалга оширилган МТБ орқали хизматлар кўрсатишни уч кунлик муддатга ёки амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа муддатга тўхтатиб туриш;

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида МБХ қўлланилишига асосланган шубҳалар мавжудлиги ҳолатида Универсал шартномани ижро этишдан тўлиқ ёки қисман рад этиш.

4.1.14. Бир томонлама тартибда Универсал шартномани тўлиқ ёки қисмида ва Амалдаги қонунчилик ва Универсал шартнома билан кўзда тутилган муддатларда бажаришдан воз кечиш.

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида МБХ қўлланилишига асосланган шубҳалар мавжудлиги ҳолатида;

- агар Мижоз - АҚШ солиқ резиденти уни хорижий солиқ тўловчи сифатида идентификацияси учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этмаган ва/ёки IRS (АҚШ солиқ органлари) га маълумотни беришга розиликни тақдим этмаган (розиликни тақдим этишни рад этган) ҳолатда.

4.1.15. Амалдаги қонунчилик, Универсал шартнома ва Универсал шартнома доирасида

тузиладиган шартномалар билан кўзда тутилган ҳолатларда ва тартибда Мижознинг Ҳисобрақамларидан пул маблағларини ечиб олинишини амалга ошириш.

4.1.16. Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки тегишли пул маблағларини тўлаган унинг бўлинмаларининг талаби бўйича пенсия суммаларини ҳисобга ўтказиш учун Ҳисобрақамдан фойдаланиш ҳолатида, юқорида кўрсатилган органларга Мижознинг қўшимча розилигисиз ушбу Ҳисобрақамлар ва шундай Ҳисобрақамларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларни, ҳамда тегишли тўловларни тўхтатилишини олиб келувчи ҳолатларни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш.

4.1.17. Қуйидаги ҳолатларда Мижознинг Ҳисобрақамига келиб тушган пул маблағларини "Аниқлашгача жараёнидаги транзакциялар" ҳисобрақамига ўтказиш:

- Ўзбекистон Республикаси "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунга биноан ўтказманинг носавдо характерини тасдиқлаш мақсадида;

- Тўлов ҳужжатида тўловни тайинлаш (тафсилотлари) ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги;

- Тўлов ҳужжатларида, жумладан ҳисобрақамида, Мижознинг ФИОсида, ва бошқаларда хатоликларнинг мавжудлиги;

- Амалдаги қонунчилик ва Универсал шартнома билан кўзда тутилган бошқа ҳолатлар.

Амалиётларни қонунийлигини аниқлаш, ҳамда тўлов ҳужжатининг зарурий реквизитларини аниқлаштириш мақсадида, Банк Мижоздан тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Мижознинг ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш учун асосларнинг мавжуд бўлмаслик ҳолатида, пул маблағлари жўнатувчига қайтариб юборилиши мумкин.

4.1.18. Жисмоний шахс - хорижий давлат фуқаросининг хорижий фуқаролигини ва/ёки хорижий давлатга солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи ёки рад этувчи маълумотларни ва ҳужжатларни тақдим этишдан унинг рад этиш ҳолатида, у билан Универсал шартномани тузишдан воз кечиш, ёки Универсал шартномани бажаришдан (тўлиқ ёки қисман) бир томонлама тартибда рад этиш.

4.1.19. Универсал шартномани тузиш ва бажариш мақсадида Аризада ёки бошқа ҳужжатларда акс эттирилган Мижознинг розилиги мавжудлигида кредит бюрода

сақланувчи Мижознинг/Кафилнинг/Кафолатчининг кредит тарихига кирувчи маълумотларни олиш, ҳамда кредит/қарзни тақдим этиш ва кредит маълумотлар билан алмашиш тўғрисидаги қонунчилик билан кўзда тутилган тартибда кредитни/қарзни

қайтариш бўйича мажбуриятларни Мижоз/Кафил томонидан бажарилиши билан боғлиқ бўлган маълумотни кредит тарихлар бюросига узатиш.

4.1.20. Қуйидаги ҳолатларда Мижозларни рақамли идентификация қилишни раъд этиш:

1) Мижоз ва (ёки) Мижоз томонидан амалга оширилаётган операция Банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига мувофиқ юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига кирган тақдирда;

2) Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқийлигига шубҳа

туғилганда;

3) шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги фотосуратнинг олинган фотосурат ва (ёки) видеотасвир ҳамда марказий маълумотлар базасига жойлаштирилган фотосурат билан (агар мавжуд бўлса) мослигига шубҳа мавжуд бўлганда;

4) мижоздан олинган маълумотлар марказий маълумотлар базасига жойлаштирилган маълумотларга мос келмаганда ёки мос келишини текширишнинг иложи бўлмаганда;

5) агар фотосурат ва (ёки) видеотасвир мижозларни Рақамли идентификациядан ўтказиш тартибини тартибга солувчи Банкнинг ички ҳужжатлари ва/ёки Мижозларни рақамли идентификация қилиш тиртиби тўғрисидаги Низом (ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 30.09.2021 йил рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3322) нинг талабларига мос келмаганда;

6) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича шубҳалар мавжуд бўлганда.

Рақамли идентификациядан ўтказиш Банк томонидан раъд этилган тақдирда, Мижоз Идентификация қилишнинг стандарт процедурасидан ўтиш орқали, шунингдек, битимлар тузилган тақдирда, унинг қонунийлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин, Универсал шартномага қўшилиш / битим тузиш / банк хизматларини олиш ҳуқуқига эга.

4.1.21. МБХ тизими орқали масофавий ҳисоб рақамига (ҳамёнга) олинган халқаро ўтказмалар орқали мижозларнинг маблағларини мижознинг Махсус Карта ҳисобрақамига (МКҲ, Карта ҳисобрақами) бир томонлама равишда автоматик равишда ўтказишни амалга оширади.

4.1.22. Банк мижозига Cashback сифатида тақдим этиладиган тўлов шартларига бир томонлама тартибда ўзгартиришлар киритиш. Тўлов бекор қилинган тақдирда, ушбу тўлов учун илгари кирим қилинган Cashback пули бекор қилинади.

4.1.23. Мижоз Идентификация ва Рақамли (масофавий) идентификациядан ўтиш жараёнида автоматик равишда мижозга Масофавий ҳисобварақ (Cashback учун Ҳамён) очишни амалга оширади.

4.1.24. Мижоз ўз вақтида ва ихтийорий равишда Банк томонидан жисмоний шахслар учун белгиланган амалдаги Тарифга мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун комиссиялар/тўловларни тўламаган тақдирда, Банк Мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини аксептсиз ва шубҳасиз ҳисобдан чиқариш учун қайтариб бўлмайдиган ва сўзсиз ҳуқуққа эга. Ушбу ҳисобварағларда маблағ етмаган тақдирда, Банк амалдаги жисмоний шахслар учун кўрсатилган Тарифга мувофиқ назарда тутилган комиссия/тўловларни бошқа банкларда очилган Мижоз ҳисобварағларидан Банк олдидаги қарзни йопиш мақсадида ҳисобдан ечиб олишга ҳақли.

4.1.25. Банк банк хизматларини кўрсатишни давом эттириш учун Мижоз, Мижознинг вакили, Бенефициар мулкдорни (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ) шахсий маълумотларини мустақил равишда янгилашга ҳақлидир.

4.1.26. Мижоз микроқарз ва/ёки муддатли тўлов картасини олиш учун Банкга мурожаат

қилганда, Мижозга Мижозларга микроқарзлар ва муддатли тўлов карталарини тақдим этиш ва уларга хизмат кўрсатиш доирасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида Банк билан тегишли шартнома тузган Банк ҳамкорларининг, микромолия ташкилотларидан (ММТ) микроқарз ва/ёки муддатли тўлов картасини олишни таклиф қилиш (имкониятини тақдим этиш).

4.1.27. Мижоз ММТ билан шартнома тузган тақдирда, Мижоз ММТга розилик берадиган ММТ ва Мижоз ўртасида тузилган шартнома билан боғлиқ барча тегишли операциялар/хизматларни амалга ошириш.

4.2. Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.2.1. Мижознинг Ҳисобрақамига пул маблағлари келиб тушган кундан кейин келувчи Амалиёт кунидан кечиктирмасдан пул маблағларини ҳисобрақамга ўтказиш, Мижознинг Ҳисобрақами(лари)га пул маблағларини ўтказиш ва/ёки уларни бериш ҳақидаги Мижознинг топшириқномаларини бажариш, ҳамда Амалдаги қонунчилик ва Шартномалар билан кўзда тутилган тартибда Ҳисобрақам (лар) бўйича бошқа Амалиётларни ўтказиш.

4.2.2. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Амалиётлар, Ҳисобрақамлар, омонатлар ва Мижоз ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш. Банк фақат Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда ва тартибда учинчи шахсларга Мижознинг Амалиётлари, Ҳисобрақам (лар)и, омонатлари бўйича маълумотномаларни ва Мижоз томонидан олинган кредитнинг миқдори ва уни сўндириш ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

4.2.3. Мижознинг талаби бўйича Ҳисобрақамлар/Карталар/Кредитлар бўйича маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги кўчирмаларни ва Амалдаги қонунчилик, Банк Тарифлари билан кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

4.2.4. Электрон ҳужжатларнинг архивларини юритиш, қоғоз ташувчиларида эквивалент ҳужжатларни сақлаш учун ўрнатилган муддатлар давомида уларни сақланишини амалга ошириш.

4.2.5. Амалиёт амалга оширилгандан кейин уч Амалиёт кун давомида Шахсий кабинетга жойлаштирилган Карта ва/ёки Ҳисобрақам бўйича кўчирма шаклида Картани ёки унинг реквизитларини ва/ёки МБХни қўллаш билан ҳар бир Амалиёт амалга оширилганлиги ҳақида Мижозни хабардор қилиш. Бунда, Картани ёки унинг реквизитларини ва/ёки МБХ қўллаш билан Амалиёт амалга оширилганлиги ҳақида Мижозни хабардор қилиш бўйича мажбурият Универсал шартномага мувофиқ МБХ сервисига кириш ҳуқуқини ва Карта/Ҳисобрақам бўйича кўчирмани шакллантириш имконини Мижозга тақдим қилишда Банк томонидан бажарилган ҳисобланади.

4.2.6. Амалдаги қонунчилик ва Мижоз ва Банк ўртасида тузилган Шартномалар билан кўзда тутилган тартибда Универсал шартномага мувофиқ банк хизматларини Мижозга тақдим қилиш ва Мижознинг Топшириқномаларини бажариш.

4.2.7. Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Мижозда солиқ солинувчи даромад юзага келишида жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқни бюджетга ўтказиш, ушлаб қолиш ва тўлаш, ҳамда Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган тартибда жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳақидаги маълумотларни солиқ даври (календар йил) якунланиши бўйича ўзининг рўйхатдан ўтган жойи бўйича солиқ органига тақдим этиш бўйича солиқ агентининг вазифаларини бажариш.

4.2.8. Мижознинг Ҳисобрақамларига таъқиқ қўйилиши, ёки Ҳисобрақамлар бўйича амалиётларни тўхтатилиш ҳолатида, бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмасдан хабарномани юбориш (ПИН-кодни нотўғри киритиш оқибатида Картанинг блокланиш

ҳолатларидан ташқари).

4.2.9. Мижозни кредит (микроқарз, муддатли тўлов карта) бўйича реструктуризация ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш ва Банкнинг мобил иловасида янги тўлов жадвалини тақдим этиш.

4.3. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Шахсан ёки Вакил орқали ҳаракатларни амалга ошириш (МБХ ёрдамида амалга оширилувчи ҳаракатлардан ташқари, ҳаракатларнинг амалга оширилиши шахсан Мижоз томонидан амалга оширилиши Шартноманинг шартлари билан ўрнатилган ҳолатда, ҳамда агар бу Амалдаги қонунчиликка, Банкнинг ички ҳужжатлари ва процедураларига зид келмаса). Мижоз Вакилида ваколатларнинг мавжудлиги Банк томонидан Мижоз Вакилининг ваколатлари тўхтатилиши ҳақида Мижознинг ёзма аризаси келиб тушиш пайтигача Амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган ваколатларни тасдиқловчи тақдим этилган ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда, Мижознинг Вакилини ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш ҳақида ўз вақтида хабар бермаслик ҳолатида, Банк Мижознинг Вакили томонидан амалга оширилган амалиётлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

4.3.2. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган саволлар бўйича Банкнинг Контакт - Марказига мурожаат қилиш.

4.3.3. Ҳисобрақамлар бўйича амалга оширилган Амалиётлар бўйича кўчирмаларни сўров бўйича олиш. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳамда Карта тегишли бўлган Тўлов тизимининг қоидаларига мувофиқ Ҳисобрақамлар бўйича Амалиётларга нисбатан шикоятларни ёзма кўринишда тақдим этиш, агар Ҳисобрақам бўйича Амалиёт Картани ёки унинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган ҳолатда.

4.3.4. МБХ ёрдамида банкка берилган Топшириқномаларни ижроси ҳақида долзарб ва ҳаққоний маълумотларни олиш.

4.3.5. Банк маҳсулотидан фойдаланишдан воз кечиш ва тегишли Шартномани бекор қилиш, жумладан Банк томонидан Универсал шартномага, Универсал шартноманинг иловаларига, Банк Тарифларига киритилувчи ўзгартиришлар, бошқа ўзгартиришлар, жумладан Банк томонидан ўрнатилган шакл бўйича ва банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартномада таърифланган тартибда Банк маҳсулотидан фойдаланишдан воз кечиш ҳақидаги тегишли аризани Банкка тақдим этиш йўли билан Тўлов тизимлари қоидалари билан рози бўлмаслик ҳолатида.

4.3.6. Банкнинг Контакт-Маркази орқали кўрсатилувчи банк хизматлари ҳақида олдиндан маслаҳатларни олиш.

4.3.7. Банк билан микроқарзлар ва муддатли тўлов карталарини тақдим этиш ва уларга хизмат кўрсатиш доирасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида тегишли шартнома тузган Банк ҳамкорларининг микрокредит ташкилотларидан микроқарзлар ва/ёки муддатли тўлов карталарини олиш.

4.4. Мижоз қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.4.1. Қуйидагилар бўйича Амалиётларни ўтказиш учун (жумладан Банк томонидан халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширилишини кўзда тутувчи) Шартномага мувофиқ Ҳисобрақам/Картани қўлламаслик:

- Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ;

- Банкда ва/ёки Мижозда зарарлар юзага келишини олиб келиши мумкин, бошқа салбий оқибатлар, жумладан хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари томонидан ёки хорижий мамлакатларнинг молия ташкилотлари томонидан санкцияларнинг Мижозга (унинг пул маблағларига) ва/ёки Банкка нисбатан қўлланилиши, жумладан хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари, суд қарорлари ва хорижий мамлакатларнинг бошқа ваколатли органларининг қарорлари билан Мижозга (унинг пул маблағларига) нисбатан ўрнатилган чекловлар муносабатида;

- Амалдаги қонунчиликка зид келганда.

4.4.2. Шартнома тузилгунга қадар Амалдаги қонунчилик, Универсал шартнома ва банкнинг бошқа локал меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Мижоз, Мижоз Вакили ва Бенефициар мулкдор ҳақидаги тақдим этиш пайтига ишончлилиги ва ҳаққоний маълумотларни (ахборотларни) ва ҳужжатларни тақдим этиш.

Мижоз томонидан тақдим этилувчи ҳужжатлар уларнинг Банкка тақдим этилиш санасига амалдаги бўлиши керак. Хорижий тилда тўлиқ ёки уларнинг бирон бир қисмида тузилган, Банкка тақдим этилувчи ҳужжатлар, зарурат туғилганида Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат ёки рус тилига таржимаси билан кузатиб борилиши керак, ҳужжатнинг таржимаси талаб этилмайдиган Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда Мижоз томонидан Банкка тақдим этилувчи хорижий расмий ҳужжатлар Банк томонидан фақат имзони ҳаққийлигини тасдиқлаш учун ҳужжатни имзолаган шахс ким сифатида иштирок этганлиги ва ҳужжат тасдиқланган муҳр ёки штампнинг босма нусхасининг ҳақиқийлигини легаллаштириш мавжудлигида (консуллик легаллаштириши), ёки туширилган апостил билан қабул қилинади.

4.4.3. Мижоз, Мижоз Вакили, Бенефициар мулкдор ҳақидаги маълумотларнинг ўзгартирилганлиги ҳақида (ШТҲ маълумотлари, уни алмаштириш, ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхат ўтиш ҳақидаги маълумотларнинг, телефон рақамининг, жумладан мобил телефон рақамининг, факсларнинг, электрон (почта) манзилнинг, ва бошқа маълумотларнинг ўзгариши ҳолатида) уларни ўзгартирилиши санасидан 3 (Уч) календар кун давомида Банкнинг Контакт-Маркази ёрдамида Банкни хабардор қилиш. Ҳужжатларга киритилган барча ўзгартиришлар улар Банкка тақдим этилган пайтдан бошлаб Банк учун амал қилади.

Агар Банк Мижоздан тегишли олдинги хабарнома ёки Мижоз, Мижоз вакили, Бенефициар мулкдорни дастлабки идентификация қилиш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ) санасидан бошлаб 12 (ўн икки) ой ичида сўровнома (шахсий маълумотлар) даги ўзгаришлар тўғрисида хабарнома олмаса, Банк Мижоз томонидан илгари тақдим этилган маълумотларни тасдиқланган деб ҳисоблайди ёки Банк Мижоз, Мижоз вакили, Бенефициар мулкдорнинг янгиланган сўровнома (шахсий) маълумотларидан фойдаланишга ҳақли.

Банк Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотлар ва контакт маълумотлар ўзгартирилганлиги ҳақида хабарномани ўз вақтида олинмаслиги натижасида юзага келган оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Мижознинг аввал тақдим этилган сўровнома (шахсий) маълумотларини ўзгартириш учун, охирги Банкка Кодли сўзни тақдим этиб Банкнинг Контакт-Марказига ёки юқорида кўрсатилган маълумотларнинг Банкнинг тегишли иловаларни қўллаш билан масофавий талқин қилиниш имконияти мавжудлигида ёки Банк томонидан белгилаб берилган учинчи томонни жалб қилган ҳолда мурожаат қилиши керак.

4.4.4. Банк талаби бўйича ва/ёки Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда, Манфаатдорлар фойдасига Амалиётни ўтказгунга қадар ҳужжатларни, жумладан агентлик шартномалари, топшириқ бериш, комиссиялар, ишончли бошқарув шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни, ҳамда Манфаатдорлар бўйича идентификацион маълумотларни/ҳужжатларни тақдим этиши.

Агар Мижоз оммавий мансабдор шахсларга тегишли ёки уларнинг Вакили, ишончли шахси, турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши (тўғри ўсиб борувчи ва пастлаб борувчи шажара бўйича (ота-она ва болалар, боб, буви ва неваралар, қондош ёки тўлиқ қондош бўлмаган (умумий ота ёки онага эга бўлганлар) ака-укалар ва опа-сингиллар, боқиб олувчилар ва боқиб олинганлар) ҳисобланса, Банкни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Банкни хабардор қилиш.

4.4.5. Агар Мижоз АҚШ фуқароси бўлиб қолган ёки аввал фуқаро ҳисобланган, АҚШда доимий бўлишга рухсатга эга бўлган (доимий яшовчи карточкаси (I-551 шакл (Green Card)), жорий календар йил давомида камида 31 кун ва 3 йил давомида камида 183 кун, жумладан жорий йил ва бевосита олдинги икки йил давомида бўлса, АҚШ фуқаросининг ижтимоий суғурталаш Рақамига (Social Security Number) ёки АҚШ солиқ тўловчисининг Якка тартибдаги идентификацион рақамига (Individual Taxpayer Identification Number) эга бўлганда, Банкни хабардор қилиш.

4.4.6. Банкнинг сўрови олинган кундан кейин кейинги 2 (икки) календар кун давомида Универсал шартномага мувофиқ Банк томонидан сўралган маълумотларни ва ҳужжатларни тақдим қилиш.

Банк кўрсатиб ўтилган маълумотларни текшириш ва аниқлаштириш учун ахборотларнинг расмий манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.4.7. Банк Тарифлари ва Шартномаларига мувофиқ Банк фойдасига комиссияларни тўлашга ва/ёки бошқа тўловлар учун етарли бўлган пул маблағларини Ҳисобрақамда мавжудлигини таъминлаб, тегишли Шартномалар ва Банк Тарифларининг шартларига мувофиқ Банкка Универсал шартнома билан кўзда тутилган комиссион мукофотларни ва бошқа тўловларни тўлаш.

4.4.8. МБХдан фойдаланиш ҳолатида Универсал шартнома ва Банк Тарифлари, ва МБХ доирасида Томонларнинг муносабатларини тартиблаштирувчи бошқа ҳужжатларнинг шартларига риоя қилиш.

4.4.9. Универсал шартнома ва Шартномаларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш билан келтирилган зарарни қоплаш.

4.4.10. Мустақил тарзда ёки ишончли шахслар орқали ҳар қандай мавжуд усулларда Универсал шартномага ва/ёки Банк Тарифларига ва/ёки бошқа ҳужжатларга ўзгаришлар ва/ёки қўшимчалар ҳақида, ҳамда Банкнинг янги хизматлари/маҳсулотлари ҳақида маълумотларни ўз вақтида олиш мақсадида Банк Сайтининг тегишли бўлимларига мунтазам тарзда ташриф буюриш. Универсал шартномага ва/ёки Банк Тарифларига ва/ёки бошқа ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар билан Мижознинг ўз вақтида танишмаслиги уларнинг Банк томонидан қўлланилиши учун асос ҳисобланмайди.

4.4.11. Универсал шартномани тузиш ва уни бажариш мақсадида Банкка тақдим этилган Ариза(лар)да ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарликка ўз зиммасига олиш.

4.4.12. Ҳисобрақамга (Ҳисобрақамдан)/Картага(Картадан) хато қўшиб ҳисобланган/ ҳисобдан чиқарилган суммалар аниқланган ҳолатда бу ҳақда Банкка зудлик билан хабар бериш.

4.4.13. Универсал шартнома ва Банк ва Мижоз ўртасида тузилган Шартномаларнинг шартларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

4.4.14. Мижоз тегишли тарзда хабардор қилинганлигини ва Банкнинг FATCA талаблари бўйича АҚШ IRSга маълумот тақдим этиш шартларига розилигини тасдиқлайди ва Банкда очилган ҳисобварақларига АҚШ валютасида маблағ ўтказилган/тўланган тақдирда, ўтказма/тўлов суммасидан FATCA талаблари бўйича ўтказма/тўлов суммасининг 30 фоизи миқдорида маблағ ушлаб қолиниши мумкин.

4.5. Универсал шартнома билан кўзда тутилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ташқари, Банк ва Мижоз тегишли Шартномалар билан ўрнатилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар Амалдаги қонунчилик ва Универсал шартномага мувофиқ ўз мажбуриятларини тегишли бўлмаган равишда бажармаслик учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Универсал шартномани Мижоз томонидан бажарилмаслиги ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш оқибатида Банкка келтирилган зарарлар Мижоз томонидан қопланиши керак.

5.2. Универсал шартнома доирасида очилган, Мижознинг омонатларига жойлаштирилган пул маблағлари Ўзбекистон Республикасининг " Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонун билан ўрнатилган тартибда, миқдорларда ва шартларида кафолатланган.

5.3. Агар Банк Универсал шартноманинг 3, 4-бўлимларига мувофиқ Картани ёки унинг реквизитларини ва/ёки МБХни қўллаш билан амалга оширилган Амалиёт ҳақида Мижозни хабардор қилиш бўйича мажбуриятларни бажараётган бўлса, Мижоз эса Карта йўқотилганлиги ва/ёки унинг Мижознинг розилигисиз ишлатилиши, ва/ёки МБХга рухсат этилмаган кириш ҳақида Банкни Универсал шартноманинг 4-бўлимида ўрнатилган тартибда ва муддатларда хабардор қилмаган ҳолатда, Карта/Ҳисобрақам ёки унинг реквизитларини ва/ёки МБХ қўллаш билан Мижознинг розилигисиз амалга оширилган Амалиётлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.4. Карта йўқотилганлиги ва/ёки унинг Мижознинг розилигисиз ишлатилиши ва/ёки МБХга рухсат этилмаган кириш, Кириш воситаларини Йўқотилиши ҳақида Банкни хабардор қилиш пайтигача, Мижоз Ҳисобрақамлар ва Карталар бўйича амалга оширилган барча Амалиётлар учун, ҳамда МБХ ёрдамида амалга оширилган бошқа ҳаракатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.5. Банк қуйидагилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

- Банкнинг хабарларини Мижоз томонидан кечиктириб олиниши ёки уларни олмаслик оқибатларини ўзи билан олиб келувчи унинг назоратидан ташқари бўлган ва почта, Интернет, алоқа тармоқлари ва бошқа ташқи ташкилотлар ва тармоқларнинг ишидаги бузилишлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар учун;

- Мижозни Абонент қурилмасининг зарарли вируслар ва уларнинг ишидаги бузилишлар оқибатлари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар учун;

- Универсал шартномани тақдим этиш бўйича Банк учун ўз мажбуриятларини

бажарилишини имконсиз қилувчи, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар учун;

- Мижоз Вакилининг ваколатлари тўхтатилиши ҳақида Мижознинг ёзма аризаси банкка келиб тушиш пайтигача Мижоз Вакили томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун.

5.6. Банк Универсал шартнома бўйича Банк томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тегишли бўлмаган равишда бажарилиши, жумладан Мижознинг Аризаларини, Топшириқларини бажармаслик/кечиктириб бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, агар:

- ижро этилиши учинчи шахснинг муайян ҳаракатларига боғлиқ ва бажарилмаслиги ёки ўз вақтида бажарилмаслиги учинчи томоннинг зарур ҳаракатларни бажара олмаслиги ёки уларни бажарилишини рад этиши, уларни белгиланган тартибни бузган ёки Банк учун мавжуд бўлмаган ҳолда амалга ошириши билан боғлиқ;

- бажармаслик енгиб бўлмас куч оқибатида, яъни Шартномани тузгандан кейин ҳосил бўлган ҳолатларнинг ушбу шароитларида фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида юзага келди;

- бажармаслик/ўз вақтида бажармаслик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг, унинг бўлинмаларининг, корреспондент-банкларнинг ёки бошқа учинчи шахсларнинг ҳаракатлари/ҳаракатсизликлари оқибати, жумладан хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорлари ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари билан Мижозга (унинг пул маблағларига) нисбатан ўрнатилган чекловлар оқибати ҳисобланади;

- бажармаслик учинчи шахслар томонидан таъминланувчи, узатилувчи, эксплуатация қилинувчи ва/ёки хизмат кўрсатилувчи асбоб-ускуналар, электр энергиясини узатиш тизимлари ва/ёки алоқа линиялари ёки тармоқлари ишида бузилишлар билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатишдаги авариялар, бузилишлар ёки узилишлар оқибати бўлган бўлса;

- электрон тўловларнинг банклараро тизимидаги эҳтимолли носозликларда, профилактика ишларини ўтказилишида;

- Мижоз томонидан тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда у томонидан йўл қўйилган камчиликлар натижасида;

- пул маблағларини ёки бошқа мулкни музлатиб қўйилиши, ҳамда Ҳисобрақамда бўлган пул маблағларига таъқиқ қўйилиши, ёки Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда Ҳисобрақам бўйича амалиётларни тўхтатилиши ҳолатларида.

5.7. Мижоз Универсал шартнома билан кўзда тутилган мажбуриятларни ўз томонидан бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш жавобгарлигини ва барча номақбул оқибатларни ўз зиммасига олади, ҳамда Мижоз томонидан кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик билан чақирилган барча зарарларни Банкка қоплайди.

5.8. Банк МБХ доирасида тақдим этиладиган маълумотларга учинчи шахсларнинг эҳтимолли рухсат этилмаган кириши учун, ҳамда МБХ ёрдамида узатилувчи кўрсатилган маълумотларнинг эҳтимолли хато кўрсатилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.9. Мижоз Аризалар, Топшириқларни тўғри тузилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Банк хатолик билан тузилган Мижознинг Аризаларини, Топшириқларини Банк томонидан бажарилиши оқибатида Мижозга келтирилган зарарлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.10. Мижоз Мижозга тегишли бўлмаган қурилмаларда МБХ сервисларига киришни амалга ошириш, маълумотларнинг махфийлигини эҳтимолли бузилиши ва яхлитлиги билан боғлиқ бўлган, ҳамда учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.11. Банк Мижознинг Вакилининг ваколатлари тўхтатилиши ҳақида Мижознинг ёзма аризаси Банкка келиб тушиш пайтигача Мижоз Вакили томондан амалга оширилган ҳаракатлар учун Мижоз олдида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.12. Мижоз, агар унинг контрагенти ёки маблағлар олувчиси даромадларни қонунийлаштириш ва/ёки террористик фаолият ва/ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этувчи ёки иштироки гумонлик қилинаётган шахслар рўйхатида ва/ёки санкциялар рўйхатида бўлса, жавобгарликни (жумладан, молиявий жавобгарликни) ўз зиммасига олади.

6. МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

6.1. Ариза-сўровнома орқали Универсал шартномага қўшилиш орқали Томонлар Банк Мижози Банк томонидан тақдим этиладиган барча МТБ хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга эканлигини тан оладилар.

6.2. МБХ сервислари ёрдамида Хизматлар/Банк маҳсулотлари баъзи ҳолатларда МБХнинг дастурий-техник имкониятларига боғлиқ ҳолда чекланган миқдорда тақдим этилиши мумкин. Тегишли хизматни улаш (ўчириш)/қўшиш ҳақидаги хабарнома Мижознинг Шахсий кабинетига жойлаштирилади.

6.3. Шахсий кабинетга кириш Мобил/Интернет банк орқали амалга оширилади. Шахсий кабинетга кириш ижобий Аутентификация далили бўйича Мижозга тақдим этилади.

6.4. Мижоз мустақил тарзда ва ўзининг ҳисобрақамидан МБХ сервисларига киришни ташкиллаштириш учун зарур бўлган техник, дастурий ва коммуникация ресурсларини таъминлайди, ҳамда ресурсларнинг маълумотларини рухсат этилмаган киришдан ва зарарли дастурий таъминотдан ҳимояланишини таъминлайди.

6.5. МБХ ёрдамида хизматларни тақдим этилиши Амалдаги қонунчилик, Универсал шартнома, унга Иловалар, Банк Тарифлари, ҳамда Тўлов тизимининг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

6.6. МБХ сервисларининг қўлланилиши Мижоз томонидан шахсан амалга оширилади, МБХ доирасида ҳуқуқларни Мижознинг Вакилига бериб юборишга йўл қўйилмайди.

6.7. Банк мазкур Универсал шартномада кўзда тутилган тартибда МБХ ёрдамида тақдим этилувчи Хизматлар/Банк маҳсулотларининг рўйхатини ҳар қандай пайт ўзининг ихтиёри бўйича ўзгартириш ҳуқуқини ўзида қолдиради.

6.8. Аризаларни, Топшириқномаларни қабул қилиниши Банк томонидан куну-тун амалга оширилади. Мижознинг Аризаларини, Топшириқларини бажарилиши кейинги Амалиёт кунидан кечиктирмасдан ёки Амалдаги қонунчилик билан белгилаб берилувчи кунда уларнинг келиб тушиш тартибида Банк томонидан амалга оширилади, агар Мижоз ва Банк ўртасида тузилган шартнома билан бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса.

6.9. Банк бир томонлама тартибда МБХ ёрдамида шакллантирилувчи Мижознинг Топшириқномалари суммасига ва миқдорига доимий ёки вақтинчалик чекловларни киритишга, ҳамда МБХ ёрдамида ҳисоб-китоблар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида

бошқа чекловларни киритишга ҳақли.

6.10. Банк қуйидаги ҳолатларда МБХ қўллаш билан узатилган Аризалар, Топшириқномаларни бажаришда Мижозга рад этиш ҳуқуқига эга:

- МБХ сервисларининг дастурий таъминотида бузилишлар мавжудлигида, дастурий таъминотга профилактика тадбирлари Банк томонидан амалга оширилишида, ҳамда Банкнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатларда (форс-мажор шароитлар, электр энергиясининг узилиши, телекоммуникацион узилишлари ва шунга ўхшашлар);

- МБХ қўллаш билан Аризани, Топшириқномаларни узатишда хавфсизликни бузилиш белгилари аниқланиши, жумладан, агар Банк Аризаларни, Топшириқномаларни бажариш Банк учун ёки Мижоз учун зарарлар олиб келади деган асосларга эга бўлса;

- агар Мижознинг Ҳисобрақамида/Картасида/ҳамёнида Аризада ёки Топшириқномада кўрсатилган Амалиётларни амалга ошириш учун етарли бўлган мавжуд пул маблағлари, жумладан Амалиёт санасига амал қилувчи Банкнинг Тарифларига мувофиқ Банк комиссиялари суммалари мавжуд бўлмаганида;

- агар Амалиёт суммаси ўрнатилган Сарфланувчи лимитдан юқори бўлса;

- Аризада, Топшириқномада Мижоз томонидан кўрсатилган реквизитлар мавжуд эмаслиги/нотўғрилиги аниқланганида;

- агар Банк томонидан Универсал шартноманинг шартлари Мижоз томонидан бузилаётганлиги ҳақидаги маълумотни олинганида;

- агар Топшириқнома билан расмийлаштирилган Амалиёт Мижоз билан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса;

- Мижоз томонидан Амалдаги қонунчиликни бузилишининг аломатларини аниқлашда;

- Амалдаги қонунчилик, Универсал шартнома, Тўлов тизими ва Банк ва Мижоз ўртасида тузилган Шартномаларнинг қоидалари билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.11. Банк Мижоз номидан рухсат этилмаган киришга уриниш эҳтимоли мавжуд деб ҳисоблашга етарлича асослар Банкда мавжуд бўлганида МБХга Мижознинг киришини Мижозни хабардор қилмасдан вақтинчалик тўхтатиш ёки чеклаш ҳуқуқига эга. Томонларнинг бирини ташаббуси бўйича МБХга Мижознинг киришини тўхтатиш ёки чеклаш ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятларнинг тўхтатилишини ва МБХ тақдим этилиши тўхтатилиши пайтигача вужудга келган зарарларни қоплашни келтириб чиқармайди.

6.12. Мижоз МБХ ёрдамида узатилган Аризалар, Топшириқномаларни бажарилишини тасдиқлаш ҳақида Банкнинг Контакт - Марказига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

6.13. Банкка Аризаларни, Топшириқномаларни, ҳамда Универсал шартномага мувофиқ Мижознинг Аутентификациясининг ижобий натижаларидан кейин имзоланган бошқа ҳужжатларни киритиш йўли билан тузилган битимлар (шартномалар), битимнинг ёзма шаклда амалга оширилиш талабини қониқтиради ва битимни тузувчи шахснинг жисмоний иштироки билан амалга оширилувчи битимнинг оқибатларга ўхшаш юридик оқибатларни олиб келади. Ушбу ҳужжатлар, битимлар (шартномалар) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан кўзда тутилган тартибда ёзма исботларга тенг кучга эга бўлган далиллар сифатида тақдим этилиши мумкин, бунда шундай далилларга йўл қўйилиши

уларнинг электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар ёки уларнинг қоғоз ташувчисидаги нусхалари кўринишида тақдим этилганлиги асосида рад қилиниши мумкин эмас.

6.14. Мижоз Банкнинг талаби бўйича Банкка Мижоз томонидан узатилган Аризаларнинг, Топшириқномаларнинг қоғоз нусхаларини имзолаши шарт.

6.15. Мижоз МБХ ёрдамида амалиётларни амалга оширишда қўлланилувчи Мижозни Идентификация ва Аутентификация усуллари етарли ҳисобланиши ва Мижознинг Ҳисобрақамлари/Карталари бўйича Амалиётларни ўтказишга ва МБХ доирасида бошқа маълумотларни тақдим этишга Банк ҳуқуқларини тегишли тарзда тасдиқлаши билан ўз розилигини беради.

6.16. Томонлар МБХ ёрдамида Мижоз томонидан узатилган Аризаларнинг, Топшириқномаларнинг қонунийлигини, ҳақиқийлигини, ўзгармаслигини, яхлитлигини ва муаллифлигини тасдиғи сифатида Мижоз Кириш воситаларини қўллашини тан олади ва қуйидагиларга розилик беради:

- Мижоз номидан Аризанинг, Топшириқноманинг тузилиш ва имзоланиш далилини тасдиқлайди;

- қоғоз ташувчисидаги ҳужжатда ўз қўли билан шахсан имзосига тенг эканлигини тан олади;

- Тасдиқловчи дарчада имзоланган Ариза, Топшириқнома Универсал шартномада кўзда тутилган ва Аризанинг, Топшириқноманинг барча мажбурий реквизитларни сақланишини таъминловчи усулда Банкка узатилади.

Мижоз ва Банкнинг дастурий таъминотининг иш қобилияти сақланиб қолинувчи ва Мижоз Аутентификацияси амал қилувчи вақт давомида вақтнинг бир узлуксиз оралиғи чегарасида МБХ ёрдамида Мижоз билан узатилувчи барча Аризалар, Топшириқномалар Мижоз томонидан киритилган ва Банк томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

6.17. МБХни қўллашда Мижоз маълумотларни бошқа шахсларга ошкор этмаслик мажбуриятини олади, у МБХга, жумладан Кириш воситаларига кириш учун қўлланилиши мумкин.

6.18. МБХ ёрдамида Мижоз ёки Банк томонидан амалга оширилувчи барча ҳаракатлар/Амалиётлар электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар кўринишида Банкнинг ахборот тизимларида қайд этилади. МБХ ёрдамида амалга оширилган ҳаракатлар/Амалиётлар билан боғлиқ бўлган бирон бир низоларнинг Банк ва Мижоз ўртасида юзага келиш ҳолатида, Томонлар Банкда сақланувчи электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларни далил сифатида тан олади.

Банкнинг ваколатли шахси томонидан имзоланган ва Банк муҳри билан тасдиқланган, Банк шакли бўйича қоғоз ташувчисидаги Банк томонидан шакллантирилган МБХ қўллаш билан амалга оширилган ҳаракатлар/Амалиётлар бўйича тегишли ҳисоботлар Томонлар билан Универсал шартномада кўзда тутилган Амалиётлар ва ҳаракатларнинг амалга оширилиш далилининг етарлича исботи ҳисобланади ва ҳар қандай низоларни ҳал қилишда қўлланилиши, ҳамда ҳар қандай суд органларига тақдим этилиши мумкин.

МБХ ёрдамида Банк ва Мижоз томонидан тузилган/ йўналтирилган/шакллантирилган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган муддатлар давомида Банкда сақланади.

6.19. МБХга рухсатсиз кириш ва/ёки Кириш воситаларининг Йўқотилиши ҳолатида,

Мижоз ШТҲ маълумотларини хабар қилган ҳолда Банкнинг Контакт-Марказига қўнғироқни амалга ошириб, МБХга киришни зудлик билан блоклаш мажбуриятини олади. МБХ сервисларига киришни тиклаш учун Мижоз Банкнинг Контакт-Марказига мурожаат қилиши зарур.

6.20. Мижоз мобил телефон Рақамини бошқа шахслар томонидан ишлатилиш имконини истисно қилиш, мобил телефон Рақамидан бошқа шахслар томонидан ноинсофсизлик билан ишлатиши мумкинлигига асослар юзага келгандаги ҳолатда эса Банкнинг Контакт-Марказига мурожаат қилиш йўли билан мобил телефон Рақамининг йўқотилиши/ўғирланиши, ўзгартирилиши ҳақида Банкни зудлик билан хабардор қилиш мажбуриятини олади.

Мобил телефон Рақамини ўзгартирилиши ҳақидаги аризани Банк томонидан олингунига қадар Мижоз Банкка тақдим этилган ёки кўрсатилган/мустақил тарзда ўзгартирилган мобил телефон Рақамини қўллаш билан амалга оширилган ҳаракатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6.21. Банк Мижоз томонидан МБХни қўллаш билан боғлиқ бўлган кириш чекланган маълумотларга учинчи шахсларнинг рухсат этилмаган/ноқонуний киришини олдини олиш учун барча окилона етарлича чораларни кўради.

6.22. Мижоз мустақил равишда МБХ сервисларига кириш амалга оширилувчи қурилмаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлайди.

6.23. Мобил банк сервисларини тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби.

Мобил банк сервиси Банк маҳсулотларини харид қилиш, Бир марталик амалиётларни ўтказиш ва Ахборот амалиётларини олиш имконияти билан Банкнинг барча Мижозларига, ҳамда Ахборот амалиёти қисмида ***МКҲ*** (***Махсус Карта ҳисобрақами***) эгалари ҳисобланмайдиган Қўшимча Карталарнинг сақловчиларига тақдим этилади.

Мобил банк сервисига кириш учун, Мижоз Кириш сервисидан фойдаланади.

МБХ сервисларини қўллашда Мижоз Банкка Аризалар ва Топшириқномалар юбориш имкониятига эга бўлади.

МБХ сервислари ёрдамида Мижоз қуйидаги имкониятларга эга:

- Тегишли намуналарни созлаш йўли билан мунтазам топшириқномаларни расмийлаштириш, Мижоз Мунтазам топшириқномани бажаришнинг даврийликнинг мавжуд вариантларидан бирини мустақил равишда танлайди. Мунтазам топшириқномани бажариш учун Мижоз пул маблағларини, жумладан Банк Тарифлари билан кўзда тутилган Банкнинг комиссион мукофотларини ўтказилишини амалга ошириш учун етарли бўлган пул маблағларининг Картада/Ҳисобрақамда мавжудлигини таъминлаши керак. Агар Банк томонидан Мунтазам топшириқномани бажариш пайтига Картада/Ҳисобрақамда Банкнинг комиссион мукофотини ҳисобга олган ҳолда Мунтазам топшириқномани бажариш учун пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолатда, пул маблағларининг ўтказилиши амалга оширилмайди, бу ҳақда Банк Мижозни мобил телефон Рақамига тегишли SMS-хабарни юбориш ёки Шахсий кабинетда тегишли хабарномани жойлаштириш йўли билан хабардор қилади.

- Банкда очилган Ҳисобрақамлардан/Карталардан, жумладан Банкда очилган, ҳамда бошқа банкларда очилган Ҳисобрақамларга/Карталарга учинчи шахсларнинг фойдасига миллий валютада (Ўзбекистон Республикаси ичида) пул маблағларининг ўтказилишини амалга оширади. Мижознинг номига очилган ўз ҳисобрақамларига мижознинг ҳисобрақамларидан хорижий валютада. Халқаро пул ўтказмалари тизимлари ёрдамида

амалга оширилувчи пул ўтказмалари;

- Товарлар/ишлар/хизматлар учун, жумладан Банк томонидан тақдим этилган кредитларни; ЙҲХББ жарималари; солиқлар ва йиғимлар; бюджет ташкилотлар, коммунал, телекоммуникацион хизматларни кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларини тўловларини ва бошқа тўловларни амалга ошириш;

- МБХга киритилган бошқа имкониятлар.

МБХ сервисларида Аризаларни, Топшириқномаларни шакллантириш ва Аризаларни, Топшириқномаларни қонунийлигини, ҳақиқийлигини, яхлитлигини ва муаллифлигини тасдиқлаш учун Мижоз Кириш воситалари ва/ёки Текшириш кодини қўллайди.

Мазкур билан Мижоз Интернет тармоғи киришнинг хавфсиз канали ҳисобланмаслигини ва маълумотларнинг Интернет тармоғи орқали узатилишида унинг махфийлигини ва яхлитлигини бузилиш эҳтимоли билан боғлиқ барча хавфларни олиб келишини англайди.

6.24. МБХ доирасида Банк томонидан кўрсатилувчи қўшимча хизматлар.

6.24.1. SMS-банкинг:

SMS-банкинг тегишли Аризани киритиш йўли билан ушбу хизматга уланган барча Мижозларга тақдим этилади.

SMS-банкинг ёрдамида Мижоз мобил телефон Рақамидан Банкка Ахборот амалиётларини амалга оширишга сўровларни, Картани блоклашга сўровларни, ҳамда SMS-банкинг имкониятларига мувофиқ бошқа сўровларни юбориши мумкин.

SMS-банкинг ёрдамида узатилган сўровлар улар Мижознинг мобил телефон Рақамидан юборилганлиги билан тасдиқланади, бу уларни Мижознинг ўзи шахсан тузганини тасдиқлаш имконини беради.

SMS-хабарларни юбориш учун ҳисоб-китоблар SMS-хабар юборувчи томонидан мустақил тарзда (Банкнинг иштирокисиз) ҳаракатдаги уяли радиотелефон алоқаси оператори билан амалга оширилади.

Банк ҳаракатланувчи уяли радиотелефон алоқаси оператори айби билан жавоб SMS-хабарларнинг етказиб берилмаганлиги ёки бир сутка давомида Мижоз тармоқнинг амал қилиш зонасидан ташқарисида бўлган ёки унинг телефони ўчирилган, носоз ёки шунга ўхшаш ҳолатда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, бунда SMS-хабар унинг Банк томонидан юборилиш санасига Мижоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

SMS-банкингни қўллаш ҳолатида Мижоз мустақил тарзда ўзининг мобил телефонида SMS функцияни, ҳамда SMS-хизматга обунани, жумладан ҳаракатдаги уяли радиотелефон алоқаси ўз операторида қисқа рақамлар қўлланилиш имкониятини қўллаб турилишини таъминлайди.

Мижоз мобил телефон Рақамига/Рақамидан юборилган SMS-хабарлар Мижознинг(Мижозга) бевосита шахсан юборилганлиги ҳисобланишини тасдиқлайди.

6.24.2. SMS-хабарнома:

SMS-хабарнома ушбу хизматни қуйидагилар орқали улаган Мижозларга тақдим этилади:

- Банкнинг Контакт - Маркази;

- МБХ;

- Uzcard ва HUMO карталари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай банкнинг инфокиосклари/банкоматлари ёрдамида.

SMS-хабарнома хизмати доирасида Банк / Процессинг маркази Мижознинг мобил телефон Рақамига Карта ёки унинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган Амалиётлар бўйича SMS-хабарлар кўринишида маълумотни, Картанинг амал қилиш муддати тугаши, Ҳисобрақамлар бўйича амалиётларни тўхтатилиши (ваколатли органлари қарорлари асосида), кредитлар бўйича Банк олдида Мижознинг мажбуриятлари ҳақидаги маълумотни ва бошқа маълумотларни Мижознинг мобил телефон Рақамига юборади.

Банк Универсал шартнома билан кўзда тутилган тартибда SMS-хабарнома хизмати доирасида тақдим этилувчи маълумотлар рўйхатига ўзгартиришларни киритиш ҳуқуқини ўзида қолдиради.

Мазкур билан Мижоз мобил телефон Рақамининг ўзгартирилиши ҳақида Банкни хабардор қилиш пайтигача, Мижоз томонидан Банкка тақдим этилган мобил телефон Рақамига юборилган SMS-хабар Мижознинг ўзига бевосита юборилган ҳисобланади.

Мижоз томонидан SMS-хабарнинг (SMS-хабарноманинг) олинган санаси мобил телефон рақамига SMS-хабарнинг Банк/Процессинг марказ томонидан юборилган сана ҳисобланади.

Банк уяли алоқа операторининг айби бўйича Мижозга SMS-хабарнинг етказиб берилмаганлиги ёки Мижоз уяли тармоқнинг таъсир зонасидан ташқарида бўлган, мобил телефон ўчирилган, унинг носозлиги ҳолатида ва Банкка боғлиқ бўлмаган ва унга номаълум бўлган бошқа ҳолатларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, бунда SMS-хабар Банк томонидан юборилган куни Мижоз томонидан олинган деб ҳисобланади.

Мижоз мобил телефон Рақамига юборилган SMS-хабар Мижознинг ўзига бевосита юборилган деб ҳисобланишини тасдиқлайди.

7. МАХФИЙЛИК

7.1. Универсал шартномада "махфий" деб белгиланган - тарқатилиши ва ошкор этилиши мумкин бўлмаган барча ҳужжатлар, операциялар, маълумотлар ва ахборот махфий ҳисобланади. Томонлар махфий маълумотларнинг обрўсизланиши ва йўқолишининг олдини олиш учун барча зарур эҳтиёт чораларини кўришлари шарт.

7.2. Томонлар Универсал шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун ҳар бир Томон учун асосли равишда зарур бўлган маълумотларни алмашадилар. Бир Томон бошқа Томонга тақдим этадиган Универсал шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тааллуқли ҳар қандай шаклда (оғзаки, ёзма, бошқа шаклда, шу жумладан техник воситалардан фойдаланган ҳолда) тақдим этилган барча маълумотлар махфий ҳисобланади ва ушбу маълумот махфий маълумот сифатида белгиланади. Махфий ахборот жумласига, шу жумладан, Универсал шартнома доирасида тузиладиган шартномаларда кўрсатилган барча маълумотлар киради. Махфий ахборот унга рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиниши, унинг яхлитлиги, сақланиши ва ўз вақтида тақдим этилиши таъминланиши лозим. Универсал шартномага мувофиқ Махфий ахборотни олувчи томон ("Қабул қилувчи томон ") бундай ахборотни тақдим этувчи томоннинг ёзма розилигини олмасдан ("Узатадиган томон"), олмасдан:

(i) махфий ахборотнинг бирор қисмидан Универсал шартномада кўзда тутилмаган мақсадларда фойдаланиш;

(ii) қабул қилувчи Томоннинг ходимлари, ваколатли вакиллари ёки маслаҳатчиларига тегишли бўлмаган, Универсал шартномада назарда тутилган мақсадларда махфий маълумотлардан фойдаланишга асосли равишда муҳтож бўлган ва улар Универсал шартнома бўйича томон бўлган ҳолатдаги каби махфий маълумотларнинг сақланишини таъминлашга рози бўлган ҳар қандай шахс ёки ташкилотларга махфий маълумотларни ёки уларнинг бир қисмини тақдим этиш;

(iii) махфий ахборотдан ноқонуний фойдаланишга, шу жумладан матбуотда, Интернетда ва ахборотни тарқатишнинг бошқа манбаларида эълон қилишга йўл қўйиш.

7.3. Томонларнинг ҳар бири Универсал шартнома бўйича ҳамкорлик доирасида олинган, махфий деб эътироф этилган маълумотларни фақат бошқа Томоннинг розилиги билан эълон қилиш (эълон қилишга розилик бериш) мажбуриятини олади.

7.4. Махфийлликни сақлаш бўйича мажбуриятлар Универсал шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан ёки у муддатидан олдин тўхтатилганидан кейин ҳам кейинги 3 (уч) йил давомида ўз кучини сақлаб қолади.

7.5. Махфийллик шартларини бузган Томон жабрланган Томонга бевосита зарарлар миқдорида зарарларни қоплайди.

7.6. Қуйидаги ҳолларда махфий ахборот ошкор қилинган деб ҳисобланмайди:

(i) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда ваколатли давлат органларига тақдим этилади;

(ii) "Тижорат сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа қоидаларига кўра бундай ҳисобланмайди.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

8.1. Универсал шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг ходимлари, вакиллари, воситачилари ва аффилланган шахслари:

- ҳеч қандай пул маблағларини тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ва тўлашга рухсат бермайдилар ва/ёки бошқа моддий бойликларни (мол-мулк ва шу кабиларни) бирон-бир устунликка эришиш ёки бошқа мақсадларга эришиш мақсадида ушбу шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир кўрсатиш учун ҳар қандай шахсларга бевосита ёки билвосита бермайдилар;

- амалдаги қонунчиликда коррупцияга оид, шу жумладан пора олишни/ноқонуний ҳақ олишни ёки тижоратда пора эвазига оғдириб олишни талаб қилиш, пора олишда/тижоратда пора олишда воситачилик қилиш, пора бериш/олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, ноқонуний ҳақ олиш, (лавозим) ваколатларини суиистеъмол қилиш сифатида тавсифланиши мумкин бўлган ҳаракатларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этмайди;

- бевосита ёки билвосита, ҳар қандай шаклда, шу жумладан совғалар тарзида , ҳар қандай шахсларга ҳуқуқлар, хизматлар, мол-мулк бериш, ушбу шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир кўрсатиш ёки маълум бир қарамликка солиб қўйиш, ўзи ёки учинчи

шахслар учун ноқонуний афзалликлар ва фойда олиш ёки бошқа ноқонуний мақсадлар учун ҳеч қандай пул маблағларини тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ва беришга рухсат бермайдилар.

8.2. Бирор бир Томонда коррупцияга қарши қоидаларнинг бузилиши содир бўлгани ёки содир бўлиши мумкинлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлса, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади, шунингдек, Мижоз Банкнинг www.anorbank.uz веб-сайтида кўрсатилган ишонч телефони ёки электрон почта орқали Банкка мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаатда Томон бошқа Томон, унинг вакиллари, ходимлари, агентлари ёки аффилланган шахслари томонидан коррупцияга қарши қоидаларнинг бузилиши содир бўлганлиги ёки содир бўлиши мумкинлигини ишончли тасдиқловчи фактларга ҳавола қилиши ва/ёки материалларни тақдим этиши керак.

8.3. Томонлар Универсал шартномани бажариш доирасида тақдим этилган фактлар бўйича тегишли текширувлар ўтказилишини ва уларни бартараф этиш ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

8.4. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар шартларини бажаришда тўлиқ махфийликни, шунингдек мурожаат қилувчи Томон учун салбий оқибатларнинг йўқлигини кафолатлайдилар.

8.5. Хабардор қилинган томон коррупсиявий фаолият амалга оширилганлиги факти тасдиқлангунга қадар Универсал шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

8.6. Универсал шартнома бўйича Томонлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ва Универсал шартномага мувофиқ ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширмаслик, шу жумладан (лекин чекланмаган ҳолда) ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан (лекин чекланмаган ҳолда) тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат хизматчилари, хусусий компаниялар ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа шаклда пора беришни таклиф қилмаслик, санкция бермаслик, ваъда бермаслик ва ноқонуний тўловларни амалга оширмаслик мажбуриятини оладилар.

8.7. Томонлардан бири ушбу бўлимда кўрсатилган коррупцияга қарши қоидаларни бузган тақдирда, бошқа Томон Универсал шартномани бир томонлама суддан ташқари тартибда муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга.

9. УНИВЕРСАЛ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Универсал шартнома Мижоз Универсал шартномага қўшилган санадан бошлаб кучга киради ва муддат чекланмаган ҳолда амал қилади. Бунда Универсал шартнома доирасида тузилаётган Шартномаларнинг амал қилиш муддатлари чекланиши мумкин.

9.2. Универсал шартномани бекор қилиш Мижознинг Банк-алока маркази, МБХ орқали берган аризаси асосида амалга оширилади. Универсал шартноманинг бекор қилиниши, агар банк маҳсулотларини тақдим этиш тўғрисидаги аниқ шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Универсал шартнома доирасида тузилган барча

Шартномаларнинг амал қилиши тўхтатилишига ва тегишли Ҳисобварақлар (Карталар) ёпилишига олиб келади, бунда Мижоз барча тузилган Шартномалар бўйича Универсал шартнома бекор қилингунга қадар юзага келган мажбуриятларини бажариши шарт.

9.3. Универсал шартнома доирасида тузилган банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги алоҳида шартноманинг бекор қилиниши Универсал шартноманинг бекор қилинишига олиб келмайди.

9.4. Ҳисобварақ(лар) /карталар(лар)ни ёпиш ва Мижозга пул маблағлари қолдиғини қайтариш Амалдаги қонунчиликда ва Универсал шартномага иловалар шартларида ҳамда Тўлов тизимлари қоидаларида (зарур ҳолларда) тузилган Банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади**.**

9.5. Банк Универсал шартномада назарда тутилган ҳолларда, Банкнинг Алоқа маркази, МБХ ёки ёзма равишда хабардор қилиш орқали Универсал шартномани бажаришдан тўлиқ ёки қисман бир томонлама бош тортишга ҳақли. Бунда Универсал шартнома Банк томонидан хабарнома юборилган санадан бошлаб учинчи куни бекор қилинган деб ҳисобланади.

10. ФОРС-МАЖОР

10.1. Томонлар Универсал шартнома ва/ёки Шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликни ўз зиммаларига олмайди, агар бу бажармаслик табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, ёнғинлар, иш ташлашлар ёки бошқа офатлар (томонларнинг бирон бирининг айби бўлмаган ҳолда вужудга келган, аммо улар томонидан ўз мажбуриятларини бажарилишига таъсир этувчи техниканинг ишдан чиқиши, дастурий таъминотнинг, электр таъминотининг ва ахборотларни узатиш тизимларининг узилиши), оммавий бетартибликлар, ҳукумат, давлат бошқаруви ва назорати органлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг чеклов-тақиқ ҳужжатларини қабул қилиниши, коммунал авариялар, мамлакатларга нисбатан санкциялар ва эмбарго ва Томонлар таъсир ўтказиши мумкин бўлмаган бошқа ҳодисалар ва уларнинг вужудга келиши учун жавобгарликни ўз зиммаларига олмайдиган , уларнинг натижасида Универсал шартномани ёки бирон бир тузилган банк маҳсулотларини тақдим этиш тўғрисидаги Шартномаларнинг бажарилиш имкониятини истисно қилувчи каби енгиб бўлмас куч ҳолатлари оқибатида юзага келган бўлса, Томонларнинг мажбуриятларни бажариш муддати Универсал шартномани ёки тегишли банк маҳсулотларини тақдим этиш тўғрисидаги Шартноманинг бажарилишига таъсир этувчи ушбу ҳолатларнинг таъсир қилиши якунлангунига қадар бошқа муддатга кўчирилади. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари юзага келганда Мижоз Банкни 3 (Уч) календар кун давомида, Банк эса Универсал шартнома ва/ёки унинг доирасида тузилган банк маҳсулотларини тақдим этиш тўғрисида шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш имконияти йўқлиги ҳақида ҳар қандай мавжуд усулда, жумладан банк сайтида, SMS-хабарнома, МБХ ва ҳоказолар орқали хабардор қилиши керак.

10.2. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари форс-мажор ҳолати бўлиб уларнинг қонун билан ўрнатилган тартибда бунга ваколатланган органларнинг тасдиқланиши ҳисобланади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Томонларда Универсал шартнома ва/ёки унинг доирасида алоҳида тузилган Шартномаларнинг шартлари ва шартларини бажариш бўйича келишмовчиликлар ва низолар юзага келиш ҳолатида, Томонлар музокаралар ва хатлар юбориш йўли билан низоли ҳолатни тартибга солишга йўналтирилган барча чораларни кўради. Низолар ҳақида хатни олган Томон 15 (ўн беш) кун давомида уни кўриб чиқиши ва асосланган жавобни юбориши керак.

11.2. Универсал шартнома бўйича хизматларни кўрсатиш доирасида Банкнинг ҳаракатлари билан норозилик, жумладан МБХ доирасида Ариза, Топшириқнома бўйича

Банк томонидан амалга оширилган Амалиётнинг Мижоз томонидан даъво қилиниши ҳолатида, Мижоз Банкнинг Контакт-Марказига мурожаат қилиши мумкин.

11.3. Тарафлар ўртасида Универсал шартномадан, Шартномалардан ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятлардан келиб чиқадиган барча низолар, шу жумладан уларнинг

бажарилиши, ўзгартирилиши, бекор қилиниши, тўхтатилиши, шартноманинг бажарилмаслиги оқибатида келиб чиққан низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилиши лозим. Нотариал ижро хатини олиш йўли билан қарзни ундиришда Мижоз нотариал ижро хатининг ҳақиқийлигини сўзсиз тан олади. Фуқаролик ишлари бўйича судга ариза билан мурожаат этишни ёки нотариусга нотариал ижро хатини олишни танлаш ҳуқуқи даъвогарда сақланиб қолади.

11.4. Универсал шартнома билан кўзда тутилган барчасида, Томонлар Амалдаги қонунчилик билан раҳбарлик қилади.

11.5. Универсал шартнома ва/ёки Универсал шартномага Иловаларнинг барча ўзгартиришлари ва қўшимчалари, агар улар Универсал шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

12. БАНКНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ANOR BANK» акциядорлик жамияти
Манзили (жойлашган жойи): Узбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шахри,
Яшнобод тумани, Шахрисабз кочаси, 85 уй.
Маълумотлар учун телефонлар (Банкнинг Контакт-Маркази): (+998 55) 503-00-00
Ишонч телефони: (+998 71) 205-82-23
Интернет тармоғида Банкнинг расмий сайти: www.anorbank.uz
E-mail: info@anorbank.uz

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага 1-ИЛОВА

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича универсал шартномага қўшилиш тўғрисида ОММАВИЙ ОФЕРТА

Мазкур Оммавий оферта (кейинги ўринларда "Оферта") жисмоний шахсларга - Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги банк картаси сақловчиларига манзилланган, ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360- ва 369-моддалари шартларида, мазкур Оммавий офертада таърифланган тартибда ва ҳажмларда «ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага (кейинги ўринларда "Универсал шартнома") қўшилиш шартномасини тузишга «ANOR BANK» АЖнинг (кейинги ўринларда "Банк") расмий оммавий таклифи ҳисобланади.

Мазкур Оммавий оферта Универсал шарномани тузиш ва унга жисмоний шахсни қўшишнинг умумий шартларига эга.

Банкда очилган банк ҳисобрақамига эга бўлмаган банк картаси эгалари Банкда уларнинг номига очилган ҳисобрақамларни қўлламасдан амалга оширилувчи масофавий банк хизмат кўрсатиши (МБХ) хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бундай хизматлар рўйхати Универсал шартномада кўрсатилади, ҳамда Банкнинг Мобил иловаси функционали билан белгилаб берилади.

Бунда келажакда Банкда ҳисобрақамни/МКҲни очиш ҳолатида жисмоний шахс Банк томонидан тақдим этиладиган банк хизматлари ва маҳсулотларининг тўлиқ функционалидан фойдаланишлари мумкин бўлади, бунинг учун Банк томонидан эмиссия қилинган картани Банкнинг Мобил иловасида рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш талаб этилади.

1. Универсал шартномага қўшилиш шартномаси мазкур Офертада кўзда тутилган ва бирон бир истисносиз ёки чекловларсиз мазкур Оммавий оферта ва Универсал шартноманинг барча шартларини Мижоз томонидан сўзсиз қабул қилинишини (акцептини) англатувчи ҳаракатларни жисмоний шахс (кейинги ўринларда "Мижоз") томонидан амалга оширилишида тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради.

2. **Оммавий офертанинг акцепт қилиниши Мижоз томонидан қуйидаги ҳаракатлар ўтказилгандан кейин тасдиқланган ҳисобланади:**

– **Банкнинг Мобил иловаси олдиндан ўрнатилган операцион тизими (Android ва/ёки iOS) билан Мобил қурилмага юклаб олиш** ёки Интернет-банкда логин билан кириш;

– **Банкнинг Мобил иловасида** ёки Интернет-банкда **зарурий маълумотларни тақдим этиш (рўйхатдан ўтиш процедурасидан ўтиш);**

– **Тасдиқловчи кодни олиш ва уни Банкнинг Мобил иловасида** ёки Интернет-банкда Тасдиқловчи дарчада киритиш **(*ПИН-кодни созлаш ва/ёки Touch ID*)**.

3. Ҳуқуқлар ва мажбуриятлари, низоларни ва Томонларнинг бошқа ўзаро муносабатлари Универсал шартномада белгилаб берилади ва Мижознинг ҳаракатлари асосида, ижрога Банк томонидан қабул қилинган, жумладан Банкнинг Мобил банк ва Контакт-Маркази орқали Мижоз билан юборилган Мижознинг Топшириқномалари, аризалари, буюртмалари ва ҳоказоларни тақдим этишда вужудга келади.

4. Мазкур Офертани акцептлаб, Мижоз қуйидагиларни тасдиқлайди:

– **мазкур Офертанинг, Универсал шартноманинг шартлари ва Банк Тарифлари билан танишган ва улар билан розилиги ва уларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;**

– **Офертага мувофиқ қўлланилувчи Логин, Пароль, бир марталик ўзгарувчан кодлар унинг банк ҳисобрақамларидаги маблағларни идора қилиш ҳуқуқларини тасдиқловчи етарлича воситалар ҳисобланади;**

– **Тизимлар ва Мобил иловалар сервислари доирасида амалга оширилувчи ҳаракатларнинг далили жумладан мувофиқ тарзда SMS/хабар ёрдамида мобил телефон Рақамига ва/ёки Электрон почтага юбориладиган бир марталик ўзгарувчан кодлар ёрдамида амалга оширилиши ҳақида хабардор этилган;**

– **мобил телефонни йўқотилиш ҳолатида ўз мобил телефонининг янги рақами, ҳамда электрон почта манзили ва бошқа шахсий маълумотларнинг ўзгартирилиши ҳақида Банкни хабардор қилиш зарурати ҳақида ўзининг хабардор этилганлигини.**

5. Мижоз Банкка Мижоз томонидан танланган банк/молия хизматларини кўрсатишда унинг шахсий маълумотларига ишлов беришни амалга ошириш, ҳамда уларни учинчи шахсларга ("ЯУПМ" МЧЖ, "Milliy banklararo protsessing markazi" МЧЖ (кейинчалик "МВРМ"), кредит тарихлар бюроси, ДСҚ, маълумотларни олиш учун "Халқ банк" АТ ва Банк ҳамкорлари ва давлат органларининг бошқа интеграция қилинган базаларидан ШЖБПҲга ўтказмалар ҳолати ҳақида) бериш ва улар томонидан уларга ишловни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этади.

6. Универсал шартноманинг қоидалари унинг Томонлар билан тузилиш санадан бошлаб кучга киради ва Универсал шартнома, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан кўзда тутилган асослар бўйича унинг бекор қилинишигача амал қилади.

7. Банк Иловани қўллаш ва/ёки қўллаш имконсизлигининг ҳар қандай оқибатлари учун (мобил қурилмага Иловани ўрнатишда (юклашда) ва Иловани кейинчалик қўллашда), ҳамда Иловани шундай қўллаш ва/ёки қўллаш имконсизлиги натижасида бирон бир учинчи шахсга етказилган зарар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

8. Универсал шартноманинг ҳар қандай асослар бўйича бекор қилиниш ҳолатида, Универсал шартноманинг тўхтатилиш пайтигача юзага келган барча мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда ва унинг шартларига мувофиқ бажарилиши шарт.

9. Оферта Универсал шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10. Мазкур Оферта бир хил юридик кучга эга бўлган ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган. Ҳар хил талқин қилиш ҳолатида, рус тилидаги матн устун кучга эга.

11. Банкнинг манзили ва реквизитлари

«ANOR BANK» акциядорлик жамияти
2025 йил 15 сентябрдан 87-сон лицензия
Манзили (жойлашган жойи): Узбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шахри, Яшнабад тумани, Шахрисабз кочаси, 85 уй.
Маълумотлар учун телефонлар (Банкнинг Контакт-Маркази): (+998 55) 503-00-00
Ишонч телефони: (+998 71) 205-82-23
Интернет тармоғида Банкнинг расмий сайти: www.anorbank.uz
E-mail: info@anorbank.uz

«ANOR BANK» АЖда жисмоний
шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича
Универсал шартномага
2- ИЛОВА

Талаб қилиб олингунча депозитларни очиш, юритиш ва ёпишнинг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Талаб қилиб олингунча ҳисобрақам - келиб тушувчи пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобрақамга ўтказиш учун, ҳамда биринчи талаб бўйича тегишли суммаларни ҳисобрақамдан чиқариш, ўтказиш ва бериш ҳақидаги Мижознинг Топшириқларини бажариш ва Умумий шартларда, Универсал шартномада ва Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган шартларда ва тартибда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақам бўйича бошқа амалиётларни бажариш мазкур Умумий шартларга мувофиқ Мижозга Банк томонидан очилувчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақам.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Умумий шартлар талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамни очиш, юритиш ва ёпиш процедурасини ўрнатади, шу муносабат билан Мижоз ва Банк ўртасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солади ва ҳисобрақамни очишга Мижознинг Аризаси (мазкур Умумий шартларга Илова ҳисобланувчи 1-сон Шакл бўйича), Универсал шартнома ва Банк Тарифлари билан биргаликда банк ҳисобрақами Шартномасини (мазкур Умумий шартларнинг матни бўйича кейинги ўринларда - "Шартнома") тузади.

2.2. Банк томонидан талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамини очиш учун Мижоз қуйидаги усулларда Аризани (1-сон Шаклни) тақдим қилади:

– МБХ функционали ёрдамида (Банкда Идентификация процедурасини ўтган Мижозлар);

– Банкнинг Контакт-Маркази орқали, жумладан Мижознинг Универсал шартноманинг шартларига қўшилиш пайтида.

Банк Банк талабларига ва Ўзбекитсон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ҳисобрақамни очиш ва Мижознинг идентификациясини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни Мижоздан талаб қилиб олиши мумкин.

Мижознинг Аризаси Банк томонидан акцептлангадан кейин Шартнома тузилган ҳисобланади. Банк акцепти - талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамнинг Мижозга очилиши ҳисобланади. Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган Ариза унинг Банк томонидан акцепти ҳолатида Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Мижознинг Умумий шартлар билан тўлиқ ва сўзсиз розилигини тасдиқлайди, ҳамда Мижоз Аризани киритишда Банкнинг Тарифлари билан танишиб чиққанлигини тасдиқлайди. Банк белгилари билан Аризанинг бир нусхаси Мижоз сўрови бўйича Мижозга берилади.

2.3. Банк Мижозга талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамни очади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ фақат Мижоздан ҳисобрақам бўйича топшириқномаларни қабул қилади. Мижознинг топшириғисиз ва розилигисиз талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамдан маблағларни Банк томонидан ечиб олиниши фақат Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин.

2.4. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича амалиётлар Амалдаги қонунчилик, мазкур Умумий шартлар ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига биноан амалга оширилади.

2.5. Мижознинг талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамида мавжуд бўлган пул маблағларидан фойдаланиш учун фоизлар Банк томонидан қўшиб ҳисобланмайди, агар Банк Тарифлари билан бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

2.6. Мижоз МБХ орқали Универсал шартнома доирасида Банкда унинг номига очилган барча Ҳисобрақамларга кириш ҳуқуқига, жумладан Универсал шартнома шартларига мувофиқ Мижознинг Ҳисобрақамларидан пул маблағларини ўтказиш бўйича Топшириқномаларни расмийлаштириш имкониятига эга. Шунингдек, Мижоз Банкнинг Мобил иловаси, SMS-хабарнома (агар уланган бўлса) ва/ёки Банкнинг Контакт-Маркази орқали қолдиқлар, амалиётлар ҳақида маълумотларни ёки ҳисобрақамлар бўйича кўчирмаларни олиши мумкин.

2.7. Мижоз ҳисобрақам бўйича Банкнинг Контакт-Маркази ёрдамида талаб қилиб олингунча ҳисобрақамдаги маблағларнинг қолдиғига таъсир этувчи бирон бир амалиётларни ўтказиши мумкин эмас.

2.8. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам чекланмаган муддатга очилади.

2.9. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами қуйидаги ҳолатларда ёпилиши мумкин:

– МБХ ёрдамида Банкка юборилган Мижознинг аризаси бўйича;

– Универсал шартнома билан ўрнатилган тартибда ва шартларда Универсал шартномани бекор қилиш;

– Мижоз томонидан Универсал шартноманинг шартларини жиддий равишда бузилишида;

– Амалдаги қонунчилик ва/ёки Банкнинг ички қоидалари билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

2.10. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 788-моддасида ва Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда Банк талаби бўйича суд томонидан ёпилиши мумкин.

2.11. Универсал шартномани бекор қилиш ва тўхтатиш Мижознинг талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамини ёпилиши учун ҳамда, кейинчалик Шартномани бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

2.12. Умумий шартларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Томонларнинг келишуви бўйича амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

3.1.1. Мижознинг талаби бўйича, унинг Банкка мурожаат қилиш вақтида, унинг реквизитларига эга бўлган талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам бўйича кўчирмани Мижозга тақдим этиш. Амалиётни ўтказилганлигини тасдиқловчи кўчирмалар ва ҳужжатлар МБХ ёрдамида электрон ҳужжат кўринишида тақдим этилади. Кўчирмалар тегишли ёзма сўров бўйича қоғоз кўринишида Мижозга тақдим этилган бўлиши мумкин. Бунда, мазкур билан Мижоз қоғоз ташувчисида кўчирмаларни тақдим этиш бўйича амалдаги Тарифлар билан танишиб чиққанлигини тасдиқлайди.

3.1.2. Масофавий хизмат кўрсатиш каналлари ёрдамида Мижозга маълумотларни тақдим этиш йўли билан талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича ҳар бир амалиётни амалга оширилганлиги ҳақида Мижозни хабардор қилиш.

3.1.3. Мижознинг пул маблағларини сақлаш, талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамга келиб тушаётган суммаларни хисобга киритиш , уларни ўтказиш бўйича Мижознинг Топшириқномаларини бажариш, ҳамда Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк қоидалари ва Универсал шартноманинг шартлари билан ўрнатилган ундаги талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам учун кўзда тутилган бошқа амалиётларни амалга ошириш, ҳамда Банкка берилган топшириқномаларни бажариш ҳақида зарурий маълумотлар билан Мижозни таъминлаш. Бунда, талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамида пул маблағлари етарлича бўлмаган ҳолатда пул маблағларининг ҳисобрақамдан чиқарилиши амалга оширилмайди.

3.1.4. Мижознинг биринчи талаби бўйича Мижознинг тегишли топшириқномаси банкка келиб тушган кундан кейин келувчи кундан кечиктирмасдан тўловлар бўйича унинг топшириқномасини бажариш. Бунда, агар Мижознинг Топшириқномаси Амалиёт куни якунлангандан кейин ёки дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунда келиб тушган

бўлса, Амалиётларнинг бажарилиши дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кундан кейинги биринчи Амалиёт куни амалга оширилади.

3.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Амалдаги қонунчилик ва Универсал шартнома билан кўзда тутилган ҳолатларда талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамни очишда рад этиш.

3.2.2. Мижозни олдиндан хабардор қилмасдан талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам, Интернет-Банк, Мобил Банк бўйича амалиётларни ўтказиш/уларнинг ўтказилишини чеклашда Мижозга рад этиш, ҳамда Масофавий хизмат кўрсатиш каналлари орқали амалиётларни ўтказишга чекловларни ўрнатиш, агар:

– Банкка амалиётларни ўтказиш учун зарур бўлган ва ўрнатилган талабларга биноан расмийлаштирилган ҳужжатлар келиб тушмаганида;

– Банкда Топшириқнома Мижоздан ёки Мижознинг вакилидан келиб тушганлигида гумон пайдо бўлса;

– амалиёт Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки мазкур Умумий шартларнинг талабларига зид келса;

– Банкда ўтказилувчи амалиёт Мижоз/Мижоз вакили томонидан ноқонуний амалиёт ўтказилиши билан боғлиқлик гумони юзага келса;

– Мижознинг талаб қилиб олингунча ҳисобрақамидаги пул маблағларини идора қилиш бўйича ҳуқуқлари Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган тартибда ва ҳолатларда чекланган;

– Универсал шартнома ва мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатида, жумладан, Универсал шартнома билан ўрнатилган муддатларда ва/ёки Банкнинг сўрови бўйича маълумотларни/ ҳужжатларни/ тушунтиришларни Мижозга тақдим этилмаслик ҳолатида;

– Банк томонидан Мижознинг розилигисиз пул маблағларининг ўтказмасини амалга ошириш хусусиятларига мос келувчи амалиётлар аниқланганида;

- Банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларида белгиланган бошқа ҳолларда.

3.2.3. Тўлов ҳужжатларидаги реквизитларда шубҳалар мавжудлигида Мижознинг ҳисобрақамига ўтказишларни амалга оширмаслик.

3.2.4. SWIFT-хабарларнинг реквизитларида номувофиқликлар мавжуд бўлган ҳолатда Банкнинг корреспондент ҳисобрақамига келиб тушган суммаларни Мижознинг Ҳисобрақамига ўтказмаслик.

3.2.5. Асослаб берувчи ҳужжатларни тақдим этмаслик ёки тегишли бўлмаган равишда расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим этиш ҳолатида Амалиётларни ўтказилишини рад этиш.

3.2.6. Қуйидаги келишувлардан келиб чиқувчи Банк олдидаги мажбуриятларни Мижоз томонидан бажарилиши мақсадида талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамдан пул маблағларини Мижознинг қўшимча топшириқномаларисиз (олдиндан берилган акцепт) акцептсиз тартибда ҳисобрақамдан чиқариш:

– Универсал шартномага биноан тузилган шартнома, жумладан Банк Тарифлари билан ўрнатилган комиссиялар;

– Банк ва Мижоз ўртасида тузилган кредит шартномаси/микроқарз шартномаси, жумладан асосий қарз, фоизлар, пенялар, жарималар, қоплашлар ва кредит шартнома/микроқарз шартномаси билан кўзда тутилган бошқа тўловлар;

– Мижоз кафил сифатида чиқувчи Банк билан тузилган кафиллик шартномаси;

– Банк ва Мижоз ўртасида тузилган бошқа шартномалар.

3.2.7. Банк томонидан талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамига пул маблағларини хато ўтказилиши, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг бўлинмалари томонидан пул маблағларини хато ўтказилиши ҳолатида, жумладан Амалдаги қонунчилик

меъёрларига мувофиқ тўловларни тўхтатилишини олиб келувчи ҳолатлар бошланганидан кейин, Мижоз Банкка Мижознинг талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамига хато ўтказилган пул маблағларининг қийматида талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамидан Мижознинг қўшимча топшириқномасисиз, жумладан маблағларни тўлаган Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг бўлинмаларининг талаби бўйича ечиб қолинишига ўз ҳуқуқ ва розилигини беради (олдиндан берилган акцепт). Кўрсатиб ўтилган ҳолатларда талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамдан пул маблағларини қисман ечиб олинишига йўл қўйилади.

3.2.8. Мижозга тегишли ҳисобрақамнинг рақами бўйича талаб қилиб олингунча ҳисобрақамга пул маблағларини ўтказиш.

3.2.9. Ҳужжатларнинг тегишли бўлмаган тарзда расмийлаштирилиш ёки банкка топшириқ берилаётган амалиётларнинг амалдаги қонунчиликка зид келиши ҳолатида ҳисоб-китоб ҳужжатини қабул қилинишини рад этиш.

3.2.10. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Мижоздан Мижозни идентификация қилиш имконини берувчи ва талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича амалга оширилаётган амалиётларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотларни ва ҳужжатларни талаб қилиш.

3.3. Мижоз уз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

3.3.1. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва Амалдаги қонунчиликка зид келмайдиган Амалиётларни амалга ошириш.

3.3.2. Банк Тарифларига мувофиқ талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича амалиётларни амалга оширишда Банк хизматлари нархини тўлаш.

3.3.3. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича амалиётларни Амалдаги қонунчилик ва Банкнинг локал ҳужжатларига қатъий мувофиқликда ўтказиш. Мижоз талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамини очиш учун тақдим этилувчи ҳужжатларнинг ва маълумотларнинг тўғрилиги ва у бўйича амалиётларни ўтказиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.3.4. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамига маблағлар хато ўтказилганлигини ва/ёки ундан хато ечиб олинганлигини аниқлаш ҳолатида, бу ҳақда Банкка зудлик билан хабар бериш.

3.3.5. Томонлар билан келишиб олинган тартибда МБХ, Банкнинг Контакт-Маркази ёрдамида Банкдан хабарномалар, сўровлар ва бошқа ахборот хабарларига жавобларни тақдим этиш.

3.4. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. МБХни қўллаш билан, ҳамда Банкнинг Контакт-Маркази орқали талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамни очиш пайтига жорий/олдинги календар ойи учун ёки бутун давр учун талаб қилиб олингунча Ҳисобрақами бўйича Кўчирмаларни олиш.

3.4.2. Амалдаги қонунчилик ва Универсал шартноманинг шартлари билан кўзда тутилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Пул маблағларининг ўтказилиши Мижознинг Топшириқномаси асосида амалга оширилади.

3.4.3. Вакилга унинг талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамида мавжуд бўлган пул маблағларини идора қилиш ҳуқуқини тақдим этиш.

3.4.4. Ҳар қандай пайт мазкур Умумий шартларга қўшилишдан воз кечиш. Ушбу ҳолатда, Мижоз МБХ каналлари орқали тегишли аризани Банкка юборишга мажбурдир.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Банк агар Мижоз томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларда суммаларни хато ўтказилишига олиб келган маблағ олувчининг реквизитлари нотўғри кўрсатилган бўлса, ҳамда талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам бўйича суд ва бошқа органларнинг қарорлари (фармойишлари ва ҳоказолар) асосида амалиётларни тўхтатиш,

пул аблағларига таъқиқ қўйилиши ва уларни ҳисобдан чиқариш ва уларда пул маблағларини ундиришнинг асослари тўғри кўрсатилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4.2. Мижозга келиб тушган пул маблағларини талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамга ўз вақтида ўтказмаслик, ёки уларнинг Мижознинг талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамдан Банк томонидан асоссиз ҳисобрақамдан чиқарилиши ҳолатларида, Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади .

4.3. Ваколатли бўлмаган шахслар томонидан берилган талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича фармойишларни бажариш оқибатлари учун, агар ваколатли бўлмаган шахс томонидан фармойиш бериш факти Банк томонидан ушбу умумий шартлар ва Универсал шартномада назарда тутилган тартиб-қоидалардан фойдаланган ҳолда аниқланиши мумкин бўлмаса, Банк оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4.4. Мижознинг топшириқномаларида сақланувчи маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик Мижоз зиммасига юкланади. Мижоз Банк талаби бўйича тузилган Универсал шартномага мувофиқ сўралувчи маълумотларни ва ҳужжатларни тақдим қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5. Мижоз мустақил шакллантирилган тўлов ҳужжатларининг тўғрилиги, ҳамда МБХ ёки Масофавий хизмат кўрсатишнинг бошқа каналларида маълумотларнинг ва реквизитларнинг тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.6. Мижоз ҳисобрақамни очиш учун, ҳамда ҳисобрақамга банк хизмат кўрсатиши жараёнида Банкка тақдим этилаётган ҳужжатларда сақланувчи маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Умумий шартлардан келиб чиқувчи низолар ва келишмовчиликлар Универсал шартномада кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

5.2. Талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамга қабул қилинган пул маблағларини қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

5.3. Банк талаб қилиб олингунча Ҳисобрақамини ва у бўйича амалиётларни, ҳамда Мижоз ҳақидаги маълумотларни сир тутилишини кафолатлайди. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар Амалдаги қонунчилик ва Универсал шартнома билан кўзда тутилган тартибда фақат Мижознинг ўзига, унинг вакилига, ҳамда учинчи шахсларга тақдим этилиши мумкин.

5.4. Банк омонатдаги маблағларнинг сақланганлигини ва дахлсизлигини кафолатлайди. Омонатда мавжуд бўлган маблағларга таъқиқ қўйилиши, ёки омонат бўйича амалиётларни тўхтатилиши фақат амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган ҳолатларда ўрин тутиши мумкин.

5.5. Агар талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам бўйича 1 (бир) йил давомида ҳеч қандай амалиётлар амалга оширилмаган ҳолатда, у ҳолда талаб қилиб олингунча Ҳисобрақам ҳаракатсиз омонат деб тан олинади. Ҳаракатсиз омонатнинг юритилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

5.6. Мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилмаган ҳолатларда, Томонлар Универсал шартноманинг иловалари билан раҳбарлик қилади.

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага 2-Илова Талаб қилиб олингунча депозитларни очиш, юритиш ва ёпишнинг умумий шартларига 1-сон Шакл

«ANOR BANK» АЖ

_____

_____

_____**дан**

(аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми)

А Р И З А

Сиздан _____да

(валютанинг номланиши)

_____

(Ф.И.Ш.)

номига ҳисобрақамни очишни сўрайман.

МИЖОЗ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ф.И.Ш*:

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари*:

(шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси, рақами, берилган санаси ва жойи)

Туғилган санаси*:

Манзили*:

Банк билан алока учун телефон рақами*:	+ ( ) - -
E-mail:	

Ҳисобрақами:

Мазкур аризани тўлдириш пайтига амалдаги Банк Тарифлари ва «ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартноманинг шартлари билан танишиб чикдим ва розилик билдираман.

Масофавий банк хизмат кўрсатиши каналлари ёрдамида ҳисобрақам бўйича барча маълумотларни олишга розилик билдираман.

Тўлдирилган сана: **Имзо:** ✓

«ANOR BANK» АЖда жисмоний
шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича
Универсал шартномага
3-ИЛОВА

Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш,
юритиш ва ёпишнинг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг мазкур Умумий шартлари Универсал шартноманинг қисми бўлиб, барча Мижозлар учун намунавий ҳисобланади ва (кейинги ўринларда "Банк омонат шартномаси") қоидаларини белгилаб беради. Муддатли омонат шартномаси Мижоз ва Банк ўртасида МБХ оркали ва мижозни Банкка ташриф буюрган холда тузилади.

Омонат - Банкда жисмоний шахс томонидан миллий ёки хорижий валютада жойлаштирилган пул маблағлари, шу жумладан Банк омонати Шартномасига мувофиқ Банк омонати шартномаси амал қилиши даврида Омонат суммасига қўшимча киритилган ва капитализация қилинган (ўтказилган) фоизлар.

Омонатчи - Банк билан Банк омонати шартномасини тузган Мижоз.

Банк омонати шартномаси - бу икки томон ўртасида тузилган келишув бўлиб, унда томонларнинг бири омонатчи сифатида ўз маблағларини сақлашга ишониб топширади, банк эса иккинчи томондан ўрнатилган миқдорда маблағлардан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизларни қўшиб ҳисобга олган ҳолда ушбу пулларни белгиланган муддатда қайтариш мажбуриятини олади.

Қўшимча бадал - Банк омонати шартномаси ва Банк Тарифларига мувофиқ Омонат очишда унинг дастлабки суммаси киритилгандан кейин Омонатчи томонидан Омонатга киритилувчи пул миқдори.

Омонатни муддатидан олдин ёпиш - омонатни Мижоз билан тузилган банк омонати шартномасида кўрсатилган муддатдан илгари ёпилиши.

Банк курси - Банк фармойиши билан билан ўрнатилувчи конверсион амалиётни амалга ошириш санасига конверсион амалиётларни амалга ошириш учун қўлланилувчи Банк курси.

Фоизлар капитализацияси - омонатнинг асосий суммасига ҳисобланган фоизларни қўшиб ўтказиш, агар бу омонат Шартлари билан кўзда тутилган бўлса.

Омонатнинг минимал суммаси - амалдаги Омонат шартларига мувофиқ омонатнинг у ёки бошқа турларини жойлаштириш (очиш) учун зарур бўлган пул маблағларининг минимал суммаси ёки қўшимча бадал(лар)ни амалга ошириш учун зарур бўлган сумма.

Камайтирилмайдиган қолдиқ - пул маблағларининг минимал суммаси бўлиб, уни Мижоз омонатнинг бутун Муддати давомида омонатда таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Омонат шартномасининг якка тартибдаги шартлари - Банк омонати шартномасининг якка тартибдаги шартлари, уларда қуйидаги шартлар акс эттирилган (жумладан, аммо чекланмаган ҳолда):

- омонат суммаси;
- омонат валютаси;
- омонат муддати;
- омонатни тўлдириш имконияти ва шарти;

– омонатнинг бир валютада киритиш ва Банкнинг Курси бўйича бошқа валютада омонат суммасини ва/ёки фоизларини олиш имконияти;

– омонат бўйича фоизларни тўлаш даврийлиги;

– фоизлар капитализациясининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги;

– Банк омонати шартномаси муддатини узайтириш шартлари;

– Банк омонати шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш шартлари;

– бошқа шартлар.

Муддатни узайтириш - омонатнинг янги жалб қилиниши санасига омонатнинг ушбу тури бўйича Банкда амал қилувчи омонат Шартларида ўша ёки бошқа муддатга Омонатни узайтириш (агар омонатнинг Муддати якунланиш санасига омонат Омонатчи томонидан талаб этилмаган ҳолатда), агар бу омонат шартлари билан кўзда тутилган ҳолатда.

Жамғарма омонат - бошланғич омонат суммасига қўшимча маблағларни қўшиш ҳуқуқи билан маълум шартлар ва маълум мақсадларга йўналтириш асосида тўпланувчи банкнинг МБХсини қўллаш билан омонат Ҳисобрақамига Мижознинг Ҳисобрақамидан/Картасидан/Ҳамёнидан ўтказмалар ёрдамида жалб қилинувчи Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки хорижий валютадаги пул маблағлари, агар бу омонат Шартлари билан кўзда тутилган ҳолатда, жумладан омонат шартлари билан кўзда тутилган шартларда ва тартибларда омонат суммасига қўшиб ҳисобланган фоизлар.

Омонат муддати - Банк томонидан белгиланган вақтнинг маълум даври бўлиб, унга Омонатга пул маблағлари жойлаштирилади (кунларда, ойларда, йилларда ифодаланган бўлиши мумкин).

Муддатли омонат - банк омонати якка тартибдаги шартномаси билан ўрнатилган муддат якунлангандан кейин Банкнинг МБХсини қўллаш билан омонат Ҳисобрақамига Мижознинг Ҳисобрақамидан/Картасидан/Ҳамёнидан ўтказиш ёрдамида жалб қилинувчи, жумладан, банк омонати Шартномасининг амал қилиш даврида Мижоз томонидан қўшимча киритилган пул маблағлари, агар бу Омонат шартлари, жумладан Омонат Шартлари билан кўзда тутилган шартларда ва тартибда Омонат суммасига қўшиб ҳисобланган фоизлар ҳолатида, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ёки хорижий валютадаги пул маблағлари.

Томонлар - Банк ва Омонатчи.

Омонат ҳисобрақами - Омонат суммаси ҳисобини юритиш учун Банк омонати шартномаси доирасида очилган ҳисобрақам.

Жисмоний шахслар учун омонат шартлари (Омонат шартлари) - жисмоний шахслар учун Банкда амалда бўлган омонатлар, уларнинг асосий параметрларини кўрсатиш билан, жумладан омонат валютаси, минимал суммаси, фоиз ставкаси, фоизларни капиталлаштириш шартлари, омонатни тўлдириш ва қисман ечиб олиш шартлари, муддатини узайтириш мавжудлиги ва шартлари ва шунга ўхшашларнинг рўйхати мавжуд бўлган ҳужжат.

Қисман ечиб олиш - Банк омонати шартномасининг амал қилиш даврида Омонатнинг қисмини Омонатчига қайтариш, агар бу Омонат шартлари билан кўзда тутилган ҳолатларда.

Мазкур Умумий шартларда қўлланилувчи бошқа атамалар ва таърифлар Универсал шартномадаги маънога эга.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Банк омонати шартномасини (Шартнома) ташкил этувчи ҳужжатлар бўлиб (Шартномага қўшимча келишув) қуйидагилар ҳисобланади:

– Муддатли/жамғарма омонатни очишга Мижознинг аризаси (мазкур Умумий шартларга 1-сонли Шакл);

– Муддатли/жамғарма омонатни тўлдиришга Мижознинг аризаси (мазкур Умумий шартларга 2-сонли Шакл), агар Омонат шартлари билан кўзда тутилган бўлса;

– Муддатли/жамғарма омонатнинг суммасини қисман ечиб олишга Мижознинг аризаси (мазкур Умумий шартларга 3-сонли Шакл), агар бу Омонат шартлари билан кўзда тутилган бўлса;

– Муддатли/жамғарма омонатни муддатидан олдин ёпишга ариза (мазкур Умумий шартларга 4-сонли Шакл).

2.2. Мижознинг бошқа ҳисобрақамларининг мавжудлиги зарурати ҳолатида (талаб қилиб олингунча депозит, банк карталари бўйича мажбуриятлари ҳисобрақами), Мижоз Амалдаги қонунчилик, Банк Тарифлари ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ҳисобрақам очиши керак.

2.3. Банк омонати шартномаси омонат шартномасининг Якка тартибдаги шартларининг Томонлар билан имзоланиши, Омонатчига Омонат ҳисобрақамини очиш (уни очиш учун зарурий ҳужжатларни банк томонидан олиниши шарти билан) ва унга Омонатчининг пул маблағларини ўтказиш йўли билан Банк ва Омонатчи ўртасида тузилади.

2.4. Банк омонати шартномасининг шартлари мазкур Умумий шартлар, ҳамда омонат шартномасининг Якка тартибдаги шартлари билан белгилаб берилади.

2.5. Омонатчи омонат шартномасининг Якка тартибдаги шартларида кўрсатилган миқдорда, валютада ва жойлаштириш муддатларида пул маблағларини киритади, Банк эса уларни қабул қилиб олади.

2.6. Банк омонати шартномасини тузиш учун Мижоз Амалиёт куни давомида Аризани расмийлаштириш пайтига амал қилувчи Омонат Шартларига эга бўлган Банкнинг шакли бўйича тўлдирилган, МБХ орқали Аризани Банкка киритади (мазкур Умумий шартларга 1-сон Шакл). Зарурат туғилганида Мижоз Ариза билан биргаликда Амалдаги қонунчилик ва Банк томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқ Шартнома тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни юборади. Мижознинг Аризаси Банк томонидан акцептланганидан кейин Шартнома тузилган ҳисобланади. Банк акцепти омонат ҳисобрақамини очиш ва муддатли/жамғарма омонат Ҳисобрақамига Омонатнинг тўлиқ суммасини ҳисобрақамга қўшиш ҳисобланади.

2.7. Омонат шартномасини тузиш ҳолатида Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган (МБХда акцептланган) Ариза Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва мазкур Умумий шартларда тавсифланган Шартноманинг умумий шартлари билан Мижознинг тўлиқ ва сўзсиз розилигини тасдиқлайди, ҳамда Мижоз Аризани киритиш вақтида Омонат шартлари билан танишиб чиққанлигини ва розилигини тасдиқлайди.

2.8. Қўшимча бадални амалга ошириш, Омонатни қисман ечиб олиш ёки муддатидан олдин ёпиш учун Омонатчи Банк шакли бўйича (мазкур Умумий шартларга 2-, 3-, 4-сонли шакллар) Қўшимча бадал, Қисман ечиб олиш ёки муддатидан олдин ёпиш суммасини, шунингдек Мижознинг Омонатдан/омонатга пул маблағларини киритиш/чиқариш тўғрисидаги топшириқномаларни ва агар бу Омонат шартларида кўрсатилган бўлса, бошқа маълумотларни ўз ичига олган Ариза тақдим этади. Шартномага қўшимча келишув Омонатчининг Аризаси банк томонидан акцептланганидан кейин тузилган ҳисобланади. Банк акцепти муддатли/жамғарма омонат Ҳисобрақамига Қўшимча бадални киритиш/Ҳисобрақамдан Қисман ечиб олиш суммасини ҳисобрақамга ўтказиш/ҳисобрақамдан олиш, ёки Омонатни ёпиш ҳисобланади.

2.9. Аризаларнинг нусхалари Омонатчининг МБХ шахсий кабинетларида сақланади.

2.10. Мижознинг Аризасига асосан Банк Мижоз номига Омонат ҳисобрақамини очади ва Омонат ҳисобрақамига ўтказилган пул маблағларини қўшиб ўтказади. Муддатли/жамғарма омонат Ҳисобрақамини очилиши нақд пулсиз йўл билан МБХ орқали амалга оширилади.

2.11. Муддатли/жамғарма депозит хисобварағи, Омонатни очиш жарайонида қайси валютада пул маблағлари муддатли/жамғарма депозит хисобварағига киритилган бўлса, ушбу валютада очилади. Шунингдек, Банк Омонатнинг индивидуал шартномаси

шартларига мувофиқ, пул маблағларини муддатли/омонат депозит хисобварағига исталган бошқа валютада жойлаштириш хуқуқига эга.

2.12. Банк Мижоз томонидан Ариза киритилишида Мижоз томонидан кўрсатилган омонат Шартномасининг Омонат шартларида ва Якка тартибдаги шартларда пул маблағларини Мижоздан қабул қилиб олади, ва Шартнома билан кўзда тутилган шартларда ва тартибда Омонат суммасини қайтариш ва фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 764-моддасига мувофиқ, Омонат суммасига фоизлар пул маблағлари Банкка келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб, пул маблағлари Мижозга қайтарилишидан ёки бошқа асосларга кўра Мижознинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилишидан олдинги кунгача ҳисобланади.

Фоизлар ҳар бир куннинг бошига Омонат ҳисобрақамида ҳисобга олинадиган пул маблағларининг қолдиғига ҳисобланади. Фоизларни ҳисоблашда бир йилдаги календар кунларининг ҳақиқий сони база қилиб олинади (365 ёки 366 кунга тегишли равишда).

Агар фоизларни тўлаш санаси ишланмайдиган кунга тўғри келса, у ҳолда Омонат бўйича фоизларни тўланиши ундан кейин келувчи яқин банк иш кунида амалга оширилади. Агар фоизларни тўлаш санаси тегишли сана бўлмаган ойга тўғри келса, Омонат бўйича фоизлар тўлови ҳисоб-китоб ойлик даврига кирувчи шундай ойнинг олдинги охирги банк иш кунида амалга оширилади.

2.14. Омонат суммасининг Омонатчи томонидан кўпайтирилиши, агар бошқа шартлар омонат Шартномасида кўзда тутилмаган бўлса, чекланмаган миқдорда пул маблағларини Омонат валютасида киритиш орқали амалга оширилади, бунда фоизлар Банкдаги омонат Ҳисобрақамига пул маблағлари кирим қилинган куннинг эртасидан бошлаб 20606/20406-муддатли/жамғарма депозит ҳисобрақамидаги Омонат қолдиғининг ҳақиқий суммасига ҳисобланади.

2.15. Қонунчилик билан кўзда тутилган тартибда омонат Ҳисобрақами / пул маблағларига таъқиқ қўйилган ҳолатда, омонат бўйича фоизлар ҳисоблаш таъқиқ олиб ташлангунича бўлган пайтгача тўхтатилади.

2.16. Омонатчи омонат Муддати якунланиши бўйича Омонат суммасини қайтарилишини талаб қилмаган ҳолатда, Омонат суммаси Омонатчининг 20606/20406 "Жисмоний шахсларнинг Муддатли/Жамғарма депозитлари" ҳисобрақамидан Шартномага мувофиқ Мижознинг 20206 "Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари" ҳисобрақамига ёки 22618 "Жисмоний шахсларнинг банк карталар бўйича мажбуриятлари", ёки 22616 "Масофавий хизмат кўрсатиш тизими орқали бошқарилувчи жисмоний шахсларнинг банк ҳисобрақамларидаги маблағлар" ҳисобрақамига ўтказилади.

2.17. Шартнома муносабати билан Мижозга очилган 20606/20406 ҳисобрақам, Омонат муддати якунланиши ва/ёки Шартномани бекор қилинишида ёпилади.

2.18. Банк томонидан Омонатга қабул қилинган пул маблағларини қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида "ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

2.19. Банк омонати шартномаси қуйидаги ҳолатларда бекор қилинган ҳисобланади:

– қонунчилик билан ўрнатилган тартибда суд ёки давлат органлари томонидан омонат суммасини ёки унинг қисмини камайтириш (олиб қўйиш, ундириш ва шунга ўхшаш);

– Омонат шартномасининг амал қилиш муддати якунланишигача омонат суммасини қисми Омонатчи томонидан талаб этилиши, Омонат шартлари билан бошқа қоида кўзда тутилмаган ҳолатда.

Ушбу ҳолатда фоизларнинг тўланиши Омонатни муддатидан олдин талаб қилиш тартиби ва шартларида амалга оширилади.

2.20. Банк Мижознинг талаби бўйича, унинг Банкни МБХ ёрдамида Аутентификация маълумотларини қўллаш билан мурожаат қилишида, Мижозга омонат жойлаштирилишини тасдиқловчи омонат Ҳисобрақами бўйича кўчирмани тақдим қилади.

2.21. Омонат Мижоз томонидан Банкка Банкда олинадиган кредитлар/қарзлар бўшйича гаров таъминоти сифатида тақдим этилиши мумкин.

2.22. Банк томонидан ушбу Умумий шартларга мувофиқ очилган Омонат ҳисобварағига пул маблағлари нотўғри хисоблаган тақдирда, шунингдек пул маблағлари нотўғри ўтказилганда, Омонатчи Банкка Омонатчининг қўшимча фармойишларисиз Омонат ҳисобварағидан нотўғри ўтказилган суммалар миқдоридаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради ва ўз розилигини (олдиндан берилган акцептни) беради. Кўрсатилган ҳолларда Омонат ҳисобварағидан пул маблағларини қисман ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилади.

2.23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан асосий қайта молиялаш ставкаси пасайтирилган тақдирда, Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий нормативлар бажарилмаганда ёки ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида бошқа ҳолатлар юзага келганда, Банк Омонатчига омонат бўйича фоиз ставкасини тушириш таклифи билан мурожаат қилишга ҳақли.

Банк Омонатчидан омонат бўйича фоиз ставкасини тушириш ҳақидаги таклифга рад жавобини олганда ёки ёзма таклиф юборилган санадан бошлаб ўн беш кун давомида жавоб олинмаган тақдирда, Банк Омонатчига Шартномани бекор қилиш тўғрисида билдиришнома юбориш орқали Банк омонати шартномасини суддан ташқари тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шартнома Банк омонати шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ёзма билдиришнома юборилган санадан етти кун ўтгач бекор қилинган ҳисобланади.

Бунда, шартнома ушбу бандга асосан бекор қилинган тақдирда, омонат бўйича фоизларни ҳисоблаш омонат шартларига мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

– МБХ орқали омонат Шартларини Мижозга тақдим этиш;

– Мижоздан МБХ орқали омонатни очиш Аризасида (1-сонли Шакл) кўрсатилган суммада пул маблағларини қабул қилиши ва уларни Мижознинг 20606/20406 "Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма депозитлари" депозит ҳисобрақамига қўшиб ўтказиши;

– Омонат шартларига мувофиқ фоизларни қўшиб ҳисоблаш ва тўлаш;

– Омонат муддати якунланиши бўйича омонат Шартларига мувофиқ Омонат суммасини қайтариш.

3.2. Омонатчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Омонатларни идора қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини 762-моддасига мувофиқ Омонатчи Омонатнинг ёки унинг қисмини муддатидан олдин қайтарилишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

3.3. Омонатчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

– омонат Шартномасини имзолаш кунида Банкка пул маблағларини киритиш/ўтказиш шартларига риоя қилган ҳолда омонатни очишга Аризада кўрсатилган миқдорда пул маблағларини муддатли/жамғарма омонатга киритиш/ўтказиш;

– МБХ ёрдамида Омонатчи томонидан очилган омонатлар бўйича жамғарма дафтарчаси расмийлаштирилмайди, барча маълумотлар электрон кўринишда шакллантирилади ва Омонатчига МБХни қўллаш билан ҳақиқий вақт режимида мониторингни амалга ошириш имконини тақдим этади.

3.4. Омонат қолдиқлари, кирим-чиқим амалиётлари ҳақидаги маълумотларни, Омонатчи мобил телефон орқали "SMS-банкинг" дастуридан фойдаланиб ёки Интернет

банк, Банкнинг Мобил иловасидан фойдаланиб ёки Банкнинг Контакт-Марказига қўнғироқ қилиб олиши мумкин.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Шартнома бўйича Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш учун, Шартноманинг шартларини бузган томон Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.2. Банкнинг айби билан пул маблағлари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, Омонатчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига мувофиқ фоизларни, бироқ сумманинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.3. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаслиги учун, агар тегишли равишда бажариш енгиб бўлмас куч ҳолатлари оқибатида имконсиз бўлиб қолганида жавобгарликдан озод этилади, яъни ҳолатларнинг ушбу шароитларида фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган, табиий шароитлар сабабли, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари қарорлари асосида мажбуриятларни бажарилишини муддатини узайтириш (мораторий) сабабли, тегишли муносабатларни тартиблаштирувчи қонун ёки бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатилганлиги сабабли.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Мазкур Шартнома ёки унинг муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган ёки юзага келган, жумладан уни тузиш, ўзгартириш, бажариш, бузиш, бекор қилиш, тўхтатиш, ҳақиқий эмаслиги ёки тузилмаганлигига (тўлиқ ва/ёки қисман) тегишли бўлган барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар ёки шикоятлар Универсал шартнома билан ўрнатилган тартибда ҳал этилиши керак.

5.2. Шартнома шартларига қўшимчалар киритиш ва/ёки уларни ўзгартириш тегишли Аризани киритиш йўли билан Томонларнинг розилиги бўйича амалга оширилади, мазкур Шартноманинг 5.3-банди бундан мустасно.

5.3. Банк томонидан ўзининг юридик ёки почта манзили, банк реквизитлари ва фирма номланиши ўзгартирилиши ҳолатида, Банк Омонатчини Банк сайтида, оммавий ахборот воситалари ва/ёки Банкнинг танлови бўйича ҳар қандай исталган усулда тегишли эълонни жойлаштириш йўли билан хабардор қилади.

5.4. Мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилмаган барчасида, томонлар Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига амал қиладилар.

5.5. Мазкур билан Омонатчи Банк омонати шартномасини тузиш пайтига мазкур Умумий шартлар, омонат шартлари, Банк Тарифлари билан танишиб чиққанлигини ва рози эканлигини тасдиқлайди.

“Жисмоний шахсларнинг
муддатли/жамғарма омонатларини очиш,
юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари”
3-Иловага 1-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ МБХ орқали очилган омонат учун

_____-сон муддатли/жамғарма омонатни очишга

АРИЗА

Омонатчининг ФИШ:		
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат		
Ҳужжат тури:	Серияси:	Рақами:
Берилган санаси:	Ким томондан берилган:	
Рўйхатдан ўтиш жойи бўйича манзил:		

Менга омонат Ҳисобрақамини очишингизни ва қуйидаги шартларда пул маблағларини Омонатга қабул қилишингизни сўрайман:

Омонат шартномасининг якка тартибдаги шартлари	
Омонат суммаси	
Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐ EUR ☐
Омонат муддати	
Омонатни очиш санаси	
Омонат муддати якунланиш санаси	
Омонат очиш учун минимал сумма	
Фоиз ставкаси	
Фоизларни тўлаш тартиби	
Фоизлар капитализацияси	бор ☐ йўқ ☐
Автоматик тарзда муддатни узайтириш	бор ☐ йўқ ☐
Омонатни тўлдириш	бор ☐ йўқ ☐
Омонатнинг қисмини ечиш	бор ☐ йўқ ☐
Омонат ҳисобрақами	
Фоизларни тўлаш учун ҳисобрақам	
Омонатни қайтариш учун ҳисобрақам	
Камаймайдиган қолдиқ суммаси	
Омонатни муддатидан олдин ёпиш шартлари	

«_» муддатли омонат шартлари ва Банк Тарифлари «ANOR BANK» АЖнинг www.anorbank.uz сайтида жойлаштирилганлиги ҳақида хабардор қилинганман.

Жисмоний шахсларни муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари ва Банк Тарифлари билан танишиб чиққанлигимни ва уларга рози эканлигимни тасдиқлайман.

Сана _____

“Жисмоний шахсларнинг
муддатли/жамғарма омонатларини очиш,
юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари”
3-Иловага 2-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ МБХ орқали очилган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонатни тўлдиришга
АРИЗА

Омонатчининг ФИШ:		
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат		
Ҳужжат тури:	Серияси:	Рақами:
Берилган санаси:	Ким томондан берилган:	
Рўйхатдан ўтиш жойи бўйича манзил:		

«ANOR BANK» АЖда Банк омонати шартномасининг шартларига мувофиқ «___»_____даги _____-сон Омонатга қўшимча пул маблағларини қабул қилишингизни сўрайман.
Омонатни тўлдириш шартлари менга маълум.

Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐ EUR ☐
Омонат қолдиғи	
Тўлдириш суммаси	
Тўлдиришдан кейин Омонат қолдиғи	
Омонат ҳисобрақами	
Омонатни тўлдириш маънбаси	

Сана _____

“Жисмоний шахсларнинг
муддатли/жамғарма омонатларини очиш,
юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари”
3-Иловага 3-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ МБХ орқали очилган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонатини суммасини қисман ечиб олишга
АРИЗА

Омонатчининг ФИШ:		
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат		
Ҳужжат тури:	Серияси:	Рақами:
Берилган санаси:	Ким томондан берилган:	
Рўйхатдан ўтиш жойи бўйича манзил:		

«ANOR BANK» АЖда Банк омонати шартномасининг шартларига мувофиқ «___»_____даги _____-сон Омонатдан пул маблағларининг қисмини ечиб олишингизни сўрайман.
Қисман ечиб олиш шартлари менга маълум.

Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐ EUR ☐
Омонат қолдиғи	
Қисман ечиб олиш суммаси	
Қисман ечиб олишдан кейин Омонат қолдиғи	
Омонат ҳисобрақами	
Омонатнинг ечилган қисмини тушириш учун ҳисобрақам	

Сана _____

“Жисмоний шахсларнинг
муддатли/жамғарма омонатларини очиш,
юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари”
3-Иловага 4-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ МБХ орқали очилган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонатни муддатидан олдин ёпишга
АРИЗА

Омонатчининг ФИШ:		
Шахсни тасдиқловчи ҳужжат		
Ҳужжат тури:	Серияси:	Рақами:
Берилган санаси:	Ким томондан берилган:	
Рўйхатдан ўтиш жойи бўйича манзил:		

Ушбу билан «___»_____ даги _____-сон Омонатни ва _____-сон ҳисобрақамни муддатидан олдин ёпишингизни сўрайман.
Омонатни муддатидан олдин ёпиш шартлари менга маълум.

Омонат номланиши	
Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐ EUR ☐
Омонат суммаси	
Омонат ҳисобрақами:	
Фоизларни тўлаш учун ҳисобрақам:	
Омонатни қайтариш учун ҳисобрақам:	

Сана _____

“Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари” 3-Иловага 5-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ банк офисида очиладиган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонатни очиш учун
__ - сонли МИЖОЗ АРИЗАСИ

Мазкур билан 1-иловада кўрсатилган омонатнинг шахсий шартлари билан танишиб чиққанлигими ва улар менга тушунарли эканлигини тасдиқлайман.

Омонат ҳисобига пул маблағларини қуйидаги шартлар асосида қабул қилишингизни сўрайман:

Омонат суммаси: «*сумма*» (Ёзма шакилда сумма) «*валюта*», Омонат минимал миқдоридан кам бўлмаган ҳолда.

Фоизлар тўланиши учун ҳисобрақам: 20206%

Омонат очилиш санаси: _____

Мижознинг шахсий малумотлари

Омонатчининг Ф.И.Ш.: _____

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат:

Ҳужжат тури: _____ Серияси ва рақами: _____

Берилган санаси: _____ Ким томонидан берилган: _____

Руйҳатга олинган яшаш манзили: _____

☐ *«Омонат номи» омонат шартлари ва Банк тарифлари АЖ «ANOR BANK»нинг расмий саҳифасида www.anorbank.uz жойланганлиги хақида хабардорман.*

☐ *Жисмоний шахслар учун муддатли/жамғарма депозитларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари ва банк тарифлари билан танишиб чиканлигимни ва улар билан рози эканлигимни тасдиқлайман.*

Банк:
«ANORBANK» АЖ
Масъул ижрочи:
Ф.И.Ш.: _____
_____
(имзо, штамп)

«_____» сотув Офиси раҳбари
Ф.И.Ш.: _____
_____
(имзо, штамп)

Омонатчи:
Ф.И.Ш.:
Паспорт маълумотлари:
Серияси:_____Рақами: _____
Тел: _____

№ «*омонат шахсий ҳисобрақами*»

_____
(имзо)

Сана: «____» _____202

Мижознинг муддатли/жамғарма омонатини очиш учун
202_ йил "____" _____даги
____-сонли аризасига
1-илова

Омонатнинг индивидуал шартлари	
Омонат номи	
Омонат тури	
Омонат жойлаштириш шакли	
Омонат валютаси	
Омонат муддати	
Омонат фоиз ставкаси	
Омонат муддатининг бошланиш санаси	
Фоиз ҳисоблашнинг шартлари	
Минимал сумма	
Максимал сумма	
Минимал қолдиқ	
Қўшимча маблағ киритиш	
Қисман йечиш	
Омонат муддатини узайтириш	
Капитализация	
Фоизларни тўлаш	
Муддатдан олдин ёпиш	
Омонат муддати тугагандан сўнг ёки омонат муддатидан олдин ёпилган тақдирда, омонатнинг асосий суммасини тўлаш	

«ANORBANK» АЖ даги барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

“Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари” 3-Иловага 6-сонли Шакл «ANOR BANK» АЖ банк офисида очиладиган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонатни тўлдириш учун
__ - сонлиМИЖОЗ АРИЗАСИ

Сиздан мен ва АЖ «ANOR BANK» ўртасида «dd.mm.yyyy» санада тузилган Омонат шартларига асосан «dd.mm.yyyy» санада очилган «20606%» ҳисобрақамли «омонат шахсий ҳисобрақами» - сонли «омонат номи» омонатига қўшимча бадал киритишингизни сўрайман.Омонат ҳисобига қўшимча маблағ кирим қилиш шартлари хақида маълумотга эгаман ва омонат шартлари билан танишиб чиқдим.

Мижознинг шахсий малумотлари
Омонатчининг Ф.И.Ш.:

_____

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат:

Ҳужжат тури: _____ Серияси ва рақами: _____

Берилган санаси: _____ Ким томонидан берилган: _____

Руйҳатга олинган яшаш манзили: _____

_____

Омонат ҳисобига қўшимча бадал қуйидаги шартлар асосида киритилсин:

Омонат номи	
Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐
Омонат қолдиқ суммаси	
Омонат очилган сана	
Омонат муддатининг тугаш санаси	
Киритилаётган қўшимча бадал суммаси	
Қўшимча бадал киритилганидан кейиги қолдиқ	
Минимал қолдиқ	
Омонат ҳисобрақами	20606%
Фоизлар тўланиши учун ҳисобрақам	20206%

☐ *«Омонат номи» омонат шартлари ва Банк тарифлари АЖ «ANOR BANK»нинг расмий саҳифасида www.anorbank.uz жойланганлиги хақида хабардорман.*

☐ *Жисмоний шахслар учун муддатли/жамғарма депозитларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари ва банк тарифлари билан танишиб чиқганлигимни ва улар билан рози эканлигимни тасдиқлайман*

Банк:
«ANORBANK» АЖ
Масъул ижрочи:
Ф.И.Ш.: _____

_____
(имзо, штамп)

«_____» сотув Офиси раҳбари
Ф.И.Ш.: _____

_____
(имзо, штамп)

Омонатчи:
Ф.И.Ш.:
Паспорт маълумотлари:
Серияси:_____Рақами: _____
Тел: _____

№ «*омонат шахсий ҳисобрақами*»

_____
(имзо)

Сана: «____» _____2026

“Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари” 3-Иловага 7-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ банк офисида очиладиган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонат суммасини қисман ечиб олиш учун
_____ - сонли МИЖОЗ АРИЗАСИ

Сиздан мен ва АЖ «ANOR BANK» ўртасида «dd.mm.yyyy» санада тузилган Омонат шартларига асосан «dd.mm.yyyy» санада очилган «20606%» ҳисобрақамли «омонат шахсий ҳисобрақами» - сонли «омонат номи» омонатдан пул маблағларининг бир қисмини ечиб беришингизни сўрайман.

Омонат ҳисобидан пул маблағларининг бир қисмини ечиб олиш шартлари хақида маълумотга эгаман ва омонат шартлари билан танишиб чиқдим.

Мижознинг шахсий маълумотлари

Омонатчининг Ф.И.Ш.: _____

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат:

Ҳужжат тури: _____ Серияси ва рақами: _____

Берилган санаси: _____ Ким томонидан берилган: _____

Руйҳатга олинган яшаш манзили: _____

_____

Омонат ҳисобидан пул маблағлари қуйидаги шартлар асосида ечиб олинсин:

Омонат номи	
Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐
Омонат қолдиғи	
Омонат очилган сана	
Омонат муддати тугаш санаси	
Қисман ечиб олиш суммаси	
Қисман ечиб олишдан кейин	
Минимал қолдиқ	
Омонат ҳисобрақами	*20606%*
Фоизлар тўланиши учун х/р	*20206%*

☐ *«Омонат номи» омонат шартлари ва Банк тарифлари АЖ «ANOR BANK»нинг расмий саҳифасида www.anorbank.uz жойланганлиги ҳақида хабардорман.*

☐ *Жисмоний шахслар учун муддатли/жамғарма депозитларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари ва банк тарифлари билан танишиб чиқганлигимни ва улар билан рози эканлигимни тасдиқлайман*

Банк:
«ANORBANK» АЖ
Масъул ижрочи:
Ф.И.Ш.: _____

_____
(имзо, штамп)

«_____» сотув Офиси раҳбари»
Ф.И.Ш.: _____

Банк:

_____
(имзо, штамп)

Омонатчи:
Ф.И.Ш.:
Паспорт маълумотлари:
Серияси:_____Рақами: _____
Тел: _____

№ «*омонат шахсий ҳисобрақами*»

Омонатчи:

_____
(имзо)

Сана: «____» _____2026

“Жисмоний шахсларнинг муддатли/жамғарма омонатларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари” 3-Иловага 8-сонли Шакл
«ANOR BANK» АЖ банк офисида очиладиган омонат учун

Муддатли/жамғарма омонатни муддатидан олдин ёпиш учун
____ - сонли МИЖОЗ АРИЗАСИ

Сиздан мен ва АЖ «ANOR BANK» ўртасида «dd.mm.yyyy» санада тузилган Омонат шартларига асосан «dd.mm.yyyy» санада очилган «20606%» ҳисобрақамли «омонат шахсий ҳисобрақами» - сонли «омонат номи» омонатни муддатидан олдин ёпишингизни сўрайман. Омонатни муддатидан олдин ёпиш шартлари хақида маълумотга эгаман ва омонат шартлари билан танишиб чиқдим.

Мижознинг шахсий малумотлари

Омонатчининг Ф.И.Ш.: _____

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат:

Ҳужжат тури: _____ Серияси ва рақами: _____

Берилган санаси: _____ Ким томонидан берилган:_

Руйҳатга олинган яшаш манзили: _____

Омонат муддатидан олдин қуйидаги шартлар асосида ёпилсин:

Омонат номи	
Омонат валютаси	UZS ☐ USD ☐
Омонат қолдиқ суммаси	
Омонат очилган сана	
Омонатнинг муддати тугаш санаси	
Омонат ҳисобрақами	20606%
Фоизлар тўланиши учун ҳисобрақам	20206%

☐ *«Омонат номи» омонат шартлари ва Банк тарифлари АЖ «ANOR BANK»нинг расмий саҳифасида www.anorbank.uz жойланганлиги хақида хабардорман.*

☐ *Жисмоний шахслар учун муддатли/жамғарма депозитларини очиш, юритиш ва ёпишнинг Умумий шартлари ва банк тарифлари билан танишиб чиканлигимни ва улар билан рози эканлигимни тасдиқлайман.*

Банк:
«ANORBANK» АЖ
Масъул ижрочи:
Ф.И.Ш.: _____
_____
(Имзо, штамп)

«_____» сотув Офиси раҳбари»
Ф.И.Ш.: _____
_____
(имзо, штамп)

Омонатчи:
Ф.И.Ш.:
Паспорт маълумотлари:
Серияси:_____Рақами: _____
Тел: _____

№ «*омонат шахсий ҳисобрақами*»

_____
(имзо)

Сана: «____» _____2026

«ANOR BANK» АЖда жисмоний

шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича
Универсал шартномага
4-ИЛОВА

Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Картани фаоллаштириш - Картани қўллаш билан Амалиётларни амалга оширишга Картани чиқаришда / қайта чиқаришда ўрнатилган техник чекловларни Банк / Процессинг марказлари томонидан бекор қилиш тартиби.

Банкомат - Мижозларни ўзига-ўзи хизмат кўрсатишнинг дастурий-техник мажмуаси, банк ички ва банклараро тўловлар тизимларининг касса амалиётларини ташкилий қисми ҳисобланади. Банкоматлар Эквайер / Банк хизмат кўрсатиши тармоғи бўйича нақд пул маблағларини автоматлаштирилган тарзда бериш, Карта ҳисобрақами ҳолати ҳақида карта Сақловчисига маълумотларни тақдим этиш, тегишли амалиётларни тасдиқловчи маълумотларни тақдим этиш, Карта ҳисобрақамига нақд пул маблағларини ўтказиш, ҳамда бошқа амалиётларни бажариш, жумладан товарларни ва хизматларни тўлаш учун мўлжалланган (дастурий-техник имкониятларга боғлиқ ҳолда).

Карта бўйича амалиётни амалга ошириш санаси - товарлар/хизматларни тўлаш ва/ёки нақд пул маблағларини олиш/киритиш бўйича Картани қўллаш билан Амалиётларнинг Мижоз томонидан амалга оширилган санаси, Карта ҳисобрақамидан/Карта ҳисобрақамидан маблағларни ечиб олиш/ўтказиш Санаси билан мос келмаслиги мумкин.

Карта ҳисобрақамидан/Карта ҳисобрақамига маблағларни ечиш/ўтказиш санаси - Карта ҳисобрақами бўйича Амалиёт суммасини ечиш/ўтказиш санаси, у Картани қўллаш билан Амалиётларни Мижоз томонидан амалга оширилганлигини ёки Карта ҳисобрақамидан/Карта ҳисобрақамига маблағларни олдин амалга оширилган ечиш/ўтказишни бекор қилиниши тасдиқловчи Топшириқнома Банкка келиб тушиш кунидан кейинги Амалиёт кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади, амалиётларни амалга ошириш Санаси билан тўғри келмаслиги мумкин.

HUMO тўлов тизими – Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган банк карталари билан ишлайдиган миллий тўловлар тизими.

Карта - банк картаси (мазкур Умумий шартлар доирасида сўм банк картаси), унинг қўлланилиши Универсал шартнома, Банк Тарифлари ва Амалдаги қонунчилик шартларига мувофиқ Картадаги мавжуд пул маблағларининг суммаси чегарасида Амалиётларни амалга оширилиш имконини карта Сақловчисига беради.

Кобейжинг картаси – бу HUMO ва Mastercard тўлов тизимларининг ҳамкорликдаги картаси. Тузилиши бўйича бу оддий карта, фарқи шуки, у иккала тўлов тизимининг (HUMO va Mastercard) инфратузилмаларида ишлатилиши мумкин. Картада 3DSecure Code технологиясидан фойдаланган ҳолда кўп даражали хавфсизлик тизими мавжуд.

Инфратузилма – Тўлов тизимида рўйхатдан ўтган ва ушбу тизимнинг карталарини хизмат кўрсатишга қабул қиладиган терминаллар, банкоматлар ва бошқа электрон қурилмалар тўплами.

Процессинг – Тизим иштирокчилари ўртасида маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишни, шунингдек, карталар эмиссиясига техник хизмат кўрсатишни таъминлаш.

Эмиссия – Карта эгалари томонидан амалиётлар ўтказиш учун мўлжалланган, тизим иштирокчисининг карталарни чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолияти.

Эмитент – эмиссия фаолиятини амалга оширувчи тизим иштирокчиси.

Эквайринг – иштирокчининг амалиётларни ўтказиш ва савдо-хизмат кўрсатиш корхоналари билан карталар (карта реквизитлари) ёрдамида амалга ошириладиган

амалиётлар ва/ёки карта эгаларига нақд пул бериш, шунингдек, бошқа амалиётлар бўйича ҳисоб китобларни амалга ошириш фаолияти.

Эквайер/Эквайер Банк – эквайринг фаолиятини амалга оширувчи тўлов тизими иштирокчиси.

Тизим иштирокчилари – Mastercard ХТТ, МБПМ ва МБПМ билан тизимда иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган Банк.

Фирибгарлик транзакциялари – Карта эгаси томонидан Банк билан шартнома шартларини бузиб амалга оширилган ва Банкка зарар етказилишига сабабчи бўлган, Карталардан фойдаланган ҳолда ўтказилган транзакциялар, ёхуд Картанинг қонуний эгаси бўлмаган шахс томонидан ёки транзакциялар амалга ошириш учун қалбаки Картани ишлатган шахс томонидан амалга оширилган, Карталардан фойдаланган ҳолда ўтказилган транзакциялар ва Mastercard халқаро тўлов тизими қодаларида кўзда тутилган бошқа ҳолатлар.

Баҳсли вазиятлар ёки транзакциялар – Карта эгаси илгари амалга оширилган транзакциялар бўйича Карта ҳисобварағидан маблағ ечилишидан рози бўлмаган ҳолатлар. Бундай ҳолларда ушбу амалиётлардан норозилик бўйича текширув ўтказилади.

CVV (CVC) код – интернет тармоғида тўловлар амалга оширишда картанинг хақиқийлигини текшириш учун ишлатиладиган банк картасининг махсус коди.

Суғурта депозити – Мижоз томонидан карта ҳисобварағига қўйилган, Картадан фойдаланиш учун мумкин бўлмаган, Банк томонидан рухсат этилмаган овердрафт ҳамда шартнома ва Банк тарифларида назарда тутилган комиссияларни тўлаш учун фойдаланиладиган маблағлар миқдори.

Амалиётлар бўйича Лимит - Банк / Мижоз томонидан Карталар ва/ёки МБХдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган Амалиётларни (Топшириқларни) амалга оширишга ўрнатилган чеклов (Банкда бундай имкониятнинг мавжудлигида).

Асосий Карта - Шартнома доирасида Карта ҳисобрақами эгаси номига Карта ҳисобрақамига биринчи очилган Карта, ҳамда аввал чиқарилган Асосий Карта ўрнига чиқарилган/қайта чиқарилган Карта, агар олдинги Асосий Картанинг фойдаланиш муддати ўтган бўлса ёки у йўқотилган/яроқсиз ҳолга келган ҳолатда.

Қўшимча Карта - Асосий Картага қўшимча карта (Асосий Картанинг Карта ҳисобрақамига), унинг очилиши учун Асосий Карта эгасининг ёзма аризаси зарур бўлади.

Савдо (хизмат) корхонаси - товарлар ва хизматлар учун тўлов сифатида Картани қабул қилувчи ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминали - банкнинг ваколатли ходими иштирокисиз хизматлар, ишлар, товарлар ҳақини тўлаш бўйича тўловларни қабул қилиш, кредитларни қайтариш ва шу кабиларни нақд пул маблағларидан ҳам, банк карталаридан ҳам фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун мўлжалланган аппарат-дастурий мажмуа.

Транзакция - товарлар ва хизматларни тўлаш учун Карта ёрдамида ҳар қандай амалга оширилувчи тўлов, ҳамда банкларнинг кассаларидан ёки Банкоматлардан нақд пул маблағларини олиш амалиёти.

Reversal - коммуникацион хатолик ҳолатида (алоқа узилиши), ёки товарни (хизматни) харид қилишдан Мижознинг воз кечиши ҳолатида Карта бўйича терминалда транзакциянинг бекор қилиниши.

Мазкур Тартибдада қўлланилувчи бошқа атамалар ва таърифлар Универсал шартномадаги худди шундай аҳамиятларга эга.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА КАРТАЛАРНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Умумий шартлар Банкда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпиш, шунингдек, Mastercard халқаро тўлов тизимидаги карталар бўйича ҳисоб-китоблар ўтказиш тартибини белгилаб беради. Мазкур Умумий шартлар, Мижоз томонидан мазкур Умумий шартларга 1-сон Шакл бўйича киритилган Ариза (Банк томонидан акцептланган) ва Банк Тарифлари Банкда жисмоний шахснинг сўм банк картасини очишга ва унга хизмат

кўрсатишга Шартномани тузади (кейинги ўринларда "Шартнома").

2.2. Шартномани тузиш учун Мижоз МБХ/Банкнинг Контакт-Маркази ёрдамида мазкур Умумий шартларнинг 2.1-бандига биноан Банк шакли бўйича тўлдирилган Банкка Аризани ва Амалдаги қонунчилик ва Банк томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқ Шартномани тузиш учун, жумладан ота-она (васий) томонидан тўлдирилган вояга етмаган шахс номидан шартномани тузишда зарурий ҳужжатларни тақдим этади . Мижознинг Аризаси Банк томонидан акцептлангандан кейин Шартнома тузилган ҳисобланади. Банк Карта ҳисобрақамини очиш йўли билан Аризани акцептлайди. Ушбу ҳолатда, Шартнома Мижознинг номига Карта ҳисобрақами очилган санада тузилган ҳисобланади.

Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган Ариза унинг Банк томонидан акцептланган ҳолатида Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Мижознинг Универсал шартномада таърифланган Умумий шартлар билан тўлиқ ва сўзсиз розилигини тасдиқлайди, ҳамда Мижоз Аризани киритишда Банкнинг Тарифлари билан танишиб чиққанлигини ва розилигини тасдиқлайди.

Шартнома аралаш ҳисобланади ва ўзида банк ҳисобрақами шартномаси ва банк карталарни чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳақида шартнома элементларига эга бўлади.

2.3. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади. Картани чиқариш ва етказиб бериш Мижоздан Карта олиш учун Ариза Банкка келиб тушган ва Картани чиқариш учун Банк комиссияларини Банк Тарифларига мувофиқ тўланган кунидан бошлаб уч кун* давомида амалга оширилади.

2.4. Чиқарилган/қайта чиқарилган Карта Мижозга нофаол ҳолатда берилади ва Карта Мижозга етказиб берилади. Етказиб берилгандан сўнг, Картани фаоллаштириш Мижоз томонидан мустақил равишда қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:POS-терминал, МБХ , SMS ёки Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминали орқали (агар у бундай имкониятга эга бўлса) ПИН-кодни ўрнатиш/киритиш орқали.

2.5. Карта шахсийлаштирилган тўлов воситаси ҳисобланади, Картанинг қонуний эгасига тегишлилиги унинг исми, фамилияси ва/ёки Картада мавжуд бўлган имзо намунаси (Картада бундай майдон мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек ПИН-код билан белгиланади.

2.6. Банк Карта ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Мижоз номига Карта ҳисобварағини очади, Аризага мувофиқ, шунингдек ушбу Умумий шартларда белгиланган тартиб ва муддатларда Карта(лар)ни чиқаради ва беради.

2.7. Карта ҳисобварақлари ва карта(лар)га (шу жумладан Қўшимча карталарга) хизмат кўрсатиш Шартномага мувофиқ амалга оширилади.

2.8. Картадан фақат Мижоз ёки Карта ҳисобварағида ҳисобга олинган пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда, Картадан фойдаланиш ва у билан амалга оширилган операциялар учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

2.9. Мижоз номига карта ҳисобварағи очилгандан сўнг миллий ва хорижий валюталардаги (АҚШ доллари) 22616000/22616840 ҳамёнлар автоматик тарзда очилади.

2.10. TRIA дебет пластик картасининг муваффақиятли эмиссияси бўйича тўланган пул маблағлари қайтарилмайди, Банк томонидан юзага келадиган омиллар бундан мустасно.

3. КАРТАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

3.1. Шартномага мувофиқ чиқарилган картадан товарлар ёки хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, банк кассалари ёки банкоматларда нақд пул маблағларини олиш, пул маблағларини ўтказиш, шунингдек, унинг рақами ва бошқа хавфсизлик атрибутларидан фойдаланган ҳолда Интернет орқали тўловлар учун фойдаланиш мумкин.[1]

[1] * - *кўрсатилган муддатда картани етказиб бериш Республика бўйича фақат вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳри бўйича амалга оширилади. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:*

3.2. Карта ПИН-коди тегишли Тўлов тизимининг Карта ПИН-кодини ўзгартириш функциясини қўллаб турувчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминаллари/POS – терминаллар/МБХ (техник имкониятлар мавжудлигида) ёрдамида карта Сақловчиси томонидан ўзгартирилиши мумкин. Банк техник имконият мавжудлигида ПИН-кодни алмаштириш имкониятини тақдим этади. Янги ПИН-кодни ўрнатишда бир хил, ёки кетма-кет келувчи рақамлар мажмуасини қўллаш тавсия этилмайди. Карта сақловчиси ПИН-кодни чекланмаган марта ўзгартириши мумкин.

ПИН-код йўқолганда у тикланмайди, ушбу ҳолатда, Мижоз техник имконият мавжудлигида ПИН-кодни ташлаб юбориш учун, ёки Картани қайта чиқариш учун Банкнинг Контакт - Марказига мурожаат қилиши зарур.

3.3. Картанинг иш қобилиятини сақлаш учун карта Сақловчиси Шартномада тавсифланган Картани сақлаш ва қўллаш шартларига риоя этиши шарт ва қуйидагиларга йўл қўймаслиги керак:

– Картага магнит майдонларининг таъсири. Магнит майдонларининг манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин: металл материаллар (тангалар, магнит илгак, чизғич, ва ҳоказо); уяли телефонларнинг баъзи моделлари; видео-, аудио-қурилмалар; қўл металл излагичлар ва ҳоказолар;

– Картанинг механик шикастланиши;

– Картанинг ифлосланиши;

– Картага юқори ҳароратлар, ҳамда Картанинг пластигини ва/ёки чипини бузадиган агрессив муҳитлар таъсири.

3.4. Карта Сақловчиси унинг амал қилиш муддати якунлангунига қадар Картадан фойдаланиши мумкин. Картанинг амал қилиш муддати унинг юз қисмида кўрсатилган ва ойнинг икки рақами ва йилнинг охирги икки рақами билан белгиланади. Карта унда кўрсатилган ойнинг ва жумладан йилнинг охирги кунигача амал қилади.

3.5. Амал қилиш муддати якунланиши бўйича Карта янги муддатга қайта чиқарилган (амал қилиш муддати якунланган Карта ўрнига чиқарилган) бўлиши мумкин. Мижоз, Шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Карта амал қилишининг охирги ойи давомида ёки Карта муддати тугагандан сўнг Банкнинг МББТ/Контакт-Маркази орқали Ариза (ушбу Умумий шартларга 2-шакл) тақдим этиши керак.

3.6. HUMO-Mastercard кобейжинг карталари Mastercard дебит картаси асосида анъанавий банк картаси шаклида ҳам, виртуал карта шаклида ҳам чиқарилади. Ушбу карталар Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида қабул қилинади, шунингдек бу карталар билан дунёнинг Mastercard орқали тўлаш мумкин бўлган бошқа давлатларида товар ёки хизматлар учун тўловларани амалга ошириш мумкин.

3.7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кобейжинг карталари HUMO карталари сингари ишлайди ва ва савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, Интернет орқали ҳаридларни амалга ошириш ва банкоматлардан нақд пул олиш учун ишлатилиши мумкин.

- агар картани чиқариш вақти процессинг марказидаги узилишлар туфайли ошса;

- агар мижоз картани етказиб беришда банк ходимининг қўнғироқларига жавоб бермаса;

- агар шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар банк маълумотлар базасидаги маълумотлар билан мос келмаса;

- агар мижознинг юзи шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги фотосуратга мос келмаса ва/ёки Мижоз идентификатсиялаш жараёнидан ўтишдан бош тортса;

- агар банк ходими мижозга қўнғироқ қилганда картани етказиб бериш манзили мижоз томонидан ўзгартирилган бўлса;

- карантин ёки бошқа чекловлар муносабати билан республика ҳудудида ҳаракатланиш чекланган бўлса;

- форс-мажор ҳолатлари юзага келганда

Кобейжинг карталарининг ишлаши икки тўлов тизими операторлари ўртасида тузилган шартномага асосланади. Карта эгаси ҳарид учун тўловни амалга оширганда, транзакция ушбу савдо нуқтасига хизмат кўрсатувчи эквайер банк ҳамкорлик қиладиган тўлов тизимида қайта ишланади, бунда ҳисоб-китоблар айнан шу карта ҳисобварағидан амалга оширилади.

Агар карта эгаси битта тўлов тизими ишламайдиган, лекин бошқаси ишлайдиган ҳудудда бўлса, у ҳолда транзакция шу тизим доирасида амалга оширилади. Карта эгаси бунинг учун ҳеч қандай ортиқча ҳаракат қилиши шарт эмас, фақатгина савдо нуқтасидаги ускуна ўзининг кобейжинг картасидаги логотипларнинг бири билан жиҳозланганлигига ишонч ҳосил килиши керак. Агар эквайер банк картадаги логотиплар билан белгиланган иккита тўлов тизими билан бир вақтнинг ўзида ўзаро алоқада бўла олса, унда транзакцияни амалга ошириш учун янада қулай шартлар (камроқ комиссия)га эга тизим танланади.

3.8. Карта эгасига миллий валютада фақат битта ҳисобрақам очилади. Кобейжинг карталарни нақд пулсиз шаклда ёки нақд пулда миллий валютада банкомат ёки Банк кассаси орқали тўлдириш мумкин.

3.9. HUMO-Mastercard кобейжинг карталаридан фойдаланганда Мижозга қуйидаги амалиётлар, шу жумладан, контактсиз тўлов усули (NFC) ёрдамида ҳам Ўзбекистон ҳудудида, ҳам чет элда 200 дан ортиқ мамлакат ва минтақаларда амалга ошириш мумкин бўлади:

- чет эл валютасида тўлов қилганда сўмни дарҳол конвертация қилиш;
- халқаро Интернет сайтларда ҳаридлар учун миллий валютада тўлов;
- HUMO тизимидаги картадан картага ўтказмалар.

3.10. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кобейжинг картаси билан тўлов карта ҳисобрақамидан маблағларни Mastercard тўлов тизимининг амалиёт бажарилаётган вақтдаги курси бўйича сўмда ечиб олиш йўли билан амалга оширилади. Бундай ҳолда, Карта бўйича амалиёт ўтказиш санаси Карта ҳисобрақамидан(га) маблағларни ечиб олиш / кирим қиритиши санасига тўғри келмаслиги мумкин. Тўлов тизимининг Карта бўйича амалиётларни ўтказиш санасидаги амал қиладиган курси Карта ҳисобрақамидан(га) маблағларни ечиб олиш / кирим қиритиши кунидаги амал қиладиган курсга тўғри келмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, Карта бўйича амалиёт бажарилган кунда Картада музлатилган пул маблағларининг миқдори Карта ҳисобрақамидан ечиб олинган пул маблағлари миқдоридан фарқ қилиши мумкин. Товарларни қайтариб бериш / хизматларни рад этиш ҳолатларида эса, Картадан тўлангандаги Карта ҳисобрақамидан ечиб олинган пул маблағлари миқдори Карта ҳисобрақамига қайтариладиган пул маблағлари миқдоридан фарқ қилиши мумкин.

Чет элда бўлган пайтда кобейжинг карталари ҳамкор тўлов тизимига ўтади. Карта эгаси бошқа давлатда хизматни фаоллаштириши шарт эмас, ўтиш автоматик тарзда амалга оширилади. Карта ҳисобрақамида етарли миқдордаги пул маблағлари мавжудлигини текшириш кифоя. Мижоз Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиб келгандан сўнг, Картага хизмат кўрсатиш HUMO тўлов тизимига қайта тикланади.

3.11. Карта тегишли Тўлов тизимлари ва карта турларининг логотипларига эга бўлган Савдо (хизмат) корхоналарида Амалиётларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Карта бирон бир ноқонуний мақсадларда, жумладан Амалдаги қонунчилик билан тақиқланган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш учун қўлланилиши керак эмас.

3.12. Агар ПИН-код 3 (Уч) марта нотўғри терилган ҳолатда, Карта автоматик блокланади. Картани блокдан чиқариш учун Мижоз Банкнинг Контакт - Марказига мурожаат қилиши ёки уни МБХ ёрдамида блокдан чиқариши керак.

3.13. Харидни амалга оширишда ёки нақд пулларни олишда карта Сақловчиси ПИН-кодни киритиши ва зарурат бўлганида Карта бўйича Амалиётни амалга оширилганлигини тасдиқловчи чекни имзолаши керак. ПИН-кодни киритишда ёки чекни имзолаб, карта Сақловчиси кўрсатилган сумманинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва Амалиёт суммаси қўйилмаган чекни имзоламаслиги керак. Хариддан/хизматдан воз кечиш ҳолатида Амалиёт бекор қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур (Reversal).

3.14. Карта бўйича Амалиётни амалга оширишда Савдо (хизмат) корхонаси ходими шахсни тасдиқловчи ҳужжатни ва ПИН-кодни тақдим этилишини карта Сақловчисидан сўраш ҳуқуқига эга эмас, агар тўлов тизими Қоидалари ёки Амалдаги қонунчилик билан бошқа қоидалар ўрнатилмаган бўлса. Банк кассасида нақд пулларни олишда, Банк карта Сақловчисидан ШТҲ сўраб олиш ҳуқуқига эга.

3.15. Хариддан/хизматдан воз кечиш ҳолатида Банк ва/ёки Тўлов тизими билан ўрнатилган тартибда Мижознинг Картасига товар/хизматнинг нархи қайтарилиши керак. Карта Сақловчиси Карта бўйича харид қилинган ва сотувчига қайтарилган товарнинг нархини нақд пулда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3.16. Карта ҳисобрақамидан ечиб олинган пул маблағларининг суммаси билан норозиликда, Мижоз Банкнинг Контакт - Марказига мурожаат қилиб Банкни хабардор қилиши керак. Карта бўйича Амалиётлар суммасини тўғри ҳисобдан чиқариш учун назорат учун Мижоз МБХ ёрдамида Карта ҳисобрақами/Карта бўйича кўчирмани олиши керак. Кўчирмадаги ва ҳақиқатда амалга оширилган (тўланган) Амалиётлар (суммалар) орасида тафовут аниқланган ҳолатда, Мижоз Универсал шартномада ўрнатилган тартибда аниқланган тафовутларнинг моҳияти бўйича Банкни хабардор қилиши зарур.

Карта ҳисобрақамидан/Картадан суммаларни ечиб олиш билан норозилик нисбатан Мижознинг мурожаатлари Тўлов тизимининг қоидаларига мувофиқ Банк томонидан кўриб чиқилади.

3.17. Карталарни қўллаш билан амалиётлар Банк ва/ёки Мижоз томонидан ўрнатилган лимитлар чегарасида амалга оширилади. Картани қўллаш билан Амалиётларни амалга оширилиши Авторизацияни ўтказиш билан қандай бўлса, Авторизацияни ўтказмасдан ҳам худди шундай амалга оширилиши мумкин - Тўлов тизимлари ва/ёки Амалдаги қонунчилик қоидалари билан кўзда тутилган ҳолатларда.

3.18. Карта бўйича Амалиётни ўтказишда ПИН-кодни тўғри киритилиши, Текшириш кодининг қўлланилиши, Картанинг тўғри реквизитларини ишлатилишида Банк учун Амалиётни карта Сақловчиси томонидан шахсан амалга оширилганлиги далилини сўзсиз тасдиқланиши ва Карта ҳисобрақами/Картадан Амалиёт суммасини кейинги ечиб олиниши билан ушбу Амалиётнинг Авторизациясини ўтказиш учун асос ҳисобланади (агар Авторизация процедураси тўлов тизими Қоидалари билан кўзда тутилган бўлса), бунда Мижоз бундай амалиётни ўтказилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.19. Карта реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган амалиётлар (Карта рақами, унинг амал қилиш муддати, CVV (CVC) код, магнит тасмасига (унинг мавжудлигида) ва Карта микропроцессорида (чипда) жойлаштирилган маълумотлар, Карта ҳисобрақами бўйича Амалиётларни амалга оширишда қўллаш имконини берувчи бошқа маълумотлар) Картани қўллаш билан амалга оширилган Амалиёт ҳисобланади. Картани қўллаш билан амалга оширилган Шартноманинг барча шартлари, жумладан Амалиётларга тааллуқли Банк Тарифлари Картанинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган Амалиётларга таъсир этади.

3.20. Мижоз Картани рухсат этилмаган қўлланилиши оқибатида Карта ҳисобрақамидан пул маблағларининг йўқотилишини олдини олиш учун барча имконли чораларни қўллаши зарурдир, айнан эса:

– Карталар/Карта ҳисобрақами бўйича барча ҳаракатлар ҳақида SMS-хабарлар ёрдамида тезкор маълумотларни олиш учун "SMS-хабарнома" Хизматига уланиши;

– ПИН-кодни ва/ёки Картани бошқа шахсларга бермаслик;

– ПИН-кодни Картанинг устига ёзмаслик;

– ПИН-кодни Карта билан бирга сақламаслик;

– Амалиётларни ўтказиш учун зарур бўлган Карта реквизитларини (Картанинг тўлиқ рақами, Картанинг амал қилиш муддати) ва бошқа маълумотларни хабар қилмаслик, Картага хизмат кўрсатиш масалалари бўйича Банкка мурожаат қилиш ҳолатлари бундан мустасно;

– Картани ва унинг реквизитларини бошқа шахслар томонидан қўлланилиши учун

мавжуд бўлмаслигини таъминлаш, Картани ўзида ёки бошқаларга маълум бўлмаган жойда сақлаш,

– Картанинг мавжудлигини унинг сақланиш жойида мунтазам текшириб туриш, айниқса узоқ муддатли йўқликда (таътил, хизмат сафари ва ҳоказолар);

– товарлар (хизматлар) учун тўлов пайтида бир вақтнинг ўзида бир нечта Карталарни тақдим этмаслик;

– шахсий маълумотлар ёки карта маълумотлари сўралган электрон почта хабарлари, СМС хабарларга жавоб бермаслик. Кодли маълумотларни, паспорт рақамини, Карта рақамини ва унинг ПИН-кодини, Текшириш кодини, Карта бўйича охирги Амалиётлар ҳақида маълумотларни ёки бошқа махфий маълумотларни сўраб олувчи ҳар қандай компанияга ёки шахсга шубҳа билан муносабатда бўлиш;

– тармоқ хужумларидан, зарарли дастурларни ўрнатиш ва шахсий маълумотларни ўғирланишидан Абонент қурилмасини ҳимояловчи дастурий таъминотларни ўрнатиш ва доимо янгилаб бориш.

3.21. Томонлар Банк Интернет-банкда, Мобил банкда тегишли хабарномани жойлаштириш ёрдамида Карта ёки унинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган Амалиётлар ҳақида Мижозни хабардор қилиши билан розилик билдиради. Карта ёки унинг реквизитларини ва/ёки МБХ қўллаш билан амалга оширилган Амалиётлар ҳақида Банкнинг хабарномасини олиш учун Мижоз Карта ҳисобрақами ва Карталар бўйича кўчирмаларни олиш учун ҳар куни Интернет банкка/Мобил банкка мурожаат қилиши шарт. Кўчирмада кўрсатилган Амалиётлар (суммалар) ва ҳақиқатдан амалга оширилган амалиётлар (тўланган суммалар) ўртасида тафовутлар аниқланган ҳолатда Мижоз Универсал шартноманинг шартларига мувофиқ бу ҳақда Банкни зудлик билан хабардор қилиши зарурдир.

Шу билан бирга, Тўлов тизимининг Процессинг маркази SMS-хабарнома ёқилган ҳолатда у орқали Карта ёки унинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган Амалиётлар ҳақида Мижозни хабардор қилади.

3.22. Мижоз Шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Амалиётларни амалга ошириш йўли билан Карта ҳисобрақамида мавжуд бўлган пул маблағларини идора қилади.

3.23. Слип (чек) / электрон чек ёки амалдаги қонунчилик талабларига жавоб берадиган бошқа ҳужжат ва/ёки Амалиётлар тўғрисидаги Карта ҳисобрақами бўйича кўчирма Амалиёт амалга оширилганлигининг тасдиғи ҳисобланади

3.24. Картанинг ёки унинг реквизитларининг қўлланилиши Амалдаги қонунчилик, Универсал шартнома, мазкур Умумий шартлар ва Карта тааллуқли бўлган Тўлов тизими қоидалари билан тартибга солинади.

3.25. Банк Шартномага мувофиқ хизматларни Банк тарифларига мувофиқ Банкка тўланиши лозим бўлган комиссияларни тўлаш учун Картада етарли миқдорда пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда кўрсатади. Бунда, Карта ҳисобрақамини очиш ва Картани чиқариш фақат Банк Тарифларида кўрсатилган миқдорда тегишли комиссияларни тўлагандан кейин амалга оширилади.

3.26. Банк олдида мажбуриятларни Мижоз томонидан бажарилиши мақсадида Мижоз Банкка Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида Мижознинг қўшимча топшириқларисиз мазкур шартнома бўйича Банк олдида Мижознинг мавжуд бўлган Қарздорлиги миқдорида мазкур шартнома доирасида очилган Карта ҳисобрақамидан пул маблағларини, жумладан Карта ёки унинг реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган Амалиётлар бўйича суммаларни, ҳамда бошқа Шартномалар бўйича Банк олдида Мижознинг Қарздорлиги бўйича Банк Тарифлари билан ўрнатилган комиссияларни ечиб олинишига ҳукуқларни тақдим этади ва ўз розилигини беради (олдиндан берилган акцепт), бунда Карта ҳисобрақамидан пул маблағларини ечиб олишга Банк талабларини қисман бажаришга йўл қўйилади.

Мазкур Шартномага мувофиқ очилган Карта ҳисобрақамидаги пул маблағларини Банк томонидан хато ўтказилиши ҳолатида, Мижоз Банкка Мижознинг Карта ҳисобрақамига хато ўтказилган миқдордаги пул маблағларини Карта ҳисобрақамидан Мижознинг қўшимча топшириқларисиз ечиб олиш ҳуқуқини тақдим этади ва ўз розилигини

беради (олдиндан берилган акцепт). Кўрсатиб ўтилган ҳолатларда Карта ҳисобрақамидан пул маблағларини қисман чикаришга рухсат берилади.

3.27. Кобейжинг карталарга хизмат кўрсатиш бўйича томонларнинг ўзаро муносабатлари Mastercard халқаро тўлов тизими қоидалари ва мазкур Шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

3.28. Mastercard халқаро тўлов тизими инфратузилмасидаги Карталар билан амалиётлар бўйича баҳсли транзакцияларни ҳал қилиш Mastercard халқаро тўлов тизими қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

3.29. Мижоз Тўлов тизими ва Банкнинг ички локал ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ Картани мажбурий қайтарилиши билан МБХ / Банкнинг Контакт-Марказида Аризани (мазкур Умумий шартларга 3-сон Шакл) киритиш йўли билан Карта ҳисобрақамини ва Картани ёпишга ҳақли. Бунда Мижоз ўзининг Банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамига Карта ҳисобрақамида мавжуд бўлган пул маблағларининг қолдиғини олиши ва/ёки маблағларнинг қолдиғини бошқа Карта ҳисобрақамига олиши ва/ёки фақат Банкка Картани топширишдан кейин Банк кассаси орқали нақд пул шаклида олиши, ёки Банк Тарифларига биноан Картани йўқотиш/яроқсиз ҳолга келтирганлик учун комиссияларни тўлаши (Картани қайтариш имконсизлиги ҳолатида) мумкин.

4. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. ***Мижоз қуйидаги мажбуриятларни олади:***

4.1.1. Банк Тарифларига биноан Аризани киритиш кунида ва Карта ҳисобрақамини очилгунча ва Карта чиқарилгунича Картанинг чиқарилиши учун Банкка комиссияларни тўлаши.

4.1.2. Амалиёт амалга оширилгунига қадар Банк Тарифларига мувофиқ Банк хизматларига тўлаш.

4.1.3. Картанинг юз томонида кўрсатилган Картанинг амал қилиш муддати давомида Картада мавжуд пул маблағлари чегарасида Шартномага биноан Картани қўллаш.

4.1.4. Амалдаги қонунчилик билан сотишга тақиқланган товарларни ва хизматларни тўлаш учун Картани қўлламаслик.

4.1.5. Карта, жумладан Қўшимча Картани қўллаш билан Шартномани, Тўлов тизимининг қоидаларини бузиш ёки тегишли бўлмаган тарзда бажарилиши билан амалга оширилган барча Амалиётлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади. Карта ҳисобрақамига Қўшимча Картанинг чиқарилишида, ёки Картанинг учинчи шахсларга берилишида Картани қўллаш билан учинчи шахслар томонидан амалга ошириладиган барча ҳаракатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.1.6. Картанинг амал қилиш муддати якунланиш кунидан кейин келувчи кундан кечиктирмасдан янги муддатга Картани қайта чиқаришдан Мижознинг бош тортиши ҳолатида, МБХ/Банкнинг Контакт-Маркази орқали Карта ҳисобрақамини ва Картани ёпиш ҳақида Аризани тақдим қилади, бу Шартномани бекор қилинишига олиб келади. Бунда, Мижоз курьерни чақириш йўли билан Картани қайтариши ёки Банк Тарифларига биноан Картани йўқотганлик/шикастлаганлик учун комиссияни тўлаши керак (Картани қайтариш имконияти бўлмаган ҳолатда).

4.1.7. Шартнома шартларини, жумладан мазкур Умумий шартларга 1-Иловада таърифланган Картани сақлаш ва қўллаш Шартларини бажариш.

4.1.8. Тўлов тизими билан ўрнатилган банк картасини қўллаш қоидаси ва тартибини бажариш.

4.1.9. Картани йўқотишда уни МБХ ёрдамида (техник имконият мавжудлигида), ёки ШТҲ маълумотларини ва Кодли сўзни хабар бериб банкнинг Контакт-Марказига қўнғироқ қилиб зудлик билан блоклаш.

4.1.10. Банкнинг биринчи талаби бўйича Карта(лар)ни/Қўшимча карта(лар)ни Банкка тақдим этиш.

4.1.11. Банк Тарифлари, Шартнома доирасида қўлланилувчи йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни ўзгартирилиши ҳақидаги янгиланган маълумотларни олиш мақсадида

Интернет тармоғида Банк сайтига мунтазам ташриф буюриш.

4.1.12. Карта ҳисобрақамида пул маблағларининг қолдиғи ва/ёки овердрафт лимити чегарасида ва Картанинг амал қилиш муддати давомида Картани қўллаш.

4.1.13. Картани сақлашда эҳтиётқорликни намойиш қилиш, ҳамда ПИН-кодни сир сақлаши ва уни ошкор қилмаслик, Карта ҳисобрақамида ҳисобга олинувчи пул маблағларини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсларга бериш ҳолатлари бундан мустасно (агар Амалдаги қонунчилик, ёки Тўлов тизимининг Қоидалари билан бошқа қоида кўзда тутилмаган бўлса).

4.1.14. Карта Сақловчиси томонидан Шартномани бузиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш, ҳамда Шартноманинг шартларига риоя этмаслик билан келтириб чиқарилган Банк зарарларини қоплаш.

4.1.15. Карталарни авторизациялаш тартибисиз тўловга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган савдо (хизмат кўрсатиш) корхоналарида Картадан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлган рухсатсиз овердрафт миқдоридаги қарзни 30 кун муддат ичида тўлаш.

4.2. ***Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:***

4.2.1. Шартнома ва Тўлов тизимининг қоидалари билан кўзда тутилган тартибда ва шартларда Банк томонидан ўрнатилган Амалиётлар бўйича Лимит миқдорини ҳисобга олган ҳолда Карта ҳисобрақамидаги пул маблағларининг қолдиғи чегарасида ва Аризада кўрсатилган Харажат лимити чегарасида Карта бўйича Амалиётларни амалга ошириш.

4.2.2. Банк кассасига, ҳамда Амалдаги қонунчиликка мувофиқ нақд ва нақдсиз пул маблағларини киритиш йўли билан Карта ҳисобрақамидаги қолдиқни тўлдириш.

4.2.3. Картада мавжуд пул маблағлари чегарасида пул маблағларини ўтказишга Аризани киритиш.

4.2.4. Банк Тарифларига мувофиқ ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда Карта ҳисобрақамига ўз номига Қўшимча Картани расмийлаштириш.

4.2.5. Ўзининг Карта ҳисобрақамига чиқарилган Карта бўйича Сарфланувчи лимитни ўрнатиш, бунда, агар Мижознинг аризаси бўйича ўрнатилган Сарфланувчи лимитнинг миқдори Банк Тарифларига мувофиқ Банк томонидан ўрнатилган чегаралардан юқори бўлса, Амалиётларни (Топшириқномаларни) ўтказилиши Банкнинг Тарифлари билан ўрнатилган Амалиётлар бўйича Лимитларнинг миқдорларига мувофиқ амалга оширилади.

4.2.6. Унда шубҳа уйғотувчи ёки у амалга оширмаган Транзакцияга нисбатан эътирозларни Банкка юбориш, Мижоз томонидан Интернет орқали амалга оширилган товарларни ва хизматларни харид қилиш бўйича Транзакциялар бундан мустасно. Эътироз Мижозда шубҳа уйғотувчи сабабларни кўрсатиш билан ёзма кўринишда ва Мижознинг шубҳаларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг қоғоз нусхаларини илова қилиш билан Банкка юборилади. Бу ҳолатда, текширув Тўлов тизимлари қоидаларига ва Банк Тарифларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

4.2.7. МБХ ёрдамида Карта ҳисобрақами/Карта бўйича кўчирмани олиш.

4.2.8. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Картани амал қилишини тўхтатиш ёки Карта ҳисобрақами ва Картани, жумладан Қўшимча Картани ёпиш.

4.2.9. Картани қўллаш қоидалари ва уни қўллаш билан амалиётлар бўйича Мижоз ва Карта эмитентининг жавобгарлиги чегаралари ҳақида тўлиқ маълумотларни Банкдан олиш.

4.2.10. Амалга оширилган Амалиётлар ҳақида тўлиқ маълумотларни Банкдан олиш.

4.2.11. Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. ***Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:***

5.1.1. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ижобий қарор қабул қилинганида ва Карта ҳисобрақамини ва Картани очиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг Банкка Мижоз томонидан тақдим этилишида Мижозга Карта ҳисобрақамини очиш ва Картани чиқариш, Шартномага мувофиқ уларга хизмат кўрсатишни амалга ошириш.

5.1.2. Савдо (хизмат) корхоналарида, Банкоматларда, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш

Терминалларида Картани қўллаш билан Мижоз томонидан амалга оширилган Транзакциялар суммасига, ҳамда Карта реквизитларини қўллаш билан Интернет орқали амалга оширилган Транзакциялар суммасига Мижознинг Карта ҳисобрақамини дебет қилиш.

5.1.3. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ижобий қарор қабул қилиниш ҳолатида, Картани етказиб бериш муддатини ҳисобга олмаган ҳолда (Банкда етказиб бериш бўйича хизмат мавжудлиги ҳолатида), Ариза киритиш кунидан 3 (уч) банк куни давомида Мижозга Картани чиқариш/қайта чиқариш.

5.1.4. Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ нақд пулсиз, шу жумладан қайтариладиган тўловлар ва Реверсал (транзаксияни бекор қилиш) суммасига келиб тушган маблағларни Карта эгасининг Карта ҳисобварағига ўтказиш

5.1.5. Карта йўқотилиши ёки унинг ноқонуний қўлланилиши ҳақида Мижоздан хабарномани олиш бўйича зудлик билан Картани блоклаш.

5.1.6. Мижозга тегишли Ариза асосида "SMS-хабарнома" Хизматини кўрсатиш.

5.1.7. Картани қўллаш билан Амалиётлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширилишини ва тўғрилигини таъминлаш.

5.2. ***Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:***

5.2.1. Мижоз томонидан Шартнома ва Универсал шартнома шартларини бажармаслик сабаби бўйича, ҳамда Амалдаги қонунчилик талабларини ва Шартнома, ёки Универсал шартнома доирасида Мижоз ва Банк ўртасида тузилган бошқа Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида, Карта(лар)нинг, жумладан Қўшимча Карталарнинг амал қилишини тўхтатиш.

5.2.2. Фирибгарлик хавфи ёки Банк ва Мижознинг манфаатлари учун бошқа хавф юзага келган ҳолатда, ҳамда Амалдаги қонунчилик билан белгилаб берилган ҳолатларда Карта ҳисобрақами ва/ёки Карта бўйича Амалиётлар ўтказилишини бир томонлама тартибда блоклаш ёки чеклаш.

5.2.3. Картани қўллаш билан амалиётларни ўтказилишини вақтинчалик тўхтатиш, ҳамда қуйидаги ҳолатларда Мижознинг Шахсий кабинетига қабул қилинган қарор ҳақида хабарномани жойлаштириш йўли билан Картани мусодара қилиш:

Картани ёки унинг реквизитларини ноқонуний қўлланилиши ҳақида яққол далолат берувчи ҳолатлар мавжудлигида;

Картадан фойдаланиш ваколатлари берилмаган шахслар томонидан қўлланилиши;

мазкур Умумий шартлар ва Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган бошқа ҳолатларда.

5.2.4. Тўланган комиссияни қайтариб бермасдан Картани чиқариш/қайта чиқариш санасидан 1 (Бир) йил давомида чиқарилган/қайта чиқарилган ва Мижоз томонидан олинмаган Картани ёпиш (Карта ҳисобрақамини ёпиш билан). Карта ҳисобрақами ва Картани ёпиш ҳақидаги ҳуқуқларни банк томонидан амалга ошириш мақсадида, Мижоз мазкур банд Карта ҳисобрақами ва Картани ёпиш ҳақидаги Мижознинг Аризаси ҳисобланишини тасдиқлайди.

5.2.5. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш, ва маълумотлар нотўғри бўлган ҳолатда, Мижозга Картани чиқариш ва Карта ҳисобрақамини очишда рад этиш.

5.2.6. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Мижоздан-Мижозни идентификация қилиш имконини берувчи ва Карс ҳисобварағи бўйича амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш.

Банк томонидан қуйидагилар аниқланган куни Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажарилишини бир томонлама тартибда рад этиш:

– жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштириш мақсадида Картанинг қўлланилишига асосланган шубҳалар;

– жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштириш мақсадида амалиётларни ўтказиш учун шубҳали (гумонли) ёки Картани қўлланилишига асосланган шубҳали амалиётларни такроран ўтказиш.

5.2.7. Қуйидаги келишувлардан келиб чиқувчи Банк олдидаги мажбуриятларни Мижоз томонидан бажарилиши мақсадида Карта ҳисобрақамидан пул маблағларини Мижознинг қўшимча топшириқномаларисиз (олдиндан берилган акцепт) акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш:

– тузилган Шартнома, жумладан Банк Тарифлари билан ўрнатилган комиссиялар;

– Банк ва Мижоз ўртасида тузилган кредит шартномаси/микроқарз/овердрафт шартномаси, жумладан асосий қарз, фоизлар, пенялар, жарималар, қоплашлар ва кредит шартнома/микроқарз/овердрафт шартномаси билан кўзда тутилган бошқа тўловлар;

– Мижоз кафил сифатида чиқувчи Банк билан тузилган кафиллик шартномаси;

– Банк ва Мижоз ўртасида тузилган бошқа шартномалар.

5.2.8. Шартнома шартлари Мижоз томонидан бузилиши ҳолатида ва агар Мижоз томонидан Картанинг қўлланилиши натижасида Банк молиявий йўқотишларнинг асосланмаган хавфи остида бўлган ҳолатда Банк томонидан тасдиқланган жарималарни қўллаш ва Картанинг амал қилишини тўхтатиш.

5.2.9. Карта ҳисобрақамида маблағларнинг етарлича бўлмаганида Авторизация процедурасини ўтказилишида Савдо (хизмат) Корхонасига рад этиш.

5.2.10. Банкка келтирилган Банк Тарифлари билан кўзда тутилмаган, аммо Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган хизматларни Мижозга кўрсатиш оқибатида Тўлов тизими билан кўзда тутилган комиссион харажатларни Мижознинг Карта ҳисобрақамидан ундириш.

5.2.11. Универсал шартнома билан кўзда тутилган тартибда Шартномага ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритишни таклиф қилиш.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Банк унинг назоратидан ташқари бўлган форс-мажор ҳолатлар учун, ва ташқи ҳисоб-китоб тизимлари, Тўлов тизимлари, маълумотларга ишлов бериш ва уларни узатишдаги бузилишлар, ҳамда, агар Карта тўловга учинчи томон билан қабул қилинмаганлик билан боғлиқ бўлган ҳолатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Банк Картани ёки унинг реквизитларини қўллаш билан Амалиётларни ўтказганлик учун бошқа кредит ташкилотлари, молия муассасалари, Тўлов тизимлари ва ҳисоб-китобнинг бошқа иштирокчилари томонидан ундириладиган комиссиялар ва қўшимча тўловлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.3. Банк Карта бўйича Амалиётларни тўхтатиш (блоклаш) ёки Карта йўқотилганлиги ҳақида Мижоз томонидан Банкни хабардор қилишгача Карта бўйича амалга оширилган амалиётлар, жумладан Картанинг реквизитларини қўллаш билан Амалиётлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Банк Тўлов тизимларининг талабларига мувофиқ Картани ёки унинг реквизитларини қўллаш билан тўловларни амалга ошириши шарт ва Карта бўйича Амалиётларни тўхтатиш (блоклаш) ёки Картани йўқотилганлиги ҳақида Мижоз томонидан ариза берилиши пайтигача амалга оширилган Амалиётлар суммасига эквивалент суммаларга Мижознинг Карта ҳисобрақамини дебетлаш ҳуқуқига эга.

6.4. Банк қуйидаги ҳолатларда Мижоз олдида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

– агар карта Сақловчиси Шартномада, Банк Тарифларида, Универсал шартномада ва Амалдаги қонунчиликда белгиланган қоидалар ва тартибларни бузса;

– карта Сақловчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар ҳолатида;

– агар Картанинг ва(ёки) ПИН-коднинг йўқотилиши Мижознинг айби ёки эҳтиётқорсизлиги бўйича содир бўлган бўлса.

6.5. Банк қуйидагилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

– Мижознинг молиявий зарарлари учун, агар транзакциялар Картанинг

реквизитларини кўрсатиш билан Интернет орқали ўтказилган бўлса;

– Банкнинг назоратидан ташқарида бўлган ҳолатлар сабабли ўз мажбуриятларини бажариш имконсизлиги учун;

– товарлар/ишлар/хизматларни сотиш бўйича Савдо (хизмат) корхоналарининг ўз мажбуриятларини тегишли бўлмаган равишда бажариши учун;

– Транзакцияларни ўтказишда иштирок этувчи учинчи шахсларнинг асбоб-ускуналари ёки алоқа каналларининг ишидаги бузилишлар учун;

– Шартноманинг шартларига тўғри келмайдиган ёки зид келадиган Транзакциялар бўйича ёки мазкур Умумий шартларнинг 5.2.6-бандида кўрсатилган сабаблар бўйича пул маблағларини қоплаш бўйича.

6.6. Мижоз қуйидагилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади:

– Шартноманинг шартларини бузганлик учун;

– Картани сақланганлиги ва сақлаш, ҳамда Мижоз ёки Картанинг реквизитларига эга бўлган учинчи шахслар томонидан Карта ёрдамида амалга оширилган Транзакциялар учун;

– бошқа шахсларга Картанинг ПИН-кодини ва реквизитларини бериб юборилиши учун;

– учинчи шахсларга ПИН-кодни ошкор қилиш ҳақида Банк хабардор этилгунга қадар (ариза МБХ/Банкнинг Контакт-Маркази орқали узатилади) ўрин тутган ҳар қандай транзакциялар учун;

– Мижоз томонидан Картани йўқотилиш ҳолатида Банк хабардор бўлгунига қадар Картани қўллаш билан ўтказилган барча Транзакциялар бўйича;

– Картанинг реквизитларини қўллаш билан Интернет орқали ўтказилган барча Транзакциялар учун;

– Мижознинг Карталардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслиги сабабли Банк Карталари бўйича фирибгарлик транзакциялари оқибатида юзага келадиган барча зарарлар учун;

– Банкка тақдим этиладиган барча маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун;

6.7 Банкнинг айби билан электрон тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, Банк хато аниқланган кундан кейинги иш кунидан (операцион кундан) кечиктирмай маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, Мижоз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдан маблағларни қайтаришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддасига мувофиқ фоизларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга, бироқ тўлов кунигача ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган электрон тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

7.1. Шартнома мазкур Умумий шартларга мувофиқ Томонлар билан уни тузиш пайтидан кучга киради ва муддатсиз хусусиятга эга.

7.2. Шартнома Мижознинг Аризаси (3-сон Шакл) бўйича муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин. Мижоз Аризани киритиш кунида Шартнома бўйича чиқарилган барча амалдаги Карталарни қайтариши шарт. Карта ҳисобрақамидан пул маблағларининг қолдиқларини қайтариш Шартномага мувофиқ амалга оширилади.

7.3. Шартнома фақат қуйидаги шартларда бекор қилиниши мумкин:

– мазкур Шартномага мувофиқ барча Карталар Банкка қайтарилган шарт билан Мижознинг Аризаси;

– Мижоз Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажарди;

– Мижоз Банк олдида қарздорликка эга эмас.

7.4. Картани чиқариш/қайта чиқариш санасидан бир йил давомида Картанинг Мижоз томонидан олинмаганлиги ҳолатида ва Шартнома доирасида чиқарилган бошқа амалдаги Карталарнинг мавжуд эмаслиги шартида, Шартнома ўз таъсирини тўхтатган (бекор қилинган) деб ҳисобланади.

7.5. Шартнома бекор қилинганида (тугатилганида), Карта ва Шартномани бекор қилиш пайтигача у бўйича банк Тарифларига биноан Мижоз томонидан тўланган амалиётлар билан боғлиқ бўлган барча комиссиялар Мижозга қайтариб берилмайди.

7.6. Шартноманинг тўхтатилиши (бекор қилиниши) Шартнома бўйича Томонларнинг мажбуриятларини тўхтатилишини олиб келади ва Карта ҳисобрақамини ёпиш учун асос ҳисобланади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартномадан келиб чиқувчи низолар ва келишмовчиликлар Универсал шартнома билан кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

8.2. Шартноманинг шартлари билан белгилаб берилмаган барча қолган ҳолатларда, Томонлар Универсал шартноманинг ва Амалдаги қонунчиликнинг қоидалари билан раҳбарлик қилади.

8.3. Шартномага киритилувчи барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар Шартнома ва Универсал шартноманинг талабларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг умумий шартларига 1-ИЛОВА

КАРТАНИ САҚЛАШ ВА ҚЎЛЛАШ ШАРТЛАРИ

Картанинг ПИН кодини тайинлаш/қайта тайинлаш ва сақлаш

ПИН-коднинг максимал узунлиги - 4 рақамга эга бўлиши мумкин.

Картани шахсан қўлингизга олишингиз биланоқ, унга ПИН-кодингизни қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда махфий равишда ўрнатинг:

– ПИН-кодни ўрнатишда рақамлар, муҳим саналар ва сиз ҳақингиздаги барчага маълум маълумотлардан (масалан: туғилган сана, автомобиль рақами, телефон рақами ва бошқалар) фойдаланмаслик.

– ПИН-кодни ёзиб қўйманг, уни эслаб қолинг;

– Картангизни ПИН-кодини бошқа шахсларга хабар қилманг. Сизнинг Картангизни ПИН-кодини ошкор этилишини ҳеч ким, ҳаттоки Банк ва Савдо (хизмат) корхонасининг ходими ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Картангизнинг пин-кодини бошқа шахсга ошкор қилишда, Сизнинг Картангиз бўйича Транзакцияларнинг амалга оширилиши учун барча жавобгарлик сизнинг зиммангизга юклатилади, чунки Сиз учун Картани чиқарган Банк билан шартномага биноан Картанинг қонуний Сақловчиси бўлиб фақат Сиз ҳисобланасиз;

– Агар ПИН кодингиз ўз ихтиёрингиздан ташқари бошқаларга ошкор қилинганини аниқласангиз, ПИН кодингизни махфий равишда ўзгартиришингиз керак;

– ПИН-кодни ўзгартиришда аввал Картанинг амалдаги ПИН-кодини киритиш, кейин эса POS-терминал ёки ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш Терминали/МБХ (унда бундай имконият мавжудлигида) кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда уни қайта ўрнатиш зарур;

– ПИН-кодни, бир ойда камида бир марта мунтазам алмаштиринг. Агар Сизнинг Картангизга иш ҳақи ўтказилаётган бўлса, у ҳолда Карта ҳисобрақамига иш ҳақини навбатдаги ўтказилишигача 1-2 кун олдин, олдиндан картанинг ПИН-кодини алмаштиришга ҳаракат қилинг. Ушбу ҳолатда, Карта ҳисобрақамига ўтказилган маблағларнинг хавфсизлиги, ҳаттоки Карта йўқотилган ҳолатда ҳам ошади;

– ёдда тутинг, уч марта кетма-кет нотўғри ПИН-код киритилиши Картани блоклайди. Шу муносабат билан, клавиатуранинг тегишли тугмасини ҳар бир босишда терминал дисплейида ёки POS-терминал ёки ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш Терминали экранида ПИН-кодни териш вақтида стилизацияланган "юлдузча" акс эттирилиши устидан диққат билан кузатинг. Бу POS - терминали ёки ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш Терминалининг клавиатурасида ПИН-коднинг барча киритилган рақамлари ишловга қурилма томонидан қабул қилинганлигини англатади. Акс ҳолда, Сиз томондан клавиатуранинг тугмасига етарлича босилмаганлиги ёки тугманинг носозлиги сабабли Сиз нотўғри ПИН-кодни теришингиз ва Картани блоклаб қўйишингиз мумкин;

– Агар Сиз ПИН-кодни икки марта нотўғри киритган бўлсангиз, учинчи марта эса уни тўғри киритган бўлсангиз, у ҳолда ПИН-кодни киритиш уринишларининг сони қайта учтагача тикланади;

Картани блокдан чиқариш фақат Банкнинг Контакт-марказига мурожаат қилиш ёки уни МБХ ёрдамида блокдан чиқариш йўли билан имкониятли. Бунда, нотўғри ПИН-кодни уч марта киритилиши муносабати билан Картанинг блокировка қилинишида, Картанинг блокдан чиқарилиши ШТҲ маълумотларини ва Кодли сўзни операторга хабар қилиш билан банкнинг Контакт-Марказига қўнғироқ қилиш ёрдамида Картани блокдан чиқариш имконияти мавжуддир. МБХ ёрдамида Картани блокдан чиқариш учун Банкнинг Моби иловасидан

фойдаланиш ва тегишли бўлимга кириш зарур;

– блокдан чиқариш процедурасини бажариш давомида Сиз Картанинг янги ПИН-кодини шахсан ва махфий ўрнатишингиз керак бўлади.

Картани сақлаш ва уни бошқа шахсларга бериш

Карта нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инструменти ҳисобланади, Сизнинг маблағларингизни сақланишини ва хавфсиз қўлланилишини оширади, Сиз томондан товарлар ва хизматларни харид қилишни амалга оширишда қўшимча қулайликларни тақдим этади. Сиз бир қатор хавфсизлик чораларига риоя қилмасангиз Картанинг афзалликлари аҳамиятсиз бўлади.

Шунинг учун Сиз қуйидаги қоидаларни ҳар доим ёдда тутишингиз ва уларни бажаришингиз керак:

1. Картани ҳамён ва нақд пуллар билан биргаликда, ҳамда Картани тасодифан шикастлаш эҳтимоли юқори бўлган кийим-кечакларнинг шундай жойларида (масалан: шимнинг орқа чўнтаги, калитлар ва бошқа буюмлар билан биргаликда сақлаш) сақламанг.
2. Картани, ҳаттоки қисқа вақтга, агар Сиз уларнинг Карта билан амалга оширилувчи ҳаракатларини кейинчалик назорат қилиш ҳолатида бўлмасангиз, бегона шахсларга берманг. Картанинг мавжудлигини вақти-вақти билан текширинг.
3. Ўз Картангизни рақамини, ҳамда унинг юз томонига туширилган Картани чиқарган банк муассасасининг кодини ёзиб қўйинг ва сақланг.
4. Агар Сиз бошқа шахсга Сизнинг Картангиздан фойдаланишни ишониб топширишга қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда буни тегишли тарзда расмийлаштириш ва ишонч билдирилган шахс мазкур Шартларни тавсиялари билан танишиб чиққанлигига ва ўзлаштирганлигига ва уларни сўзсиз бажаришга тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.
5. Ҳар доим Савдо (хизмат) корхонаси ходимлари ва Банк хизматчилари томонидан Сизнинг Картангиз билан ҳаракатларни визуал назорат қилишга ҳаракат қилинг ва ҳеч қачон Картани Банкоматда/ўзига-ўз хизмат кўрсатиш Терминалида ёки савдо терминалида қолдирманг.
6. Картанинг чипига турли хил нурланишларнинг таъсиридан, унинг устига намликнинг, тажовузкор кимёвий моддалар тушишидан сақланинг, Картани тўғридан-тўғри бўлмаган мўлжалланишда қўлламанг - бу унинг шикастланишига олиб келади.

Картани йўқотиш/шикастлаш ва аввал йўқотилган Картани топишдаги ҳаракатлар

Агар Сиз ёки Сизнинг ишончли шахсингиз Картани йўқотган бўлсангиз, у ҳолда Сиз Универсал шартномага мувофиқ бу ҳақда Банкка тезкорликда хабар қилишингиз керак.

Ёдда тутинг, агар Сизнинг йўқотилган Картангиз бўйича Транзакциялар бажарилган бўлса, у ҳолда ушбу Транзакциялар бўйича суммалар Сизга Банк томонидан қайтариб берилмайди. Шунинг учун, Картадан маблағларни йўқотилиш хавфларини пасайтириш мақсадида ўзингизни ПИН-кодингизни бегона шахсларга хабар қилманг.

Агар Сиз Карта йўқотилганлиги ва блокланиши ҳақида банкка ариза бериб бўлинганидан кейин аввал йўқотилган Картани топиб олган бўлсангиз, у ҳолда ушбу Картадан нақд пулсиз тўлов воситаси сифатида фойдаланишга ҳеч қандай ҳолатда уринманг - Сизнинг Картангиз блоклаб қўйиб бўлинган ва Банкомат/ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш Терминали билан тутиб қолиниши мумкин.

Биринчи навбатда, Банкнинг Алоқа марказига қўнғироқ қилиб, блокланган аввал йўқолган картангизни топганингиз ҳақида хабар беришингиз керак. Шундан сўнг, Банк ходимлари Сизга кейинги кўрсатмаларни маълум қиладилар.

Агар топилган Карта ундан фойдаланишга уринишда терминалда/Банкоматда/ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш Терминалида блоклаб қўйилган бўлса, у ҳолда Сиз уни блокдан чиқариш учун Банкнинг Контакт-Марказига мурожаат қилишингиз зарур бўлади. Агар Картани блокдан чиқариш учун Банк ходимини чақириш талаб этилган ҳолатда, ШТҲга, ҳамда Картадан фойдаланишга тегишли равишда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлиш керак (агар Сиз ишончли шахс ҳисоблансангиз).

Ёдда тутинг, БАНК агар қуйидаги ҳолатларда Сизнинг Картангиз бўйича амалга оширилган Транзакциялар бўйича маблағларни Сизга қоплаб бермайди:

- Транзакциялар Картани блоклаш пайтигача амалга оширилган бўлса.
- Транзакция процессинг марказига келиб тушмаган бўлса.

Картадан фойдаланиш вақтида бузилиш ёки кутилмаган ҳолатда амалга оширилган ҳаракатларда.

Сиз Карта ва у қўлланилувчи инфратузилма асбоб-ускуналари, гарчи юқори технологик замонавий дастурий-техник қурилма бўлиб ҳисоблансада, у ҳам турли хусусиятга эга бўлган бузилишлар билан шикастланиши мумкинлигини ҳар доим ёдда тутишингиз керак. Қуйида Картани қўллашда энг кенг тарқалган бузилишларнинг ва штатдан ташқари ҳолатларнинг рўйхати келтирилган:

1. Картадан Банкоматда маблағлар ечиб олинган, аммо нақд пул берилиши амалга оширилмаган

Ушбу ҳолатда Сизга Банкомат томонидан Амалиёт чекининг чоп этилиши кутилиши зарур. Бундан сўнг, пул берилиши амалга оширилмаган худди шу Банкоматда Карта бўйича Амалиётлар тарихини чоп этинг. Сўнгра ушбу Банкоматга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига мурожаат қилинг (контакт телефон Банкомат чекида кўрсатилган бўлиши керак), Сизнинг Картангиздан маблағларни ечиб олиниш ва уларни Банкомат томонидан берилмаслиги далили бўйича ўрнатилган намунадаги аризани киритинг ва Амалиётнинг чекини ёки унинг чекини нусхасини илова қилинг. Ўзингизда Карта, ШТҲ, ҳамда Картадан фойдаланишга нотариал тасдиқланган ишончномага (агар Сиз ишончли шахс/Мижоз Вакили ҳисоблансангиз) эга бўлишингиз зарур. Эҳтимол, Банкоматдаги ҳолатни дастлабки терговидан кейин, Сизга Картани чиқарган банк муассасасига қўшимча мурожаат қилиш Сизга тўғри келиб қолиши мумкин.

2. Картадан маблағларни банкоматда ечиб олинмаслиги ва нақд пулларни берилиши

Ушбу ҳолатда Сизга Банкомат томонидан Амалиёт чекининг чоп этилиши кутилиши зарур. Бундан сўнг, маблағлар ечиб олинмаган, аммо бунда Банкомат томонидан пуллар берилганида Картанинг Амалиётлар тарихини худди шу Банкоматда чоп этиш зарур бўлади. Сўнгра ушбу Банкоматга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига мурожат қилинг (контакт телефон Банкоматнинг чекида кўрсатилган бўлиши керак) ва Сизнинг Картангиздан маблағларни ечиб олиниши ва уларни Банкомат томонидан берилиши далили бўйича ўрнатилган намунадаги аризани киритинг, Амалиётнинг чекини ёки унинг нусхасини илова қилинг ва Банкоматдан олинган нақд пул суммасини банкнинг кирим кассасига топширинг. Ўзингизда Картани, ШТҲ, ҳамда Картадан фойдаланишга тегишли равишда расмийлаштирилган ишончномага (агар Сиз ишончли шахс/Мижоз Вакили ҳисоблансангиз) эга бўлишингиз зарур.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа бузилишлардан сақланиш мақсадида Сиз қуйидаги ҳаракатларни назорат қилишингиз керак:

- савдо (хизмат) корхонасининг ходими Сизнинг Картангиз билан амалиётни амалга оширишдан аввал савдо терминали соз ҳолдалигига, унга чек қоғози ўрнатилган ва у чоп этишга тайёрлигига (агар терминал ярим функционал бўлса) ва унга автоном озиқлантирувчи элементлар - батарейкалар/аккумуляторлар (агар терминал кўчма бўлса) ўрнатилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.
- Сизнинг Картангиз билан терминалда Амалиётларни амалга ошириш пайтида Савдо (хизмат) корхонасининг ходими Сизнинг Картангизни терминалнинг картридеридан чиқармаганлигини ва терминални электр тармоғидан узиб қўймаганлигини (агар терминал ярим функционал бўлса), ва Транзакция якунлангунига қадар ва амалиёт чекининг чоп этилгунича озиқланишнинг автоном элементларини терминалдан чиқармаганлигини (агар терминал кўчма бўлса).
- Амалиёт чекини терминал орқали чоп этиш пайтида Савдо (хизмат) корхонасининг ходими терминал клавиатурасининг тегишли тугмасини босиб, қоғоз ўтказилишини амалга

оширмаганлигини, ва Амалиётнинг чоп этилувчи чекини қўлда мажбурий тортиб чиқарилишини амалга оширмаганлигини.

– Амалиёт чеки қуйидагиларни мажбурий кўрсатиш билан ўқилувчан чоп этилганлигини: Амалиётнинг санаси/вақти, Карта рақами, Авторизация коди, Амалиётни ва Транзакциянинг бошқа реквизитларини муваффақиятли/муваффақиятсиз бажарилиши. Агар Сизга берилган чекнинг нусхаси ушбу талабларга жавоб бермаса, кассирдан чекни қайта чоп этилишини илтимос қилинг.

Изоҳ:

– Ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолатларда Банкомат/ Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали ёки Ўзингиз Карта бўйича Амалиётни амалга оширган жойдаги терминал ёнида амалиёт чекини қолдирманг.

– Агар Банкомат Сизнинг Картангизни тутиб қолган бўлса, у ҳолда Сиз ушбу Банкоматга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига (контакт телефон банкомат чекида кўрсатилган бўлиши керак) мурожаат қилишингиз керак. Ўзингизда шахсни тасдиқловчи ҳужжатга, ҳамда Картадан фойдаланишга тегишли равишда расмийлаштирилган ишончномага (агар Сиз ишончли шахс/Мижоз Вакили ҳисоблансангиз) эга бўлишингиз зарур.

- Агар банкомат / ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали / терминал Сизнинг Картангиз билан бирон бир Амалиётни жуда узоқ вакт давомида бажараётган бўлса (Сизга Банкомат / ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали "котиб қолган" бўлиб сезилаётган бўлса), Амалиёт якунланишини кутишга ва Картани қайтариб олишга уриниб кўринг.

"Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг умумий шартлари"
4-Иловага 1-сонли Шакл

Банк картасини чиқаришга

АРИЗА

«ANOR BANK» АЖ

_____

_____дан

(фамилияси, исми, шарифи)

А Р И З А

Сиздан _____номига

(Ф.И.Ш.)

☐ HUMO - Дебет картаси

☐ HUMO – TRIA Виртуал дебет картаси

☐ HUMO - ANOR картаси

☐ HUMO - Виртуал ANOR картаси

☐ HUMO - Mastercard Кобейжинг картаси

☐ HUMO - Mastercard виртуал Кобейжинг картаси

☐ Uzcard - Дебет картаси

чиқаришни, ҳамда _____да тегишли ҳисобрақам очишни сўрайман.

(валютанинг номланиши)

МИЖОЗ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ф.И.Ш*:

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари*:

(шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси, рақами, берилган санаси ва жойи)

Туғилган санаси*:

Манзили*:

Банк билан алоқа учун телефон рақами*: + ( ) - -

E-mail:

Телефон сўзлашувлари учун пароль (Махфий сўз)*****

Мазкур аризани тўлдириш пайтида амалдаги Банк Тарифлари ва "ANOR BANK" АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартноманинг шартлари билан танишиб чикдим ва розилик билдираман.

Карта ҳисобрақами бўйича барча маълумотларни масофавий банк хизматлари кўрсатиш каналлари ёрдамида олишга розилик бераман.

Тўлдирилган сана: **Имзо:** ✓

"Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг умумий шартлари"
4-Иловага 2-сонли Шакл



«ANOR BANK» АЖ

Банк картасини қайта чиқаришга
АРИЗА

дан _____

(жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)

Карта рақами: ☐☐☐☐ ☐☐** ** **** ****

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг маълумотлари (*жисмоний шахс / қонуний вакил*):

Серияси, рақами,
ким томонидан ва
қачон берилган: _____

Менинг номимга
☐ UZCARD ☐ HUMO ☐ HUMO-Mastercard кобейджинг картасини
қуйида кўрсатилган сабабларга кўра қайта чиқаришни сўрайман**:**

☐ картанинг амал қилиш муддати якунланиши
☐ Техник носозлик: _____
☐ Бошқа сабаб: _____

НАЗОРАТ МАЪЛУМОТЛАРИ:
Мазкур Аризада келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман.
Банк қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишига розилик билдираман:

- мазкур Аризада келтирилган маълумотларни текшириш ҳуқуқига эга;
- Банкнинг реклама-ахборот ва бошқа материалларини юбориш учун мазкур Аризада келтирилган маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Банк картасини қайта чиқариш шартлари ва Банк Тарифлари билан шахсан танишиб чиққанлигимни ва уларга розилигимни тасдиқлайман.

Тўлдирилган сана: **Имзо:** ✓

"Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги банк карталарини ва кобейжинг карталарини чиқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни ёпишнинг умумий шартлари"
4-Иловага 3-сонли Шакл

«ANOR BANK» АЖ

Банк картасини ёпишга
АРИЗА

Кимдан: _____

(жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)

Карта рақами: | | | | | | | | | * | * | * | * | | | | |

Карта ҳисобрақами рақами: | 2 | 2 | 6 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |

Банкда жисмоний шахснинг банк картасини очиш ва унга хизмат кўрсатиш Шартномасини бекор қилишингизни ва менинг Карта ҳисобрақамимни, ҳамда рақами юқорида кўрсатилган банк картамни ёпишингизни сўрайман. Бунда, Карта ҳисобрақамида мавжуд бўлган маблағларни қуйидаги тарзда қайтаришингизни сўрайман:

☐ ҳисобрақамга ўтказиш | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

Банк номи: _____

Банк МФОси: _____

Карта ҳисобрақами ва банк картасини ёпиш шартлари билан танишиб чиқдим ва розиман, Банк Тарифи билан ўрнатилган тўловни Банкка тўлаш мажбуриятини оламан. Юқорида кўрсатилган банк картаси ёрдамида ўзим томонимдан аввал амалга оширилган транзакциялар ва Reversal амалиётларнинг тутилиб қолиши оқибатида қарздорлик юзага келса, Банкка зарурий суммани тўлаб бериш мажбуриятини оламан.

Карта ҳисобрақами ва Картани ёпиш сабаби:

_____

Контакт телефон: _____ _____

(Уй телефонини кўрсатинг) *(Мобил телефонни кўрсатинг)*

☐ **Картани қайтардим**

☐ **Карта йўқотилди**

Сана _____

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга
хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага
5-ИЛОВА

«Овердрафт» маҳсулотининг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Сўровнома - бу кредит маблағларини Мижозга тақдим этилиш эҳтимолини баҳолаш мақсадида Банкка Мижоз (потенциал қарз олувчи) томонидан юбориладиган (шунингдек, МБХда шакллантирилувчи) Мижоз ҳақида умумий маълумотларга эга ҳужжат.

Қайта Тикланувчи кредит линияси - бу олдиндан ўрнатилган лимит доирасида зарурат туғилганда бир неча бор маблағларни олиш, қарздорликни бутун суммасини ёки унинг фақат қисмини сўндириш, кредит линия амал қилиш муддати давомида такроран қарз олиш имконини берувчи кредитлаш услуби.

Тўлов санаси - бу овердрафт муддати давомидаги сана бўлиб, унда Мижоз тўловни, жумладан фоизларни ва асосий қарзни сўндириш учун етарли бўлган қийматни ҳисобрақамда таъминлаши керак бўлади.

Қарз олувчи - тасдиқланган даромадга эга бўлган жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахс).

Овердрафтнинг Якка тартибдаги шартлари - овердрафт қийматини/лимитини, фоиз ставкани, муддатни ва бошқа шартларни, ҳамда берилувчи кредит параметрлари ва шартлари соҳасида (мазкур Умумий шартларга 1-сон Шакл) бир томондан Банкнинг ва бошқа томондан Қарз олувчининг ва учинчи томонидан Кафил/Кафолатчининг муносабатларини тартибга солувчи ҳужжат.

Кредит скоринг - саноқли статистик усулларга асосланган шахснинг кредит қобилиятини баҳолаш тизими.

Овердрафт лимити - мижозга рухсат этилган овердрафт доирасида ажратиладиган пул маблағлари.

Тўлов лимити – бу карта ҳисобрақамидаги маблағ бўлиб, ишлатиш учун мумкин бўлган пул маблағларининг қиймати.

Рухсат этилган овердрафт - овердрафт лимити доирасида Мижознинг Карта ҳисобрақамида шахсий пул маблағлари етарли бўлмаганида ёки мавжуд бўлмаганида, Мижозга Банк томонидан тақдим этилувчи кредит.

2. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур масофавий банк хизмат кўрсатиши ёрдамида жисмоний шахсларга тақдим этилувчи "овердрафт" маҳсулотининг Умумий шартлари (кейинги ўринларда "Умумий шартлар") Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида Мижозга Банк томонидан овердрафтни тақдим этиш тартибини ўрнатади ва овердрафтни тақдим этиш тўғрисида Шартномани тузишда Мижоз ва Банк ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади.

2.2. МБХ воситаларини қўллаш билан овердрафт тақдим этиш тўғрисида Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ тузилади ва мазкур Умумий шартларда кўзда тутилган ва таърифланган шартларда бирон бир истисносиз ёки чекловларсиз мазкур Умумий шартларда Мижоз томонидан сўзсиз акцептни англатувчи ҳаракатларнинг Мижоз томонидан амалга оширилиш пайтидан кучга киради.

2.3. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ овердрафт олиш истагида бўлган Мижозлар мувофиқ бўлиши керак бўлган аниқ талаблар, Бир Мижозга овердрафт қийматининг миқдори, муддатлари, бошқа тўловлар, ҳамда бошқа шартлар Мижозга умуммаълум жойда (www.anorbank.uz манзили бўйича Интернет тармоғида Банкнинг расмий сайтида,

Интернет-Банкда, мобил иловада, оммавий ахборот воситаларида ва шунга ўхшашларда) тегишли маълумотни жойлаштириш йўли билан мижоз эътиборига етказилади.

2.4. Маълумотларни узатиш ва ариза юбориш шартларида овердрафтни тақдим этиш ва офертани қабул қилиш шартларига рози бўлган тақдирда, Мижоз ушбу Умумий шартларни онлайн тарзда, МБХ воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки Банк томонидан белгиланган бошқа усуллар билан қабул қилади. Ушбу акцепт Банк учун Сўровнома/Мижоз аризасини потенциал қарз олувчи сифатида дастлабки кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади. Мижознинг аризаси Банк томонидан маъқулланган тақдирда, Банк Мижозга Овердрафтнинг индивидуал шартларини тақдим этади. Мижоз Овердрафтнинг индивидуал шартларини қабул қилган (аксептлаган) тақдирда, ушбу Умумий шартлар ва Овердрафтнинг индивидуал шартларида назарда тутилган шартларда Овердрафт тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тузилган ҳисобланади.

2.5. Овердрафтнинг индивидуал шартлари Мижозга ҳар бир овердрафт лимити очилишидан олдин алоҳида белгиланади ва Мижознинг шахсий кабинетида акс эттирилади. Мижоз Овердрафтнинг индивидуал шартларини SMS хабарни тасдиқлаш ёки Банк томонидан таклиф қилинган бошқа усул орқали қабул қилади ва розилик билдиради. Қарз олувчи ушбу шартларни қабул қилган ва Мижоз Овердрафтнинг индивидуал шартларини қабул қилган тақдирда, Овердрафтни ушбу Умумий шартлар ва Овердрафтнинг индивидуал шартларида назарда тутилган шартларда тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тузилган ҳисобланади.

2.6. Мижозни ушбу Умумий шартлар ва Банк тарифлари (шу жумладан, Банк томонидан вақти-вақти билан киритиладиган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар) билан таништириш мақсадида Банк ушбу ҳужжатларни Банк веб-сайтида эълон қилади. Бундан ташқари, Банк Мижозга маълумотни олиш ва унинг Банкдан келиб чиққанлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар билан хабар бериши мумкин. Кўрсатилган маълумотлар Банк веб-сайтида биринчи марта жойлаштирилган сана эълон қилинган сана ҳисобланади.

3. ССУДА ҲИСОБИНИ ОЧИШ

3.1. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Банк Мижозга овердрафт бўйича мижозни қарздорлигини ҳисобга олиш учун миллий валютада ҳисоб(лар) очади.

3.2. Ҳисобрақам тартиб рақами бир томонлама Банк томонидан белгилаб берилади ва Шахсий кабинетда (жумладан Мобил иловада) маълумотни жойлаштириш ёрдамида Мижозга хабар қилади.

4. ОВЕРДРАФТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА УНИ СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Овердрафт Мижозга мазкур Умумий шартлар билан ўрнатилган шартларда ва тартибда тақдим этилади.

4.2. Овердрафтни тақдим этиш Мижознинг ҳисобварағи бўйича маблағларни ҳисобварақ қолдиғидан ортиқча ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади, натижада дебет сальдоси ҳосил бўлади, бу эса кредит суммаси ҳисобланади. Мижознинг жорий ҳисоби бўйича дебет қолдиғи фақат банк томонидан ўрнатилган овердрафт Лимити чегарасида ҳосил бўлади.

4.3. Банк Мижозга овердрафт лимити чегарасида қайта тикланувчи кредит линияси шартларида Овердрафт тақдим этади. Лимит, муддат, фоиз ставкаси ва бошқа алохида шартлар овердрафтнинг Якка тартибдаги шартлари билан белгиланади.

4.4. Фоиз тўловлари ҳар ойнинг Якка тартибда кўрсатилган санасида амалга оширилади. Асосий қарз қайтарилиши шартлари Якка тартибдаги шартларда белгиланади. Агар якуний тўлов Санаси банк иш кунига тўғри келмаган ҳолатда, тўлов Санаси куни бўлиб яқин орадаги келадиган банк иш куни ҳисобланади.

4.5. Мижоз овердрафтдан хизматга қўшилиш ва очилган овердрафт Лимити мавжудлиги шартида Карта ҳисобрақамида маблағлар етарлича бўлмаганда фойдаланиши мумкин.

4.6. Овердрафт бўйича қарздорлик ва у бўйича хисоланган фоизлар Мижознинг Карта ҳисобрақамини тўлдириш, жумладан, аммо чегараланмасдан, иш ҳақининг ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларнинг ҳар ойлик ўтказилиши, Банкдаги Мижознинг Карта ҳисобрақамига пул маблағларининг киритилиши ҳисобига сўндирилади.

4.7. Мижознинг Карта ҳисобварағига келиб тушадиган маблағлар Овердрафт бўйича асосий қарзни ва ҳисобланган фоизлар, неустойка, комиссиялар ва шу кабилар бўйича қарзларни тўлашга қуйидаги кетма-кетликда йўналтирилади:

1) асосий қарз бўйича мутаносиб равишда муддати ўтган қарз ва муддати ўтган фоиз тўловлари;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

3) неустойка (жарима, пеня);

4) кредиторнинг қарзни узиш билан боғлиқ бошқа харажатлари.

4.8. Асосий қарзни сўндириш белгиланган овердрафт қарздорлиги хисоби юритиладиган ссуда хисоб рақамига амалга оширилади, ҳисобланган фоизлар эса Овердрафт бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олиш ҳисобварағига ўтказилади. Асосий қарз ва у бўйича қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш санаси этиб ушбу ҳисоб рақамларга маблағларнинг келиб тушиш санаси ҳисобланади.

5. ОВЕРДРАФТДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВ

5.1. Банк овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларида кўрсатилган йиллик фоиз ставкаларда Овердрафт бўйича асосий қарзнинг қолдиғига нисбатан фоизларни ҳисоблайди.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасини ўзгариши ёки капитал бозорида ресурслар қиймати ортиши/пасайиши тақдирда, овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларида кўрсатилган Овердрафтдан фойдаланиш учун фоизставкаси томонларнинг розилигига асосан қайта кўриб чиқилиши мумкин, бу МБХда ёки ёзма равишда тузиладиган қўшимча битим билан амалга оширилади.

5.3. Овердрафт бўйича асосий қарзнинг қолдиғига фоизлар йилига 365 кун ҳисобидан иш кунининг якунига ва ҳар бир ойда кунларнинг миқдорига қараб ҳар куни ҳисобланади. Ҳисоблаш ссуда ҳисобида қарздорлик вужудга келиш кунидан бошлаб амалга оширилади.

5.4. Мижоз Овердрафтдан фойдалангалиги учун, Банкга умумий шартлар ва Якка тартибдаги овердрафт шартларига мувофиқ ҳисобланган фоизларни тўлайди.

5.5. Овердрафтнинг тўлиқ қиймати (ОТҚ) Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобланади. Овердрафтнинг тўлиқ нархини ташкил этувчилари ҳақидаги батафсил маълумотлар овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларида келтирилади.

6. ОВЕРДРАФТ ҚАЙТАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

6.1. Мазкур Умумий шартлар бўйича тақдим этилувчи Овердрафт қуйидаги таъминот турларидан бир ёки бир нечта турлари билан таъминланиши мумкин:

6.1.1. Овердрафтни сўндирмаслик хавфидан суғурта полиси билан. Банк овердрафтни тақдим этиш тўғрисидаги Шартноманинг бутун муддатига овердрафтни сўндирмаслик хавфини суғурталаш шартномасини (кейинги ўринларда - "таъминот") Суғурталовчи билан тузади. Овердрафтни сўндирмаслик хавфини суғурталаш аниқ шартлари Банкни қониқтирувчи шартлардаги тегишли суғурта шартномасида (ёки суғурталаш бўйича келишувда) кўрсатиб ўтилади. Таъминот миқдори Якка тартибдаги овердрафт шартларида кўрсатилади.

Бунда овердрафтни сўндирмаслик хавфини суғурталаш Шартномаси/Келишуви бўйича суғурталаш мукофотини тўлаш бўйича мажбурият Мижоз зиммасига юклатилади.

6.1.2. Гаров депозит ҳисоб рақамида жойлаштирилган Қарз олувчининг/учинчи шахсларнинг пул маблағларини гарови билан. Таъминот миқдори Якка тартибдаги овердрафт шартларида кўрсатилади.

6.1.3. Учинчи шахс кафиллиги билан. Таъминот миқдори Якка тартибдаги овердрафт

шартларида кўрсатилади.

6.1.4. Ўзбекистон Республикасининг банкларида Мижознинг ҳисоб рақамларига ва омонатларига келиб тушувчи ва/ёки жойлаштирилувчи пул маблағлари, жумладан мулкни ижарага беришдан тушувчи даромадлар, иш ҳақи ва бошқа даромадлар билан. Таъминот миқдори Якка тартибдаги овердрафт шартларида кўрсатилади.

6.2. Агар Мижоз овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларида ўрнатилган санага ва/ёки умумий шартларда кўрсатилган бошқа мажбуриятларини бажара олмаслиги, Шартноманинг шартларидан келиб чиқувчи Овердрафт бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш бўйича бирон бир тўловни амалга олмаслиги ҳолати юзага келган бўлса, Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундиришни таъминотга ва/ёки унинг (уларнинг) қисми(лари)га қаратиш ва/ёки қарздорликни Суғуртачидан/Кафилдан/Кафолатчидан ундиришнинг сўзсиз ҳуқуқини Банк олади, Мижоз эса Банкка тақдим этади.

7. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

7.1. Шартнома тузиш, шунингдек, Банкка Буюртма юбориш орқали Мижоз Банкка Қоғоз ва/ёки электрон манбаларда тақдим этилган шахсий маълумотларга ишлов беришни автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ва/ёки фойдаланмаган ҳолда йигиш, ёзиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), ажратиб олиш, фойдаланиш, узатиш (тақдим этиш, кириш, шу жумладан шахсий маълумотларни қайта ишлашни учинчи шахсларга топшириш), Мижознинг шахсий маълумотларини эгасизлантириш, блокировка қилиш, ўчириш, йўқ қилиш ҳуқуқини (розилигини) беради.

7.2. Ушбу умумий шартлар мақсадлари учун Мижознинг шахсий маълумотлари деганда Мижоз томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан Банкка ҳар қандай мумкин бўлган усулда тақдим этилган, унинг ёрдами билан аниқланган ёки аниқланадиган Мижозга бевосита ёки билвосита тегишли бўлган маълумотлар, шу жумладан қуйидаги маълумотлар тушунилади: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси, ойи ва йили; жинси; алоқа маълумотлари (телефон рақамлари, электрон почта манзиллари); шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи ва/ёки турган жойи тўғрисидаги маълумотлар, маълумоти, оилавий аҳволи, фарзандлари сони, бандлиги ва фаолият соҳаси тўғрисидаги маълумотлар, иш берувчи тўғрисидаги маълумотлар, ўртача ойлик даромади ва ойлик харажатлари, тўланадиган солиқлар, пенсия ажратмалари ва бошқалар.

7.3. Мижознинг юқорида кўрсатилган шахсий маълумотларига ишлов бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: Банк томонидан Мижоз билан Шартнома тузиш имкониятини кўриб чиқиш, уни тузиш масаласи бўйича Банк томонидан ижобий ёки салбий қарор қабул қилиниши мумкин, шу жумладан Мижознинг шахсий маълумотларига фақат автоматлаштирилган ишлов бериш орқали; Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш; Шартномани бажариш ва тўхтатиш; Шартнома бўйича қарздорликни талаб қилиш (тўлаш, ундириш); Мижознинг тўлов қобилиятини баҳолаш; унинг иш жойини, ҳақиқий яшаш манзилини, телефонини ва Мижоздан олинган бошқа маълумотларни қидириш ва текшириш; Мижознинг Банк ва/ёки Банк ҳамкорларининг маҳсулотларига қизиқишини аниқлаш; Мижозни маркетинг сегментларига киритиш;

7.4. Шартнома тузишда Мижоз Банкка исталган вақтда кредит битимини тузиш, ўзгартириш ва ижросини мониторинг қилишда таваккалчиликни баҳолаш, шу жумладан кредит ахбороти субъектларини рейтинг баҳолаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадларда кредит тарихи бюросидан ўзининг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни сўраб олишни топширади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Банк томонидан Мижознинг идентификация ва аутентификация жараёнидан ўтказилгандан сўнг, жумладан Аутентификацион маълумотларни ва/ёки Кириш кодларини қўллаш орқали, МБХ дан Картани ишлатилиши билан боғлик амалиётлар ҳақида маълумотларни олиш.

8.2. Овердрафтнинг Якка тартибдаги шартлари билан ўрнатилган муддатдан олдин, ҳар қандай қулай вақт, жарима санкцияларисиз Овердрафтни сўндириш.

8.3. Шартнома шартларида келишилган тартибда, овердрафт лимитидан ҳар қандай қулай вақт фойдаланиш.

8.4. Овердрафтни олгунга қадар даврда, хеч қандай тўловсиз, Банкка ёзма шаклда ёки МБХ ёрдамида масофавий аризани бериш йўли билан Шартномани тузгандан сўнг овердрафтни бекор қилиш.

8.5. Овердрафтни ўз ихтиёри билан фақат Амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган мақсадларда қўллаш.

8.6. Шартнома амал қилиш даврида бир ойда бир марта, бир иш куни давомида бепул асосда ёзма шаклда қуйидаги маълумотларни олиш:

- овердрафт бўйича тўланган пул маблағлари ҳақида;
- асосий қарз қолдиғи ҳақида;
- навбатдаги тўловлар миқдори ва муддатлари ҳақида (тўловлар жадвали);
- муддати ўтган қарздорлик миқдори ва таркиби ҳақида;
- кредит қарздорлигини сундириш мақсадида келиб тушган пул маблағлари йўналиши хақида

Мижоз МБХ воситаси орқали хужжатлар алмашуви, қоғоз шаклидаги хужжатлар алмашувига тенг ва уларни бир хил юридик кучга эга эканлиги шартларини қабул қилади.

8.7. Бир марта, бепул асосда, Банк томонидан тасдиқланган қуйидаги нусхаларни олиш:

- Овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларини;
- Мижоз томонидан берилган аризани (агар амалдаги қонунчилик ёки Банкнинг ички қоидаларига мувофиқ бундай аризанинг расмийлаштирилиши Шартномани тузишда мажбурий бўлса);
- Мижозга овердрафтни тақдим этилишини тасдиқловчи ҳужжатни (ордер, Карта ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш ҳақида маълумотнома);
- Мижоз томонидан овердрафт бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни (маълумотнома).

Овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларини, Мижоз томонидан киритилган аризанинг ва Мижозга овердрафтни тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхалари қоғоз шаклидаги сўровнинг ёки Мижознинг тегишли МБХ ёрдамида келиб тушган сўрови Банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш иш куни давомида тақдим этилади.

Овердрафт бўйича мажбуриятларнинг Мижоз томонидан тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат Мижознинг тегишли сўровининг МБХ ёрдамида олинганлигини рўйхатдан ўтказиш ёки Банкда қоғоз шаклидаги сўровни рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир иш куни давомида тақдим этилади.

Мижоз мазкур Умумий шартлар ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мижоз қуйидаги мажбуриятларни олади:

8.8. Қарздорликни сўндириш ва Шартномага мувофиқ тўлиқ ҳажмда Банкнинг Шартнома билан кўзда тутилган барча тўловлари ва хизматларининг тўловини, жумладан амалга оширилган операциялар бўйича эътирозлар тақдим этилган ҳолатда бундай эътирозлар бўйича якуний қарор қабул қилинган пайтгача, амалга ошириш.

8.9. Мазкур Шартнома ва Банкнинг амалдаги Тарифлари билан келишилган комиссияларни ва тўловларни Банкка тўлаш.

8.10. Овердрафт бўйича тўловни тўлов санасидан кечиктирмаслигини таъминлаш.

Тўлов санасига Овердрафт бўйича тўловларни Банк томонидан ечиб олиниши учун етарли бўлган қиймат мавжуд бўлмаганида, муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлади, бу маълумот кредит тарихлар бюросига Банк томонидан тақдим этилади, бу Мижознинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатади.

8.11. Овердрафт Лимитига риоя этилишини ва Техник овердрафтнинг ҳосил бўлишига йўл қўймасликни назорат қилиш. Техник овердрафт ҳосил бўлишида Мижоз бир кун мобайнида Техник овердрафт қийматидаги қарздорликни сўндириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.12. Учинчи шахсларнинг фойдаланишига Банк Картасини (овердрафт Лимити тақдим этилган) ва/ёки мобил телефон Рақамини ва/ёки МБХга уланган Абонент қурилмасини бермаслик. Мазкур банднинг мижоз томонидан бузилиши ҳолатида, барча ҳаракатлар ва амалиётлар учун жавобгарликни Мижоз ўз зиммасига олади.

8.13. ПИН-кодни, Кириш кодларини, Аутентификацион маълумотларни Картадан алоҳида сир сақлаш ва ҳеч қандай ҳолатда уларни учинчи шахсларга хабар қилмаслик.

8.14. Банкнинг сўрови бўйича, зарурат туғилган ҳолатда, Банкнинг тегишли сўровини олган пайтдан 3-иш куни давомида Мижоз молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларни Банкка тақдим қилиш.

8.15. Мижознинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига ва Шартнома бўйича Банк олдида Мижоз ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки етарли даражада бажармаслик хавфи юзага келишига сабаб бўладиган ҳеч қандай мажбуриятларни ва чораларни ўз зиммасига олмаслик.

8.16. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчига ариза берилгандан кейин, кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақда Банкка хабар қилиш.

8.17. Банк ходимлари ва вакиллари, жалб қилинган аутсорсинг компаниялари томонидан ҳар қандай ахборот манбаларини қўллаш билан, яшаш, иш жойига ва шунга ўхшаш жойларга ташриф буюриш йўли билан Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларни, текшириш ва қайта текшириш имкониятини тақдим қилиш.

8.18. Мазкур шартноманинг шартларидан келиб чиқадиган овердрафт бўйича асосий қарз, фоизлар, жарималар ва/ёки бошқа тўловлар муддати бошланганида, Банкнинг талабига биноан, Мижознинг банкдаги исталган ҳисобидан, ҳамда мазкур шартнома бўйича кўзда тутилган тартибида бошқа банклардаги Мижознинг ҳисобларидан маблағларни сўзсиз, акцептсиз ечиб олишга, ҳуқуқини Банкка тақдим этиш.

8.19. Банкнинг талаби бўйича Банкка етказилган барча харажатлар ва зарарларни, жумладан, мазкур Шартнома доирасида тақдим этилувчи овердрафт бўйича қарздорликни (асосий қарз ва бошқа тўловлар) мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш учун чораларни кўриш муносабати билан, унга қоплаб бериш.

8.20. Мижоз Банкнинг розилигисиз бошқа шахсга овердрафт бўйича ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман топшириш ҳуқуқига эга эмас.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.21. Кредитлаш жараёнида Мижознинг молиявий ҳолатини текшириш. Бундай текширишларнинг даврийлиги Банк томонидан ўрнатилади;

8.22. Қуйидаги ҳолатларда:

1) мазкур Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни Мижоз томонидан бузилиши ва/ёки бажарилмаслиги ва/ёки тегишли равишда бажарилмаслиги;

2) Мижознинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ва/ёки агар Мижозга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса ва/ёки агар қарзни қоплашга таъминот сифатида тақдим этилган Мижознинг мулкига таъқиқ солинган бўлса ва/ёки агар музлатиб қўйиш ва/ёки Мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мулки билан амалиётлар тўхтатилган бўлса;

3) Мижоз томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилиши Банк томонидан аниқланган ҳолатда;

4) Мижознинг банк назоратидан бўйин товлаши, шу жумладан Мижозни лозим даражада текшириш имконияти йўқлиги ва/ёки Мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва тижорат

банкларида оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидалари талабларига мувофиқ шубҳали ва/ёки гумонли операциялар амалга оширилганда;

5) Ҳисобварақ очиш ва банк хизматларидан фойдаланишда молиявий санкциялар (ofac ва бошқа халқаро санкциялар рўйхати) остида бўлган мижозлар аниқланган тақдирда;

6) Ушбу Умумий шартлардан келиб чиқадиган овердрафт бўйича асосий қарз, фоизлар, воситачилик ҳақи ва/ёки бошқа тўловлар ўз вақтида қайтарилмаганда;

7) овердрафтни қайтармаслик хавфини оширувчи бирон бир омилларни пайдо бўлиши;

8) Банк Картасини (унга овердрафт Лимити тақдим этилган) рухсатсиз қўлланилишига гумон пайдо бўлган ҳолатда;

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Мижознинг Карта ҳисобрақамини блоклаш;

– овердрафт Лимитини тўлиқ бекор қилиш/камайтириш ёки овердрафт бўйича қарздорликни сўндиришдан кейин шартномани бажаришдан воз кечиш;

– шартнома бўйича янги суммалар ва/ёки янги кредитларни берилишини тўхтатиш;

– шартноманинг шартларидан келиб чиқадиган асосий қарзни, фоизларни, ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш учун Банкда очилган Қарз олувчининг исталган ҳисобидан, улар мавжуд бўлмаганида - ҳар қандай, жумладан бошқа банклардаги бошқа ҳисоблардан акцептсиз ва сўзсиз тартибда уларни ҳисобдан ечиш.

– Шартнома бўйича қарздорликни муддатидан олдин ундирилишини даъво қилиш;

– ўз ихтиёри бўйича комиссиялар ва/ёки жарималарнинг қийматини ундирмаслик.

– банк ушбу банк хизматлари ва операцияларини тўхтатиб туриш.

8.23. Банк ўз ихтиёри бўйича мазкур Умумий шартларда кўрсатилган ҳуқуқлардан/талаблардан исталганини қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқларни/талабларни қўлламаслик ёки қисман қўлланилиши улардан воз кечишни англатмайди ва улар Шартноманинг амал қилиш муддати давомида исталган вақт қўлланилиши мумкин.

Банк мажбуриятлари:

8.24. Мижозга овердрафт Лимити чегарасида ва мазкур Шартномада қайд этилган муддатларда овердрафтни қўллаш имконини тақдим этиш.

8.25. Мижозни МБХ доирасида тегишли хабарномани юбориш йўли билан шартнома бўйича ҳар бир амалиёт амалга оширилиши ҳақида хабардор қилиш.

8.26. Мижознинг ариза/хабарига асосан, картанинг йўқотилиши, ёки ПИН-код ва/ёки Карта реквизитлари ва/ёки кириш кодлари ва/ёки Аутентификацион маълумотлар учинчи шахсларга маълум бўлиб қолганда ҳамда Шартнома билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда картани блоклаш.

8.27. Мижознинг кредит юкини келажакда ортишини олдини олиш мақсадида электрон почта алоқаси/Банкнинг Контакт-Маркази/МБХ/Сўровномада Мижоз томонидан тақдим этилган мобил телефон рақамига SMS-хабарнома ёрдамида сўндириш жадвалини ва уни сўндириш тартибини илова қилиш билан муддати ўтган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида мазкур шартнома бўйича муддати ўтган қарздорлик санасидан 7 (етти) календар кун давомида хабардор қилиш.

8.28. Мижознинг тегишли сўрови Банкка келиб тушиш кунидан бир иш куни давомида Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳолатида мазкур шартнома бўйича Мижоз томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни МБХ тизимлари/Банкнинг Контакт-Маркази ёрдамида тақдим этиш. Банк Картасини қўллаш билан ҳар бир амалиётнинг амалга оширилиши ҳақидаги маълумотни, Мижознинг қарздорлиги миқдори, амалга оширилган тўловларнинг саналари ва миқдори, овердрафт Лимитининг мавжуд қиймати ҳақидаги маълумотни МБХ сервиси ёки Банкнинг Контакт - Маркази ёрдамида ҳисоб бўйича амалиёт амалга оширилган пайтдан кейинги кундан кечиктирмасдан тақдим этиши шарт.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар Шартнома ва Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик учун жавобгар.

9.2. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли даражада бажармаслиги енгиб бўлмас куч ҳолатининг оқибати ҳисобланса, яъни ҳолатларнинг ушбу шароитларида фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда жавобгарликдан озод этилади. Енгиб бўлмас куч ҳолатларининг таъсирини Томонлар ваколатли органлари ҳужжатлари билан тасдиқлашлари керак. Бундай ҳолатларга, шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилган мажбуриятларни бажарилишини имконсиз қилувчи қонунларнинг ва бошқа меъёрий ҳужжатларни давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилиниши ҳам киради.

9.3. Бунда, Томонлар коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси ва (ёки) ҳар қандай бошқа эпидемиялар ёки касалликларнинг авж олиши, ҳамда пандемия муносабати билан киритилувчи чеклов чоралари (жумладан Ўзбекистон Республикасида карантиннинг эълон қилиниши), мазкур Шартнома бўйича "енгиб бўлмас куч ҳолати" деб тан олинмаслигини англайди ва розилик билдиради ва Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 333-моддаси 3-қисмига биноан унинг диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда енгиб бўлмас куч ҳақидаги қоидаларнинг қўлланилишини истисно қилади. Шартноманинг мазкур бандининг таъсири ҳаттоки Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи, давлат органлари томонидан бундай холатларни олдиндан кўриб билолмаган ва/ёки онгли чоралар кўриш билан олдини олиш имконига эга бўлмаган чекловларни ўрнатувчи ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилиши ҳолатида ҳам қўлланилади.

Мижознинг жавобгарлиги:

9.4. Мижоз овердрафт Лимити, фоизлар, комиссиялар ва у бўйича бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ сўндириш, ҳамда Мижоз томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариши билан боғлиқбошқа зарарларни ундириш бўйича суд харажатларини қоплаш учун Банк олдида бутун ўзининг мулки билан жавоб беради.

9.5. Қарздорликни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик учун фоиз ставкаси миқдори овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларида белгилаб берилади.

9.6. Мижоз Карта бўйича ва/ёки Картанинг Реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган амалиётлар учун жавобгарликни мустақил тарзда ўз зиммасига олади.

9.7. Картани йўқотиш ҳолатида Мижоз Банкнинг Контакт - Маркази/МБХ орқали Картанинг йўқотилганлиги ҳақида хабарномаси Банк томонидан олинишигача амалга оширилган Картани қўллаш билан боғлиқ барча Амалиётлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Мижоз МБХда Картани блокланишини мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга.

9.8. Мижоз Картани фойдаланишга олган пайтидан унинг тасодифий шикастланиш/йўқотилиш хавфини олади. Янги Картани очилиши Мижознинг тегишли аризаси билан мурожаат қилиш пайтига амал қилувчи Банкнинг Тарифларига биноан Банк томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.9. Банкнинг талаби бўйича Банкка етказилган барча харажатларни ва зарарларни, жумладан, мазкур Шартнома доирасида тақдим этилувчи кредит бўйича қарздорликни (асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловлар) мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш учун чораларни кўриш муносабати билан, унга қоплаб бериш.

Банк жавобгарлиги:

9.10. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш ҳолатида Банк Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

9.11. Банк Картани қўллаш муносабатида вужудга келган унинг назорати муҳитидан ташқари низоли ва тортишувли ҳолатларнинг вужудга келиши учун жавобгарликни ўз

зиммасига олмайди.

9.12. Банк Картани қўллаш билан Мижозга хизмат кўрсатишда ташкилотлар ва корхоналарнинг рад этиши учун, ҳамда унинг мулки ҳисобланмайдиган техник воситаларнинг носозлиги ёкида Банк томонидан назорат қилинмайдиган ҳолатларнинг пайдо бўлишида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

9.13. Банк техник узилишлар (электр таъминотининг ва алоқа тармоқларининг ўчирилиши/шикастланиши Тўлов тизимларининг ишидаги техник носозликлар) ҳолатида, ҳисобга маблағларнинг ўтказилиши учун Мижоз томонидан реквизитларнинг нотўғри/нотўлиқ кўрсатилиши ҳолатида мазкур Умумий шартларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА МУРОЖААТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур Шартномани томонлар билан бажарилиш жараёнида вужудга келувчи барча низолар ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида томонлар билан дастлабки тартибда кўриб чиқилади.

10.2. Мазкур Шартномадан келиб чиқувчи томонлар ўртасидаги барча низолар мазкур Умумий шартлар ва Универсал шартномада кўзда тутилган тартибда ҳал этилади.

11. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Шартнома Интернет-банк, Мобил илова ёки Банкнинг Контакт - Маркази тизимлари орқали Шартномани бекор қилишга Аризанинг Банкка тақдим этилишида Банк билан тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Қарздорликни тўлиқ сўндириш шартида ҳар қандай пайт Мижознинг ташаббуси бўйича бекор қилиниши мумкин.

11.2. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг Қарз олувчи томонидан бажармаслик ҳолатида бир томонлама суддан ташқари тартибда Банкнинг ташаббуси бўйича бекор қилиниши мумкин, бунда Шартнома банк томонидан шундай бекор қилиш ҳақида Мижозга хабарнома юборилган кундан 3 (уч) кун давомида бекор қилинган ҳисобланади.

11.3. Шартноманинг бекор қилиниши Мижознинг Шартнома бўйича Банк олдидаги қарзини, шу жумладан Шартноманинг амал қилиш даврида юзага келган Банк комиссияни тўлаш бўйича қарзини тўлаш мажбуриятини бекор қилмайди.

12. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

12.1. Шартнома унинг Мижоз томонидан акцептланган пайтидан кучга киради.

12.2. Шартноманинг кучи, овердрафт лимитининг амал қилгунича ёки мижоз ўзи томонидан барча мажбуриятларни тўлиқ бажармагунича амал қилади.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Мазкур умумий шартлар билан назарда тутилмаган шартлар Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда тартиблаштирилади.

13.2. Мижоз барча алоқа воситаларини, жумладан, чекланмаган ҳолда: почта тарқатмаси, SMS-жўнатма, овозли тарқатма, электрон хатларни жўнатиш ва ҳоказоларни қўллаш билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш йўли билан Банк хизматларини олдинга суриш билан боғлиқ бўлган реклама материалларини Банкдан олишга ўз розилигини беради.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ! Агар кимдир Сизга ва Сизнинг яқинларингизга кредит (қарз) олишда ўз ёрдамини таклиф қилаётган бўлса, билингки, «ANOR BANK» АЖ воситачиларнинг хизматларисиз тўғридан-тўғри мижозлар билан ишларни олиб боради.

"Овердрафт" маҳсулотининг
Умумий қоидалари"
5- иловага 1-сонли Шакл



_____ - сонли кредит
шартномаси "*Маҳсулот номи*"
(овердрафтнинг якка тартибдаги шартлари)

Тошкент *ш.* *202_й._._.*

«ANOR BANK» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда "Банк" деб номланувчи, ва Ўзбекистон Республикаси Фуқароси _____(паспорт серияси _____), кейинги ўринларда "Қарз олувчи" деб номланувчи ва ўз манфаатларида ҳаракатларни амалга оширувчи, бошқа томондан, биргаликда "Томонлар" деб номланувчилар, мазкур овердрафтнинг Якка тартибдаги шартларини (кейинги ўринларда - "Шартнома") қуйидагилар ҳақида тузди:

Банк овердрафтни тақдим этиш мажбуриятини, Қарз олувчи эса овердрафтни қайтариш мажбуриятини қуйидаги шартларда қабул қилди:

Овердрафтнинг Якка тартибдаги шартлари		
Тартиб рақами	Шартлар	Шартларнинг мазмуни
1.	Овердрафт лимити	_____*(сумма ёзма равшда)*
2.	Овердрафт муддати	20__й."__"_____гача
3.	Фоиз ставкаси	
4.	Овердрафт бўйича асосий қарздорликни ва фоизни сўндириш тартиби (Тўлов санаси)	
5.	Таъминот	
6.	Қарздорликни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик учун ставка	
7.	Овердрафтнинг тўлиқ нархи (ОТН) ўз ичига қуйидагиларни киритади	

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга
хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага
6- ИЛОВА

«Микроқарз» маҳсулотининг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Сўровнома - бу кредит маблағларини Мижозга тақдим этилиш эҳтимолини баҳолаш мақсадида Банкка Мижоз томонидан юбориладиган (шунингдек, МБХда шакллантирилувчи) Мижоз ҳақида умумий маълумотларга эга ҳужжат.

Микроқарзни ажратиш санаси – Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобига/банк картасига/электрон ҳамёнига пул маблағларини Банк томонидан ўтказилиши санаси.

Қарз олувчи - кредит муносабатларидаги тарафлардан бири бўлиб (жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахс), микроқарз оладиган ва олинган суммани микроқарз шартномасида белгиланган шартлар асосида қайтариш мажбуриятини оладиган жисмоний шахс.

Микроқарзнинг Якка тартибдаги шартлари - Мижозга микроқарзни тақдим этишнинг аниқ шартларини, жумладан микроқарз суммаси, фоиз ставкасини, муддатларини ва бошқа шартларни, ҳамда берилувчи микроқарзнинг параметрлари ва шартларини бир томондан Банк ва бошқа томондан Қарз олувчи/Кафил/Кафолатчи ўртасида муносабатларни тартиблаштирувчи ҳужжат (мазкур Умумий шартларга 1-сон Шакл).

Микроқарз - муддатлилик, қайтарилувчанлик, таъминланганлик ва тўланиш шартларида Банк томонидан Жисмоний шахсларга тақдим этилувчи пул маблағлари.

Рағбатлантирувчи фоиз ставкаси (РФС) - Микроқарз бўйича фоизларни қайта ҳисоблаш ставкаси бўлиб, бунда кредитлашнинг бутун даври давомида асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар Қарз олувчи томонидан ўз муддатида кечиктирмасдан амалга оширилганда, Қарз олувчининг дебет банк картасига/талаб қилиб олингунча депозит ҳисобига/электрон ҳамёнига РФС ставкасидан юқори ҳисобланган ва олинган фоиз тўловларини қайтаришни (солиқ харажатларини чегириб юбориш билан) назарда тутади.

"ANOR BANK" АЖ кредитлари бўйича "Стимул" акциясини ўтказиш қоидалари (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) - "ANOR BANK" АЖ кредит маҳсулотлари бўйича янги мижозларни жалб қилиш ва Акция давомида кредит/қарз олган Банкнинг мавжуд мижозларининг содиқлигини ошириш, шунингдек, Банк хизматлари истеъмолчиларининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган "Стимул" ихтиёрий рағбатлантирувчи акциясида иштирок этиш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ҳужжат.

Кредитлашнинг асосий шартлари – бу Банкнинг рағбатлантирувчи аксияларини хисобга олмаган холда, “ANOR BANK” АЖ мижозларига тақдим этиладиган асосий кредит шартлари.

2. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур "Микроқарз" маҳсулотининг Умумий шартлари (кейинги ўринларда "Умумий шартлар") Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида Мижозга Банк томонидан Микроқарзни тақдим этиш тартибини ўрнатади ва Микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартномани тузишда Мижоз ва Банк ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартиблаштиради.

2.2. Микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисми, Универсал шартномага мувофиқ тарзда тузилади ва мазкур Умумий шартларда кўзда тутилган ва бирон бир истисносиз ёки чекловларсиз мазкур Умумий шартларда Мижоз томонидан сўзсиз акцептни англатувчи ҳаракатларнинг Мижоз томонидан амалга оширилиш пайтидан кучга киради.

2.3. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Микроқарз олиш истагида бўлган Мижозларга аниқ талаблар, Микроқарз миқдори, муддатлари, бошқа тўловлар, ҳамда қўшимча шартлар Мижозларга умуммаълум жойда (www.anorbank.uz манзили бўйича Интернет тармоғидаги Банкнинг расмий сайтида, МБХ, Банкнинг Контакт-маркази орқали) маълумотни жойлаштириш йўли билан мижоз эътиборига етказилади.

2.4. Мижоз микроқарзни ажратиш, маълумотларни узатиш ва аризани йўналтириш шартларидаги офертани қабул қилиши билан, МБХ орқали онлайн ёки Банк томонидан ўрнатилган бошқа усуллар билан мазкур Умумий шартларни акцептлайди. Ушбу акцепт потенциал Қарз олувчи сифатида Мижозни Сўровномасини олдиндан кўриш учун Банк учун асос ҳисобланади. Мижознинг аризасини Банк томонидан маъқулланиши ҳолатида, Банк Мижозга микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларини тақдим этади. Мижоз томонидан микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларини қабул қилиши (акцепт) ҳолатида, мазкур Умумий шартлар ва микроқарзнинг Якка тартибдаги шартлари билан кўзда тутилган шартларда микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартнома тузилган ҳисобланади.

2.5. Якка тартибдаги шартлар Мижоз ҳар бир микроқарз олишидан аввал алоҳида ўрнатилади ва мобил иловада, Интернет-банкдаги Мижознинг шахсий кабинетига, ёки банк таклиф этган бошқа йўллар билан юборилади. Қарз олувчи Якка тартибдаги шартларни SMS хабарни тасдиқлаш йўли билан ёки Банк томонидан таклиф қилинган ҳар қандай бошқа усулда қабул қилади ва розилик беради. Қарз олувчи томонидан мазкур шартларни ва Қарз олувчи томонидан микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларини қабул қилиш ҳолатида, мазкур Умумий шартлар ва микроқарзнинг Якка тартибдаги шартлари билан кўзда тутилган шартларда микроқарзни тақдим этиш тўғрисида Шартнома (Шартнома) тузилган ҳисобланади.

2.6. Мижозни ушбу Умумий шартлар ва Тарифлар (шу жумладан, Банк томонидан вақти-вақти билан киритиладиган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар) билан таништириш мақсадида Банк кўрсатилган ҳужжатларни Банк веб-сайтида эълон қилади. Бундан ташқари, Банк Мижозга бошқа усуллар билан хабар бериши мумкин, бу эса Мижозларга маълумотни олиш ва унинг Банк томонидан берилганлигини аниқлаш имконини беради. Кўрсатилган маълумотлар Банк веб-сайтида биринчи марта жойлаштирилган сана эълон қилинган сана ҳисобланади.

2.7 Мижоз томонидан микрокарз олиш учун такрорий ариза топширилган тақдирда, Банк томонидан микрокарз учун Индивидуал шартларни тақдим этиш, микрокарз бериш тўғрисидаги Шартнома тузиш ва пул маблағларини ажратиш учун сўнгги топширилган ариза тегишли ҳисобланади. Шу билан бирга, Мижоз томонидан аввалги аризалар ва Банк томонидан тақдим этилган микрокарз учун Индивидуал шартлар, агар Мижоз уларга кўра пул маблағларини олмаган бўлса, бекор қилинган ҳисобланади.

3. ССУДА ҲИСОБИНИ ОЧИШ

3.1. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Банк Мижозга миллий валюта ссуда ҳисоби(лари)ни очади.

3.2. Ҳисобрақамининг тартиб рақами бир томонлама тартибда Банк томонидан белгилаб берилади ва Шахсий кабинетда (МБХ) маълумотни жойлаштириш ёрдамида Мижозга хабар қилади.

3.3. Микроккарз тақдим этилгандан сўнг Банк Карз олувчига унинг хохишига биноан Карта расмийлаштиради.

3.4. Келгусида микроқарз бериш жарайонида Қарз олувчига бошка турдаги Карталарни бепул чикариш имконияти берилади. Агар Қарз олувчида барча Карта турлари бўлса, кейинги карталар Банкнинг белгиланган Тарифларига мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг чиқарилади.

4. МИКРОҚАРЗНИ БЕРИШ ВА СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Микроқарз Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобига/банк

картасига/электрон ҳамёнига нақд пулсиз шаклда пул маблағларини ўтказиш йўли билан мазкур Умумий шартлар билан ўрнатилган шартларда ва тартибда Мижозга тақдим этилади.

4.2. Микроқарзни тақдим этиш бўйича Банкнинг мажбуриятлари микроқарзни тақдим этиш Санасидан бажарилган ҳисобланади.

4.3. Микроқарзнинг суммаси, муддати, фоиз ставкаси сўндириш жадвали микроқарзнинг Якка тартибдаги шартлари билан белгилаб берилади.

4.4. Агар тўлов санаси ишланмайдиган банк кунига тўғри келса, тўлов Санаси куни этиб унинг кейин келувчи энг яқин банк иш куни ҳисобланади. Бунда, тўлов суммаси ўзгаради (дам олиш/байрам кунлари учун фоизлар тўлов суммасига киритилади ва кейинги тўловлардан чегириб қолинади).

4.5. Мижозлар учун ҳисобварақдаги мавжуд пул маблағларидан фойдаланган ҳолда қуйидаги операцияларни амалга оширишга чекловлар ўрнатилади:

- P2P операциялари;
- Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига ва электрон ҳамёнларига пул ўтказмалари;
- P2P ўтказмалари орқали тўлдириш имкониятини тақдим этган мобил алоқа операторлари орқали телефон рақамини тўлдириш;
- Хорижий тўловлар ёки пул ўтказмалари ҳамда онлайн валюта айирбошлаш операцияларидан фойдаланиш;
- Банк томонидан огоҳлантириш мақсадида ўз ихтиёрига кўра белгиланган бошқа чекловлар (чоралар);

Шу билан бирга, Банк чекловлар ўрнатилганлиги ва бу чекловларни олиб ташлаш учун SMS хабарда кўрсатилган телефон рақамига ёки мобил иловадаги PUSH хабарга қўнғироқ қилиш орқали қўшимча тасдиқлашдан ўтиш зарурлиги ҳақида хабарлар юборади.

Пул маблағларига қўйилган чекловлар Банк томонидан қуйидагилардан сўнг олиб ташланади: 1) Мижоз қўшимча тасдиқ олиш учун Банк мобил иловасидаги СМС-хабар ёки ПУШ-билдиришномада кўрсатилган телефон рақамига қўнғироқ қилгандан сўнг ва 2) Банк Мижозга Банк мобил иловасига бириктирилган телефон рақамига қайта қўнғироқ қилгандан сўнг ва Мижоз томонидан Микроқарз бегона ғаразли таъсирларсиз олинаётгани ҳақида тасдиқ олгандан сўнг.

4.6. Чекловлар қўйилганлиги тўғрисида мобил илова орқали SMS-хабар ёки PUSH-хабарнома юборилганидан сўнг 48 (қирқ саккиз) соат ичида янги фойдаланувчининг онлайн микроқарз олиш учун аризани бегона шахсларнинг ғаразли таъсири остида топширилганлиги аниқланса ёки янги фойдаланувчи томонидан тасдиқлаш жараёни бажарилмаса ёки ажратилган микроқарз сарфланмаган бўлса, бунда банк шартномани бир томонлама бекор қилади ва пул маблағларини акцептсиз қайтаради.

4.7. Микроқарзлар бўйича асосий қарзни тўлаш (қайтариш) мижоз томонидан микроқарз валютасида микроқарзнинг якка тартибдаги шартларига мувофиқ амалга оширилади. Қарз олувчининг «Стимул» акциясида иштирок этиши билан тўлов жадвали танланган хизматлар тўпламининг шартлари асосида ҳисобланади. Агар мижоз акцияда иштирок этишдан ёки оммавий хизматлардан воз кечса, тўлов жадвали ушбу умумий шартларга мувофиқ кредитлашнинг асосий шартлари бўйича қайта ҳисобланади. Агар ЎзР қонун ҳужжатлари талабларини бажариш зарур бўлса ва қарз олувчи «Стимул» акциясида иштирок этишдан бош тортса, банк ўз хоҳишига кўра фоиз ставкасини базавий фоиз ставкасидан (илгари якка тартибдаги шартларда келишилган ҳолда) паст даражада қўллаш ҳуқуқига эга.

4.8. Мижознинг Микроқарзини сўндириш учун келиб тушган маблағлар Микроқарз бўйича асосий қарзни, ҳисобланган фоизлар, жарима, воситачилик ҳақи ва шу кабилар бўйича қарзларни сўндиришга йўналтирилади. Банк фойдасига келиб тушган тўлов жисмоний шахс - қарз олувчига ажратилган микроқарз бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаса, Мижознинг (қарз олувчининг) қарзи қуйидаги тартибда сўндирилади:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарз ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб

равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарз;

3) жарима (пеня);

4) кредиторнинг қарзни узиш билан боғлиқ бошқа харажатлари.

4.9. Муддатли қарздорлик (сўндириш санаси бошланмаган қарздорлик/микроқарзни муддатидан олдин сўндирилиши) Қарз олувчининг кўрсатмасига биноан сўндирилади.

4.10. Асосий қарзни сўндириш унинг хисоби юритиладиган ссуда ҳисобига амалга оширилади, микроқарз бўйича қўшиб ҳисобланган фоизларни хисобга олиш оширилади. Асосий қарз ва у бўйича қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш санаси этиб кўрсатилган ҳисобларга маблағларнинг келиб тушиш куни деб ҳисобланади.

4.11. Микроқарз бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш Банк томонидан Мижознинг аризаларини топшириқномаларини бажарилиш йўли билан ва/ёки Банк томонидан мустақил Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобидан маблағларни мемориал ордерлар билан акцептсиз ечиб олиниши йўли билан амалга оширилади.

4.12. Мазкур Умумий шартлар бўйича Микроқарзни, фоизларни ва бошқа тўловларни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидан, банк ҳамкорларининг тўлов терминаллари ёрдамида ёки банкнинг МБХсидан фойдаланиш йўли билан ўзининг талаб қилиб олингунча Ҳисоб/микроқарзни сўндириш учун махсус ҳисоб/Карта ҳисобрақамни (РФС) тўлдириш йўли билан Мижоз томонидан амалга оширилиши мумкин. Микроқарз бўйича тўловни амалга ошириш учун Мижоз ёки унинг ишончли шахси мобил иловада ёки банк Ҳамкорларининг тўлов терминалларида реквизитларни тўлдиришда тегишли майдонга "Микроқарз коди"ни киритиши керак. "Микроқарз коди"ни Қарз олувчи МБХ тизими орқали Микроқарзни расмийлаштиришда билиб олиши мумкин.

4.13. Кредит линияси Қарз олувчига у очилган пайтдан бошлаб 1 (бир) банк иш куни муддатига берилади. Кўрсатилган муддат тугагач, Банк Кредит линиясини ўзлаштириш имкониятини қайта тиклаши ёки уни ўзи белгилаган шартлар асосида қайта очиши мумкин. Қарз олувчини Банкнинг бундай ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилиш Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.14. Микроқарзни қайтариш жадвали қайта расмийлаштирилиши билан (шу жумладан, Микроқарз бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки Шартномада назарда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгарган тақдирда (шу жумладан, Микроқарзни реструктуризация қилиш), Мижоз томонидан микроқарзни қисман муддатидан олдин қайтариш, Микроқарз бўйича тўловларни амалга ошириш санаси ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловлари миқдорлари ўзгарганда) илгари амал қилган Микроқарзни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади, янги Микроқарзни қайтариш жадвали эса Қарз олувчига тақдим этилади. Мижоз микроқарзни тўлашнинг амалдаги жадвалини Банкнинг мобил иловасида олиши мумкин.

5. МИКРОҚАРЗДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВ

5.1. Банк микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларида кўрсатилган йиллик фоиз ставкаларни ҳисобидан Микроқарз бўйича асосий қарзнинг ҳақиқий қолдиғига фоизларни ҳисоблаб чиқаради.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасини ўзгариши ёки капитал бозорида ресурслар учун тўловларни ортиши/пасайиши тақдирда, Микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларида кўрсатилган Микроқарздан фойдаланиш учун ҳисобга ўтказилувчи фоизлар ставкасининг миқдорини икки томонлама розилик бўйича Томонлар билан қайта кўриб чиқилиши мумкин, бу МБХда ёки ёзма равишда тузиладиган оферта акцепти (яъни қўшимча битим) билан тасдиқланади.

5.3. Микроқарз бўйича асосий қарзнинг қолдиғига фоизлар йилига 365 (уч юз олтмиш беш) кун ҳисобидан иш кунининг якунига ва ҳар бир ойда кунларнинг ҳақиқий миқдорига караб ҳар куни ҳисобланади. Хисоблаш ссуда ҳисобида қарздорлик вужудга келиш кунига амалга ошириш бошланади.

5.4. Мижозларга ушбу Умумий шартларнинг 4.5-бандида белгиланган шартларга мувофиқ Мижоз томонидан Микроқарз бегона ғаразли таъсирларсиз олинаётганлиги тасдиқлангунга қадар имтиёзли фоизсиз давр тақдим этилади. Янги фойдаланувчининг шахси тасдиқлангандан сўнг берилган имтиёзли давр бекор қилинади.

5.5. Мижоз тўлов санасига микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларига мувофиқ ҳисобланган Микроқарздан фойдаланганлик учун фоизларни Банкка тўлайди.

5.6. Микроқарзнинг тўлиқ қиймати (МТҚ) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳисобланади. МТҚни ташкил этувчилари ҳақидаги батафсил маълумотлар микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларида келтирилади.

5.7. Мижоз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик хавфини олиб келмайдиган Шартнома шартларига ўзгартиришлар киритиш (фоиз ставкасини ошириш, шахсий маълумотлар қисмида ўзгартиришларни киритиш ва ҳоказолар), ҳамда асосий қарзни қисман муддатидан олдин сўндириш муносабати билан сўндириш жадвалига ўзгартиришлар киритиш бир марталик комиссияларни ундирмасдан амалга оширилади.

5.8. Қарз олувчи томонидан мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик хавфини олиб келмайдиган таъминот қисмида микроқарз ажратиш Шартномаси шартларига ўзгартиришлар киритиш (қўшимча таъминотни тақдим этиш, техпаспортни, кадастр ҳужжатларини, гаров предметининг жойлашиш жойи, суғурталаш муддатини узайтириш ва ҳоказолар) юқоридаги Шартноманинг шартларига таъминот қисмида ўзгартиришларни киритиш учун бир марталик комиссия ундирмасдан амалга оширилади.

5.9. РФС ставкасини қўллаш ҳолатида, якка тартибдаги шартларда кўрсатилган РФС ставкаси бўйича Микроқарзни тўлиқ сўндирилган тақдирда фоизлар РФС ставкасида қайта ҳисобланади, Бунда кредитлашнинг бутун даври давомида асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар муддатини тўлов жадвалидан кечиктирмаганлик шартида, Қарз олувчининг дебет банк картасига/талаб қилиб олингунча депозит ҳисобига/электрон ҳамёнига РФС ставкасидан юқори ҳисобланган ва олинган фоиз тўловларини қайтариш (солиқ харажатларини чегириб юбориш билан) амалга оширилади.

6. МИКРОҚАРЗ ҚАЙТАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

6.1. Мазкур Умумий шартлар бўйича тақдим этилувчи Микроқарз таъминотнинг қуйидаги турларидан билан таъминланади:

6.1.1. Микроқарзни сўндирмаслик хавфидан суғурта полиси билан. Банк Суғуртачи билан кредитлашнинг бутун муддатига микроқарзни сўндирмаслик хавфини суғурталаш шартномасини тузади (кейинги ўринларда "таъминот"). Микроқарзни сўндирмаслик хавфи суғурта полиси аниқ шартлари Банкни қониқтирувчи шартларда тегишли суғурта шартномасида (ёки суғурталаш бўйича келишувда) кўрсатиб ўтилади. Таъминот суммаси Якка тартибдаги шартларда белгиланади.

Бунда микроқарзни сўндирмаслик хавфини суғурталаш Шартномаси/Келишуви бўйича суғурталаш мукофотини тўлаш бўйича мажбурият Мижоз зиммасига юклатилади.

6.1.2. Алоҳида депозит ҳисобда жойлаштирилган Мижознинг/учинчи шахсларнинг пул маблағларини гарови. Таъминот суммаси Якка тартибдаги шартларда белгиланади.

6.1.3. Учинчи шахснинг кафиллиги. Таъминот суммаси Якка тартибдаги шартларда белгиланади.

6.1.4. Ўзбекистон Республикасининг банкларида Мижознинг ҳисобларига ва омонатларига келиб тушувчи ва/ёки жойлаштирилувчи пул маблағлари, жумладан мулкни ижарага беришдан тушувчи даромадлар, иш ҳақи ва Микроқарз суммасидан Якка тартибдаги шартларда белгиланганган қийматда бошқа даромадларни талаб қилиш ҳуқуқи.

6.1.5. Транспорт воситалари/махсус техника/кучмас мулк гарови. Гаровнинг аниқ шартлари, нотариус орқали расмийлаштирилган гаров шартнома билан белгиланади. Қарз олувчи Банк томонидан маъқулланган суғурталаш компанияси орқали "Гаров предметини" суғурталаши ва микроқарз шартномасининг бутун амал қилиш даврига суғуртасини таъминлаши шарт. Суғурталаш ҳолати бошланганида наф олувчи бўлиб Банк ҳисобланади.

Тегишли равишда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва Гаров предметининг нотариус орқали расмийлаштирилган гаров шартномаси микроқарзни тақдим этиш санасигача Банкка Қарз олувчи томонидан тақдим этилган бўлиши керак. Таъминот суммаси Якка тартибдаги шартларда белгиланади.

6.2. Агар Мижоз Микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларида ўрнатилган санага Микроқарз бўйича асосий қарз, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш бўйича бирон бир тўловни амалга оширмаган ҳолатида, Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундиришни таъминотга ва/ёки унинг (уларнинг) қисми(лари)га қаратиш ва/ёки Мижознинг қарздорлигини Суғуртачидан ундиришнинг сўзсиз ва чақириб олинмайдиган ҳуқуқини Банк олади ва Мижоз Банкка тақдим этади.

7. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.

7.1. Мижоз Банк билан микроқарз ажратиш Шартномаси тузиши, ҳамда Банкка Аризани юбориши билан, шахсий маълумотларини йиғиш, ёзиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқариш, қўллаш, узатиш (киришга рухсат этиш, жумладан учинчи шахсларга шахсий маълумотларга ишлов беришни топширишда), эгасизлантириш, блоклаш, ўчириш, йўқотишнинг автоматлаштирилган воситаларини қўллаш билан ва/ёки қоғоз ва/ёки электрон ташувчилардаги Мижоз томонидан тақдим этилган шахсий маълумотларга ишлов беришни амалга ошириш ҳуқуқини (розилигини) банкга тақдим қилади.

7.2. Микроқарз ажратиш Шартномасининг мақсадларида Мижознинг шахсий маълумотлари деб Мижоз томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан Банкка ҳар қандай эҳтимолли усулда тақдим этилган бевосита ёки билвосита тегишли бўлган маълум ёки унинг ёрдамида Мижозга боғлиқ маълумот, жумладан, қуйидалар: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси, ойи ва йили; контакт маълумотлар (телефон рақамлари, электрон почта манзиллари); шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи ва/ёки жойлашиш жойи ҳақидаги маълумотлар, маълумоти тўғрисида ахборотлар, оилавий аҳволи, болалар сони, бандлик ва фаолият соҳаси, ўртача ойлик даромад ва ҳар ойлик харажатлар, тўланадиган солиқлар, нафақа чегирмалари ва шунга ўхшаш маълумотлар тушунилади.

7.3. Мижознинг юқорида кўрсатилган шахсий маълумотларига ишлов бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: Мижоз билан Микроқарз ажратиш Шартномасини тузиш имконияти Банк томонидан кўриб чиқилиши, унинг тузилиш масаласи бўйича ижобий ёки салбий қарор Банк томонидан қабул қилиниши, жумладан, Мижознинг шахсий маълумотларига фақат автоматлаштирилган ишлов бериш йўли билан; Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш; юқоридаги Шартномани шартлари бажарилиши ва бекор қилиниши; Шартнома бўйича қарздорликни талаб қилиш (сўндириш, ундириш); Мижознинг тўлов қобилиятини баҳолаш; унинг иш жойини, ҳақиқий яшаш жойи манзилини, телефонини ва Мижоздан олинган бошқа маълумотларни излаш ва текшириш; Банк ва/ёки Банк Ҳамкорларининг маҳсулотларига Мижознинг қизиқишини аниқлаш; Мижозни маркетинг сегментига киритиш; Мижозга Банкнинг бошқа хизматларини ва маҳсулотларини таклиф этиш ва кўрсатиш (тақдим этиш) (шу билан бирга жумладан Банк томонидан тақдим этилувчи бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа шартномаларни тузиш имкониятини Банк томонидан кўриб чиқилиши).

7.4. Микроқарз бериш тўғрисида шартнома тузишда Мижоз Банкка исталган вақтда кредит битимини тузиш, ўзгартириш ва ижросини мониторинг қилишда таваккалчиликни баҳолаш мақсадида, шу жумладан кредит ахбороти субъектларини рейтинг баҳолаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадларда кредит тарихи бюросидан ўзининг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни сўраб олишни топширади.

8. МИКРОКАРЗ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Микроқарз ажратиш Шартномаси билан ўрнатилган муддатдан олдин, ҳар қандай вақт, жарима санкцияларисиз Микроқарзни сўндиришга.

8.2. Пул маблағларини олгунгача даврда Шартномани тузгандан кейин Микроқарзни олишдан бепул асосда воз кечиш.

8.3. Микроқарз бўйича гаровда бўлган Микроқарзни таъминотидаги депозитининг (омонатининг, агар у мавжуд бўлса) маблағларини, депозитни (омонатни) амал қилиш муддатига боғлиқ бўлмаган ҳолда микроқарзни сўндиришга йўналтириш. Бунда, агар Мижоз шартномада кўрсатилган (омонат) муддати якунлангунга қадар Микроқарз бўйича гаровда бўлган муддатли депозити (омонати) маблағларини Микроқарзни қайтаришга йўналтириш истагида бўлса, у депозитни (омонатни) қайтаришнинг тахминий санасигача камида бир ой олдин бу ҳақда банкни хабардор қилиши керак.

8.4. Микроқарз ажратиш Шартномаси амал қилиш даврида бир ойда бир марта бир иш куни давомида бепул асосда ёзма шаклда қуйидаги маълумотларни олишга:

- Микроқарз бўйича тўланган пул маблағларининг суммаси ҳақида;
- асосий қарзнинг қолдиғи ҳақида;
- навбатдаги тўловлар миқдори, таркиби ва муддатлари ҳақида (тўловлар жадвали);
- муддати ўтган қарздорлик миқдори ва таркиби ҳақида;
- келиб тушувчи пул маблағларининг Микроқарз бўйича қарздорликни сўндиришга йўналтириш ҳақида.

Мижоз шундай турдаги ҳужжатлар билан алмашиш МБХ воситалари билан электрон шаклда амалга оширилиш шартини қабул қилади, улар қоғоз ташувчисидаги ҳужжатга тенглаштирилади ва улар билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

8.5. Микроқарз ажратиш Шартномасини тузиш санасидан 14 (ўн тўрт) кун давомида Микроқарзни олиш. Ушбу муддат ичида Микроқарз ишлатилмаса банк хохишига кўра Микроқарзнинг ишлатилмаган қисми ажратилмайди.

8.6. Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

Мижоз қуйидаги мажбуриятларни олади:

8.7. Қарздорликни сўндириш ва Микроқарз ажратиш Шартномасига мувофиқ тўлиқ ҳажмда унда кўзда тутилган барча тўловлари ва хизматларининг тўловини, жумладан амалга оширилган операциялар бўйича эътирозлар тақдим этилган ҳолатда бундай эътирозларни қониқтириш бўйича якуний қарор қабул қилинган пайтгача, амалга ошириш.

8.8. Микроқарз ажратиш Шартномаси ва Банкнинг амалдаги Тарифлари билан келишилган комиссияларни ва тўловларни Банкка тўлаш.

8.9. Микроқарз бўйича тўловни ўрнатилган тўлов санасидан кечиктирмасдан махсус хисоб рақамда шакллантиришни таъминлаш. Тўлов санасига (жумладан) Микроқарз бўйича тўловларни Банк томонидан ечиб олиниши учун етарли бўлган сумманинг Ҳисобда мавжуд бўлмаганида Муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлади, у ҳақидаги маълумотлар кредит тарихи бюросига Банк томонидан тақдим этилади, бу Мижознинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатади.

8.10. Учинчи шахсларнинг фойдаланишига Банк Картасини (унга Микроқарз тақдим этилган) ва/ёки мобил телефон Рақамини ва/ёки МБХга уланган Абонент қурилмасини бермаслик. Мазкур банднинг Мижоз томонидан бузилиши ҳолатида, барча ҳаракатлар ва амалиётлар учун жавобгарликни Мижоз ўз зиммасига олади.

8.11. Банкнинг сўрови бўйича, зарурат туғилган ҳолатда, Банкнинг тегишли сўровини олган пайтдан 3-иш куни давомида Мижознинг молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларни Банкка тақдим қилиш.

8.12. Ф.И.Ш., яшаш жойи, иш жойи, якка тартибдаги маълумотлар, шахсий, биографик маълумотлар ёки бошқа маълумотларнинг ўзгартирилиши ҳолатида ушбу ўзгартиришлар ҳақида Банкка шундай ўзгаришлар пайтидан 1 (бир) кун давомида хабар бериш.

8.13. Мижознинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига ва Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Банк олдида Мижоз билан ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки тегишли бўлмаган равишда бажаришнинг хавфи юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган ҳеч қандай мажбуриятларни ва чораларни ўз зиммасига олмаслик.

8.14. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчига ариза киритилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан бу ҳақда Банкка хабар қилиш.

8.15. Ҳар қандай ахборот манбаларини қўллаш билан Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларни, ҳамда Микроқарзни олиш учун Мижоз томонидан тақдим этилган Сўровномада ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни Банк, унинг ходимлари ва қонуний вакиллари, жалб қилинган аутсорсинг компаниялари томонидан, жумладан улар томонидан яшаш, иш жойига ва шунга ўхшаш жойларга ташриф буюриш йўли билан текшириш ва қайта текшириш имкониятини тақдим қилиш;

8.16. Мазкур Микроқарз ажратиш Шартномасининг шартларидан келиб чиқадиган Микроқарз бўйича асосий қарз бўйича тўловлар, фоизлар, жарималар ва/ёки бошқа тўловлар муддати келганида Банкдаги Мижознинг исталган ҳисобидан, ҳамда ушбу Шартнома билан кўзда тутилган кетма-кетлик тартибида бошқа банклардаги Мижознинг ҳисобларидан маблағларни ечиб олинишига акцептсиз, сўзсиз ва чақириб олинмайдиган ҳуқуқни Банкка тақдим этиш.

8.17. Банкнинг талаби бўйича Банкка етказилган барча харажатларни ва зарарларни, жумладан, мазкур Микроқарз ажратиш Шартномаси доирасида тақдим этилувчи Микроқарз бўйича қарздорликни (асосий қарз ва бошқа тўловлар) мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш учун чораларни кўриш муносабати билан қилинган, унга қоплаб бериш.

8.18. Мижоз Банкнинг розилигисиз бошқа шахсга Микроқарз бўйича ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман топшириш ҳуқуқига эга эмас.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.19. Кредитлаш жараёнида Банк Мижознинг молиявий ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга. Бундай текширишларнинг даврийлиги Банк томонидан ўрнатилади;

8.20. Қуйидаги ҳолатларда:

1) Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Мижоз томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бузиши ва/ёки бажармаслиги ва/ёки тегишли бўлмаган равишда бажариши;

2) Мижознинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ва/ёки агар Мижозга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса ва/ёки агар қарзни қоплашга таъминот сифатида тақдим этилган Мижознинг мулкига таъқиқ солинган бўлса ва/ёки Мижознинг пул маблағларига музлатиб қўйиш ёки бошқа мулк билан бўлган амалиётлар тўхтатилган бўлса;

3) Мижоз томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилиши холати Банк томонидан аниқланганда;

4) Мижознинг банк назоратидан бўйин товлаши ва/ёки Мижозни тижорат банкларида жиноят фаолиятидан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари талабларига мувофиқ Мижоз томонидан шубҳали ва гумонли амалиётларни амалга ошириш эхтимоли текширувини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаганида;

5) мазкур Умумий шартлардан келиб чиқувчи Микроқарз бўйича асосий қарзни, фоизларни, комиссияларни ва/ёки бошқа тўловларни ўз вақтида сўндирмаслик;

6) Микроқарзни қайтармаслик хавфини оширувчи бирон бир далилларнинг пайдо бўлиши;

7) Банк Картасини (унга Микроқарз тақдим этилган) рухсатсиз қўлланилишига гумон пайдо бўлган ҳолатда;

8) нотўғри ёки ёлғон маълумотларни (ҳужжатларни) тақдим этиш ёки Банк томонидан сўралган маълумотларни (ахборотларни) тақдим этишдан бош тортиш, жумладан Қарз олувчининг микроқарз, молиявий ҳолатини мониторингини амалга ошириш учун;

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- агар мобил иловада чекловлар ҳақида SMS-хабар ёки PUSH-хабар юборилганидан сўнг 48 (қирқ саккиз) соат ичида Микроқарз олиш учун ариза мижоз томонидан бегона шахсларнинг таъсири остида топширилганлиги аниқланса ёки мижоз томонидан тасдиқлаш жараёни бажарилмаган бўлса, Микроқарз бериш тўғрисидаги шартномани бир томонлама бекор қилиш ва бу ҳақда Мижозни хабардор қилган ҳолда фойдаланилмаган пул маблағларини қайтариш;

– бир томонлама тартибда шартнома бўйича Микроқарзни тақдим этилишини муддатидан олдин тўхтатиш, бу ҳақда Қарз олувчини қонунчиликда ўрнатилган муддатларда хабардор қилиш, ва Микроқарзни муддатидан олдин ундирилишини талаб қилиб ва ундирувни гаров предметига ва/ёки унинг қисми(лари)га йўналтириш йўли ва/ёки қарздорлик қийматини Кафилдан/Гаровчидан/Суғуртачидан ундириш.

– Ёзма хабарноманинг юборилиш санаси бўлиб Мижозга/Қарз эгасига/Кафилга унинг тақдим этилиш санаси ёки почта жўнатмаси санаси ҳисобланади;

– шартнома бўйича янги суммалар ва/ёки янги кредитлар/қарзлар беришни тўхтатиш;

– шартнома бўйича қарздорликни муддатидан олдин ундирилишини даъво қилиш;

– ўз ихтиёри бўйича комиссиялар ва/ёки жарималарнинг суммасини ундирмаслик;

– ўзининг ягона мутлақ ихтиёрига кўра Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича ундириш ва мажбуриятларни мажбурий бажарилишини суд процедурасини бошлаш;

– Шартноманинг шартларидан келиб чиқадиган микроқарз бўйича асосий қарзни, фоизларни, ва/ёки бошқа тўловларни сўндиришга маблағларни йўналтириш билан Банкда очилган Қарз олувчининг исталган ҳисобидан, улар мавжуд бўлмаганида - ҳар қандай, жумладан бошқа банклардаги бошқа ҳисоблардан акцептсиз ва сўзсиз тартибда уларни ҳисобдан ечиш.

8.21. Пул маблағларини қайтариш натижасида Мижознинг сўндириш ҳисобрақамига келиб тушган пул маблағлари Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Микроқарзни ишлатилмаган суммасини қайтариш сифатида Микроқарз бўйича асосий қарзни сўндириш ҳисобига мустақил банк томонидан юборилади.

8.22. Банк ўз ихтиёри бўйича мазкур Умумий шартларда кўрсатилган ҳуқуқлардан/талаблардан исталганини қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқларни/талабларни қўлламаслик ёки қисман қўлланилиши ушбу ҳуқуқлардан/талаблардан воз кечишни англатмайди ва улар Шартноманинг амал қилиш муддати давомида исталган вақт қўлланилиши мумкин.

8.23. Банк алоқа воситалари ёрдамида ва сўровномада ва Микроқарзни олиш учун Банкда Мижоз томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатларда кўрсатилган манзилга (телефонларга), ҳамда Мижоздан олинган контакт маълумотлар, жумладан телефон алоқаси, телефон рақамига SMS-хабарномани юбориш йўли билан, доимий рўйхатдан ўтиш/ҳақиқий яшаш манзили бўйича почта хизмати орқали, электрон почта орқали, ёки ҳар қандай бошқа алоқа воситалари, ҳамда Мижозни кўрсатилган доимий рўйхатдан ўтиш/ҳақиқий яшаш/иш жойи бўйича ташриф буюриш йўли билан Мижоз билан боғланиш ва унга муддати ўтган қарздорлик мавжудлиги ва Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги ҳақида билдиргилар ва хабарномалар юбориш ҳуқуқига эга.

8.24. Қарз олувчи томонидан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Банк фоизларни капитализация қилиш, шу жумладан уларни асосий қарз таркибига киритиш ҳуқуқига эга. Фоизларни капиталлаштиришга фақат Банк томонидан белгиланган меъёрларга жавоб берадиган Қарз олувчиларга нисбатан йўл қўйилади. Қарз суммасига ҳисобланган фоизлар капиталлаштирилади ва қарзнинг асосий суммасига қўшилади. Фоизларни ҳисоблаш мижозга тўлов жадвалини тақдим этган ҳолда оширилган суммани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади

Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

8.25. Мижозга Умумий шартлар билан белгиланган лимит чегарасида ва муддатларда Микроқарздан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш;

8.26. Микроқарз бўйича қарздорликни ундириш мақсадида, шартномада Мижоз билан келишилган алоқанинг ҳар қандай усулларини қўллаб, муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан 7 (етти) календар кун давомида қарздорликни сўндириш зарурати ва Микроқарз бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари ҳақида Мижозни ўрнатилган шаклда хабардор қилиш. Хабарномани қўлга топшириш ва бу ҳақда телефон орқали оғзаки эслатиш маҳаллий вақт бўйича соат 20:00дан соат 8:00гача даврда амалга оширилмайди.

8.27. Мижознинг кредит юкламасини келажакда ортишини олдини олиш мақсадида электрон почта алоқаси ёки МБХ воситаларида шахсий кабинетга ёки Сўровномада Мижоз томонидан тақдим этилган мобил телефон рақамига SMS-хабарнома/PUSH-билдирги юбориш йўли билан сўндириш жадвалини ва уни сўндириш тартибини илова қилиш билан муддати ўтган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан 7 (етти) календар кун давомида хабардор қилиш.

8.28. Мижознинг тегишли сўрови Банкка келиб тушиш кунидан бир иш куни давомида Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳолатида Микроқарз ажратиш Шартномаси бўйича Мижоз томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни МБХ тизимлари ёрдамида ёки Мижознинг истаги бўйича ёзма кўринишда тақдим этиш.

8.29. Қарз олувчининг тегишли сўровини Банкда рўйхатдан ўтиш санасидан беш иш куни давомида Мижозга Микроқарзни тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш.

8.30. Қарз олувчини SMS-хабар ёки PUSH-хабарнома юбориш орқали капиталлаштириш ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш

9. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРНОМАСИ ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар Шартнома ва Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик учун жавобгар.

9.2. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли даражада бажармаслиги енгиб бўлмас куч ҳолатининг оқибати ҳисобланса, яъни ҳолатларнинг ушбу шароитларида фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда жавобгарликдан озод этилади. Енгиб бўлмас куч ҳолатларининг таъсирини Томонлар ваколатли органлари ҳужжатлари билан тасдиқлашлари керак. Бундай ҳолатларга, шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилган мажбуриятларни бажарилишини имконсиз қилувчи қонунларнинг ва бошқа меъёрий ҳужжатларни давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилиниши ҳам киради.

9.3. Бунда, Томонлар коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси ва (ёки) ҳар қандай бошқа эпидемиялар ёки касалликларнинг авж олиши, ҳамда пандемия муносабати билан киритилувчи чеклов чоралари (жумладан Ўзбекистон Республикасида карантиннинг эълон қилиниши), мазкур Шартнома бўйича "енгиб бўлмас куч ҳолати" деб тан олинмаслигини англайди ва розилик билдиради ва Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 333-моддаси 3-қисмига биноан унинг диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда енгиб бўлмас куч ҳақидаги қоидаларнинг қўлланилишини истисно қилади. Шартноманинг мазкур бандининг таъсири ҳаттоки Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи, давлат органлари томонидан бундай холатларни олдиндан кўриб билолмаган ва/ёки онгли чоралар кўриш билан олдини олиш имконига эга бўлмаган чекловларни ўрнатувчи ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилиши ҳолатида ҳам қўлланилади.

9.4. Мижоз Микроқарз, фоизлар, комиссиялар ва у бўйича бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш, ҳамда Мижоз томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш билан чақирилган қарзни ва бошқа зарарларни ундириш бўйича суд харажатларини қоплаш учун Банк олдида бутун ўзининг мулки билан

жавоб беради.

9.5. Микроқарзни ва унга қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик, ҳамда шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларига биноан жарима ундирилади. Мижоз Банкда ва бошқа тижорат банкларида очилган Мижознинг ҳар қандай ҳисобрақамидан акцептсиз ва сўзсиз тартибда ҳисобланган жариманинг ҳар қандай суммасини ечилишини тан олади ва Банкга бу ҳуқуқни беради.

9.6. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш ҳолатида Банк Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

9.7. Банк микроқарзни ишлатишга боғлиқ амалга оширилган унинг назорати муҳитидан ташқари низоли ва тортишувли ҳолатларнинг вужудга келиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

9.8. Банк техник узилишлар (электр таъминотининг ва алоқа тармоқларининг ўчирилиши/шикастланиши Тўлов тизимларининг ишидаги техник носозликлар) ҳолатида, ҳисобга маблағларнинг ўтказилиши учун Мижоз томонидан реквизитларнинг нотўғри/нотўлиқ кўрсатилиши ҳолатида мазкур Умумий шартларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

9.9. Банк йилига йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп бўлмаган миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

9.10. «Стимул» аксияси хизматлар пакетини харид килинганда томонлар хуқуқ ва мажбуриятлари “Стимул” аксиясини ўтказиш қоидалари билан хам тартибга солинади.

9.11. Шартнома бўйича кредит маблағларини тақдим этиш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун Мижоз Банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида, бироқ тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасининг ўн фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня ундириш ҳуқуқига эга.

10. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

10.1. Микроқарз ажратиш Шартномаси муддатида томонларда вужудга келувчи барча низолар ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида томонлар билан дастлабки тартибда кўриб чиқилади.

10.2. Шартнома тарафлари ўртасида юзага келадиган низоларни, шу жумладан шартнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли келиб чиққан низоларни, шунингдек уни ижро этиш, ўзгартириш, бекор қилиш, тўхтатиб туриш билан боғлиқ низоларни судгача ҳал этиш имкони бўлмаган барча ҳолларда, низолар даъвогарнинг танловига кўра Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича судларида кўриб чиқилиши ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ижро ёзувини олиш орқали ҳал этилиши лозим.

Қарз нотариал ижро ёзувини олиш йўли билан ундирилганда, қарз олувчи нотариал ижро ёзувининг ҳақиқийлигини сўзсиз тан олади. Низоларни ҳал этишда даъвогар судга мурожаат қилиш ёки нотариал ижро ёзувини олишни танлаш ҳуқуқига эга.

11. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Шартнома Мижознинг ташаббуси билан шартномани бекор қилишга Аризанинг Банкка тақдим этилишида Банк билан тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга оширилиши ва Қарздорликни тўлиқ сўндирилиши шарти бажарилганда ҳар қандай пайт бекор қилиниши мумкин.

11.2. Шартнома Банкнинг ташаббуси билан шартнома бўйича мажбуриятларнинг Мижоз томонидан бажармаслик ҳолатида бир томонлама суддан ташқари тартибда бекор қилиниши мумкин, ушбу Шартнома Банк томонидан шундай бекор қилиш ҳақида хабарнома

Мижозга юборилган кундан 3 (уч) кун ўтиб бекор қилинган ҳисобланади.

11.3. Шартноманинг бекор қилиниши Мижознинг шартнома бўйича қарздорликни, жумладан, шартнома амал қилиш даврида вужудга келган Банкнинг комиссияларини тўлаш бўйича қарздорликни сўндириш мажбуриятини бекор қилинишига олиб келмайди.

12. МИКРОҚАРЗ АЖРАТИШ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

12.1. Шартнома микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларини Мижоз томонидан акцепт қилиниш пайтидан кучга киради.

12.2. Шартнома Микроқарз бўйича кредитлаш даврида амал қилади ва у бўйича мажбуриятларнинг Мижоз томонидан тўлиқ бажарилишидан кейин тўхтайди.

12.3. Микроқарз тўлиқ қайтарилган ва Қарз олувчи томонидан Микроқарз бериш тўғрисидаги шартнома бўйича барча мажбуриятлар бажарилган ва кредит линияси доирасида янги Микроқарз талаб қилиб олинмаган тақдирда - шартнома лозим даражада бажарилганлиги сабабли бекор қилинган ҳисобланади.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Мазкур Умумий шартлар билан назарда тутилмаган шартлар Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартиблаштирилади.

13.2. Мижоз барча алоқа воситаларидан, жумладан, аммо чекланмаган ҳолда: почта тарқатмаси, SMS-жўнатма, овозли хабар, электрон хатларни жўнатиш ва ҳоказоларни қўллаш билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш билан Банк хизматларини оммалаштириш билан боғлиқ бўлган реклама материалларини Банкдан олишга ўз розилигини беради.

13.3. Низолар юзага келиш ҳолатида банк ёзувлари мазкур Шартнома бўйича иккала томонларнинг мажбуриятларининг устунликдаги далиллари ҳисобланади.

13.4. Қарз олувчининг вафот этиши, унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан ўрнатилган тартибда унинг меросхўрларига ўтади.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ! Агар кимдир Сизга ва Сизнинг яқинларингизга кредит (қарз) олишда ўз ёрдамини таклиф қилаётган бўлса, билинг, «ANOR BANK» АЖ воситачилар хизматидан фойдаланмаган ҳолда тўғридан-тўғри Мижозлар билан ишларни олиб боради.

"Микроқарз" маҳсулотининг умумий шартлари"
6-Иловага 1-сонли Шакл
Намуна[1]

ANORBANK

МИКРОҚАРЗНИНГ ТЎЛИҚ ҚИЙМАТИ ___% (сумма ёзма равишда) ЙИЛЛИК ФОИЗЛАР

_____-сон микроқарз шартномаси
"*Маҳсулот номланиши*"
(Микроқарзнинг Якка тартибдаги шартлари)

Тошкент ш. *202_й._._.*

«ANOR BANK» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда "Банк" деб номланувчи, ва Ўзбекистон Республикаси Фуқароси _____(паспорт серияси _____), кейинги ўринларда "Қарз олувчи" деб номланувчи ва ўз манфаатларида ҳаракатларни амалга оширувчи, бошқа томондан, биргаликда "Томонлар" деб номланувчилар, мазкур микроқарзнинг Якка тартибдаги шартларини (кейинги ўринларда - "Шартнома") қуйидагилар ҳақида тузди:

Банк шартномада кўрсатилган шартларда, ҳамда Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ва "Банкнинг" расмий сайтида жойлаштирилган "Микроқарзни тақдим этишнинг Умумий шартлари"га мувофиқ микроқарзни тақдим этиш, Қарз олувчи эса уни қайтариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Микроқарзнинг Якка тартибдаги шартлари		
Тартиб рақами	Шартлар	Шартларнинг мазмуни
1.	Микроқарзнинг суммаси	_____ *(сумма ёзма равишда)*
2.	Кредитлаш шакли	
3.	Кредит линиясини ўзлаштириш муддати	
4.	Шартнома муддати	
5.	Микроқарзни ажратиш тартиби	
6.	Фоиз ставкаси	
7.	Микроқарз бўйича асосий қарздорликни ва фоизни сўндириш тартиби Сўндириш шарти:	
8.	Қарз олувчининг ташаббуси билан шартномага ўзгартиришларни киритиш учун бир марталик комиссия	
9.	Таъминот	
10.	Микроқарзни ва унга қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик, ҳамда шартнома бўйича мажбуриятларни бажармасликда қўлланиладиган чора	
11.	Микроқарзнинг тўлиқ қиймати (МТҚ) ўз ичига қуйидагиларни киритади	
12.	Банк манзили ва реквизитлари	

[1] *Намуна кредит маҳсулотининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин*

_____ 20____ йилдаги
_____- сонли якка тартибдаги
шартларга 1- илова

МИКРОҚАРЗНИНГ СЎНДИРИШ ЖАДВАЛИ

Мижознинг исми шарифи:
Шартнома санаси:
Жадвалнинг бошланиш санаси:
Жадвали тугаши санаси:
Шартнома суммаси, сўмда:
Шартнома муддати, ойда:
Фоиз ставкаси, йиллик:
Микроқарз сундириш методи:
Банк коди (МФО):

№	Тўлов санаси	Микроқарз қолдиғи	Асосий карз	Фоизлар	Тўлов учун жами**	Жами барча тўловлар
1						
2						
..						
…						
		Жами				

*** Микроқарз бўйича тўловлар қайтариш жадвалида кўрсатилганидан бошқа саналарда амалга оширилган тақдирда, тўлов суммаси микроқарзнинг якка тартибдаги шартларининг 6-бандига мувофиқ Микроқарз бўйича асосий қарз қолдиғи суммасига ҳисобланадиган фоизлар суммасига ўзгаради.**

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга
хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага
7-ИЛОВА

«ANOR NASIYA» муддатли тўлов картаси» маҳсулотининг УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Сўровнома - бу Мижоз (потенциал қарз олувчи) томонидан унга муддатли тўлов картасини тақдим этиш эҳтимолини баҳолаш мақсадида Банкка юбориладиган, Мижоз тўғрисидаги умумий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатдир (шунингдек, МТБда шакллантирилади).

Ариза - Мижоз ҳақидаги маълумотларни, кредитлашнинг сўралаётган параметрлари ва интеграция қилинган маълумотлар базасидан шахсий маълумотларга ишлов бериш/узатишга Мижознинг розилигига эга бўлган Банкка манзилланган электрон ҳужжат, Ариза Мижоз томонидан Оддий электрон имзо билан хам тасдиқланиши мумкин.

Қарз олувчи - жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахс) бўлиб, у тасдиқланган даромадга ва «ANOR NASIYA» муддатли тўлов Картаси" (кейинги ўринларда "Муддатли тўлов картаси") маҳсулотини олишга аризани Банкка тақдим этади.

Кўчирма - Ҳисобот даврида амалга оширилган Қарз олувчининг Банк ҳисоб рақами бўйича амалиётлар, Банк олдида умумий қарздорликнинг миқдори (қарздорликнинг барча турлари бўйича, жумладан фоизлар ва бошқа тўловлар) ҳақидаги маълумот.

Ҳар ойлик тўлов (Муддатли тўлов учун Тўлов) - Қарз олувчи Қарздорликни сўндириш учун йўналтириши ва Тўлов даври тугагунга қадар Ҳисобда маблағларнинг мавжудлигини таъминлаши керак бўлган пул маблағларининг суммаси. Ҳар ойлик тўлов Ҳамкорлик тармоғига кирувчи савдо-сервис корхоналарида харид қилиш Амалиётларини Қарз олувчи томонидан амалга оширилган қийматдан, ва Ҳамкорлик тармоғига кирувчи тегишли савдо-сервис корхоналарида харид учун Банк томонидан ўрнатилган муддатли тўлов даврларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган муддатли тўловлар йиғиндиси, ҳамда мазкур Умумий шартларга мувофиқ Банк Муддатли тўлов даврини ўрнатувчи бошқа Амалиётларни, ҳамда Банк томонидан тўловга чиқарилган Шартнома бўйича бошқа комиссиялар ва жарималарни инобатга олган ҳолда автоматик тарзда Банк томонидан шакллантириладиган тўлов.

Қарздорлик - Шартнома бўйича Қарз олувчи томонидан тўланиши керак бўлган пул маблағларининг бутун суммаси, жумладан асосий қарзнинг, Техник овердрафт, ҳисобланган, аммо тўланмаган комиссиялар, жарималар ва шартнома ва Банк Тарифлари билан кўзда тутилган бошқа тўловлар суммаси.

Муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартлари *(мазкур Умумий шартларга 1-Илова)* - Кредит лимитнинг қийматини белгилиди ва бериладиган ссуданинг шартлари ва параметрлари соҳасида томонларнинг муносабатларини тартиблаштиради.

Муддати ўтган қарздорлик бўйича хабардор қилиш - муддати ўтган қарздорликни қайтариш мақсадида Банк томонидан қўлланилувчи Қарз олувчи билан ўзаро ҳаракат қилиш усуллари.

Муддатли тўлов Картаси (кейинги ўринларда - Карта) - «ANOR BANK» АЖ томонидан эмиссия қилинган банк картаси бўлиб, Кредит лимит чегарасида Қарз олувчи томонидан кредит амалиётларни амалга ошириш, ҳамда Кредит бўйича қарздорликни сўндириш учун мўлжалланган пластик/виртуал карта. Карта Банкнинг шахсий мулки ҳисобланади ва Банк томонидан Қарз олувчига вақтинчалик фойдаланиш учун тақдим этилади.

Кириш коди - Банк томонидан генерация қилинувчи ва Мижознинг мобил телефон Рақамига SMS-хабар кўринишида Мижозга юборилувчи, Амалиётларни ўтказишда, аризаларни киритишда Мижоз томонидан қўлланилувчи махсус бир марталик ўзгарувчан код. Аризаларни, топшириқномаларни киритишда Кириш кодининг киритилиши Томонлар билан Мижознинг шахсан қўли билан имзонинг аналоги деб тан олинади. Кириш кодини қўллаш билан амалга оширилган Мижознинг барча ҳаракатлари баҳс асоси бўлмайди ва Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган деб тан олинади ва Амалдаги қонунчиликнинг талабларига мувофиқ ўз имзосининг аналоги сифатида Мижоз учун юридик оқибатларни юзага келтиради.

Кредит лимити - Банк томонидан ўрнатилган Қарз олувчи томонидан қўллаш учун тикланувчан кредитнинг максимал миқдори.

Муддатли тўлов даври - Банк томонидан Кредитдан фойдаланиш учун фоизлар ҳисобланмайдиган (ундирилмайдиган) давр, унинг давомийлиги Банк томонидан тасдиқланувчи «ANOR BANK» АЖнинг ҳамкорлик тармоғида иштирок этиш Қоидалари билан ўрнатилади. Муддатли тўлов даври Ҳар ойлик тўловларни ҳисоблаш учун, ҳамда Мижоз томонидан банкка тўланиши керак бўлган бошқа тўловларни (Кредитдан фойдаланганлик учун жарималар ва/ёки фоизлар) ҳисоблаш мақсадида қўлланилади.

Автосўндириш картаси - Кредитни сўндириш ҳисобига автоматик тартибда маблағларни ечиб олиш учун Қарз олувчининг банк картаси.

Маркетинг хабарлаш - Қарз олувчи томонидан розилик берилган алоқанинг техник воситалари (жумладан, SMS/PUSH-хабарлаш, электрон манзилга хабарларни юбориш) ёрдамида Қарз олувчи билан бевосита алоқани амалга ошириш йўли билан Банкнинг янги маҳсулотлари, акциялари ва хизматлари ҳақида Банк ва Банк Ҳамкорлари томонидан Қарз олувчини хабардор қилиш.

Кредитлашнинг фойдаланилмаган лимити - Кредит лимит ва Банк олдида Қарз олувчининг жорий қарздорлиги ўртасида фарқни ташкил этувчи пул маблағларининг қиймати.

Ҳисобот даври - мажбурий тўловнинг Ҳар ойлик тўловини ҳисоблашнинг икки санаси орасидаги давр.

Амалиёт - картани қўллаш билан ва Ҳисобрақамда акс эттирилиши керак бўлган, ҳамда Карта ва/ёки Карта Реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган ҳар қандай амалиёт (кирим ёки чиқим).

Виртуал карта - Сўровнома-Ариза асосида мазкур Умумий шартларга мувофиқ Мижозга Банк томонидан чиқариладиган ва тақдим этилган лимит ҳисобидан мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилган Амалиётларни Мижоз томонидан амалга ошириш учун мўлжалланган моддий ташувчига эга бўлмаган ҳисоб-китоб картаси.

Ҳамкорлик тармоғи - маълум бренд (фирма номланиши, тижорат белгиланиш, товар белгиси), товарлар (ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари) остида хўжалик (тижорат) фаолиятини амалга оширувчи савдо-сервис корхоналарида харид қилиш эвазига тўловга Картани қабул қилинишини таъминловчи юридик шахслар ва/ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг бирлашмаси. Ҳамкорлик тармоғига кирувчи савдо-сервис корхоналарининг рўйхати Банк Сайтида кўрсатилади.

Шахсий маълумотларга ишлов бериш - шахсий маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, қўшимча қилиш, қўллаш, тақдим этиш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича ҳаракатларнинг бирини ёки мажмуасини амалга ошириш.

Муддатли тўлов - ҳисоб-китоб картасини қўллаш билан савдо-сервис корхоналарида товарларни (ишларни, хизматларни) тўлаш усули, унда товар (иш, хизмат) нархи қийматини Қарз олувчи томонидан тўланиши кредитнинг тақдим этилган лимити чегарасида қарз маблағлари билан амалга оширилади, ҳосил бўлган қарздорликни сўндириш эса маълум савдо-сервис корхонасида товарлар (ишлар, хизматлар)ни тўлашнинг амалиётлари бўйича муддатли тўловнинг даврлари сонидан келиб чиққан ҳолда тенг қисмларда амалга оширилади.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. «ANOR NASIYA» муддатли тўлов картаси» маҳсулотининг мазкур Умумий шартлари (кейинги ўринларда "Умумий шартлар") Қарз олувчилар - жисмоний шахсларнинг истеъмол мақсадларига, жумладан истеъмол молларини ва хизматларни (ишларни) харид қилишга Банк томонидан муддатли тўлов Картанинг чиқарилиш ва унга хизмат кўрсатишнинг тартибини, қоидаларини ва процедураларини белгилаб беради. Томонлар Қарз олувчининг электрон имзоси билан Қарз олувчи томонидан имзоланган ҳар қандай электрон ҳужжатлар Қарз олувчининг ўз қўли билан имзоланган қоғоз шаклдаги ҳужжатга тенг ҳисобланишига розилик билдиради.

2.2. МБХ воситаларини билан онлайн режимда «ANOR NASIYA» муддатли тўлов картасини" тақдим этиш тўғрисида Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366, 367-моддалари ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ тарзда тузилади ва мазкур Умумий шартларда кўзда тутилган, бирон бир истисносиз ёки чекловларсиз уларнинг сўзсиз акцептини англатувчи ҳаракатларнинг Мижоз томонидан амалга оширилиш пайтидан кучга киради.

2.3. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ кредитни олиш истагида бўлган жисмоний шахсларга бўлган аниқ талаблар, бир Қарз олувчига кредит қийматларининг минимал ва максимал миқдорлари, кредитлаш муддатлари, бошқа тўловлар, ҳамда бошқа шартлар потенциал Қарз олувчиларга Банкнинг танлови бўйича умуммаълум жойда (www.anorbank.uz манзили бўйича Интернет тармоғида Банкнинг расмий сайтида, Интернет-Банкда, мобил иловада, оммавий ахборот воситаларида ва шунга ўхшашларда) маълумотни жойлаштириш йўли билан Мижозларга етказилади.

2.4. Муддатли тўлов тақдим этилиши шартлари, маълумотларни узатиш, Аризани бериш тартиби, офертани қабул қилишга розилик бериши билан Қарз олувчи Банкнинг мобил иловасини, "Жисмоний шахслар учун Интернет банкинг" тизимини, ҳамда жисмоний шахсларга мўлжалланган Банкнинг бошқа хизмат кўрсатиш каналларидан фойдаланиш,онлайн режимда муддатли тўлов Картаси бўйича кредитни тақдим этиш ҳақидаги Умумий шартларни акцепт қилади. Ушбу акцепт Банк учун потенциал Қарз олувчининг аризасини олдиндан кўриб чиқиш бўйича розилиги ҳисобланади. Қарз олувчининг акцептини (аризасини) Банк томондан маъқулланиши билан, Банк Қарз олувчига муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартларини тақдим этади. Карта тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартлари ва мазкур Умумий шартларга қўшилиш билан биргаликда «ANOR NASIYA» Муддатли тўлов картаси"ни тақдим этиш ҳақидаги Шартномани (кейинги ўринларда "Шартнома") шартларини шакллантиради.

2.5. Якка тартибдаги шартлари Қарз олувчи томонидан Муддатли тўлов картасини ҳар бир олинишидан олдин алоҳида ўрнатилади. Қарз олувчи муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартларини SMS-хабарни тасдиқлаш йўли билан ёки Банк томонидан таклиф этилган бошқа усулда қабул қилади ва уларга ўз розилигини беради. Қарз олувчи томонидан мазкур Умумий шартларнинг акцепти ва Қарз олувчи томонидан муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартларини қабул қилиниши ҳолатида, мазкур Умумий шартлар ва муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартлари билан кўзда тутилган шартларда Шартнома тузилган ҳисобланади.

2.6. Айрим хизматлар Банк томонидан Мижоз билан Умумий шартларда назарда тутилмаган алоҳида тузилган шартномалар асосида кўрсатилиши мумкин.

2.7. Алоҳида хизматлар Умумий шартлар билан кўзда тутилмаган келишувларни Мижоз билан алоҳида тузиш асосида Банк томонидан тақдим этилиши мумкин.

2.8. Мижозни мазкур Умумий шартлар ва Банк Тарифлари (жумладан, Банк томонидан вақти-вақти билан киритилувчи ўзгартиришлари ва/ёки қўшимчалари) билан таништириш мақсадида Банк кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни Банкнинг Сайтида нашр қилиб боради. Бундан ташқари, Банк Мижозларга маълумотларни олиш ва у Банкдан келаётганлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар билан хабардор қилиши мумкин.

3. ҲИСОБНИ ОЧИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ.

3.1. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Банк Мижозга миллий валюта - ўзбек сўмида Карта бўйича қарздорликни ҳисобини юритиш учун Ҳисобрақам очади.

3.2. Ҳисоб рақами бир томонлама тартибда Банк томонидан белгилаб берилади ва Шахсий кабинетда (жумладан Мобил иловада) маълумотни жойлаштириш ёрдамида Мижозга хабар қилинади.

4. ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА БЕРИШ ВА СЎНДИРИШ, ТАЪМИНОТ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома доирасида, Банк Мижозга ўрнатилган Кредит лимит чегарасида тикланувчи кредит линия шартларида муддатли тўлов картасини тақдим этади. Мазкур шартнома бўйича Кредит лимити муддатли тўлов картасининг тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартлари билан белгилаб берилади. Муддатли тўлов Картаси бўйича Кредит линия муддати, кредит линиясининг тикланувчи муддати якка тартибдаги шартларда белгиланади.

4.2. Шартнома бўйича Банк муддатли тўлов Даврини ўрнатади, шу давр давомида фоизлар ҳисобланмайди. Муддатли тўлов даври (унинг давомийлиги) Ҳамкорлик тармоғига кирувчи ҳар бир савдо-сервис корхонаси учун якка тартибда ўрнатилади. Ҳамкорлик тармоғига кирувчи ҳар бир савдо-сервис корхонада амал қилувчи муддатли тўлов Даври ҳақидаги маълумот мижозга, жумладан Банк Сайти ёрдамида ва МБХ орқали маълумот учун етказилади.

4.3. Шартнома бўйича қарз маблағлари «ANOR NASIYA» муддатли тўлов картаси» маҳсулоти бўйича Банкнинг Ҳамкор тармоғига қўшилган савдо-сервис корхоналарида муддатли тўлов Картасини қўллаш билан Қарз олувчи томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) тўлаш учун ёки кўрсатиб ўтилган Ҳамкорлик тармоғига қўшилган ҳамкор корхоналарнинг тўлов сервислари орқали товарларни (ишларни, хизматларни) тўлаш учун ўрнатилган Кредит лимити чегарасида нақд пулсиз кўринишда тақдим этилади. Шунингдек, Мижознинг бўлиб тўлаш картасидаги кредит лимити Банкнинг мобил иловасида рўйхатдан ўтган Мижознинг бошқа карталарига қарз маблағларини (P2P операцияси) ечиб олиш учун ишлатилади.

4.4. Ҳамкор тармоғи ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам муддатли тўлов фойдаланиш Банк томонидан белгиланган тарифларга мувофиқ амалга оширилади

4.5. Банк ҳар ойлик тўлов тўланмаган тақдирда, агар бу Кредит лимитининг ошишига олиб келса, шунингдек ушбу Умумий шартларда назарда тутилган бошқа ҳолларда, хусусан, суиистеъмол қилиш белгилари мавжуд бўлганда, Кредит бермаслик ҳуқуқига эга.

4.6. Мижоз Шахсий кабинетида маълумотни қайта кўриб чиқиш йўли билан ўз Қарздорлиги ҳолати ҳақидаги маълумотларни кундалик асосда мустақил тарзда олиши шарт.

4.7. Банк ҳар ой ойлик тўловни шакллантиради ва бу ҳақда Қарз олувчини Шахсий кабинети ва/ёки SMS-хабар юбориш орқали (Банкнинг истагига кўра) хабардор қилади. Мижознинг Қарздорлигини қиймати ҳақидаги тўлиқ маълумот Мижозга унинг Шахсий кабинети ёрдамида маълумот учун етказилади.

4.8. Ҳар ойлик тўлов суммаси ҳақида маълумотни Қарз олувчига етказилмаган холатда Қарз олувчи ҳар ойлик тўлови ҳақида маълумотни олиш учун Банкнинг Контакт-Марказига мурожаат қилиши шарт. Кўрсатилган маълумотнинг олинмаслиги Қарз олувчининг тўлов бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

4.9. Қарз олувчи тўлов Санасигача Ҳар ойлик тўловни ўз вақтида сўндириши шарт. Тўламаслик ҳолатида Банк Шартнома доирасида чиқарилган муддатли тўлов Картасини блоклаб қўйиш ҳуқуқига эга. Муддатли тўлов Картаси бўйича Амалиётларни тиклаш учун Қарз олувчи ҳосил бўлган муддати ўтган қарздорликни тўлаши керак.

4.10. Агар тўлов Санаси Банк иш кунига тўғри келмаса, тўлов Санаси куни бўлиб яқин

орадаги келадиган банк иш куни ҳисобланади.

4.11. Ҳар ойлик тўловни ва/ёки шартнома бўйича бошқа Қарздорликни сўндирилиши Банкнинг Сайтида кўрсатилган усулларда амалга оширилади.

4.12. Банк фойдасига Шартномага асосан ҳар қандай тўловларни амалга оширилганлиги Банкдаги Қарз олувчининг Ҳисобрақамига пул маблағларининг келиб тушиш пайтидан бажарилган ҳисобланади.

4.13. Қарз олувчи Шартнома бўйича Қарздорликни исталган пайтда қисман ёки тўлиқ сўндиришга ҳақли. Қарз олувчи томонидан муддатли тўлов сўндирилиши ҳисобрақамига пул маблағларини киритилиши Банк томонидан Кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндирилишига ариза каби баҳоланади. Кирим Амалиётини амалга оширишда Банк шундай Амалиётнинг суммасини Шартнома бўйича Қарздорликни сўндиришга йўналтиради ёки уни ортиқча тўлов сифатида ҳисобга олади. Шартнома бўйича қисман муддатидан олдин сўндириш Қарз олувчининг қўшимча топшириқномасисиз Ҳисобрақамда пул маблағларини ечиб олиш йўли билан амалга оширилади, бунга Қарз олувчи ўзининг сўзсиз розилигини (акцептини) беради, бунда унинг вужудга келиш кетма-кетлигини ҳисобга олинган ҳолда муддатли тўловнинг келажакдаги даврларини режали тўловларининг сўндирилишини амалга оширилади.

4.14. Қарз олувчи томонидан киритилган тўловнинг суммаси Шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятларини тўлиқ ижро этилиши учун етарли бўлмаган ҳолда, қуйидаги кетма-кетликда Қарз олувчининг қарздорлигини сўндиради:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарз ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарз;

3) жарима (пеня);

4) кредиторнинг қарзни узиш билан боғлиқ бошқа харажатлари.

4.15. Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжудлигида ушбу қарздорликни сўндириш тўлов даврининг санасига боғлиқ бўлмаган ҳолда Қарз олувчининг Ҳисобига пул маблағларининг ҳар қандай келиб тушишида амалга оширилади.

4.16. Харидни қайтаришда (товарни, ишлардан/хизматлардан воз кечиш) агар амалиёт қарз маблағи ҳисобига амалга оширилган бўлса (аммо жорий ссуда қарздорлигининг қийматидан ортиқ бўлмаганда) пул маблағлари тўлиқ ҳажмда ссуда қарздорлигини сўндиришга йўналтирилади.

4.17. Қарзни узиш ва Шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ барча харажатларни Қарз олувчи ўз ихтиёрига кўра ўзи учун мақбул бўлган тўлов усулларини танлаган ва улардан фойдаланган ҳолларда мустақил равишда қоплайди.

4.18. Кредитнинг тўлиқ қиймати (КТҚ) қонунчилик билан ўрнатилган тартибда ҳисобланади. Муддатли тўловнинг тўлиқ нархини ташкил таркиби ҳақидаги батафсил маълумотлар муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартларида келтирилади.

4.19. Шартнома бўйича тақдим этилувчи кредит Ўзбекистон Республикаси банкларида Қарз олувчининг ҳисобларига ва омонатларига келиб тушувчи ва/ёки жойлаштирилувчи пул маблағларини, жумладан ижарага мулкни топширишдан келувчи даромадлар, омонатлар бўйича фоизлар, пул маблағларининг депозит гарови, кредитни сўндирмаслик хавфи суғурта полиси ва учинчи шахсларнинг кафиллигини талаб қилиш ҳуқуқи билан таъминланади. Таъминотнинг аниқ тури муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка шартларида кўрсатилади.

4.20. Муддатли тўлов картани сўндирмаслик хавфидан суғурта полиси билан. Банк Суғуртачи билан кредитлашнинг бутун муддатига муддатли тўлов картасини сўндирмаслик хавфини суғурталаш шартномасини тузади (кейинги ўринларда "таъминот"). Муддатли тўлов картани сўндирмаслик хавфи суғурта полиси аниқ шартлари Банкни қониқтирувчи шартларда тегишли суғурта шартномасида (ёки суғурталаш бўйича келишувда) кўрсатиб ўтилади. Таъминот суммаси Якка тартибдаги шартларда белгиланади.

4.21. Транспорт воситалари/махсус техника/кўчмас мулк гарови мол-мулк. Гаровнинг аниқ шартлари нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаси билан белгиланади. Мижоз "Гаров предмети"ни Банк томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурталаш ва муддатли тўлов картаси шартномасининг бутун амал қилиш муддати давомида суғурталашни таъминлаш мажбуриятини олади. Суғурта ҳодисаси юз берганда Банк наф олувчи ҳисобланади. Тегишли тарзда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва гаров предметининг нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шартномаси Қарз олувчи томонидан Банкка муддатли тўлов картаси тақдим этилган санага қадар тақдим этилиши лозим. Таъминот миқдори индивидуал шартларда кўрсатилади.

4.22. Агар Мижоз муддатли тўлов картасининг индивидуал шартлари шартларидан келиб чиқадиган асосий қарзни, фоизларни ва/ёки муддатли тўлов картасининг бўйича бошқа тўловларни белгиланган санага қадар тўлашга қодир бўлмаса ва/ёки муддатли тўлов картасининг тақдим этиш тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бузса, Банк Мижозга амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирувни таъминотга ва/ёки унинг бир қисмига қаратиш ва/ёки Мижознинг қарзини Суғурталовчидан ундириш, ушбу Умумий шартлар бўйича сўзсиз ва чақириб олинмайдиган ҳуқуқни олади ва Мижоз Банкка беради.

4.23. Мижозлар учун Мижознинг бўлиб тўлаш картасидаги Кредит лимитидан фойдаланган ҳолда қуйидаги операцияларни амалга оширишга чеклов ўрнатилади:

— Қарз маблағларини Мижознинг бошқа карталарига ўтказиш (P2P операциялари);

— Бегона шахсларнинг ғаразли таъсири остида амалга ошириладиган амалиётларнинг олдини олиш мақсадида Банк ихтиёрига кўра бошқа чекловлар (чоралар).

Бунда Банк чекловлар ўрнатилганлиги ҳақида хабарнома юборади ва ушбу чекловларни ечиш учун барча Мижозлар SMS-хабарда ёки Банкнинг мобил иловасидаги PUSH-билдиришномада кўрсатилган телефон рақамига қўнғироқ қилиб, қўшимча тасдиқлашдан ўтишлари шарт.

Кредит лимитига қўйилган чекловлар Банк томонидан қуйидагилардан сўнг бекор қилинади: 1) Мижоз қўшимча тасдиқ олиш учун SMS-хабарда ёки Банкнинг мобил иловасидаги PUSH-билдиришномада кўрсатилган телефон рақами орқали Банкка қўнғироқ қилганидан сўнг ва 2) Банк Мижознинг мобил иловага бириктирилган телефон рақамига қайта қўнғироқ қилиб, Кредит лимити Мижоз томонидан бегона шахсларнинг ғаразли таъсирисиз олинаётганлиги ҳақида тасдиқ олганидан сўнг.

4.24. Чекловлар ўрнатилганлиги тўғрисида SMS-хабар ёки мобил иловадаги PUSH-билдиришнома юборилганидан кейин 48 (қирқ саккиз) соат ичида Муддатли тўлов картасини олиш учун ариза Мижоз томонидан бегона шахсларнинг ғаразли таъсири остида топширилганлиги аниқланса ёки Мижоз томонидан тасдиқлаш жараёни амалга оширилмаса ва ажратилган Муддатли тўлов картасидан маблағ ишлатилмаган бўлса, Банк бир томонлама тартибда Мижознинг ҳамкорлар тармоғидан ташқарида амалиётларнинг амалга ошириш имкониятини блоклайди.

4.25. Микроқарзни қайтариш жадвали қайта расмийлаштирилиши билан (шу жумладан, Микроқарз бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки Шартномада назарда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгарган тақдирда (шу жумладан, Микроқарзни реструктуризация қилиш), Мижоз томонидан микроқарзни қисман муддатидан олдин қайтариш, Микроқарз бўйича тўловларни амалга ошириш санаси ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловлари миқдорлари ўзгарганда) илгари амал қилган Микроқарзни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади, янги Микроқарзни қайтариш жадвали эса Қарз олувчига тақдим этилади. Мижоз микроқарзни тўлашнинг амалдаги жадвалини Банкнинг мобил иловасида олиши мумкин.

5. МУДДАТЛИ ТЎЛОВ КАРТАЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

5.1. Шартнома доирасида Ҳамкорлик тармоғига кирувчи савдо-сервис корхоналарида харидлар Амалиётларини амалга ошириш учун, улар бўйича Банк муддатли

тўлов муддатини мазкур Умумий шартларга мувофиқ ўрнатади, Банк Мижозга муддатли тўлов Картасини чиқаради.

5.2. Муддатли тўлов Картаси (Виртуал картадан ташқари) Мижоз томонидан кўрсатилган манзил бўйича курьерлик хизмати томонидан ёки Карта Мижоз томонидан олинганлигини сўзсиз аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда етказиб берилади.

5.3. Муддатли тўлов картаси Мижозга фаоллаштирилмаган ҳолда берилади. Мижоз фақат уни фаоллаштириши пайтидан Амалиётларни амалга ошириши имкониятига эга бўлади.

5.4. Муддатли тўлов Картасини қўллаш билан амалиётларни ўтказишда Мижозни Аутентификация қилиш мақсадида Мижозга ПИН-код тақдим этилади. Мижоз Амалиётни амалга оширишда муддатли тўлов Картасини қўлланилиши ва тўғри ПИН-код киритилиши Мижозни тегишли тарздаги ва етарлича идентификацияси ҳисобланишига розилик билдиради.

5.5. Муддатли тўлов Картасини ва/ёки Карта реквизитларини Мижоз ҳисобланмайдиган шахс томонидан қўлланилиши тақиқланган.

5.6. Муддатли тўлов картаси ёки реквизитлар Муддатли тўлов карталари Ҳамкорлик тармоғига кирувчи савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида операцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Шунингдек, Мижознинг бўлиб тўлаш картасидаги кредит лимити Банкнинг мобил иловасида рўйхатдан ўтган Мижознинг бошқа карталарига қарз маблағларини (P2P операцияси) ечиб олиш учун, ушбу Умумий шартларда назарда тутилган ҳолларда эса, Банк томонидан Мижозга кўрсатиладиган қўшимча хизматларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, ушбу Умумий шартларга мувофиқ Банк бўлиб тўлаш муддатини белгилайдиган бошқа операциялар учун ишлатилади.

5.7. Муддатли тўлов Картаси бўйича Амалиётларининг Банк томонидан ишлов берилиш санаси Мижоз томонидан унинг амалга оширилиш санаси билан мос келмаслиги мумкин.

5.8. Муддатли тўлов Картасининг тегишли ПИН-кодини киритиш билан, ёки ПИН-кодни киритмасдан муддатли тўлов Картасини билан, унинг Реквизитларини орқали, Аутентификацион маълумотларни қўллаш билан, жумладан Шахсий кабинетда (жумладан Мобил иловада) амалга оширилган Амалиётлар Қарз олувчи томонидан ва унинг розилиги билан амалга оширилган деб тан олинади.

5.9. Банк Қарз олувчининг шахсий кабинетида тегишли маълумотни жойлаштириш орқали муддатли тўлов Картаси ва/ёки ҳисоб бўйича Амалиётларни амалга ошириш ҳақида Қарз олувчини хабардор қилади. Амалга оширилган Амалиётлар ҳақида хабардор қилишнинг кўрсатиб ўтилган усулларига Қўшимча сифатида. банк ўз ихтиёри бўйича бундай хабарномаларни SMS-хабарларни ва/ёки Push-билдиргиларни тарқатиш ёрдамида Қарз олувчини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Қарз олувчи ҳар куни шахсий кабинетида Банк томонидан жойлаштирилувчи муддатли тўлов Картаси ва/ёки Ҳисоби бўйича амалга оширилган Амалиётлар ҳақида маълумотларни текшириши шарт.

5.10. Картанинг муддатидан аввал қайта чиқарилиши муддатли тўлов Картасини қайта чиқаришга (йўқотиш/ўғирланиш, рухсат этилмаган қўлланилиши ҳолатида қайта чиқарилиш) Қарз олувчи томонидан Банкка Аризанинг йўналтирилиши санасига амал қилувчи Банк Тарифларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

5.11. Муддатли тўлов Картасини расмийлаштириш ва хизмат кўрсатиш учун комиссия, уни тўлаш тартиби ва муддатлари Банк Тарифларига мувофиқ белгилаб берилади.

6. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.

6.1. Шартнома тузиш, шунингдек, Банкка Ариза юбориш орқали Мижоз Банкка Қоғоз ва/ёки электрон манбаларда тақдим этилган шахсий маълумотларни автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ва/ёки фойдаланмаган ҳолда тўплаш, ёзиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), ажратиб олиш, фойдаланиш, узатиш (тақдим этиш, кириш, шу жумладан шахсий маълумотларни қайта

ишлашни учинчи шахсларга топшириш), эгасизлантириш, блокировка қилиш, ўчириш, йўқ қилиш ҳуқуқини (розилигини) беради.

6.2. Мазкур Шартномада Мижознинг шахсий маълумотлари деб Мижоз томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан Банкка ҳар қандай эҳтимолли усулда тақдим этилган бевосита ёки билвосита тегишли бўлган маълум ёки унинг ёрдамида Мижозга белгилаб берилувчи маълумот, жумладан, қуйидаги маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси, ойи ва йили; контакт маълумотлар (телефон рақамлари, электрон почта манзиллари); шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи ва/ёки жойлашиш жойи ҳақидаги маълумотлар, маълумот тўғрисида ахборотлар, оилавий аҳволи, болалари сони, бандлик ва фаолият соҳаси, ўртача ойлик даромад ва ҳар ойлик харажатлар ҳақидаги маълумотлар тушунилади.

6.3. Мижознинг юқорида кўрсатилган шахсий маълумотларига ишлов бериш қуйидаги мақсадларда олиб борилади: Мижоз билан шартномани тузиш имкониятини Банк томонидан кўриб чиқилиши, ва натижаси бўйича ижобий ёки салбий қарор Банк томонидан қабул қилиниши, Мижознинг шахсий маълумотларига фақат автоматлаштирилган ишлов бериш йўли билан Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш; Шартномани тузиш ва бекор қилиш; Шартнома бўйича қарздорликни талаб қилиш (сўндириш, ундириш); Ҳамкорлик тармоғига кирувчи савдо-сервис корхоналари билан амалга оширилувчи товарларни (ишларни, хизматларни, интеллектуал фаолият натижаларини) сотиш ҳақидаги шахсий таклифларни шакллантириш, маркетинг коммуникацияларини персоналлаштириш; Мижознинг тўлов қобилиятини баҳолаш; унинг иш жойини, ҳақиқий яшаш жойи манзилини, телефонини ва Мижоздан олинган бошқа маълумотларни излаш ва текшириш; Банк маҳсулотларига Мижознинг қизиқишини аниқлаш; Мижозни маркетинг сегментига киритиш; Мижозга Банкнинг бошқа хизматларини ва маҳсулотларини илгари суриш ва кўрсатиш (тақдим этиш) (шу билан бирга жумладан Банк томонидан тақдим этилувчи бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа шартномаларни тузиш имкониятини Банк томонидан кўриб чиқиш).

6.4. Шартномани тузиб, Мижоз махсус шартларда банк маҳсулотларини шахсий таклифларини Банкдан олиш мақсадида кредит бюрога унинг кредит тарихи ҳақида маълумотларни ҳар қандай вақт сўраб олишни Банкка вазифа қилиб топширади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1. Мижоз Банк Идентификация ва Аутентификация жараёнидан (Аутентификацион маълумотларни ва/ёки Кириш кодларини қўллаш билан) ўтказилганидан кейин МБХ орқали муддатли тўлов Картасини ишлатиш билан боғлиқ маълумотларни олиш.

7.2. Мазкур Шартнома билан ўрнатилган муддатдан илгари, ҳар қандай вақт, жарима санкцияларисиз қарздорликни сўндириш.

7.3. Истеъмол тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш картасидан фойдаланиш бошланишидан олдин 30 (ўттиз) календарь кун ичида бепул асосда кредит олишни рад этиш Банкнинг мобил иловасида рўйхатдан ўтган Мижознинг бошқа карталарига товарлар ва/ёки хизматлар ёки қарз маблағларини ечиб олиш (P2P операцияси).

Қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

7.4. Шартномалар ва Банк Тарифларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда Қарздорликни сўндириш ва Банк хизматларини тўлаш, жумладан улар билан боғлиқ шикоятларни қондириш бўйича якуний қарорларни қабул қилиш пайтигача амалга оширилган амалиётлар бўйича шикоятлар мавжудлиги ҳолатида.

7.5. Мазкур Шартнома ва Банкнинг амалдаги Тарифлари билан келишилган комиссияларни ва тўловларни Банкка тўлаш.

7.6. Тўлов Санасидан кечиктирмасдан Ҳисобда ҳар ойлик тўловни таъминлаш. Тўлов Санасига Ҳар ойлик тўлов (Муддатли тўлов қисми) суммани амалга оширилмаса муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлади, у ҳақидаги маълумотлар кредит тарихлар бюросига Банк томонидан тақдим этилади, бу Мижознинг кредит тарихига салбий таъсир кўрсатади.

7.7. Кредитлаш Лимитига риоя этилишини ва Техник овердрафтнинг ҳосил бўлишига йўл қўймасликни назорат қилиш.

7.8. Муддатли тўлов Картасини ва/ёки мобил телефон Рақамини ва/ёки мазкур шартнома бўйича Қарз олувчини Аутентификация қилиш учун қўлланилувчи абонент қурилмасини учинчи шахсларнинг фойдаланишига бермаслик.

7.9. ПИН-кодни, Кириш кодларини, Аутентификацион маълумотларни муддатли тўлов Картасидан алоҳида сир сақлаш ва ҳеч қандай ҳолатда уларни учинчи шахсларга хабар қилмаслик.

7.10. Банкнинг сўрови бўйича, зарурат туғилган ҳолатда, Банкнинг тегишли сўровини олган пайтдан уч иш куни давомида Қарз олувчининг молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларни Банкка тақдим қилиш.

7.11. Идентификация учун аввал тақдим этилган маълумотларни, яъни, Ф.И.Ш., яшаш жойини, ишлаш жойини, якка тартибдаги маълумотларни, шахсий, биографик маълумотларнинг ёки Қарз олувчининг молиявий ва мулкий ҳолатини, ўзгартирилиши ҳолатида, ушбу ўзгаришлар ҳақида Банкка бундай ўзгаришлар юзага келган пайтдан бошлаб бир кун давомида хабар қилиниши керак.

7.12. Ҳар қандай ахборот манбаларини қўллаш билан Қарз олувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни, ҳамда муддатли тўлов Картасини олиш учун Қарз олувчи томонидан тақдим этилган Сўровномада ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни Банк, унинг ходимлари ва қонуний вакиллари, жумладан улар томонидан яшаш, иш жойига ва шунга ўхшаш жойларга ташриф буюриш йўли билан текшириш ва қайта текшириш имкониятини тақдим қилиш;

7.13. Банкка автоматик тўлов картасидан ва/ёки Қарз олувчининг Банкдаги исталган ҳисобварағидан, Қарз олувчининг мобил иловасига уланган исталган картасидан асосий қарз, пеня, жарима ва/ёки Шартнома шартларидан келиб чиқадиган бошқа кредит тўловлари муддати келганда, шунингдек Қарз олувчининг бошқа банклардаги ҳисобварақларидан маблағларни сўзсиз, сўзсиз ва қайтариб олмаслик ҳуқуқи бериш.

7.14. Банкнинг талабига кўра етказилган барча харажатларни ва зарарларни, жумладан, мазкур Шартнома доирасида тақдим этилувчи маблағлар бўйича қарздорликни (асосий қарз ва бошқа тўловлар) мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш учун чораларни кўриш муносабати билан етказилганларини қоплаб бериш.

7.15. Қарз олувчининг молиявий ҳолатини ёмонлашишига ва Шартнома бўйича Банк олдида Қарз олувчи билан ўз мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки тегишли бўлмаган равишда бажаришнинг хавфи юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган ҳеч қандай мажбуриятларни ва чораларни ўз зиммасига олмаслик.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.16. Мижоз томонидан муддатли тўлов Картасини ишлатиш жараёнида Банк Қарз олувчининг молиявий ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга. Бундай текширишларнинг даврийлиги Банк томонидан белгиланади.

7.17. Қуйидаги ҳолатларда:

1) мазкур Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни Қарз олувчи томонидан бузилиши ва/ёки бажарилмаслиги ва/ёки тегишли бўлмаган равишда бажарилиши;

2) Қарз олувчининг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ва/ёки агар Қарз олувчига нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса ва/ёки агар қарз таъминоти бўлган Қарз олувчининг мулкига таъқиқ солинган бўлса ва/ёки агар Мижознинг пул маблағлари музлатиб қўйилиши ёки бошқа мулкига нисбатан чеклов чоралари қўлланган бўлса;

3) Қарз олувчи томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилиши холати Банк томонидан аниқланишида;

4) Қарз олувчининг банк назоратидан бўйин товлаши, жумладан Қарз олувчини ўрнатилган тарзда текширилишини амалга ошириш ва/ёки тижорат банкларида жиноят фаолиятидан олинган даромадларни қонунийлаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички

назорат Қоидалари талабларига мувофиқ Қарз олувчи томонидан шубҳали ва гумонли амалиётларни амалга оширилишида;

5) Шартноманинг шартларидан келиб чиқувчи муддатли тўлов бўйича асосий қарзни, комиссияларни ва/ёки бошқа тўловларни ўз вақтида сўндирмаслик;

6) кредитни қайтармаслик хавфини оширувчи бирон бир далилларнинг пайдо бўлиши;

7) Шартномани олиш ва/ёки тузиш пайтидан 90 (тўқсон) кун давомида муддатли тўлов Картасидан фойдаланмаслик;

8) муддатли тўлов Картасини рухсат этилмаган қўлланилишига шубҳалар мавжудлик ҳолатида.

Банк ўз ихтиёри бўйича қуйида кўрсатилган ҳаракатларнинг бирини ёки бир нечтасини қўллаш ҳуқуқига эга:

1) Агар Банкнинг мобил иловасида чекловлар тўғрисида SMS-хабар ёки PUSH-хабар юборилгандан сўнг 48 (қирқ саккиз) соат ичида Кредит лимитини олиш учун ариза Мижоз томонидан учинчи томоннинг ғаразли таъсири остида берилганлиги аниқланса ёки Мижоз томонидан тасдиқлаш жараёни бажарилмаган бўлса, Мижозни хабардор қилган ҳолда, мудатли тулов картасини тақдим этиш тўғрисидаги шартномани бир томонлама бекор қилиш ва фойдаланилмаган Кредит лимитини қайтариш;

2) муддатли тўлов Картасининг Кредит лимитини бекор қилиш / камайтириш ва муддатли тўлов Картаси бўйича қарздорликни сўндиришдан кейин мазкур Шартномани бажаришдан бир томонлама тартибда тўлиқ ёки қисман воз кечиш;

3) Шартнома бўйича қарздорликни муддатидан олдин ундирилишини даъво қилиш;

4) ўз ихтиёри бўйича комиссиялар ва/ёки жарималарнинг қийматини ундириш ва/ёки ундирмаслик.

Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

7.18. МБХ ёрдамида тегишли хабарномани юбориш йўли билан Қарз олувчини Шартнома бўйича ҳар бир Амалиёт ҳақида хабардор қилиш.

7.19. Қарз олувчининг аризасига (хабари) кўра муддатли тўлов Картасининг йўқотилиши ёки ПИН-код ва/ёки Карта реквизитлари ва/ёки Кириш кодлари ва/ёки Аутентификацион маълумотлар учинчи шахсларга маълум бўлиб қолишида ва Шартнома билан кўзда тутилган бошқа ҳолатларда муддатли тўлов Картасини блоклаш. Бунда, муддатли тўлов Картасини блоклаш ҳақида Қарз олувчидан аризанинг олингунига қадар ўтказилган барча ҳаракатлар ва Амалиётлар Қарз олувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

7.20. Қарз олувчининг кредит юкламасини кейинчалик ортишини олдини олиш мақсадида, сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлганлиги ҳақида электрон почта алоқаси ёки МБХ воситаларида шахсий кабинетда Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорлик вужудга келган санадан 7 (етти) календар кун давомида Қарз олувчини хабардор қилиш. Ёзма билдиргиларни топшириш ва бу ҳақда телефон орқали оғзаки эслатмалар Амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган вақт даврида амалга оширилади.

7.21. Шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажарилганда Қарз олувчининг тегишли сўрови Банкка келиб тушиш кунидан бир иш куни давомида Шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Қарз олувчига МБХ тизими ёрдамида тақдим этиш.

7.22. Банк Банк муддатли тўлов Картасини қўллаш билан ҳар бир Амалиётнинг амалга оширилиши ҳақидаги маълумотни, жумладан Қарз олувчининг қарздорлиги миқдори, амалга оширилган тўловларнинг саналари ва миқдори, Кредит лимитининг мавжуд қиймати ҳақидаги маълумотни Интернет-банк сервиси, Мобил илова ёрдамида ҳисоб бўйича амалиёт амалга оширилган пайтдан кейинги кундан кечиктирмасдан тақдим этиши шарт. Юқорида кўрсатилган маълумотни тақдим этилиши Сўровномада Қарз олувчи томонидан тақдим этилган мобил телефон Рақамига SMS-хабарнома/PUSH-билдирги ёрдамида амалга оширилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

8.1. Томонлар Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

8.2. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли даражада бажармаслиги учун, агар бажармаслик енгиб бўлмас куч ҳолатининг оқибати ҳисобланса, яъни Шартнома кучга киришидан кейин юзага келган ҳолатларнинг ушбу шароитларида фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда, жавобгарликдан озод этилади. Енгиб бўлмас куч ҳолатларининг таъсирини Томонлар ваколатли органлари ҳужжатлари билан тасдиқлашлари керак. Бундай ҳолатларга, шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, мазкур Умумий шартлар билан кўзда тутилган мажбуриятларни бажарилишини имконсиз қилувчи қонунларнинг ва бошқа меъёрий ҳужжатларни давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилиниши ҳам киради.

8.3. Бунда, Томонлар коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемияси ва (ёки) ҳар қандай бошқа эпидемиялар ёки касалликларнинг авж олиши, ҳамда пандемия муносабати билан киритилувчи чеклов чоралари (жумладан Ўзбекистон Республикасида карантиннинг эълон қилиниши), Шартнома бўйича "енгиб бўлмас куч ҳолати" деб тан олинмаслигини англайди ва розилик билдиради ва Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 333-моддаси 3-қисмига биноан унинг диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда енгиб бўлмас куч ҳақидаги қоидаларнинг қўлланилишини истисно қилади. Умумий шартларнинг мазкур бандининг таъсири ҳаттоки Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи, давлат органлари томонидан бундай холатларни олдиндан кўриб билолмаган ва/ёки онгли чоралар кўриш билан олдини олиш имконига эга бўлмаган тегишли равишда бажаришлари учун чекловларни ўрнатувчи ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилиши ҳолатида ҳам қўлланилади.

Мижознинг жавобгарлиги:

8.4. Мижоз Шартнома бўйича Банкдан олинган пул маблағлари, фоизлар, комиссиялар ва у бўйича бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш, Қарз олувчи томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариши билан боғлиқ бошқа зарарларни ундириш бўйича суд харажатларини қоплаш учун Банк олдида бутун ўзининг мулки билан жавоб беради.

8.5. Қарз олувчи муддатли тўлов Картаси бўйича ва/ёки муддатли тўлов Картасининг Реквизитларини қўллаш билан амалга оширилган Амалиётлар учун жавобгарликни мустақил тарзда ўз зиммасига олади.

8.6. Муддатли тўлов Картасини йўқотиш ҳолатида Қарз олувчи мобил илова орқали картани блоклаш бўйича чораларни кўриши шарт ва муддатли тўлов Картаси йўқотилганлиги ҳақида хабарноманинг (МБХ орқали) Мижоздан Банк томонидан олиниши пайтигача амалга оширилган муддатли тўлов Картасини қўллаш билан барча амалиётлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

8.7. Қарз олувчи муддатли тўлов Картасини фойдаланишга олган пайтидан унинг тасодифий шикастланиш/йўқотилиш хавфини олади.

8.8. Қарздорликни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик учун фоиз ставкаси ва бошқа тўловлар муддатли тўлов картасини тақдим этишнинг Якка тартибдаги шартларида белгилаб берилади.

Банк жавобгарлиги:

8.9. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш ҳолатида Банк Амалдаги қонунчилик ва мазкур Умумий шартларга мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шартнома бўйича кредит маблағларини тақдим этиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун Қарз олувчи Банкдан Шартнома бўйича тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасининг ҳар бир кечиктирилган кун учун ўндан бир фоизи миқдорида, бироқ тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундириш ҳуқуқига эга.

8.10. Банк унинг назорат муҳитидан ташқаридаги зиддиятлар ва низолар пайдо бўлиши учун, хусусан муддатли тўлов Картасини қўллаш билан амалга оширилган тегишли бўлмаган сифатдаги товарларни/хизматларни харид қилиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

8.11. Банк муддатли тўлов Картасини қўллаш билан Қарз олувчига ташкилотлар ва корхоналар томонидан хизмат кўрсатилишида рад этганлик учун, ҳамда Банк мулки ҳисобланмайдиган техник воситаларнинг носозлиги ҳолатидаги узилишлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

8.12. Банк техник узилишлар (электр таъминотининг ва алоқа тармоқларининг ўчирилиши/шикастланиши Тўлов тизимларининг ишидаги техник носозликлар) ҳолатида, Ҳисобга маблағларнинг ўтказилиши учун Мижоз томонидан реквизитларнинг нотўғри/нотўлиқ кўрсатилиши ҳолатида Шартномани бажармаслик ёки тегишли бўлмаган равишда бажариш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА МУРОЖААТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур Шартномани томонлар бажариши жараёнида вужудга келувчи барча низолар шикоят-хатларини юбориш йўли билан ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида томонлар билан дастлабки тартибда кўриб чиқилади.

9.2. Томонлар ўртасида шартномадан келиб чиқадиган барча низолар, жумладан, шартномани бажармаслик натижасида келиб чиқадиган, уни бажариш, ўзгартириш, бекор қилиш, тўхтатиш билан боғлиқ низолар, агар низоларни судгача ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, даъвогарнинг танловига кўра фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган туманлараро судларда, шунингдек, нотариал ижро ёзувини олиш йўли билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Нотариал ижро ёзувини олиш орқали қарздорликни ундиришда қарз олувчи нотариал ижро ёзувининг ҳақиқийлигини шубҳасиз тан олади. Низоларни ҳал қилишда судга мурожаат қилиш ёки нотариус ижро хатини олиш ҳуқуқини танлаш даъвогарда қолади.

10. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

10.1. Шартнома Шартномани бекор қилишга Аризанинг Банкка тақдим этилиши учун Банк билан тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Қарздорликни тўлиқ сўндириш шартида ҳар қандай пайт Қарз олувчининг ташаббуси бўйича бекор қилиниши мумкин.

10.2. Шартнома бир томонлама суддан ташқари тартибда, Шартнома билан ўрнатилган тартибда Банк ташаббуси бўйича бекор қилиниши мумкин.

10.3. Шартноманинг бекор қилиниши ўзи билан Шартнома бўйича Қарздорликни, жумладан, Шартнома амал қилиш даврида вужудга келган Банкнинг комиссияларини тўлаш бўйича қарздорликни Банк олдида сўндиришнинг мажбуриятини бекор қилинишини олиб келмайди.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

11.1. Шартнома Мижоз томонидан муддатли тўлов картасини тақдим этиш ҳақидаги шартларни акцепт қилиш пайтидан кучга киради.

11.2. Шартнома муддатли тўлов Картаси бўйича қарзлар даврида амал қилади ва тўловларни, комиссияларни, жарималарни ва у бўйича бошқа тўловларни тўлиқ сўндиришдан кейин тўхтатилади.

12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

12.1. Мазкур Шартнома билан назарда тутилмаган шартлар Универсал шартнома ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартиблаштирилади.

8.14. Кредит маблағлари тўлиқ сўндирилмагунча Банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинадиган автотранспорт воситасини бегоналаштирмаслик (сотмаслик, ҳадъя қилмаслик, ижарага бермаслик, учинчи шахсларга гаровга қўймаслик ва ҳоказо).

8.15. Суғурта, гаров шартномасини расмийлаштириш, кафолат (кафиллик) олиш учун

кафолат (кафиллик) тўлови ва бошқалар билан боғлиқ харажатлар нархини тўлаш.

8.16. Банк томонидан назоратни амалга ошириш учун:

8.16.1. Банк, унинг ходимлари ва ворислари томонидан Қарз олувчи томонидан молиявий истеъмолчилик кредитини олиш учун тақдим этилган Анкета ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни ҳар қандай маълумот манбаларидан фойдаланган ҳолда, текшириш ва қайта текшириш имкониятини тақдим этиш, шу жумладан, яшаш жойига, иш жойига ва бошқаларга ташриф буюриш орқали;

8.16.2. Қарз олувчининг жорий тўлов қобилиятини йилига камида 1 (бир) марта таҳлил қилиш учун Қарз олувчининг даромадларини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этиш;

8.16.3. Банк томонидан кредитни мониторинг қилиш ва гаров Предметининг мавжудлиги, сақлаш шароитлари текширилишига тўсқинлик қилмаслик ва барча шарт-шароитларни яратиб бериш, тегишли сўров юборилган кундан бошлаб 5 (беш) календар куни ичида гаров Предмети бўйича Банк томонидан талаб қилинадиган барча маълумотларни тақдим этиш. Ёзма сўров юборилган сана деб у Қарз олувчига топширилган сана ёки почта орқали жўнатилган сана ҳисобланади;

8.16.4. Шартнома доирасида бериладиган Кредитдан мақсадли фойдаланиш, Гаров предметини кўздан кечириш, мониторинг қилиш далолатномаларини ўз вақтида имзолаш.

8.17. Қарз олувчи томонидан кредит ҳисобидан тўланган автотранспорт воситаси қайтариб берилган тақдирда, Қарз олувчининг Банкдаги тегишли ҳисобварағига Кредит ҳисобидан тўланган пул маблағларини қайтарилишини таъминлаш.

8.18. Агар ГБЖ (газ-баллон жиҳозлари) ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилмаган бўлса, ГБЖни ўрнатиш учун Банкнинг ёзма розилигини олиш. ГБЖни ўрнатишда ва транспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ДЙҲХХда қайта расмийлаштиргандан сўнг, техник паспортни Банкка ўзгартиришлари ва қўшимчалари билан тақдим этиш;

8.19. Банкнинг талабига биноан, қуйидаги ҳолларда кредит қайтарилишини таъминлаш учун қўшимча гаровни тақдим этиш:

• Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганда;

• Биргаликда қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганда;

• шартнома доирасида қабул қилинган гаров таъминоти, гаров Предмети (предметлари) ва/ёки унинг (уларнинг) қисми ёқ қилинганда, қиймати пасайганда, қисман ёки тўлиқ ёқотилганда;

• Қарз олувчи амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк билан боғланган ёки аффилланган шахс бўлиб қолиши вазияти пайдо бўлганда. Шу билан бирга, кредит бўйича таъминот Банкни қониқтирадиган таъминот шаклида бўлиши ва кредит бўйича асосий қарз қолдиғи миқдорини Банкнинг кредит сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларида ва Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган кам бўлмаган миқдорда қоплаши керак;

• кредит қайтарилмаслиги хавфини оширадиган бошқа омиллар пайдо бўлганда.

8.20. Банкнинг талабига биноан, Банкка етказилган барча, харажатлар ва зарарларни, шу жумладан Шартнома доирасида берилган кредит (асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловлар) бўйича қарздорликни мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш чораларини кўриш муносабати билан қоплаш;

8.21. Мижоз кредит бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини Банкнинг розилигисиз бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман топширишга ҳақли эмас.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.22. Кредит бериш жараёнида Банк Мижознинг молиявий ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга. Бундай текширувларнинг даврийлиги Банк томонидан белгиланади;

8.23. Исталган вақтда ва у белгилаган шаклда Қарз олувчида кредитдан мақсадли фойдаланишни текшириш. Текшириш доирасида Банк сотиб олинган автотранспорт воситасини сақлаш ва ундан мақсадли фойдаланишнинг барча муҳим шартлари билан танишиш ҳуқуқига эга;

8.24. Тўлов ҳужжатлари Шартнома шартларига ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид равишда тузилган бўлса, Банк Қарз олувчига уларнинг ссуда ҳисобварағидан тўлов қилинишини рад этишга ҳақли.

8.25. Шартнома шартларидан келиб чиқадиган асосий қарзни, фоизларни ва/ёки Кредит бўйича бошқа тўловларни сўндириш муддати келганда, Банк Қарз олувчининг Банкдаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағидан, улар бўлмаган тақдирда – Шартнома шартларидан келиб чиқадиган асосий қарзни, фоизларни ва/ёки Кредит бўйича бошқа тўловларни сўндириш учун бошқа ҳар қандай ҳисобварақлардан, шу жумладан бошқа Банклардаги ҳисобварақлардан маблағларни акцептсиз ва шубҳасиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини олади.

8.26. Қуйидаги ҳолатларда:

1) Қарз олувчи томонидан Шартнома, гаров шартномаси, суғурта шартномаси, Банк билан тузилган таъминот бўйича бошқа шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятлари бузилганда ва/ёки бажарилмаганда ва/ёки лозим даражада бажарилмаганда;

2) Кредитдан бошка мақсадда фойдаланилганда ва/ёки Банк ходимлари Кредитдан мақсадли фойдаланишни текшириши учун имконият ва/ёки ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) Қарз олувчи томонидан кредит бўйича қандайдир қарздорлигини (асосий қарз, фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловлар) сўндириш ёки Банк олдидаги бошқа мажбуриятни тўлаш бўйича мажбуриятлар бажармаганлигида, илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича муддати ўтган қарздорликлар мавжудлигида;

5) Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганда ва/ёки, агар Қарз олувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилганда ва/ёки Қарз олувчининг қарзни қоплаш таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулки хатланган бўлганда ва/ёки Қарз олувчининг пул маблағлари билан амалиётлари музлатилганда ва/ёки тўхтатиб қўйилганда;

6) Банк томонидан Мижоз нотўғри маълумотларни тақдим этганлиги холатлари аниқланганда;

7) гаров предмети (предметлари) ва/ёки у(лар)нинг қисми йўқ қилинганда, қиймати пасайтирилганда, қисман ёки тўлиқ йўқотилганда, суммаси камайтирилганда. Кредит бўйича қарздорликнинг таъминланмаган қисми шаклланганда;

8) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи/Гаров берувчи/Кафил/Суғурталовчи банкрот деб эълон қилинганда;

9) ушбу Шартномани тузишдан ва ундан фойдаланишдан мақсад жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш эканлигига шубҳа бўлганда;

10) Қарз олувчининг бошқа кредиторлар олдидаги ҳар қандай қарздорлигини сўндириши эълон қилинганда ёки бошқа асосда унинг дастлабки сўндириш муддати тугагунига қадар сўндирилиши керак бўлганда. Қарз олувчининг мол-мулкини ундирув қаратилганда ёки учинчи шахслар томонидан унга тақиқ қўйилганда;

11) Қарз олувчи Банк назоратидан бўйин товлаганда, шу жумладан Қарз олувчини тегишли текширувдан ўтказиш имконияти ёқлигида ва/ёки Қарз олувчи томонидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, терроризмни молиялаштириш ва тижорат банкларида оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш бўйича ички назорат қоидалари талабларига мувофиқ шубҳали ва/ёки гумонли операциялар амалга оширилганда;

12) кредит қайтармаслиги хавфини оширадиган қандайдир омиллар пайдо бўлганда;

13) ишончсиз ёки ёлғон маълумотларни (ҳужжатларни) берганда ёки Банк томонидан сўралган, маълумотларни (маълумотларни), шу жумладан кредит, Қарз олувчининг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш учун тақдим этишдан бош тортганда;

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– Шартнома бўйича кредит берилишини муддатидан олдин тўхтатиш, бу ҳақда Қарз олувчини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда хабардор қилиш ва

кредитни муддатидан олдин ундириш учун тақдим этиш, шу жумладан, ундирувни гаров предмети (буюмлари) ва/ёки унинг (уларнинг) бир қисм(лар)ига қаратиш ва/ёки қарздорлик суммасини Кафил/Гаров берувчи/Суғурталовчидан ундириш.

– Ёзма хабарномани юбориш санаси деб уни Мижоз/Гаров берувчи/Кафилга топшириш санаси ёки почта орқали жўнатиш санаси ҳисобланади;

– Шартнома бўйича янги суммалар ва/ёки янги кредитлар/қарзлар беришни тўхтатиш;

– кредитни муддатидан олдин ундиришга тақдим этиш, шу жумладан, ундирувни гаров предметига (предметларига) ва/ёки у(лар)нинг бир қисм(лар)ига қаратиш ва/ёки қарздорлик суммасини Биргаликда қарз олувчи/Кафил/Гаров берувчи/Суғурталовчидан ундириш. Ёзма хабарномани юбориш санаси деб уни Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи/Кафил/Гаров берувчига топшириш санаси ёки почта орқали жўнатиш санаси ҳисобланади;

– ўз хоҳишига кўра, комиссиялар ва/ёки неустойкалар суммасини ундирмаслик;

– Шартнома бўйича мажбуриятларни ундириш ва ижро этиш бўйича суд тартибларини бошлаш;

– Қарз олувчининг Банкда очилган ҳар қандай ҳисобварағидан маблағларни Шартнома шартларидан келиб чиқадиган асосий қарзни, фоизларни ва/ёки Кредит бўйича бошқа тўловларни сўндиришга йўналтирган ҳолда ва улар бўлмаган тақдирда бошқа ҳар қандай ҳисобварақлардан, шу жумладан бошқа банклардаги ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқариш;

– ундирувни Қарз олувчининг бошқа мол-мулкига қаратиш.

8.27. Мижознинг тўлов ҳисобварағига уларни қайтариш натижасида келиб тушган пул маблағлари Шартнома бўйича Кредитнинг ишлатилмаган суммасини қайтариш сифатида Банк томонидан мустақил равишда Кредит бўйича асосий қарзни сўндириш хисобига йўналтирилади.

8.28. Банк ўз хоҳишига кўра ушбу Умумий шартларда кўрсатилган ҳуқуқ/талаблардан бирини қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқлар/талабларнинг қўлланилмаслиги ёки қисман қўлланилиши ушбу ҳуқуқлар/талаблардан воз кечишни англатмайди ва улар Шартноманинг амал қилиш муддати давомида исталган вақтда қўлланилиши мумкин.

8.29. Банк Қарз олувчи билан боғланиш ва унга алоқа воситалари ёрдамида ва Мижоз томонидан алоқа/контакт учун сўровномада кўрсатилган манзиллар (телефонлар) га, шунингдек кейинчалик Мижоздан олинган алоқа маълумотлари бўйича, шу жумладан телефон рақамига SMS-хабарнома юбориш, доимий рўйхатга олиш/ҳақиқий яшаш манзили бўйича почта хизмати орқали, электрон почта орқали ёки бошқа келишилган алоқа/етказиб бериш воситалари орқали муддати ўтган қарздорлик мавжудлиги ва Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги тўғрисида хабарномалар ва билдиришномалар юбориш ҳуқуқига эга

8.30. Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрларга риоя қилинмаган тақдирда, Банк шартнома бўйича янги суммалар ва/ёки янги кредитлар беришни тўхтатиш ҳуқуқига эга, бу ҳақда Қарз олувчига кредит беришни тўхтатиш (тўхтатиб туриш) тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беради.

8.31. Банк Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг розилиги билан бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман топширишга ҳақли.

Банк қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

8.32. Қарз олувчига кредит маблағларини Шартнома шартлари бўйича, шу жумладан бундай шартлар мавжуд бўлганда аванс тўловини амалга ошириш бўйича мажбуриятлар бажарилгандан кейин тақдим этиш;

8.33. Шартнома шартларига мувофиқ Кредитнинг ишлатилган қисмига фоизларни ҳисоблаш;

8.34. кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида Қарз олувчи билан Шартномада келишилган ҳар қандай алоқа усулларидан фойдаланиб, муддати ўтган

қарздорлик вужудга келган санадан бошлаб 7 (етти) календар куни давомида Қарз олувчини белгиланган шаклда қарздорликни сўндириш зарурлиги ва кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳақида хабардор қилиш. Билдиришномани етказиб бериш ва телефон орқали оғзаки эслатиш маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача амалга оширидмайди.

8.35. Мижознинг кредит юкини янада оширишни олдини олиш мақсадида Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорлик пайдо бўлган кундан бошлаб 7 (етти) календар куни ичида электрон почта орқали ёки МБХ воситаларидаги шахсий кабинетда Мижоз томонидан тақдим этилган Анкетада берилган мобил телефони рақамига SMS-хабар/PUSH-хабарнома юбориш йўли билан қарздорликни сўндириш жадвали ва уни сўндириш тартибини илова қилган ҳолда муддати ўтган қарздорлик юзага келганлиги хакида Мижозни хабардор қилиш.

8.36. Қарз олувчи Шартномага мувофиқ кредит бўйича қарздорликни тўлаш мажбуриятларини тўлиқ бажарган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай қуйидаги чоралар кўрилади:

- гаровга қўйилган мол-мулкни тақиқдан озод қилиш;
- гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан Банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги гаров реестридан ёзувни чиқариб ташлаш.

8.37. Шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда, Мижознинг тегишли сўрови Банкка келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни ичида МБХ тизимлари орқали ёки Мижознинг илтимосига биноан ёзма равишда Мижоз томонидан Шартнома бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш.

8.38. Қарз олувчининг тегишли сўрови Банкда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб беш иш куни давомида Мижозга кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш.

8.39. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида, ойига бир марта, Қарз олувчининг оғзаки ёки ёзма сўрови олинган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни давомида қуйидаги маълумотларни бепул тақдим этиш: ўзлаштириш учун кредит миқдори, ушбу Шартнома бўйича асосий қарз қолдиғи, асосий қарз ва фоизлар бўйича сўндириш суммаси, кейинги тўловларнинг ҳажми ва муддатлари, муддати ўтган қарздорликларнинг ҳажми ва таркиби, Кредит бўйича қарздорликни сўндириш тўғрисидаги маълумотлар.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар амалдаги Шартнома шартларига ва қонунчиликка мувофиқ Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

9.2. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бажарилмаслик форс-мажор ҳолатлари, яъни ушбу шароитларда фавқулодда ва қайтариб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида юзага келса. Форс-мажор ҳолатларининг таъсирини Томонлар ваколатли органларнинг ҳужжатлари билан тасдиқлашлари керак. Бундай ҳолатларга, шу жумладан ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, ҳарбий-сиёсий вазиятдаги ўзгаришлар, электр энергиясининг ўчирилиши, иш ташлашлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, ушбу Умумий шартларда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни имконсиз қиладиган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни нашр этиш киради.

9.3. Шу билан бирга, Томонлар ҳар қандай эпидемия ёки касалликларнинг тарқалиши, шунингдек касаллик авж олиши муносабати билан жорий этилаётган чеклов чоралари (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида карантин эълон қилиниши) ушбу Шартнома бўйича "енгилмас куч ҳолати" (форс-мажор) деб тан олинмаслигини англайдилар ва рози бўладилар, ва Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига мувофиқ енгилмас куч қоидаларининг диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда, уни қўллашдан воз кечадилар. Давлат органлари томонидан Томонлар Шартнома бўйича олдин кўра билмаган ва/ёки оқилона чоралар билан бартараф эта олмайдиган мажбуриятларни

тегишли бажаришга чекловлар ўрнатувчи ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилинган ҳолатда ҳам, Шартномадаги ушбу банднинг таъсири қўлланилаверади.

9.4. Қарз олувчи гаров шартномасини, суғурта шартномасини ва гаров предметини суғурта полисини ва/ёки кафиллик шартномасини Шартномада назарда тутилган муддатларда ва шартларда ўз вақтида расмийлаштирмаганлиги ва/ёки бермаганлиги учун Банк Кредитнинг индивидуал шартларига мувофиқ неустойкани ундириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бўйича кредит маблағларини тақдим этиш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун Қарз олувчи кечиктирилган ҳар бир кун учун Банкдан Шартнома бўйича тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасидан 0,1% миқдорида пеня ундириш ҳуқуқига эга, аммо у тақдим этилмаган кредит маблағлари миқдорининг 10% дан кўп бўлмаслиги керак.

9.5. Мижоз кредитни, у бўйича фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш учун, қарзни ундириш бўйича судга кетган харажатларни ва Мижоз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Банкка етказилган бошқа зарарларни қоплашда Банк олдида барча мол-мулки билан жавоб беради.

9.6. Кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун кредитнинг Индивидуал шартларига мувофиқ пеня ҳисобланади. Мижоз Банкка Мижознинг Банкда ва бошқа тижорат банкларида очилган ҳар қандай ҳисобварағидан ҳисобланган пенянинг ҳар қандай миқдорини акцептсиз ва шубҳасиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини тан олади ва беради.

9.7. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Банк Универсал шартнома ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

9.8. Банк кредит ёрдамида содир этилган, ўз назорати доирасидан ташқарида зиддиятли ва низоли вазиятларнинг пайдо бўлиши учун жавобгар эмас. Қарз олувчи кредит объектини миқдори, сифати, тўлиқлиги ва қиймати бўйича танлаш ва кредит Объектини сотадиган Ишлаб чиқарувчи-корхона ёки етказиб берувчи Корхонани танлаш Қарз олувчи томонидан амалга оширилганлигини тасдиқлайди, Банк кредит Объекти сотиб олинадиган ушбу Шартнома асосида кредит объектини сотадиган Ишлаб чиқарувчи-корхона ёки етказиб берувчи Корхонани томонидан шартларнинг тузилиши ва бажарилиши учун жавобгар эмас.

9.9. Банк техник носозликлар (электр таъминоти ва алоқа тармоқларининг узилиши/шикастланиши, Тўлов тизимларининг техник носозликлари) юзага келган тақдирда, ҳисобвараққа пул ўтказиш учун Мижоз томонидан реквизитлар нотўғри/тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, Банк ушбу Умумий шартларни бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

10.1. Кредит бериш тўғрисидаги Шартномадан келиб чиқадиган томонлар ўртасидаги барча низолар ушбу Умумий шартларда ва Универсал шартномада белгиланган тартибда ҳал қилинади.

10.2. Томонлар низони судгача ҳал қилишнинг ягона усули – даъво тартиби (вазиятни ҳал қилиш бўйича ўз нуқтаи назари ва таклифлари кўрсатилган хатлар алмашинуви) эканлигини тан оладилар. Низоларни кўриб чиқишнинг даъво тартиби мажбурийдир.

10.3. Даъво қарз олувчи томонидан даъво хати юборилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) календар кун ичида кўриб чиқилиши керак. Ушбу давр тугагандан кейин Банк муддати ўтган ва муддатли қарздорликларни мажбурий ундириш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

10.4. Қарз олувчи даъвони олмаслик хавфини ўз зиммасига олади.

10.5. Шартномада ва Универсал шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар юзага келганда, ҳар икки Томон ҳам Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қилади.

11. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Шартнома Мижознинг ташаббуси билан исталган вақтда, Банк билан якуний ҳисоб-китоб қилиш ва Банкка Шартномани бекор қилиш тўғрисида ариза бериш орқали Қарзни тўлиқ тўлаш шарти билан бекор қилиниши мумкин..

11.2. Шартнома Мижоз томонидан Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Банк ташаббуси билан бир томонлама суддан ташқари тартибда бекор қилиниши мумкин, шу билан бирга Банк Мижозга бундай бекор қилиш тўғрисида хабар

юборган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кейин ушбу Шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

11.3. Шартномани бекор қилиш Мижознинг Шартнома бўйича Банк олдидаги қарздорлигини сўндириш, жумладан Шартнома муддати давомида юзага келган Банк комиссияларини тўлаш мажбуриятини бекор қилишга олиб келмайди.

11.4. Ушбу Шартнома шартларига ҳар қандай ўзгартириш Томонларнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилади ва ёзма битим билан расмийлаштирилади Шартномага қўшимча келишувлар, агар улар Банкнинг рухсатисиз тузилган бўлса, юридик кучга эга эмас.

12. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

12.1. Шартнома Мижоз томонидан кредитнинг Индивидуал шартлари қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

12.2. Шартнома Автокредит бўйича кредитлаш муддати давомида амал қилади ва Мижоз томонидан у бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилишидан кейин тўхтайди.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Шартномада назарда тутилмаган шартлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

13.2. Мижоз барча алоқа воситаларидан, жумладан, аммо чекланмаган ҳолда: почта тарқатмаси, SMS-жўнатма, овозли хабар, электрон хатларни жўнатиш ва ҳоказоларни қўллаш билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш билан Банк хизматларини оммалаштириш билан боғлиқ бўлган реклама материалларини Банкдан олишга ўз розилигини беради.

13.3. Қарз олувчи вафот этган тақдирда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда унинг меросхўрларига ўтади.

13.4. Агар бирон бир Томон ўзининг ҳуқуқий мақомида ўзгаришларга дуч келса, у ушбу ўзгаришдан олдин ушбу Шартнома бўйича бошқа Томон олдидаги мажбуриятларини бажариши ёки бошқа Томоннинг ёзма розилиги билан ўз ворисига топшириши керак.

ОГОХ БЎЛИНГ! Агар кимдир сизга ва яқинларингизга кредит (қарз) олишда ёрдам беришни таклиф қилса, билингки, "ANOR BANK" АЖ воситачиларнинг хизматларидан фойдаланмасдан мижозлар билан бевосита ишлайди.

"ANOR BANK"
АЖдаги жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш
бўйича Универсал шартномага "Автокредит"
маҳсулотининг умумий шартлари

№11 иловага 1-шакл

Намуна[2]

КРЕДИТНИНГ ТЎЛИҚ ҚИЙМАТИ _ _ _ % (*СУММА ЁЗМА РАВИШДА*) ЙИЛЛИК ФОИЗЛАР

Автотранспорт воситасини
сотиб олиш учун молиявий
истеъмол кредити бериш
тўғрисидаги шартнома №___
"*Маҳсулот номи*"
(Кредит беришнинг индивидуал шартлари)

Тошкент шаҳри _____.202 _ _ йил

«ANOR BANK» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда "Банк" деб номланувчи, ва Ўзбекистон Республикаси Фуқароси _____(паспорт серияси _____), кейинги ўринларда "Қарз олувчи" деб номланувчи ва ўз манфаатларида ҳаракатларни амалга оширувчи, бошқа томондан, биргаликда "Томонлар" "Автокредит" маҳсулотининг умумий шартлари" ва "ANOR BANK" АЖда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича универсал шартномага (кейинги ўринларда "Шартнома" деб аталади) мувофиқ автотранспорт воситасини сотиб олиш учун молиявий истеъмол кредити бериш тўғрисида (Кредитнинг индивидуал шартлари) ушбу Шартномани (Банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган) қуйидагилар тўғрисида тузидилар:

Банк тақдим этиш, Қарз олувчи эса кредитни қуйидаги шартлар асосида қайтариш мажбуриятини олади:

Кредитнинг индивидуал шартлари (КИШ)		
т/р	Шарти	Шартнинг мазмуни
1.	Кредит миқдори	_____*(Сумма, ёзма)*
2.	Шартноманинг амал қилиш муддати	
3.	Кредит бериш	
4.	Фоиз ставкаси	
5.	Кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни сўндириш тартиби (Сўндириш шартлари)	
6.	Қарз олувчининг ташаббуси билан ўзгартиришлар киритиш учун бир марталик комиссия	
7.	Таъминот	
8.	Шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик учун тўлов	

Ушбу КИШга барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
Ушбу КИШ Томонларнинг хоҳиш-иродаси билан Узбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир Томон учун биттадан тузилган.

Банк **Қарз олувчи / Биргаликда қарз олувчи**

[2] **Намуна кредит маҳсулотининг хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин*

"ANOR BANK" АЖда
жисмоний шахсларга хизмат
кўрсатиш бўйича универсал
шартномага

11-илова "Автокредит"
маҳсулотининг умумий
шартлари"га

1-шаклга илова

КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ ЖАДВАЛИ

Мижознинг ФИШ:
Шартнома санаси:
Шартномани сўндириш санаси:
Шартнома суммаси (сўм):
Кредит муддати (ойларда):
Фоиз ставкаси (йиллик):
Кредитни сўндириш усули:
Банк коди (МФО):

№	Тўлов санаси	Кредит қолдиғи	Асосий карз колдиги	Фоизлар	Кредит бўйича жами	Жами барча тўловлар
1						
2						
..						
…						
		Итог				

Кредит бўйича тўловларни тўлаш санаси кредитни сўндириш Жадвалида кўрсатилган саналардан фарқ қилганда, тўлов суммаси кредитнинг Индивидуал шартларига мувофиқ кредит бўйича асосий қарз қолдиғи суммасига ҳисобланган фоизлар миқдорига ўзгаради.
* Кредитни сўндириш Жадвалида кўрсатилган муддатлар ва суммалар Қарз олувчининг муддатли мажбурияти ҳисобланади. Тўлов муддатлари келганда Банк Қарз олувчининг исталган банкдаги мавжуд ҳисобварақларидан кўрсатилган кредит суммасини ва Шартнома бўйича бошқа тўловларни ҳисобдан чиқаради.

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга
хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага
12-илова

"Ўз-ўзини банд қилганлар учун Микрокредит" маҳсулотининг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Анкета - бу мижоз томонидан кредит маблағларини олиш эҳтимолини баҳолаш учун Банкка юбориладиган, ариза шаклига эга ва мижоз ҳақида умумий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат (шунингдек, МБХ-да шакллантирилади).

Микрокредитни ажратиш санаси -Банк томонидан Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига/банк картасига/электрон ҳамёнига пул маблағлари ўтказилган сана.

Қарз олувчи - жисмоний ва юридик шахслар учун шахсий меҳнат иштирокига асосланган, меҳнат даромадларини олишга қаратилган хизматларни, ишларни мустақил равишда амалга оширадиган, давлат солиқ хизмати органларида иш стажини ҳисоблаш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан рўйхатдан ўтган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ва маълум миқдордаги пулни қабул қиладиган ва белгиланган муддатда худди шу миқдордаги пулни қайтариб бериш ва кредитдан фойдаланиш пайтида фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган ўз-ўзини банд қилган шахс.

Микрокредитнинг индивидуал шартлари - Мижозга микрокредит ажратишнинг ўзига хос шартларини, шу жумладан микрокредит миқдори, фоиз ставкаси, муддати ва бошқа шартларни белгилайдиган, шунингдек, бир томондан Банк ва бошқа томондан Қарз олувчи/Кафил/Гаров берувчи ўртасидаги берилган микрокредитнинг параметрлари ва шартлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат (ушбу Умумий шартларга 1-шакл).

Микрокредит - Банк томонидан жисмоний шахсларга муддатлилик, қайтаришлик, таъминланганлик ва тўловлилик шартлари асосида бериладиган пул маблағлари.

1.1. Қолган атамалар ва таърифлар шартномада белгиланган.

2. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. " Ўзини ўзи банд қилган шахсларга микрокредит " маҳсулотининг ушбу умумий шартлари (кейинчалик "Умумий шартлар" деб аталади) Банк томонидан ўзини ўзи банд қилган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида микрокредит (бундан буён матнда "Микрокредит" деб юритилади) ажратиш тартибини белгилайди ва микрокредит ажратиш тўғрисида Шартнома тузишда Мижоз (Қарз олувчи) ва Банк ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

2.2. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисмига, Универсал шартномага мувофиқ тузилади ва Мижоз ушбу умумий шартларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширган пайтдан бошлаб кучга киради ва Мижознинг ушбу Умумий шартларни ҳеч қандай истисноларсиз ёки чекламасдан сўзсиз қабул қилишини англатади.

2.3. Ушбу Умумий шартларга мувофиқ Микрокредит олишни истаган Мижозлар бажариши керак бўлган аниқ талаблар, микрокредит миқдори, муддатлари, бошқа тўловлари, шунингдек бошқа шартлар тегишли маълумотларни оммавий жойга жойлаштириш орқали Мижозлар эътиборига етказилади (Банкнинг интернетдаги расмий сайтида: www.anorbank.uz, МБХ сервисларида, Банкнинг алоқа маркази орқали, оммавий ахборот воситаларида ва бошқаларда).

2.4. Микрокредит бериш шартларига розилик билдирган ва маълумотларни узатиш ва ариза юбориш шартлари бўйича офертани қабул қилган тақдирда,, Мижоз ушбу умумий шартларни МБХ воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки Банк томонидан белгиланган бошқа усуллар билан онлайн режимида қабул қилади. Ушбу розилик Банк учун Мижознинг анкетасини потенциал қарз олувчи сифатида олдиндан кўриб чиқиш учун асос бўлади. Агар Банк Мижознинг аризасини маъқулласа, Банк мижозга Микрокредитнинг индивидуал шартларини тақдим этади. Мижоз томонидан Микрокредитнинг индивидуал шартлари қабул қилинган (акцептланган) тақдирда, ушбу Умумий шартлар ва микрокредитнинг Индивидуал шартларида назарда тутилган шартлар асосида Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома тузилган ҳисобланади.

2.5. Микрокредитнинг индивидуал шартлари мижознинг микрокредитни ҳар бир олишидан олдин алоҳида белгиланади ва Мижознинг мобил иловадаги ёки Интернет-банкдаги шахсий кабинетига, ёки Банк томонидан таклиф қилинган бошқа усулда ўтказилади. Қарз олувчи SMS-хабарни тасдиқлаш ёки Банк томонидан таклиф қилинган бошқа усул орқали Микрокредитнинг индивидуал шартларини қабул қилади ва розилик беради. Қарз олувчи ушбу умумий шартларни ва Микрокредитнинг индивидуал шартларини қабул қилган тақдирда, Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома (Шартнома) ушбу умумий шартлар ва Микрокредитнинг индивидуал шартларида назарда тутилган шартлар асосида тузилган ҳисобланади.

2.6. Мижозни ушбу Умумий шартлар ва тарифлар (шу жумладан, Банк томонидан вақти-вақти билан киритиладиган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар) билан таништириш мақсадида Банк кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни Банк сайтида эълон қилади. Қўшимча равишда, Банк Мижозларга маълумот олиш ва унинг Банкдан келганлигини аниқлаш имконини берадиган бошқа йўллар билан Мижозни хабардор қилиши мумкин. Ушбу маълумотларнинг эълон қилинган санаси унинг банк сайтида биринчи жойлаштирилган санаси ҳисобланади.

3. ССУДА ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ

3.1. Мазкур умумий шартларга мувофиқ банк мижозга миллий валюта - ўзбек сўмида ссуда(лар) ҳисобварақ(лар)ини очади.

3.2. Ҳисобварақлар рақами Банк томонидан бир томонлама белгиланади ва мижозга Шахсий кабинетида (МБХ) маълумотни жойлаштириш орқали хабар қилинади.

4. МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИШ ВА СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Микрокредит Мижозга ушбу Умумий шартларда белгиланган шартларда ва тартибда нақд пулсиз шаклда Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига/банк картасига/электрон ҳамёнига ўтказиш орқали берилади.

4.2. Банкнинг микрокредит ажратиш мажбурияти Микрокредит берилган кундан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

4.3. Микрокредитнинг миқдори, муддати, фоиз ставкаси, тўлаш жадвали Микрокредитнинг индивидуал шартлари билан белгиланади.

4.4. Агар тўлов Санаси банк ишламайдиган кунга тўғри келса, тўлов санаси кейинги энг яқин банк иш куни ҳисобланади. Шу билан бирга, тўлов миқдори ўзгаради (дам олиш кунлари/байрам кунлари учун фоизлар тўлов миқдорига киритилади ва кейинги тўловдан чиқариб ташланади).

4.5. Микрокредит бўйича асосий қарзни сўндириш (қайтариш) Мижоз томонидан Микрокредитнинг индивидуал шартларига мувофиқ микрокредит валютасида амалга оширилади.

4.6. Мижознинг Микрокредитини сўндириш учун келиб тушган маблағлар Микрокредит бўйича асосий қарзни, ҳисобланган фоизларни, неустойкани, комиссияларни ва бошқа шу каби тўловларни қоплашга йўналтирилади. Агар Банк фойдасига келиб тушган тўлов суммаси Қарз олувчига ажратилган Микрокредит бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажариш учун етарли бўлмаса, Қарз олувчининг қарзи қуйидаги кетма-кетликда сўндирилади:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтказиб юборилган қарз ва муддати ўтказиб юборилган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

3) жарима (штраф, пеня);

4) кредиторнинг қарзни тўлаш билан боғлиқ бошқа харажатлари.

4.7. Муддатли қарз (тўлаш муддати келмаган қарздорлик/микрокредитни муддатидан олдин тўлаш) Қарз олувчининг кўрсатмаларига мувофиқ тўланади.

4.8. Асосий қарзни сўндириш ушбу Умумий шартларга мувофиқ тақдим этилган Микрокредит ҳисоби юритиладиган ссуда ҳисобварағида, ҳисобланган фоизлар эса Микрокредит бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олиш ҳисобварағида амалга оширилади. Асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни сундириш санаси кўрсатилган ҳисобварақларга маблағ тушган куни ҳисобланади.

4.9. Микрокредит бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш Банк томонидан қарз олувчининг аризаларини, Банк фармойишларини бажариш ва/ёки Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан маблағларни мемориал ордерлар билан акцептсиз ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, Банк Қарз олувчининг ҳар қандай банкдаги депозит ҳисобварақларидан, шунингдек уларнинг ҳар қандай банкдаги ҳар қандай пластик карталаридан маблағларни (қарзларни) ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

4.10. Микрокредит, фоизлар ва бошқа тўловларни ушбу Умумий шартлар бўйича тўлаш Мижоз томонидан ўзининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағини/микрокредитни тўлаш учун махсус ҳисобварағини /карта ҳисобварағини (МКҲ) Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан, Банк ҳамкорларининг тўлов терминаллари ёхуд банкнинг МБХ ёрдамида тўлдириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Микрокредит бўйича тўловни амалга ошириш учун Мижоз ёки унинг ишончли вакили мобил иловада ёки банк ҳамкорларининг тўлов терминалида маълумотларни тўлдирганда тегишли майдонга "Микрокредит коди"ни киритиши керак. "Микрокредит коди"ни Мижоз Микрокредитни расмийлаштиришда, МБХ тизимлари орқали билиб олиши мумкин.

4.11. Микрокредитни сўндириш жадвали қайта расмийлаштирилганда (шу жумладан, Микрокредит бўйича молиялаштириш бошланиш муддатлари ёки Шартномада назарда тутилган ўзгарувчи фоиз ставкаси ўзгарганда (шу жумладан, Микрокредит реструктуризация қилинганда), Мижоз томонидан Микрокредит қисман муддатидан олдин сўндирилганда, Микрокредит бўйича тўловларни амалга ошириш санаси ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловлари миқдори ўзгарганда), илгари амал қилган Микрокредитни сўндириш жадвали ўз кучини йўқотади ва Қарз олувчига янги Микрокредитни сўндириш жадвали тақдим этилади. Мижоз Микрокредитни сўндиришнинг амалдаги жадвалини Банкнинг мобил иловаси орқали олиши мумкин.

5. МИКРОКРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВ

5.1. Банк Микрокредит бўйича асосий қарзнинг ҳақиқий қолдиғига фоизларни Микрокредитнинг индивидуал шартларида кўрсатилган йиллик фоиз ставкаси асосида ҳисоблаб чиқади.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган ёки капитал бозоридаги ресурслар учун тўловлар оширилган/камайтирилган тақдирда, Микрокредитнинг индивидуал шартларида кўрсатилган микрокредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар миқдори Томонлар тарафидан Оферта акцепти (яъни қўшимча келишув) билан, МБХ орқали ёки ёзма равишда тасдиқланадиган ўзаро келишув бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5.3. Микрокредит бўйича асосий қарз қолдиғи бўйича фоизлар ҳар куни иш кунининг охирида йилига 365 (уч юз олтмиш беш) кун ва ҳар ойда ҳақиқий кунлар сонига қараб ҳисобланади. Ҳисоблаш ссуда ҳисобварағида қарздорлик пайдо бўлган куни амалга оширилади.

5.4. Мижоз Банкка тўлов санасида Микрокредитнинг индивидуал шартларига

мувофиқ ҳисобланган Микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлайди.

5.5. Микрокредитнинг тўлиқ қиймати (МТҚ) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланади. МТҚ таркибий қисмлари ҳақида батафсил маълумотлар Микрокредитнинг индивидуал шарларида келтирилган.

5.6. Шартнома шартларига Мижоз томонидан мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик хавфини келтириб чиқармайдиган ўзгартиришлар киритиш (фоиз ставкасини ошириш, шахсий маълумотлар қисмига ўзгартиришлар киритиш ва ҳ. к.), шунингдек ойлик тўлов миқдорини қайта ҳисоблаш қисмида Микрокредит бўйича асосий қарзни қисман муддатидан олдин тўлаш муносабати билан тўлов жадвалига ўзгартиришлар киритиш Шартнома шартларига ўзгартиришлар киритганлик учун бир марталик комиссия олинмасдан амалга оширилади.

5.7. Таъминот қисмида Шартнома шартларига Қарз олувчи томонидан мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик хавфини келтириб чиқармайдиган ўзгартиришлар киритиш (қўшимча таъминотни тақдим этиш, техпаспорт, кадастр ҳужжатлари, гаров предмети жойлашган жой, суғурта муддати узайтирилганда шахсий маълумотлар қисмида гаров бўйича маълумотлар қисмига ўзгартиришлар киритиш ва ҳ.к.) юқорида кўрсатиб ўтилган Шартнома шартларидаги таъминот қисмига ўзгартиришлар киритганлик учун бир марталик комиссия ундирилмасдан амалга оширилади.

6. МИКРОКРЕДИТНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ.

6.1. Ушбу Умумий шартларга мувофиқ тақдим этиладиган микрокредит қуйидаги таъминот турлари билан таъминланиши мумкин:

6.1.1. Микрокредитни сўндирмаслик хавфининг суғурта полиси. Банк Суғурталовчи билан Микрокредитни сўндирмаслик хавфини суғурта қилиш шартномасини бутун кредитлаш муддати давомига тузади (бундан буён матнда "Таъминот" деб юритилади). Микрокредитни тўламаслик хавфи бўйича суғурта полисининг муайян шартлари Банкни қондирадиган шартлардаги тегишли Суғурта шартномасида (Суғурта бўйича келишувда) келишилади. Таъминот Индивидуал шартларда кўрсатилган миқдорда қабул қилинади.

Бунда, Микрокредитни сўндирмаслик хавфини суғурталаш Шартномаси/Келишуви бўйича суғурта мукофотини тўлаш мажбурияти Мижозга юклатилади.

6.1.2. Мижоз/учинчи шахсларнинг алоҳида депозит ҳисобварағига жойлаштирилган пул маблағлари гарови билан. Таъминот ҳажми Индивидуал шартларда кўрсатилади.

6.1.3. Учинчи шахснинг кафиллиги билан, таъминот Миқдори Индивидуал шартларда кўрсатилади.

6.1.4. Мижознинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақлари ва омонатларига тушадиган ва/ёки жойлаштирилган пул маблағлари, шу жумладан ижарага бериладиган мол-мулк даромадларидан, омонатлар бўйича фоизлардан, иш ҳақи ва бошқа даромадлардан тушадиган пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқи билан. Таъминот ҳажми Индивидуал шартларда кўрсатилади.

6.1.5. Транспорт воситалари/махсус техника/кўчмас мулк гарови билан. Гаровнинг аниқ шартлари нотариал тасдиқланган Гаров шартномасида белгиланади. Мижоз "Гаров предмети"ни Банк томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурталашни ва Микрокредит шартномасининг бутун муддати давомида суғурталашни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Суғурта ҳодисаси юз берганда фойда олувчи Банк ҳисобланади. Тегишли равишда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тарзда расмийлаштирилган Гаров предметини гаровга қўйиш шартномаси Қарз олувчи томонидан микрокредит тақдим этилган санадан олдин Банкка тақдим этилиши керак. Таъминот ҳажми индивидуал шартларда кўрсатилади.

6.2. Агар Мижоз Микрокредитнинг индивидуал шартлари шартларидан келиб чиқадиган Микрокредит бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни белгиланган санага қадар тўловни амалга ошира олмайдиган вазият юзага келса ва/ёки Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бузса, Мижоз Банкка ушбу Умумий шартларга, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ундирувни

таъминотга ва/ёки у(лар)нинг қисм(лар)ига қаратиш ва/ёки Мижознинг қарздорлигини Суғурталовчидан ундириш бўйича сўзсиз ва қайтариб бўлмайдиган ҳуқуқни беради, Банк эса ушбу ҳуқуқни қабул қилади.

7. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.

7.1. Микрокредит ажратиш тўғрисида шартнома тузиб, шунингдек Банкка анкета, ариза юбориш орқали Мижоз Банкка Мижоз томонидан тақдим этилган қоғоз ва/ёки электрон воситалардаги шахсий маълумотларни йиғиш, ёзиб олиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқариб олиш, фойдаланиш, узатиш (бериш, кириш, шу жумладан шахсий маълумотларни қайта ишлашни учинчи шахсларга топширишда), Мижознинг шахсий маълумотларини эгасизлантириш, блокировка қилиш, ўчириш, йўқ қилиш бўйича автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ва/ёки фойдаланмасдан қайта ишлаш ҳуқуқини (розилигини) беради.

7.2. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома мақсадлари учун Мижознинг шахсий маълумотлари деганда Банкка Мижоз томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан тақдим этилган, Мижозга бевосита ёки билвосита аниқланган ёки унинг ёрдамида белгиланадиган маълумотлар, шу жумладан қуйидаги маълумотлар тушунилади: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси, ойи ва йили; жинси; алоқа маълумотлари (телефон рақамлари, электрон почта манзиллари); шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш жойи ва/ёки турган жойи тўғрисидаги маълумотлар, маълумоти, оилавий аҳволи, болалари сони, бандлиги ва фаолият соҳаси тўғрисидаги маълумотлар, иш берувчи тўғрисидаги, ўртача ойлик даромади ва ойлик харажатлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар.

7.3. Мижознинг юқорида кўрсатиб ўтилган шахсий маълумотларига ишлов бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: Банк томонидан Мижоз билан Микрокредит ажратиш тўғрисида шартнома тузиш имкониятини кўриб чиқиш, уни тузиш масаласи бўйича ижобий ёки салбий қарор банк томонидан, шу жумладан Мижознинг шахсий маълумотларини фақат автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш йўли билан қабул қилиниши мумкин; Мижоз тақдим этган маълумотларнинг ишончлилигини текшириш; юқорида кўрсатиб ўтилган Шартномани бажариш ва тугатиш; Шартнома бўйича қарздорликни талаб қилиш (сўндириш, ундириш); Мижознинг тўлов қобилиятини баҳолаш; унинг иш жойини, яшаш жойининг ҳақиқий манзилини, телефон рақамини ва Мижоздан олинган бошқа маълумотларни қидириш ва текшириш; Мижознинг Банк маҳсулотларига бўлган қизиқишини аниқлаш; Мижозни маркетинг сегментларига тайинлаш; Мижозга Банкнинг бошқа маҳсулотларини тарғиб қилиш хизматларини кўрсатиш (шу жумладан Банк томонидан тақдим этиладиган бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа шартномалар тузиш имкониятини Банк томонидан кўриб чиқиш).

7.4. Мижоз микрокредит бериш тўғрисида шартнома тузишда Банкка исталган вақтда кредит битимини тузиш, ўзгартириш ва ижросини мониторинг қилишда таваккалчиликни баҳолаш мақсадида, шу жумладан кредит ахбороти субъектларини рейтинг баҳолаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадларда кредит тарихи бюросидан ўзининг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни сўраб олишни топширади.

8. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Мижоз (Қарз олувчи) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Микрокредитни исталган вақтда Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатлардан олдин, жарима санкцияларини ундирмасдан тўлаш.

8.2. Пул маблағларини олишдан олдинги даврда Микрокредит ажратиш тўғрисида шартнома тузилгандан сўнг Микрокредит олишдан бепул воз кечиш.

8.3. Депозитнинг (омонатнинг) амал қилиш муддатидан қатъи назар, Микрокредит бўйича гаровда бўлган ўз депозитининг (омонатнинг, агар мавжуд бўлса) маблағларини микрокредитни сундиришга йўналтириш. Бунда, агар Мижоз Микрокредитни қайтариш учун Микрокредит бўйича гаровга қўйилган муддатли депозит (омонат) маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугашидан олдин йўналтирмоқчи бўлса,

у бу ҳақда Банкка депозитни (омонатни) сундиришнинг тахминий санасидан камида бир ой олдин хабар бериши керак.

8.4. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома амал қилиш даврида бир иш куни давомида ойига бир марта қуйидаги маълумотларни бепул ёзма шаклда олиш:

– Микрокредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси тўғрисида;

– асосий сумма бўйича қарз қолдиғи тўғрисида;

– кейинги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари тўғрисида (тўловлар жадвали);

– муддати ўтган қарздорликнинг миқдори ва таркиби тўғрисида;

– тушган маблағлар Микрокредит бўйича қарзни тўлашга йўналтирилиши тўғрисида.

Мижоз бундай турдаги ҳужжатлар алмашинуви қоғоздаги ҳужжатга тенглаштириладиган ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлган МБХ воситалари орқали электрон шаклда амалга оширилиши шартини қабул қилади.

8.5. Микрокредит суммасидан Микрокредит ажратиш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 14 (ўн тўрт) кун ичида фойдаланиш. Банкнинг хоҳишига кўра, ушбу даврдан кейин Микрокредитнинг фойдаланилмаган қисми ўзлаштирилмайди.

8.6. Универсал шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар

Мижоз (Қарз олувчи) қуйидаги мажбуриятларни олади:

8.7. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ қарздорликни тўлаш ва шартномада назарда тутилган Банкнинг барча тўловлари ва хизматларини тўлиқ ҳажмда тўлаш, шу жумладан амалга оширилган операциялар бўйича эътирозлар билдирилган тақдирда, бундай эътирозларни қондириш бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар.

8.8. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномада ва Банкнинг амалдаги тарифларида назарда тутилган комиссиялар ва тўловларни банкка тўлаш.

8.9. Ҳисобварақда Микрокредит бўйича тўловлар миқдорини тўлов санасидан кечиктирмай таъминлаш. Тўлов санасида (шу жумладан) ҳисобварақда банк томонидан Микрокредит бўйича тўловларни ҳисобдан чиқариш учун етарли маблағ бўлмаса, муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлади, бу ҳақда маълумот Банк томонидан кредит бюроларига тақдим этилади, бу эса Мижознинг кредит тарихига салбий таъсир қилади.

8.10. Банк картасини (Микрокредит тақдим этилган) ва/ёки мобил телефон рақамини ва/ёки МБХга уланган абонент қурилмасини учинчи шахсларга фойдаланиш учун бермаслик. Мижоз ушбу бандни бузган тақдирда, барча ҳаракатлар ва операциялар учун Мижоз жавоб беради.

8.11. Банкнинг сўровига биноан, агар керак бўлса, Банкнинг тегишли сўрови олинган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Мижознинг молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларни Банкка тақдим этиш.

8.12. Тўлиқ исми, яшаш жойи, иш жойи, индивидуал маълумотлари, шахсий, биографик маълумотлари ёки бошқа маълумотлари ўзгарган тақдирда, бундай ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 1 (бир) кун ичида Банкка ушбу ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш.

8.13. Мижознинг молиявий аҳволи ёмонлашишига ва Мижознинг микрокредит шартномаси бўйича Банк олдидаги мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик хавфи пайдо бўлишига олиб келадиган ҳеч қандай мажбуриятларни олмаслик ва чораларни кўрмаслик.

8.14. Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларни Банк, унинг ходимлари ва ҳуқуқий ворислари, жалб қилинган аутсорсинг компаниялари томонидан ҳар қандай ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, Мижоз томонидан Микрокредит олиш учун тақдим этилган сўровнома ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти жойига ташриф буюриш орқали текшириш ва қайта текшириш имкониятини бериш;

8.15. Микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома шартларидан келиб чиқадиган Микрокредит бўйича асосий қарз, фоизлар, неустойка ва/ёки бошқа тўловлар бўйича тўлов

муддати келганда, шунингдек Мижознинг бошқа банклардаги ҳисобварақларидан Микрокредит бериш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган навбат тартибида Банкка Мижознинг Банкдаги исталган ҳисобварағидан маблағларни акцептсиз, сўзсиз чақириб олинмайдиган ҳуқуқни тақдим этиш.

8.16. Банкнинг талабига кўра, унга етказилган барча харажатлар ва зарарларни, шу жумладан Шартнома доирасида тақдим этилган Микрокредит (асосий қарз ва бошқа тўловлар) бўйича қарздорликни мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш чораларини кўриш муносабати билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

8.17. Мижоз Банкнинг розилигисиз Микрокредит бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга ҳақли эмас.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.18. Микрокредит ажратиш жараёнида Банк Мижознинг молиявий ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга. Бундай текширувларни ўтказиш даврийлиги Банк томонидан белгиланади;

8.19. Қуйидаги ҳолатларда:

1) Мижоз томонидан Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бузилган ва/ёки бажарилмаган ва/ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда;

2) Мижознинг молиявий аҳволи ёмонлашган ва/ёки Мижозга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва/ёки Мижознинг қарзни қоплаш таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулки хатланган бўлса ва/ёки Мижознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулки билан амалиётлар музлатилган ва/ёки тўхтатиб турилган тақдирда;

3) Банк томонидан Мижоз нотўғри маълумотларни тақдим этганлиги холатлари аниқланганда;

4) Мижоз Банк назоратидан бўйин товлаган, жумладан Мижозни тегишли тарзда назорат қилиш имкони бўлмаган ва/ёки Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ички назорат қоидалари талабларига мувофиқ Мижоз тижорат банкларида шубҳали ва/ёки гумонли операцияларни амалга оширган тақдирда;

5) ушбу Умумий шартлардан келиб чиқадиган Микрокредит бўйича асосий қарз, фоизлар, комиссиялар ва/ёки бошқа тўловларни ўз вақтида тўламаганда;

6) Микрокредит қайтарилмаслиги хавфини оширадиган ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда;

7) Банк Картасидан (Микрокредит берилган) рухсатсиз фойдаланишга шубҳа бўлган тақдирда;

8) Банк томонидан талаб қилинган, шу жумладан Микрокредит, Мижознинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиш учун сўралганда ёлғон маълумотлар (ҳужжатлар) тақдим этилган ёки маълумотларни (ахборотларни) тақдим этишдан бош тортган тақдирда.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– шартнома бўйича Микрокредит ажратишни бир томонлама тартибда муддатидан олдин тўхтатиб, Мижозни бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда хабардор қилиб, Микрокредитни муддатидан олдин ундириш, шу жумладан гаров предмети (буюмлари) ва/ёки унинг (уларнинг) қисми(лари)га ундиришни қаратиш ва/ёки қарздорлик миқдорини Кафил/Гаровга берувчи/Суғурталовчидан ундириш.

– Ёзма хабарнома юборилган сана унинг Мижозга/Гаров берувчига/Кафилга топширилган санаси ёки почта орқали жўнатилган санаси ҳисобланади;

– шартнома бўйича янги суммалар ва/ёки янги кредитлар/қарзлар беришни тўхтатиш;

– шартнома бўйича қарздорликни муддатидан олдин ундириш учун тақдим этиш;

– нотариат органлари орқали ижро ёзувини олиш орқали кредит бўйича муддати ўтган ва тўлиқ қарздорликларни ундириш;

– ўз хоҳишига кўра, комиссия ва/ёки неустойка миқдорини ундирмаслик;

– якка тартибдаги мутлақ ихтиёрига кўра микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича

мажбуриятларни ундириш ва мажбурий ижро этиш бўйича суд тартибларини бошлаш;

– Қарз олувчининг Банкда очилган ҳар қандай ҳисобварағидан Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома шартларидан келиб чиқадиган Микрокредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш учун йўналтириш билан ва улар бўлмаган тақдирда – бошқа ҳисобварақлардан, шу жумладан бошқа банклардаги ҳисобварақларидан маблағларни акцептсиз ва сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш.

8.20. Мижознинг сўндириш ҳисобварағига қайтариш натижасида келиб тушган маблағлар Банк томонидан Микрокредит бўйича асосий қарзни сўндириш ҳисобига Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича фойдаланилмаган Микрокредит миқдорини қайтариш сифатида мустақил равишда йўналтирилади.

8.21. Банк ўз хоҳишига кўра ушбу умумий шартларда кўрсатилган ҳар қандай ҳуқуқ/талабларни қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқлар/талабларни қўлламаслик ёки қисман қўллаш ушбу ҳуқуқлар/талаблардан воз кечишни англатмайди ва улар Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномаси муддати давомида исталган вақтда қўлланилиши мумкин.

8.22. Банк Мижоз билан боғланиши ва унга алоқа воситалари ва анкетада кўрсатилган манзиллар (телефонлар) ва Мижоз томонидан Микрокредит олиш учун банкка тақдим этилган бошқа ҳужжатлар, шунингдек Мижоздан олинган алоқа маълумотлари, шу жумладан телефон алоқаси, телефон рақамига SMS-хабарнома юбориш, почта хизмати орқали, доимий рўйхатдан ўтиш/ҳақиқий яшаш манзили, электрон почта ёки бошқа алоқа воситалари орқали, шунингдек доимий рўйхатдан ўтиш/ҳақиқий яшаш/иш жойининг кўрсатилган манзили бўйича Мижозга ташриф буюриш орқали Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорликлар ва мажбуриятлар бажарилмаганлиги тўғрисида огоҳлантиришлар ва билдиришномаларни юбориш ҳуқуқига эга.

Банк қуйидаги мажбуриятларни олади:

8.23. Мижозга Микрокредитдан лимит доирасида ва Умумий шартларда белгиланган муддатларда фойдаланиш имкониятини бериш;

8.24. Микрокредит бўйича қарзни ундириш мақсадида, Шартномада Мижоз билан келишилган ҳар қандай алоқа усулларидан фойдаланган ҳолда, қарздорликни тўлаш зарурлиги ва Микрокредит бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари тўғрисида муддати ўтган қарздорлик пайдо бўлган кундан бошлаб 7 (етти) календар кун ичида Мижозга белгиланган шаклда хабар бериш. Хабарномани шахсан топшириш ва бу ҳақда оғзаки эслатиш маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача амалга оширилмайди.

8.25. Мижознинг кредит юки янада ошиб кетишини олдини олиш мақсадида Микрокредит ажратиш шартномаси бўйича муддати ўтган қарздорлик пайдо бўлган санадан эътиборан 7 (етти) календар кун ичида электрон почта алоқаси орқали ёхуд МБХ воситаларидаги шахсий кабинетга ёхуд Мижоз томонидан Анкетада тақдим этилган телефон рақамига SMS-хабар/PUSH-хабарнома юбориш орқали муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлганлиги тўғрисида, тўлов жадвали ва уни тўлаш тартибини илова қилган ҳолда хабардор қилиш.

8.26. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар Банкка Мижознинг тегишли сўрови келиб тушган кундан эътиборан бир иш куни мобайнида тўлиқ бажарилган тақдирда, Мижознинг Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни МБХ тизимлари орқали ёки Мижознинг хоҳишига кўра ёзма шаклда тақдим этиш.

8.27. Қарз олувчи Шартномага мувофиқ Кредит бўйича қарзни тўлаш мажбуриятларини тўлиқ бажарган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай қуйидаги чоралар кўрилади:

- гаровга қўйилган мол-мулкни тақиқдан чиқариш;

- гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан Банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги гаров реестридан ёзувни чиқариб ташлаш;

8.28. Микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда, Қарз олувчининг тегишли сўрови Банкда рўйхатдан ўтказилган

кундан бошлаб бир иш куни ичида Қарз олувчи томонидан микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш.

8.29. Қарз олувчининг тегишли сўрови Банкда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн иш куни ичида Қарз олувчига Шартнома бўйича Микрокредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш.

9. МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлар Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун унинг шартлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

9.2. Агар бажармаслик енгилмас куч ҳолатлари, яъни ушбу шароитларда фавқулодда ва муқаррар бўлган ҳолатлар натижасида юзага келса, Томонлар Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади. Енгилмас куч ҳолатларининг таъсирини Томонлар ваколатли органларнинг ҳужжатлари билан тасдиқлашлари керак. Бундай ҳолатларга, шу жумладан, ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар, ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, электр энергиясининг узилиши, иш ташлашлар, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, ушбу Умумий шартларда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни имконсиз қиладиган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар чиқарилиши киради.

9.3. Шу билан бирга, Томонлар пандемия коронавирус инфекцияси (COVID-19) ва (ёки) бошқа ҳар қандай эпидемиялар ёки касалликларнинг тарқалиши, шунингдек, пандемия муносабати билан жорий этилаётган чекловчи чоралар (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида карантин эълон қилиниши) ушбу Шартнома бўйича "енгилмас куч ҳолати" (форс-мажор) деб тан олинмаслигини англайдилар ва унга рози бўладилар, ва Томонлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига мувофиқ унинг диспозитивлигини ҳисобга олган ҳолда енгилмас куч ҳолатлари тўғрисидаги қоидаларни қўллашни истисно қиладилар. Ушбу банднинг амал қилиши давлат органлари томонидан Шартнома бўйича Томонлар олдиндан кўра олмаган ёки оқилона чоралар билан олдини ола олмаган мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун чекловлар ўрнатадиган ҳаракатлар ёки қарорлар қабул қилинган тақдирда ҳам қўлланилади.

9.4. Мижоз Микрокредит, фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши, шунингдек Мижознинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли қарзни ундириш бўйича суд харажатлари ва Банкнинг бошқа зарарларини қоплаш учун Банк олдида барча мол-мулки билан жавоб беради.

9.5. Микрокредит ва унга қўшиб ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун Микрокредитнинг Индивидуал шартларига мувофиқ жарима ундирилади. Мижоз Банкда ва бошқа тижорат банкларида очилган Мижознинг ҳар қандай ҳисобрақамидан акцептсиз ва сўзсиз тартибда ҳисобланган жариманинг ҳар қандай суммасини ечилишини тан олади ва Банкга бу ҳуқуқни беради.

9.6. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Банк Универсал шартнома ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

9.7. Банк Микрокредитдан фойдаланиб амалга оширилган ўз назорати доирасидан ташқаридаги зиддиятли ва баҳсли вазиятларнинг юзага келиши учун жавобгар эмас.

9.8. Техник носозликлар (электр таъминоти ва алоқа тармоқлари узилиши/шикастланиши, тўлов тизимларининг ишлашидаги техник носозликлар), Мижоз томонидан ҳисобварағига пул ўтказиш учун реквизитлар нотўғри кўрсатилган/тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда, Банк ушбу Умумий шартларни бажармаганлиги ёки ўз вақтида

бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

9.9. Банк йилига қарз олиш миқдорининг ярмидан кўп бўлмаган миқдорда фоизлар, комиссиялар, пеняларни ҳисоблаш ва ундириш ҳуқуқига эга.

9.10. Мижоз микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича кредит маблағларини тақдим этиш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун Банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун микрокредит бериш тўғрисидаги шартнома бўйича тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида, бироқ тақдим этилмаган кредит маблағлари суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундириш ҳуқуқига эга.

10. МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА БЎЙИЧА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Томонлар тарафидан Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар Томонлар тарафидан ўзаро мақбул ечимни ишлаб чиқиш учун дастлабки тартибда кўриб чиқилади.

10.2. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномадан келиб чиқадиган Томонлар ўртасидаги барча низолар ушбу Умумий шартларда ва Универсал шартномада назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

11. МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома исталган вақтда Мижознинг ташаббуси билан ва Банк билан якуний ҳисоб-китоб қилинганлиги ва Банкка Шартномани бекор қилишга ариза берилганда Қарздорлик тўлиқ тўланганлигини шарти билан бекор қилиниши мумкин.

11.2. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома Банк ташаббуси билан Мижоз кўрсатиб ўтилган Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган тақдирда бир томонлама суддан ташқари тартибда бекор қилиниши мумкин, бунда ушбу Шартнома Банк томонидан Мижозга бундай бекор қилинганлиги тўғрисида хабарнома юборилган кундан эътиборан 3 (уч) кундан кейин бекор қилинган ҳисобланади.

11.3. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартномани бекор қилиниши Мижознинг ушбу Шартнома бўйича Банк олдидаги қарзини, шу жумладан Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома даврида юзага келган Банк комиссияларини тўлаш мажбуриятларидан озод қилмайди.

12. МИКРОКРЕДИТ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

12.1. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома Мижоз Микрокредитнинг индивидуал шартларини қабул қилган пайтдан бошлаб кучга киради.

12.2. Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартнома Микрокредит бўйича кредитлаш даврида амал қилади ва Мижоз у бўйича мажбуриятларни тўлиқ бажаргандан кейин тўхтатилади.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Мазкур Умумий шартларда ва Микрокредит ажратиш тўғрисидаги шартноманинг шартларида келтирилган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

13.2. Мижоз барча алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш орқали Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлиқ реклама материалларини банкдан олишга розилигини билдиради, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган: почта тарқатмалари, SMS-тарқатмалар, овозли тарқатмалар, электрон хатлар тарқатмалари ва бошқалар.

13.3. Агар низолар юзага келса, банк ёзувлари ушбу Шартнома бўйича иккала

томоннинг мажбуриятларининг асосий исботи бўлади.

13.4. Мижоз вафот этган тақдирда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг бевосита меросхўрларига ўтказилади.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ! Агар кимдир сизга ва яқинларингизга кредит (микрокредит) олишда ёрдам таклиф қилса, билингки, "ANOR BANK" АЖ мижозлар билан тўғридан-тўғри воситачилар хизматидан фойдаланмасдан ишлайди.

"Микрокредит"
маҳсулотининг умумий шартлари

12-иловага 1-шакл

Намуна[3]

КРЕДИТНИНГ ТЎЛИҚ ҚИЙМАТИ ___% (*МИҚДОРИ СЎЗ БИЛАН*) ЙИЛЛИК ФОИЗДА

_____-сонли микрокредит
бериш тўғрисидаги шартнома
"*Маҳсулот номи*"
(Микрокредит ажратишнинг индивидуал шартлари)

Тошкент ш. _.____.202_й.

"ANOR BANK" акциядорлик жамияти, кейинчалик "Банк" деб аталади, бир томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Фуқароси _____(паспорт серияси _____), кейинги ўринларда "Қарз олувчи" деб номланувчи ва ўз манфаатларида ҳаракатларни амалга оширувчи, , бошқа томондан, биргаликда "Томонлар" деб аталади, мазкур Микрокредит ажратиш тўғрисидаги ушбу Шартномани (Микрокредитнинг якка тартибдаги шартлари) (бундан буён матнда "Шартнома" деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

Банк қуйидаги шартларда, шунингдек Шартноманинг ажралмас қисми бўлган ва "Банк"нинг расмий сайтида жойлаштирилган "Микрокредитни тақдим этишнинг умумий шартлари"га мувофиқ Микрокредит тақдим этишни, Қарз олувчи эса қайтаришни ўз зиммасига олади.

Микрокредитнинг индивидуал шартлари		
т/р	Шарт	Шартнинг мазмуни
1.	Микрокредит суммаси	_____*(Сумма ёзма равишда)*
2.	Шартноманинг амал қилиш муддати	
3.	Микрокредит ажратиш	
4.	Фоиз ставкаси	
5.	Микрокредит бўйича асосий қарз ва фоизларни сўндириш тартиби Сўндириш шартлари:	
6.	Қарз олувчининг ташаббуси билан ўзгартиришлар киритиш учун бир марталик комиссия	
7.	Таъминоти	
8.	Микрокредит ва у бўйича ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун	
9.	Микрокредитнинг тўлиқ қиймати (МТҚ) қуйидагиларни ўз ичига олади	

[3] *Намуна кредит маҳсулотининг ўзига хос хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин*

_____ йил “__” _____даги
_____-сонли
Микрокредит бериш тўғрисидаги шартномага
Микрокредитнинг якка тартибдаги
шартларига
1-илова

МИКРОКРЕДИТНИ ТЎЛАШ ЖАДВАЛИ

Мижознинг ФИШ:
Шартнома санаси:
Шартномани тугаш муддати:
Шартнома суммаси (сўм):
Микрокредит муддати (ойларда):
Фоиз ставкаси (йиллик):
Микрокредитни усули:

Банк коди (МФО):

№	Тўловлар санаси	Микрокредит қолдиғи	Асосий қарз	Фоизлар	Жами
1					
2					
..					
…					
		Якунлар			

*** Микрокредит бўйича тўловлар тўлов жадвалида кўрсатилганидан бошқа саналарда тўланган тақдирда, тўлов суммаси Микрокредитнинг индивидуал шартларининг 4-бандига мувофиқ Микрокредит бўйича асосий қарз қолдиғи суммасига ҳисобланган фоизлар суммасига ўзгартирилади.**

«ANOR BANK» АЖда жисмоний шахсларга
хизмат кўрсатиш бўйича Универсал шартномага
13-илова

"Кредит карта" маҳсулотининг
УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Сўровнома - бу Мижоз (потенциал қарз олувчи) томонидан кредит картасини тақдим этиш эҳтимолини баҳолаш учун Банкка юбориладиган, Мижоз ҳақида умумий маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат (шунингдек, МБХда шакллантириладиган).

Ариза - Мижоз тўғрисидаги маълумотлар, сўралган кредитлаш параметрлари ва Мижознинг шахсий маълумотларини интеграциялашган маълумотлар базаларидан қайта ишлаш/узатишга розилигини ўз ичига олган, Банкка бериладиган электрон шаклдаги ҳужжат, Ариза Мижоз томонидан оддий электрон имзо билан тасдиқланиши мумкин.

Қарз олувчи - жисмоний ва юридик шахслар учун меҳнат даромадларини олишга йўналтирилган хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнат иштирокига асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи, давлат солиқ хизмати органларида меҳнат стажини ҳисоблаш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан рўйхатдан ўтказилган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ва Банкка "Кредит карта" маҳсулотини олиш учун ариза берувчи жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахс) ёки ўз-ўзини банд қилган шахс.

Кўчирма - ҳисобот даврида амалга оширилган Қарз олувчининг Банк ҳисобварағидаги операциялар, Банк олдидаги умумий қарз миқдори (қарзнинг барча турлари, шу жумладан фоизлар ва бошқа тўловлар бўйича) тўғрисидаги маълумотлар.

Қарздорлик- Қарз олувчи томонидан Шартнома бўйича тўланиши керак бўлган барча пул маблағлари, шу жумладан асосий қарз миқдори, Техник овердрафт миқдори, ҳисобланган, аммо тўланмаган комиссиялар, жарималар ва Шартнома ва Банк тарифларида назарда тутилган бошқа тўловлар.

Кредит картани тақдим этишнинг индивидуал шартлари *(ушбу умумий шартларга 1 - илова)* - Кредит лимити миқдорини белгилайди, шунингдек бериладиган ссуда шартлари ва параметрлари соҳасидаги томонларнинг муносабатларини тартибга солади.

Муддати ўтган қарздорлик бўйича хабардор қилиш - муддати ўтган қарзни қайтариш мақсадида Банк томонидан қўлланиладиган Қарз олувчи билан ўзаро муносабатлар усуллари.

Кредит карта (кейинчалик - Карта ёки кредит деб юритилади) - "ANOR BANK" АЖ томонидан чиқарилган банк картаси, шу жумладан Қарз олувчи томонидан Кредит лимити доирасида кредит операцияларини амалга ошириш, шунингдек кредит бўйича қарзни тўлаш учун мўлжалланган виртуал карта. Карта Банкнинг мулки бўлиб, Банк томонидан Қарз олувчига вақтинча фойдаланиш учун тақдим этилади.

Кириш коди- Банк томонидан яратиладиган ва Мижозга SMS-хабар шаклида Мижознинг мобил телефон рақамига юбориладиган, Мижоз томонидан операция, ариза беришда фойдаланиладиган махсус бир марталик ўзгарувчан код. Аризалар, топшириқларни топширишда кириш кодини киритиш Томонлар тарафидан Мижознинг ўз қўли билан имзолаган имзосининг аналоги сифатида тан олинади. Кириш кодидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган Мижознинг барча ҳаракатларига эътироз билдирилмайди ва Мижоз томонидан шахсан содир этилган деб тан олинади ва амалдаги

Қонунчилик талабларига мувофиқ Мижоз учун ўз қўли билан имзоланган имзолардан фойдаланишга ўхшаш ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Кредит лимити - Қарз олувчи фойдаланиши учун Банк томонидан белгиланган тикланувчан Кредитнинг максимал миқдори.

Маркетинг хабардорлик - Қарз олувчининг Банк ва Банк Ҳамкорларига Банкнинг янги маҳсулотлари, акциялари ва хизматлари тўғрисида техник алоқа воситалари (шу жумладан SMS/PUSH-билдиришномалар, электрон почта манзилига хабарлар юбориш) ёрдамида тўғридан-тўғри алоқа қилиш орқали хабардор қилишга розилиги.

Фойдаланилмаган кредит лимити - Кредит лимити ва Қарз олувчининг Банк олдидаги жорий қарзи ўртасидаги фарқни ташкил этувчи пул маблағлари миқдори.

Амалиёт - карта ёрдамида амалга оширилган ва Ҳисобда акс эттирилиши керак бўлган, шунингдек Карта ва/ёки Карта реквизитлари ёрдамида амалга оширилган ҳар қандай амалиёт (харажатлар ёки даромадлар бўйича).

Виртуал карта - Ариза-анкета асосида ушбу Умумий шартларга мувофиқ Мижоз учун Банк томонидан чиқариладиган ва тақдим этилган лимит туфайли ушбу Умумий шартларда кўзда тутилган амалиётларни Мижоз томонидан амалга ошириш учун мўлжалланган, моддий воситага эга бўлмаган ҳисоб-китоб картаси.

Шахсий маълумотларга ишлов бериш - шахсий маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, қўшиш, ишлатиш, тақдим этиш, тарқатиш, узатиш, шахссизлаштириш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. "Кредит карта" маҳсулотининг ушбу умумий шартлари (кейинчалик "Умумий шартлар" деб аталади) Банк томонидан Мижозга Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида кредит картани бериш тартибини белгилайди ва кредит картани бериш тўғрисида Шартнома тузишда Мижоз ва Банк ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

2.2. "Кредит карта" маҳсулотини МБХ воситаларидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда тақдим этиш тўғрисидаги Шартнома Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 366, 367-моддалари ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ тузилади ва Мижоз ушбу Умумий шартларда назарда тутилган ва бирон бир истисносиз ёки чекловларсиз сўзсиз қабул қилишни англатадиган ҳаракатларни амалга оширган пайтдан бошлаб кучга киради.

2.3. Ушбу Умумий шартларга мувофиқ кредит олишни истаган жисмоний шахслар бажариши керак бўлган аниқ талаблар, ҳар бир Қарз олувчи учун кредит суммасининг минимал ва максимал миқдори, кредит ажратиш муддатлари, бошқа тўловлар, шунингдек бошқа шартлар потенциал қарз олувчилар эътиборига тегишли маълумотларни Банк танлаган умуммаълум жойда жойлаштириш орқали етказилади (Банкнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтида: www.anorbank.uz, Интернет-банкда, мобил иловада, оммавий ахборот воситаларида ва бошқаларда).

2.4. Кредит картасини тақдим этиш ва маълумотларни узатиш ва Буюртма юбориш шартлари бўйича офертани қабул қилиш шартларига рози бўлиб, Қарз олувчи Банкнинг мобил иловаси, "Жисмоний шахслар учун Интернет-банкинг" тизими, шунингдек Банкнинг жисмоний шахсларга мўлжалланган бошқа каналлари ёрдамида онлайн тарзда Кредит ажратиш тўғрисидаги ушбу Умумий шартларни қабул қилади. Ушбу акцепт потенциал Қарз олувчининг аризасини олдиндан кўриб чиқишга Банк учун асос бўлади. Банк Қарз олувчининг акцептини (аризасини) маъқулласа, Банк Қарз олувчига Кредит ажратишнинг Индивидуал шартларини тақдим этади. Кредит ажратишнинг Индивидуал шартларига розилик ушбу Умумий шартларга қўшилиш билан биргаликда "Кредит карта" маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги шартномани (кейинчалик "Шартнома" деб юритилади) шакллантиради

2.5. Кредит ажратишнинг Индивидуал шартлари Қарз олувчи картани ҳар бир олишидан олдин алоҳида белгиланади. Қарз олувчи SMS-хабарни тасдиқлаш ёки Банк томонидан таклиф қилинган бошқа усул орқали Кредитнинг Индивидуал шартларини қабул қилади ва унга рози бўлади. Қарз олувчи ушбу Умумий шартларни қабул қилган ва Қарз олувчи Картани тақдим этишнинг индивидуал шартларини қабул қилган тақдирда, Шартнома ушбу Умумий шартларда ва Кредитни тақдим этишнинг Индивидуал шартларида назарда тутилган шартлар асосида тузилган ҳисобланади.

2.6. Алоҳида хизматлар Банк томонидан Мижоз билан алоҳида тузиладиган, Умумий шартларда назарда тутилмаган битимлар асосида тақдим этилиши мумкин.

2.7. Мижозни ушбу Умумий шартлар ва Банк тарифлари (шу жумладан, банк томонидан вақти-вақти билан киритиладиган ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар) билан таништириш мақсадида, Банк ушбу ҳужжатларни Банк веб-сайтида эълон қилади. Бундан ташқари, Банк Мижозга маълумотни олиш ва унинг Банкдан келиб чиққанлигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усуллар билан хабар бериши мумкин.

.

3. ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

3.1. Мазкур Умумий шартларга мувофиқ Банк Мижозга Карта бўйича қарздорликни ҳисобга олиш учун миллий валюта- ўзбек сўмида Ҳисобварақлар очади.

3.2. Ҳисобварақлар рақами Банк томонидан бир томонлама белгиланади ва мижозга Шахсий кабинетида (жумладан Мобил иловада) маълумот жойлаштириш орқали хабар қилинади.

4. КРЕДИТ АЖРАТИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ, ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА ТАЪМИНОТ

4.1. Шартнома доирасида Банк Мижозга белгиланган кредит лимити доирасида қайта тикланадиган кредит линияси шартлари бўйича картани тақдим этади. Ушбу шартнома бўйича кредит лимити кредит картани тақдим этишнинг индивидуал шартлари билан белгиланади. Кредит карта ва қайта тикланадиган лимитнинг муддати Шартноманинг индивидуал шартларида белгиланади.

4.2. Шартнома бўйича қарз маблағлари Қарз олувчи томонидан шахсий эҳтиёжларини тўлаш учун белгиланган Кредит лимити доирасида нақд пулсиз шаклда тақдим этилади.

4.3. Банк ойлик Тўлов тўланмаган тақдирда, агар бу Кредит лимитидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлганда, шунингдек ушбу Умумий шартларда назарда тутилган бошқа ҳолларда, хусусан, суиистеъмол қилиш белгилари мавжуд бўлганда, Кредит ажратмаслик ҳуқуқига эга.

4.4. Мижоз ҳар куни Шахсий кабинетидаги (МБХ) маълумотларни кўриш орқали қарздорлик ҳолати тўғрисида маълумот олиши шарт.

4.5. Банк ҳар ойда Ойлик тўловни шакллантиради ва Қарз олувчига бу ҳақда Шахсий кабинет орқали ва/ёки SMS-хабарни юбориш орқали (банкнинг хоҳишига кўра) хабар беради. Мижознинг қарз миқдори тўғрисида тўлиқ маълумот Шахсий кабинет орқали Мижозга етказилади.

4.6. Ойлик тўлов миқдори тўғрисида маълумот олинмаган тақдирда, Қарз олувчи Ойлик тўлов миқдори тўғрисида маълумот олиш учун телефон орқали Банкнинг Алоқа марказига мурожаат қилиши шарт. Ушбу маълумотни олмаслик Қарз олувчини тўлов мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.7. Қарз олувчи Ойлик тўловни тўлов Санасидан олдин ўз вақтида тўлаши шарт. Тўланмаган тақдирда, Банк Шартнома доирасида чиқарилган картани блокировка қилиш ҳуқуқига эга. Карта бўйича Амалиётларини тиклаш учун Қарз олувчи ҳосил бўлган муддати ўтган қарздорликни тўлаши керак.

4.8. Агар тўлов Санаси ишламайдиган кунга тўғри келса, тўлов санаси кейинги энг

яқин иш куни ҳисобланади.

4.9. Кредит картаси, фоизлар ва бошқа тўловларни ушбу Умумий шартлар бўйича тўлаш Мижоз томонидан ўзининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағини/кредитни тўлаш учун махсус ҳисобварағини/карта ҳисобварағини (МКҲ) Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларидан пул маблағларини ўтказиш йўли билан, Банк ҳамкорларининг тўлов терминаллари ёхуд банкнинг МБХ ёрдамида тўлдириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Кредит карта бўйича тўловни амалга ошириш учун Мижоз ёки унинг ишончли вакили мобил иловада ёки Банк Ҳамкорларининг тўлов терминалида маълумотларни тўлдирганда тегишли майдонга "Кредит коди"ни киритиши керак. "Кредит коди"ни Мижоз Кредитни расмийлаштиришда, МБХ тизимлари орқали билиб олиши мумкин.

4.10. Қарз олувчининг Банк фойдасига Шартнома бўйича ҳар қандай тўловларни тўлаш мажбурияти Қарз олувчининг Банкдаги ҳисобварағига пул тушган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

4.11. Қарз олувчи томонидан Шартнома бўйича амалга оширилган тўлов суммаси, агар у Қарз олувчининг Шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ бажариш учун етарли бўлмаса, Қарз олувчининг қарзини қуйидаги кетма-кетликда қоплайди:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтказиб юборилган қарз ва муддати ўтказиб юборилган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

3) жарима (штраф, пеня);

4) кредиторнинг қарзни тўлаш билан боғлиқ бошқа харажатлари.

4.12. Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорлик бўлса, ушбу қарздорликни тўлаш тўлов муддати санасидан қатъи назар, Қарз олувчининг ҳисобварағига ҳар қандай пул тушганда амалга оширилади.

4.13. Муддатли қарз (тўлаш муддати келмаган қарздорлик/кредитни муддатидан олдин тўлаш) Қарз олувчининг кўрсатмаларига мувофиқ тўланади.

4.14. Асосий қарзни тўлаш ушбу Умумий шартларга мувофиқ тақдим этилган кредит ҳисоби юритиладиган ссуда ҳисобварағига, ҳисобланган фоизлар эса кредит бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олиш ҳисобварағига амалга оширилади. Асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш санаси кўрсатилган ҳисобварақларга маблағ тушган кун ҳисобланади.

4.15. Кредит бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш Банк томонидан қарз олувчининг аризаларини, Банк фармойишларини бажариш ва/ёки Мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан маблағларни мемориал ордерлар билан акцептсиз ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, Банк Қарз олувчининг ҳар қандай банкдаги депозит ҳисобварақларидан, шунингдек уларнинг ҳар қандай банкдаги ҳар қандай пластик карталаридан маблағларни (қарзларни) ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга.

4.16. Қарзни тўлаш ва Шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ барча харажатлар, агар Қарз олувчи ўз хоҳишига кўра ўзи учун мақбул бўлган тўлов усулларини танлаган ва ишлатган бўлса, у томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

4.17. Кредитнинг тўлиқ қиймати (КТҚ) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланади. Карта тўлиқ қийматининг таркибий қисмлари тўғрисида батафсил маълумотлар кредит картани тақдим этишнинг Индивидуал шартларида келтирилади.

4.18. Шартнома бўйича тақдим этиладиган кредит Қарз олувчининг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақлари ва омонатларига тушган ва/ёки жойлаштирилган пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқи билан, шу жумладан мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар, омонатлар, иш ҳақи ва бошқа даромадлар бўйича фоизлар, пул маблағлари депозитини гаровга қўйиш, кредит қайтарилмаслиги хавфининг суғурта полиси ва учинчи шахсларнинг кафиллиги билан таъминланади. Таъминотнинг муайян тури картани тақдим этишнинг Индивидуал шартларида кўрсатилади.

4.19. Кредитни тўламаслик хавфи суғурта полиси билан. Банк Суғурталовчи билан

кредитни тўламаслик хавфини суғурта қилиш шартномасини бутун кредитлаш муддати давомига тузади (кейинчалик "Таъминот" деб юритилади). Кредитни тўламаслик хавфи бўйича суғурта полисининг муайян шартлари Банкни қондирадиган шартлардаги тегишли Суғурта шартномасида (Суғурта бўйича келишувда) келишилади. Таъминот Индивидуал шартларда кўрсатилган миқдорда қабул қилинади.

Бунда, Кредитни тўламаслик хавфини суғурталаш Шартномаси/Келишуви бўйича суғурта мукофотини тўлаш мажбурияти Мижозга юклатилади.

4.20. Транспорт воситалари/махсус техника/кўчмас мулк гарови билан. Гаровнинг аниқ шартлари нотариал тасдиқланган Гаров шартномасида белгиланади. Мижоз "Гаров предмети"ни Банк томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурталашни ва Карта шартномасининг бутун муддати учун суғурталашни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Суғурта ҳодисаси юз берганда фойда олувчи Банк ҳисобланади. Тегишли равишда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тарзда расмийлаштирилган Гаров предметини гаровга қўйиш шартномаси Қарз олувчи томонидан кредит тақдим этилган санадан олдин Банкка тақдим этилиши керак. Таъминот ҳажми индивидуал шартларда кўрсатилади.

4.21. Мижоз/учинчи шахсларнинг алоҳида депозит ҳисобварағига жойлаштирилган пул маблағлари гарови билан. Таъминот ҳажми Индивидуал шартларда кўрсатилади.

4.22. Агар Мижоз Кредитнинг индивидуал шартлари шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарзни, фоизларни ва/ёки бошқа тўловларни белгиланган санага қадар тўловни амалга ошира олмайдиган вазият юзага келса ва/ёки Кредит картасини бериш тўғрисидаги шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бузса, Мижоз Банкка ушбу Умумий шартларга, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ундирувни таъминотга ва/ёки у(лар)нинг қисм(лар)ига қаратиш ва/ёки Мижознинг қарздорлигини Суғурталовчидан ундириш бўйича сўзсиз ва қайтариб бўлмайдиган ҳуқуқни беради, Банк эса ушбу ҳуқуқни қабул қилади.

5. КРЕДИТ КАРТАНИ ЧИҚАРИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

5.1. Кредит карта (виртуал картадан ташқари) курьерлик хизмати томонидан Мижоз кўрсатган манзилга ёки Карта Мижоз томонидан олинганлигини аниқ белгилашга имкон берадиган бошқа усулда етказиб берилади.

5.2. Банк томонидан Картадаги амалиётларни қайта ишлаш санаси Мижоз томонидан амалга оширилган санага тўғри келмаслиги мумкин.

5.3. Банк Қарз олувчини Карта ва/ёки ҳисобварақдаги амалиётлар тўғрисида Қарз олувчининг Шахсий кабинетида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали хабардор қилади. Амалга оширилган амалиётларлар тўғрисида хабар беришнинг кўрсатилган усулига қўшимча равишда, Банк ўз ихтиёрига кўра, алоҳида қўшимча хизматлар кўрсатилган тақдирда эса, бундай билдиришномаларни SMS-хабарлар ва/ёки PUSH-билдиришномалар орқали юбориш мажбуриятини олади. Қарз олувчи ҳар куни Қарз олувчининг Шахсий кабинетида Банк томонидан жойлаштирилган Карта ва/ёки ҳисобварақда амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотларни текширишни ўз зиммасига олади.

5.4. Картани муддатидан олдин қайта чиқариш Қарз олувчи томонидан Банкка картани қайта чиқариш учун юборилган ариза асосида карта йўқолган/ўғирланган, яроқсиз ҳолга келган, рухсатсиз фойдаланилган ҳолларда Банкнинг қайта чиқариш пайтидаги тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

5.5. Картани расмийлаштириш ва хизмат кўрсатиш учун комиссия, уни тўлаш тартиби ва муддатлари Банк тарифларига мувофиқ белгиланади.

6. КРЕДИТ КАРТАДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТЎЛОВ

6.1. Банк кредит бўйича асосий қарзнинг ҳақиқий қолдиғига фоизларни кредитнинг Индивидуал шартларида кўрсатилган йиллик фоиз ставкаси асосида ҳисоблаб чиқади.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган ёки капитал бозоридаги ресурслар учун тўловлар оширилган/камайтирилган тақдирда, кредитнинг Индивидуал шартларида кўрсатилган кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар миқдори Томонлар тарафидан Оферта акцепти (яъни қўшимча келишув) билан, МБХ орқали ёки ёзма равишда тасдиқланадиган ўзаро келишув бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

6.3. Кредит картаси бўйича асосий қарз қолдиғи бўйича фоизлар ҳар куни иш кунининг охирида йилига 365 (уч юз олтмиш беш) кун ва ҳар ойда ҳақиқий кунлар сонига қараб ҳисобланади. Ҳисоблаш қарз ҳисобварағида қарздорлик пайдо бўлган куни амалга оширилади.

6.4. Мижоз Банкка тўлов санасида кредитнинг Индивидуал шартларига мувофиқ ҳисобланган кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлайди.

6.5. Кредитнинг тўлиқ қиймати (КТҚ) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланади. КТҚ таркибий қисмлари ҳақида батафсил маълумот кредитнинг Индивидуал шартларида келтирилади.

6.6. Шартнома шартларига Мижоз томонидан мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик хавфини келтириб чиқармайдиган ўзгартиришлар киритиш (фоиз ставкасини ошириш, шахсий маълумотлар қисмига ўзгартиришлар киритиш ва ҳ. к.), шунингдек ойлик тўлов миқдорини қайта ҳисоблаш қисмида Микрокредит бўйича асосий қарзни қисман муддатидан олдин тўлаш муносабати билан тўлов жадвалига ўзгартиришлар киритиш Шартнома шартларига ўзгартиришлар киритганлик учун бир марталик комиссия олинмасдан амалга оширилади.

6.7. Таъминот қисмида Шартнома шартларига Қарз олувчи томонидан мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик хавфини келтириб чиқармайдиган ўзгартиришлар киритиш (қўшимча таъминотни тақдим этиш, техпаспорт, кадастр ҳужжатлари, гаров предмети жойлашган жой, суғурта муддати узайтирилганда шахсий маълумотлар қисмида гаров бўйича маълумотлар қисмига ўзгартиришлар киритиш ва ҳ.к.) юқорида кўрсатиб ўтилган Шартнома шартларидаги таъминот қисмига ўзгартиришлар киритганлик учун бир марталик комиссия ундирилмасдан амалга оширилади.

6.8. Кредитни сўндириш жадвали қайта расмийлаштирилганда (шу жумладан, Кредит картаси бўйича молиялаштириш бошланиш муддатлари ёки Шартномада назарда тутилган ўзгарувчи фоиз ставкаси ўзгарганда (шу жумладан, кредит реструктуризация қилинганда), Мижоз томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилганда, кредит бўйича тўловларни амалга ошириш санаси ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловлари миқдори ўзгарганда), илгари амал қилган Кредитни сўндириш жадвали ўз кучини йўқотади ва Қарз олувчига янги Кредитни сўндириш жадвали тақдим этилади. Мижоз Кредитни сўндиришнинг амалдаги жадвалини Банкнинг мобил иловаси орқали олиши мумкин.

7. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.

7.1. Шартнома тузиб, шунингдек Банкка суровнома, ариза юбориш орқали Мижоз Банкка Мижоз томонидан тақдим этилган қоғоз ва/ёки электрон воситалардаги шахсий маълумотларни йиғиш, ёзиб олиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқариб олиш, фойдаланиш, узатиш (бериш, киришга рухсат этиш, шу жумладан шахсий маълумотларни қайта ишлашни учинчи шахсларга топшириш), Мижознинг шахсий маълумотларини шахссизлаштириш, блокировка қилиш, ўчириш, йўқ қилиш бўйича автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ва/ёки фойдаланмасдан қайта ишлаш ҳуқуқини (розилигини) беради.

7.2. Ушбу Шартнома мақсадлари учун Мижознинг шахсий маълумотлари деганда Банкка Мижоз томонидан ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан тақдим этилган, Мижозга бевосита ёки билвосита аниқланган ёки унинг ёрдамида белгиланадиган маълумотлар, шу жумладан қуйидаги маълумотлар тушунилади: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси, ойи ва йили; жинси; алоқа маълумотлари (телефон рақамлари, электрон почта манзиллари); шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; яшаш

жойи ва/ёки турган жойи тўғрисидаги маълумотлар, маълумоти, оилавий аҳволи, болалари сони, бандлиги ва фаолият соҳаси тўғрисидаги маълумотлар, иш берувчи тўғрисидаги, ўртача ойлик даромади ва ойлик харажатлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар.

7.3. Мижознинг юқорида кўрсатиб ўтилган шахсий маълумотларига ишлов бериш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: Банк томонидан Мижоз билан Шартнома тузиш имкониятини кўриб чиқиш, уни тузиш масаласи бўйича ижобий ёки салбий қарор Банк томонидан, шу жумладан Мижознинг шахсий маълумотларини фақат автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш йўли билан қабул қилиниши мумкин; Мижоз тақдим этган маълумотларнинг ишончлилигини текшириш; юқорида кўрсатиб ўтилган Шартномани бажариш ва тугатиш; Шартнома бўйича қарздорликни талаб қилиш (сўндириш, ундириш); Ҳамкорлик тармоғига кирувчи савдо-сервис корхоналари томонидан реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари) сотилиши, ҳамкорлик молия хизматлари тўғрисида шахсий таклифларни шакллантириш; маркетинг коммуникацияларини шахсийлаштириш, Мижознинг тўлов қобилиятини баҳолаш; унинг иш жойини, яшаш жойининг ҳақиқий манзилини, телефон рақамини ва Мижоздан олинган бошқа маълумотларни қидириш ва текшириш; Мижознинг Банк маҳсулотларига бўлган қизиқишини аниқлаш; Мижозни маркетинг сегментларига тайинлаш; Мижозга Банкнинг бошқа маҳсулотларини тарғиб қилиш хизматларини кўрсатиш (шу жумладан Банк томонидан тақдим этиладиган бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа шартномалар тузиш имкониятини Банк томонидан кўриб чиқиш).

7.4. Мижоз микрокредит бериш тўғрисида шартнома тузишда Банкка исталган вақтда кредит битимини тузиш, ўзгартириш ва ижросини мониторинг қилишда таваккалчиликни баҳолаш мақсадида, шу жумладан кредит ахбороти субъектларини рейтинг баҳолаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадларда кредит тарихи бюросидан ўзининг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотларни сўраб олишни топширади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Банк Идентификация қилиш ва Аутентификация қилиш тартибини амалга оширгандан сўнг, шу жумладан Аутентификация маълумотлари ва/ёки кириш кодлари ёрдамида МБХ орқали Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган амалиётлар тўғрисида маълумот олиш.

8.2. Кредитни Шартномада белгиланган муддатлардан олдин исталган вақтда жарималар ундирилмасдан тўлаш.

8.3. Кредитдан фойдаланишни бошлашдан олдин 30 (ўттиз) календар кун ичида кредит олишдан бепул воз кечиш.

8.4. Кредит ажратиш тўғрисидаги шартнома амал қилиш даврида бир иш куни давомида ойига бир марта қуйидаги маълумотларни бепул ёзма шаклда олиш:

- кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси тўғрисида;
- асосий сумма бўйича қарз қолдиғи тўғрисида;
- кейинги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари тўғрисида (тўловлар жадвали);
- муддати ўтган қарздорликнинг миқдори ва таркиби тўғрисида;
- тушган маблағлар кредит бўйича қарзни тўлашга йўналтирилиши тўғрисида.

8.5. Мижоз ушбу турдаги ҳужжатлар электрон шаклда МБХ воситалари ёрдамида алмашиш шартини қабул қилади, улар қоғоздаги ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга.

Қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларни олади:

8.6. Шартномага ва Банк Тарифларига мувофиқ шу жумладан амалга оширилган операциялар бўйича даъволар билдирилган тақдирда, бундай даъволарни қондириш бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар қарзни тўлаш ва Банк хизматларини тўлиқ ҳажмда тўлаш.

8.7. Банкка ушбу Шартномада ва Банкнинг амалдаги Тарифларида назарда тутилган

комиссиялар ва тўловларни тўлаш.

8.8. Ҳисобварақда ойлик тўловлар миқдорини тўлов санасидан кечиктирмай таъминлаш. Тўлов санасида (шу жумладан) ҳисобварақда Банк томонидан Ойлик тўловларни ҳисобдан чиқариш учун етарли маблағ бўлмаса, муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлади, бу ҳақда маълумот Банк томонидан кредит бюроларига тақдим этилади, бу эса Мижознинг кредит тарихига салбий таъсир қилади.

8.9. Кредит лимитига риоя этилишини назорат қилиш ва Техник овердрафтнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

8.10. Картани ва/ёки Ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчини Аутентификация қилиш учун ишлатиладиган мобил телефони рақамини ва/ёки абонент қурилмасини учинчи шахсларга фойдаланиш учун бермаслик.

8.11. ПИН-код, Кириш кодлари, Аутентификация маълумотларини сир сақлаш, картадан алоҳида сақлаш ва ҳеч қандай ҳолатда учинчи шахсларга бермаслик.

8.12. Банкнинг сўровига биноан, агар керак бўлса, Банкка Қарз олувчининг молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларни Банкнинг тегишли сўрови олинган кундан бошлаб уч иш куни ичида тақдим этиш.

8.13. Қарз олувчини идентификация қилиш, у билан боғланиш ва/ёки молиявий ва мулкий ҳолатини аниқлаш учун Банкка илгари тақдим этилган Ф.И.Ш., яшаш жойи, иш жойи, индивидуал маълумотлари, шахсий, биографик маълумотлари ёки бошқа маълумотлар ўзгарган тақдирда, ушбу ўзгаришлар тўғрисида Банкка бундай ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб бир кун ичида хабар бериш.

8.14. Банк, унинг ходимлари ва ҳуқуқий ворислари томонидан ҳар қандай маълумот манбаларидан фойдаланиб, Қарз олувчи томонидан тақдим этилган маълумотларни, шулар қаторида Суровнома ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни, шу жумладан яшаш жойига, ишига ва бошқаларга ташриф буюриш орқали текшириш ва қайта текшириш имконини тақдим этиш;

8.15. Асосий қарз, пенялар, жарималар ва/ёки Шартнома шартларидан келиб чиқадиган бошқа кредит тўловларининг муддати келганда Банкка автотўлов Картасидан ва/ёки Қарз олувчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобварағидан, Қарз олувчининг мобил иловасига бириктирилган ҳар қандай картасидан, шунингдек Қарз олувчининг бошқа банклардаги ҳисобварақларидан маблағларни сўзсиз ечиб олиш бўйича акцептсиз, сузсиз ва қайтариб олинмайдиган ҳуқуқни тақдим этиш.

8.16. Банкнинг талаби бўйича, Банк томонидан кўрилган барча харажатлар ва зарарларни, шу жумладан ушбу Шартнома доирасида тақдим этилган кредит (асосий қарз ва бошқа тўловлар) бўйича қарзни мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш чораларини кўриш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

8.17. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ва Қарз олувчининг Шартнома бўйича Банк олдидаги мажбуриятларини бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик хавфи пайдо бўлишига олиб келадиган ҳеч қандай мажбуриятларни олмаслик ва чораларни кўрмаслик.

8.18. Мижоз иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза берганидан кейин кейинги иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда Банкка хабар бериш.

